

Махон АДАБИЁТИ

Адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал



Жамоатчилик кенгаши:

Абдулла ОРИПОВ
Омонулла ЮНУСОВ
Муҳаммад АЛИ
Абдухалил МАВРУЛОВ
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Низом КОМИЛОВ
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ
Хуришид ДЎСТМУҲАММАД

МУАССИСЛАР:

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

Бош муҳаррир:
Шухрат РИЗАЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Амир ФАЙЎЗУЛЛА
Назира ЖЎРАЕВА
Отабек САФАРОВ
Дилдорхон АЛИЕВА
Алимурод ТОЖИЕВ
Алишер ОТАБОЕВ
Даврон РАЖАБОВ
Севара АЛИЖОНОВА
Шаҳноза НАЗАРОВА

МУНДАРИЖА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. Эй дўстлар. (Рус ва инглиз тилларига А. Старостин, А. Обид тарж.).3

НАСР

И.КАЛАШНИКОВ. Қаттол аср. Тарихий роман. (Рус тилидан М.Йўлдошев тарж.).7

ЭПОС – ТАФАККУР ДУРДОНАСИ

А.ПУМПУР. Лачплесис – латиш халқ қаҳрамони. Эпос. (Рус тилидан
М.Қўшмоқов, К.Жўраев тарж.).38

НОБЕЛЬ СОВРИНДОРЛАРИ

Т.МОРРИСОН. Ўз уйим... Роман. (Рус тилидан Д.Алиева тарж.).50

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Ўрмонлар дуоси. Қозон татар шоирлари ижодидан. (Татар тилидан Т.Қаҳҳор тарж.).89

ГЛОБУС

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ

Корея Республикаси адабиёти ва санъати манзаралари.146

Корейс шеърияти.163

Корейс насри.172

УСТОЗ ТАРЖИМОНЛАР БИСОТИДАН

Ўткир ҲОШИМОВ.138

АДАБИЙ САЁҲАТ

М.ОТЕРО СИЛЬВА. Йиғлагим келса ҳам йиғламайман. Роман. (Рус тилидан
О.Отахон тарж.).103

Унутилмас сиймолар.199

Муковамизда.201

Тарихда бу кун.202

Таквим.204

Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни.206



Алишер НАВОИЙ

(1441–1501)



ЭЙ ДЎСТЛАР

*Ёрдин ҳижрон чекар ушишоқи зор, эй дўстлар,
Неча тортай ҳажр, чун йўқ менда ёр, эй дўстлар.*

*Ёр ишқин асрагил пинҳон, дебон саъй этмангиз,
Ваҳ, не навъ этгум йўқ ишни ошкор, эй дўстлар.*

*Ишқ бирла гар биров лофи вафову аҳд урар,
Ишвагарлар аҳдига йўқ эътибор, эй дўстлар.*

*Айламанг бекаслигимни таън, бир кун бор эди
Менда ҳам бир нозанин чобуксувор, эй дўстлар.*

*Ёрсиз вайронда қон йиғлармен охир, сиз қилинг
Ёр бирла гашти боғу лолазор, эй дўстлар.*

*Ёрсиз ифрот ила гар йиғласам, айб этмангиз
Ким, эрур бу иш манга беихтиёр, эй дўстлар.*

*Дўстлуқ айлаб тутунг гаҳ-гаҳ лаболаб жомким,
Қасди жон қилмиш манга дарди хумор, эй дўстлар.*

*Май ичингим, даҳр эли ичра кўп истаб топмадуқ
Аҳду паймонида бўлгон устувор, эй дўстлар.*

*Ёрингиз васлин ганимат англабон шукр айлангиз
Ким, Навоий ўлди бекасликда зор, эй дўстлар.*

“Бадоеъ ул-васат”, 140-газал

ЛУҒАТ:

Ушшоқ – ошиқлар
 Ҳажр – айрилик, фироқ
 Саъй этмоқ – ҳаракат қилмоқ, уринмоқ
 Не навъ – қандай қилиб
 Бекас – ёлғиз, кимсасиз
 Ишвагар – нозу карашма қилувчи
 Таън – таъна, маломат
 Чобуксувор – чавандоз; бу ўринда: ёр
 Ифрот – ҳаддан ошиш, кўпайиш, тўлиб-тошиш
 Лаболаб – тўла, лиммо-лим
 Даҳр эли – дунё аҳли

Ғазалнинг насрий баёни

Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи

1. Эй дўстлар, ошиқ аҳли ёрнинг фироқида изтироб чекади, менда эса бундай изтироб йўқ, чунки менинг ёрим йўқ.
2. Эй дўстлар, “ёр ишқини овоза қилма, сир сақлагин” деб панд-насихат қилишга уринманг, ахир, қандай қилиб йўқ нарсани ошкор қилишим мумкин?
3. Эй дўстлар, агар бирор кимса ишқ йўлида аҳду вафо ҳақида лоф урса, эътибор берманг, чунки ишвагарлар аҳду вафосига жиддий қараб бўлмайди.
4. Эй дўстлар, менинг ёлғиз эканлигимни таъна қилманг, менда ҳам бир вақтлар бир нозанин ёр бор эди.
5. Эй дўстлар, мен вайронада ёрсиз қон йиғлаб, изтироб чекаман, сиз эса ёрингиз билан боғу лолазорни сайр қилинг.
6. Эй дўстлар, ёрсизликда ҳаддан ортиқ кўп йиғласам, мени айб қилманг, чунки бу ҳол менинг ихтиёримдан ташқарида рўй берапти.
7. Эй дўстлар, дўстлик кўрсатиб, менга ҳар дам май тўла жомдан беринг, чунки хумор дарди жонимга қасд қияпти.
8. Эй дўстлар, сиз ҳам май ичинг, чунки бу дунё кишилари орасида аҳду паймонида устувор бўлган кимсани учратмадик.
9. Эй дўстлар, ёрингиз висолидан баҳраманд эканлигингизни ғанимат билиб, шукур қилинг, чунки Навоий ёлғизу кимсасизликда (ёрга) зор бўлди.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Мазкур ғазал лирик қаҳрамоннинг рухий ҳолати ва изтиробларини ифодаловчи “шарҳи ҳол” йўсинида ёзилган бўлиб, шоирнинг ўрта ёш лирикасига мансубдир. Ғазалда “эй дўстлар” радифи орқали замон аҳлига мурожаат қилинади ва бу мурожаат шеърда бошдан-оёқ нидо санъатининг етакчилик қилишини таъминлайди. Шеърда шоир ўзининг бекас, кимсасизлиги ҳақида сўз юритар экан, ўтмишидаги яширин бир нуқтага ҳам ишора қилиб кетади, яъни “менинг ёлғиз эканлигимни таъна қилманг, менда ҳам бир вақтлар бир нозанин ёр бор эди”. Бу байт

навоийшуносликдаги “Алишер Навоий ёшликда бир гўзалга кўнгилик қўйган” тарзидаги қарашларнинг асосли эканлигини кўрсатади. Шунингдек, шоир умрининг охирида ёзилган “Лисон ут-тайр”даги

*Бир неча кун умрдин топсам амон,
Шарҳи ишқим назм этай бир достон.*

*Анда билгай кимгаким инсофдур
Ким, сўзум чинмудурур ё лофдур, –*

каби мисралар ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

Кўринганидек, ғазалнинг дастлабки тўрт байтида ёр тимсоли орқали гўзал маъшуқа тушунилса, бешинчи байтдан бошлаб ёр тимсолининг ифода қатлами кенгая боради, энди бу тимсол орқали дўст, пири комилни тушуниш мумкин бўлади ва унга муҳаббат орқали илоҳий қудрат кашф этилади.

Кейинги байтлар “навоиёна услуб”нинг яна бир жилвасини ўзида намойиш қилади: шарҳи ҳол йўналишидаги ғазал таркибига орифона маъно юкланади:

*Ёрсиз вайронда қон йиғлармен охир, сиз қилинг
Ёр бирла гашти боғу лолазор, эй дўстлар.*

Бир қарашда ушбу байтда ошиқнинг вайронада ёрсиз қолиб, қон йиғлаётгани тасвири келтириляётгандек. Аслида байтдаги “вайрон”дан мақсад бу дунё, “ёр бирла гашти боғу лолазор” қилиш эса пири комил васлидан баҳраманд бўлишдир. Кейинги байтларда Навоий “ёрсиз”лик азоби тасвирини кучайтирар экан, бу азобнинг чораси сифатида май ичмокликни тараннум этади, зеро, май бу ўринда илоҳий файз рамзи. Шоирнинг фикрича, бу дунёга кўнгилик қўйганлар орасида вафо аҳлини топиш қийин, фақат илоҳий файз туфайлигина абадий саодатга эришиш мумкин.

Умуман олганда, ҳазрат Навоийнинг ушбу ғазали орифона мазмунни мажозий тасвир ва нозик ишоралар орқали баён этиши билан мумтоз шеърятимизнинг ноёб дурдоналари сирасига киради.

Ғазалнинг русча таржимаси

Таржимон – Анатолий СТАРОСТИН

*С любимой в разлуке, невольно рыдает влюбленный, друзья!
Ах, сколько страдать еще буду я с ней разлученный, друзья!*

*Зачем вы велите мне в тайне любовь к моей милой хранить?
Ужель может скрыть свою тайну любовью спаленный, друзья!*

*Когда заверенья и клятвы услышите в вечной любви –
Не верьте вы слову коварных, чья хитрость бездонна, друзья!*

*Меня упрекать не спешите за то, что я стал нелюдим –
Когда-то ко мне дорогая была благосклонна, друзья!*

*Без милой я плачу в руинах – спешите помочь мне, чтоб я,
С любимой вдыхал ароматы весны благовонной, друзья!*

*Коль плачу безмерно без милой, вы в том не вините меня;
Не в воле моей эти вздохи и горькие стоны, друзья!*

*Прошу вас, содвиньте фиалы с вином, пожалейте меня,
Я полон безмерно жаждой – и неутоленной – друзья!*

*Прильните к бокалам. Искал я средь мира, но нет, не нашел,
Таких, кто бы твердым был в клятвах, с душой непреклонной, друзья!*

*Любимых к груди прижимая, подумайте о Навои,
Что плачет сейчас одиноко, тоской удрученный, друзья!*

Ғазалнинг инглизча таржимаси

Таржимон – Аъзам ОБИД

Hey, Friends

*Distressed lovers suffer from the beloved's separation, hey friends,
I do not have my true love, so I'm not in laceration, hey friends.*

*Would you advise that I need to keep the sweetheart's love a secret,
I'd nothing to do with it, can't make a revelation, hey friends.*

*If someone exaggerates with love about his dedication
To the promise of the finicky, do not pay attention, hey friends.*

*Do not always reprehend my choice saying that I'm forlorn,
Since in the past I too had a beautiful creation, hey friends.*

*You enjoy with your love-mate in the gardens and tulip fields,
Without love, I'll cry bitterly in site of devastation, hey friends.*

*Do not blame me if I shed too much of tears without sweetie,
Cause often it happens to me with no advance intention, hey friends.*

*Be my friend and from time to time put a glass into my mouth,
Craving tries to assassinate myself sans satisfaction, hey friends.*

*Drink wine, since many times seeking among people in the whole world,
We didn't find anyone steady in promise and devotion, hey friends.*

*Be grateful for having a tryst with your own dearest lover,
Since in loneliness, loveless Navoi's in needy situation, hey friends.*



Исай КАЛАШНИКОВ

(1931–1980)

ҚАТТОЛ АСР

Тарихий роман¹

Рус тилидан

Муслимбек ЙЎЛДОШЕВ таржимаси

Устахонага келганларида Жарчиўдай қанғанинг темир зулфинини кўздан кечирди. Омбур билан зулфининг тилчасини суғуриб олди. Зулфин чийиллаб очилдию, қанға ерга тушди. Темучин бўйнини ишқалаб бир зум турган бўлди, аммо елкасидаги оғир юкка ўрганиб қолганидан, посангисини йўқотиб, гандираклаб кетди. Юраги қаттиқ, бесаранжом гупилларди. Наҳотки озод бўлса?

Жарчиўдай энгашиб қанғани олди-да, Темучинга узатди.

– Ҳозир яна тақиб ол. Эрталаб байрамга борасан. Ҳамма навкарлар ғирт маст бўлади. Қочиш учун бундан қулай пайт топилмайди. Керак бўлганида тилчасини ўзинг суғуриб олиб ташлайсан. Сўрғон-Шира йўлга от билан егулик тайёрлаб қўяди.

– Жарчиўдай, яхшилигингни ҳеч қачон унутмайман!

– Олдин қочиб олгин...

– Мен отимни учуриб саҳрога чиқиб олсам бўлгани! – Темучин озодликка чиқиш ҳақидаги хаёлининг ўзидан маст бўлиб кетди. Кўзларини юмиб, бошини бир силтаб олди.

У тун бўйи ухломмади ҳисоб. Хаёллари худди тошдан-тошга урилиб оқаётган жилға сингари беқарорлигидан фикрини бир жойга тўплай олмасди. Гоҳ ўзини бу ерлардан олисда, онаси ва укалари бағрида ҳис қилиб кўрар, гоҳида эса, қочишни удда қилолмасая, тутиб олишса-чи, дея ваҳима босарди. Калтаклашар? Ёки умуман ўлдириб юборишса-чи? Мўридан ғира-шира ёруғлик кириши билан у ўрнидан турди, қанғасини кўздан кечириб чиқди. Тилча суғуриб олинган жойда кўчган изни сезиб қолишмасин учун уни кул ва лой аралаштириб суркаб ташлади. Жалма ҳам уйқудан турди. Ўтовдан чиқиб олиб, у имо-ишора билан Темучинни чақириб олди.

– Сен бугун қочиб кетасан. Мен биламан.

– Яна гап пойладингми?

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

– Ҳм... – Жалма унга тиғи кенг кичкинагина пичоқ узатди. – Ма, ол, керак бўлиб қолади.

Темучинни олиб кетгани Тойчи-Қури келди ва улар байрам ўтказилиши керак бўлган жойга қараб кетдилар. Ялтироқ тасмадай бўлиб оқаётган Унон узра куёш балқиди. Турли қушларнинг сайроқлари эшитилаётган қирғоқ бўйидаги бутазорлардан енгилгина буғ кўтарила бошлади. Байрам ўтказиладиган жойда кўчма ўтовлар тикилган аравалар зич турар, сафар чодирлари тортилган, қозонлар тагига қаланган ўтдан тутун кўтарилмоқдайди. Хизматкорлар овқат тайёрлаш билан овра. Нўёнлар бўлса, наमतлар устида хотин, бола-чақалари қуршовида, офтобдан кўзларини қисиб олганча эринчоқлик билан эснаб, керишиб ўтиришарди.

Овчи-баходир келиб, Торғутой-Қирилдукнинг ўтови қуриладиган ерни кўрсатди. Темучин ҳам бошқа хизматкорлар қаторида ишга уннаб кетди. Кейин нўённинг баковули у билан Тойчи-Қурига ўтин тайёрлаш, қозонларни ювиш, дарёдан сув келтиришни буюрди. У асло тинчлик бермасди. Мусобақалар бошланганида улар на курашчиларни, на камондан ўқ узиш биринчилигини ва на пойгани томоша қилолдилар. Довулларнинг тинимсиз гумбуллаши, оломоннинг бақир-чақирларидан Темучиннинг қулоғи қоматга келди. Куёш тиккага келиб, борган сари қиздирар, тердан ҳўл бўлиб кетган бўйнидаги қанғаси сирпанавериб жонига текканди. Истаган пайтда қанғасини улоқтириб ташлаши мумкинлигини билиб тургани учун ҳам, Темучинга бу қанға баттар ёмон кўриниб кетди. Шунинг учун ҳам байрамнинг шодон ола-ғовури унинг жаҳлини чиқарарди.

Мусобақалар тугагач, Торғутой-Қирилдукнинг ўтовига номдор меҳмонлар тўпланишиб, зиёфат бошлашди. Улар орасида Темучиннинг қариндошлари: Дўритой-ўтчигин, Хучар, Сача-беки, Ўлтон, Бўри-Бухалар ҳам бўлиб, уларнинг ҳаммаси Темучиннинг катта бобоси, мўғулларнинг биринчи хони, шавкатли Хабул-баходирнинг зурриётлари эди. Қариндошларнинг олдиларида шароб қуйилган косалар ва гўшт тўла ёғоч товоқлар турар, Темучин эса, исқирт ва йиртиқ-ямоқ кийимда, терчиган, бўйнида шармандали ва оғир қанғаси билан, худди ўзга юртлардан тутиб келинган қора қул каби, Торғутой-Қирилдукнинг судралган баковулига хизмат қилиб юрарди. Унга ҳам, қариндошлари ва бошқа ҳамма меҳмонларга ҳам бу кўринишнинг маъноси аён эди. Хучар кўзларини олиб қочар, Дўритой-ўтчигин бўлса, худди юмшоққина наमत эмас, наъматанинг тиканли шохлари устида ўтиргандай безовталанар эди. Елкадор ва бақувват Сача-бекининг қовоғи солиқ, кўркамгина Ўлтон лабларини тишлаган, уришқоқ ва полвон келбатли Бўри-Буха эса норозилигидан пишиллаб ўтирарди. Фақатгина ҳар доим тунд юрадиган Торғутой-Қирилдук бугун жуда ҳам очик ва меҳмоннавоз эди. Темучин унинг учун рақибларига отилган бир ўқ эди. Кўриниб турибдики, ўқ нишонга тегди.

Майли, хурсанд бўлиб тур-чи, Торғутой-Қирилдук! Сизлар ҳам, хурматли қариндошларим, кўриб қўйинглар, сизлардан биттангизни қандай хўрлашаётганини. Кўриб қўйинглар ва ёдингизда тутинг.

Бақовул уни яна ўтинга юборди. У чизимчани олиб, атрофга қараб қўйди. Зиёфатдагилар анча ширакайф бўлиб қолишган, у билан энди бировнинг иши йўқ эди. У энди бу ерга қайтмасликка қарор қилди. Бўлди. Нима бўлса бўлар.

Тойчи-Кури ҳам у билан бирга юрди.
– Сен борма, – деди Темучин унга.
– Овчи-баходир сендан бир қадам ҳам ортда қолмасликни буюрди.
Сенинг ҳар бир қадамингни унга етказишимни айтди.

– Шундай бўлса ҳам сен қол.

Тойчи-Кури пешонасидаги терини артди, қуёшга қаради.

– Қун ботишига ҳали анча бор.

– Сен нима деяпсан? – хавотирланди Темучин.

– Шунчаки, ўзим. – Тойчи-Кури очик чехра билан кулиб қўйди.

Аммо Темучин унга ишонмади. Қайтанга, баттар қўрқувга тушди. Агар Тойчи-Кури унинг мақсадини англаб қолган бўлса, бошқалар ҳам билиши мумкин. Бир дақиқани ҳам бекор ўтказмай қочиш керак.

Буталар орасига кириб, у қанға зулфинининг тилчасини суғуриб олди-да, майса устига улоқтирди.

– Темучин, керакмас, ҳали эрта! – безовгаланди Тойчи-Кури. – Ҳали эрта.

– Сенинг ишинг бўлмасин! Сенинг ишинг индамаслик.

– Бўпти, – дея кўнди Тойчи-Кури. – Фақат сен менинг қўл-оёғимни боғла, бошимга қанға билан яхшилаб тушир.

Темучин арқон билан Тойчи-Курининг қўлларини орқасига килиб чирмаб ташлади, оёқларини ҳам маҳкам боғлади. Тойчи-Кури тиззалаб олди-да, бошини эгди.

– Ур!

Темучин унинг дағал сочларига, бошидаги иккита ўрамасига қараб туриб, юзини ўгирди. Уни уришга қўли бормади.

– Сол, Темучин! Яхшилаб сол. Бўлмаса мени ўлдиришади.

Темучин ўзидан нафратланиб, қанғани тепага кўтарди-да, зарб билан уни Тойчи-Курининг бошига туширди. У бир ингради-да, майсага кулади. Яна бошини кўтарди. Юзига қон оқиб тушди, гезариб кетган пешонасида эса тер томчилари кўринди. У кулишга уринди.

– Яхшигина ғурра бўлади. Эсдалик учун. Қоч! Мадакдор руҳлар сени асрасин.

Темучин дарё бўйлаб пастга, овул томонга югуриб кетди. Ўнон дарёсида тиззасигача сувга ботган отлар бошларини эгиб, думларини айлантириб турарди. Буталар соясида икки навқар ўтирарди. Темучин толлар орқасидан юриб, қоровулларни айланиб ўтмоқчи бўлди. Аммо улар Темучинни кўриб қолиб, ёнларига чакиришди. Темучин уларга чап бериб қочди. Аскарлар унинг кетидан қувламоқчи бўлдилар-у, тез-да ниятларидан қайтдилар. Аммо Темучин бундан тинчланмади. Чунки улар Тойчи-Курини кўриб қолишса, ким қочгани маълум бўлади. Унда аҳволи оғирлашади.

Тахмини тўғрига ўхшайди. Тез орада орқадан от туёқлари дупури эшитилди. Туёқлар овозига қараганда қувлаётганлар кўпчилик эди. Ҳам унинг ортидан изма-из, ҳам чўл тарафдан айланиб ўтиш мақсадида қувлашмоқда эди. У тўхтаб ўтирмади, кулоқ солмай чопаверди. Юзини шох-шаббалар тилар, кийимлари шириллаб йиртилди. Бирдан бутазор тугаб қолди. Олдинда офтобда сарғайган пастак ўтлар ва у ер-бу ердаги дерисунлардан иборат очик майдон турарди. На беркиниб бўлади, на қочиб кета олади. Чап тарафда дарё ўйноқлаб оқарди. Темучин нариги қирғоққа ўтиб олиш умидида ўзини сувга отди-ю, аммо нариги

қирғоққа чиқа олмаслигига кўзи етди. Отлиқлар ҳозироқ етиб келишлари, уни ўқ-ёйлар билан тилкалаб ташлашлари ёки унинг ортидан сувга тушиб, худди лаққадек ушлаб олишлари аниқ эди. У қирғоққа қайтди. Сув остида тўнкани сезиб қолган Темучин оёқларини унинг тагига тикиб олди-да, ўтирди. Қирғоқдаги бутанинг шохини шошиб ушлаб юзини яширди. Сув юзасида ҳеч ким кўринмаса, таъкибчилар нари ўтиб кетишлари мумкин эди.

Худди шамолдек отлиқлар тез етиб келишди. Қирғоқда тўхтаган отларнинг бетартиб туёқ дупури эшитилди.

– Шу орада бўлиши керак. Қидирларинг. Тополмасаларинг, ҳаммангни чавақлаб ташлайман!

Темучин Овчи-баҳодирнинг овозини таниди.

Навкарлар шошилганча буталар орасини титкилай бошлашди. Уларнинг бири худди Темучин яширинган бутанинг олдига келди. Унинг оёқлари остидан тупроқ шувиллаб сувга тўкилди, бир калтак учиб тушиб, сувда оқиб кетди.

– Нариги қирғоққа сузиб ўтган. Бу ердан қидириш бефойда, – деди навкар кимгадир.

– Овчи-баҳодир нариги қирғоққа ҳам одам жўнатди. Ҳеч қаерга кетолмайди. Байрамни дабдала қилди, малла бўривачча.

– Кўлга тушсами, тўкиб ташлаймиз!..

Овозлар борган сари узоқлашди. Сукунат чўкди. Сал нарироқдаги ўрамадан балиқча сакраб қолди. У шўнғиган жойдан айланалар ҳосил бўлиб, атрофга тарқади. Дарё ўртасидаги тўлқинларда қуёш жилваланар, уларнинг ярқироқ нури кўзни қамаштирарди. Нариги тарафда, пастак қумлоқ қирғоқда отлиқлар кўринди. Улар тўхтаб, қумга синчковлик билан тикилиб Темучиннинг изларини кидиришарди. Ўзи турган қирғоқда навкарлар овози эшитилмай қолган бўлса ҳам, у сувдан чиқишга жазм қилмади. Кун ботиши билан у оқим бўйлаб қирғоқ ёқалаб сузиб кетди. Овул рўпарасига келганида сувдан чиқди-да, бир жойда эмақлаб, бир жойда қорни билан судралиб, Сўрғон-Ширанинг ўтовига етиб олди. Ўтовда ўчоқ липиллаб турар, унинг эгаси бўлса, тамом кўркув ичида эди.

– Отни олгин-да, тез жўна. Сени деб, бизни ўлдиришади. Тойчи-Кури ҳам тирик қолмаса керак. Уни шунақанги уришдики!

Сўрғон-Ширанинг ўғиллари Чимбой ва Чилонунлар ҳам шу ерда ўтиришар эди. Улар бир-бирларига қараб олишди.

– Бугун кетса бўлмайди, ота. Ҳаммаёқда навкарлар. Овул атрофига эса қоровуллар қўйилган, – деди катта ўғли Чимбой.

– Бу ерда тутиб олишса-чи, унда нима бўлади?

– Шундай қилиш керакки, тутиб олишмасин, – деди Чимбой.

Сўрғон-Шира ўғиллари билан баҳслашиб турганда, унинг қизи Хадан Темучинга қайнатилган гўшт бўлаги ва бир коса қатиқ келтириб берди. Аммо у овқатга қарамай, ота-болаларнинг гапига қулоқ солиб, қўллари билан эгнидаги кийимининг сувини сиқиб тушириш билан овора эди. У ҳозироқ бу ердан кетишга тайёр эди. Лекин у овулдан сездирмай чиқиб кетишнинг иложи йўқлигини ҳам тушуниб турарди. Қирғоқдан Сўрғон-Шираникига етиб келгунича, у овул худди душман хужум қилган пайтлардагидек жунбишга келганини пайқаган эди.

Хадан акаларининг гапини маъкуллади:

– Биз уни жун ортилган арава ичига яшириб қўямиз. Ҳеч ким топа олмайди.

– Майли, – дея Сўрғон-Шира кўнишга мажбур бўлди.

Ота-болалар жун ортилган аравани ағдаришди. Темучин арава тагига ётиб олгач, унинг устидан яна жунни ортиб, арқон билан боғлаб қўйишди.

Эртаси куни куёш яна қиздирди. Темучин иссиқдан, жун сассигидан бўғилиб кетди. Оқибати нима билан тугаши номаълумлигидан кўрқувга тушди. Пешин пайти кимдир арава тагини тақиллатди.

– Бу мен, Чимбойман. Улар сени ўтовма-ўтов қидириб чиқишяпти. Жим ёт.

Темучин қўйнидан Жалма ҳадя қилган пичокни чиқарди. Топиб олишадиган бўлса ҳам қўлга тушмайди. Аммо бу фикри ўзини тинчлантирмади. У ўзини худди атрофида тулки искаб юрган ожиз қушчадай хис қилди. Отилиб чиқиб, ортига қарамасдан, боши оққан томонга қочгиси келиб кетди, ишқилиб, кутиб ётмаса бўлди...

Ўтов олдида овозлар эшитилиб қолди. Кимдир шундоққина арава олдидан ўтиб кетди.

– Темучинни қидиряпсизларми? – Бу Сўрғон-Ширанинг овози эди. Унинг гапи итоаткорона ва мулойим эшитилди. – У ярамасни яхшилаб қидиринглар. Мана бу ерни қаранглар. Ҳўв анави жойни ҳам. Ким билади, унинг миясига қаерга беркиниш келганин. Айтишларича, болакай жуда ҳам муғомбир экан.

Овозлар аравага яқин келди.

– Жун кимники?

– Меники. Ўзим бўлсам, муҳтарам Торғутой-Қирилдукнинг содик хизматкорлариданман. Демак, жун ҳам унга тегишли.

– Арқонни бўшат.

– Яхши. Мен ҳозир. Тугун тушиб қолибди... Ўҳ, иссиқни қаранглар-а! Шунақа жазирамада жуннинг ичида одам тура оладими? Бу иссиқда салқингина ўтов ичида қимиз ичиб ётиш керак.

– Қимизинг борми?

– Қимиз ҳам, архи ҳам топилади. Лаънати тугун. Кесиб ташлашга увол.

– Йиғиштир. Бунақа иссиқда ростдан ҳам жуннинг ичида ўтириб бўлмайди. Юр, ўтовга бошла.

Темучин бу сафар ҳам мангу мовий осмон ўзига марҳамат кўрсатганини тушунди.

Тун чоғи у овулдан чиқиб олди. Тонг отганида овулдан анча узоқлаб кетганди. Тагида яхши от, тўрваларида озуқа, саноч тўла қимиз ва кўлида таранг ёйи бор эди. Энди уни ҳеч ким тута олмайди. Йўлга уч-тўрт кун кетса, у уйида бўлади.

Майин шабада майсаларни сийпаларди. Шарқ тарафдан қип-қизил қондек бўлиб куёш кўрина бошлади. Сахрога одатда момақалди роқ ва ёғингарчиликлар арафасида бўладигандай, сукунат чўккан эди.

УЧИНЧИ ҚИСМ

II

Бир камон ўқи учиб борарлик масофаларда Темучин, Хасар ва Билгуйлар дерисун буталари орасига яшириниб, ер бағирлаб ётиб олишганди. Уларнинг олдиларида чўл куёши куйдириб ташлаган сап-сарик яланглик ястаниб ётар, у ер-бу ерда курукшаган буталарнинг чўп бўлиб қолган ўзақлари тарвақайлаб турарди. Узоқда икки чавандознинг қораси кўринди. Улар Темучиннинг кичик укалари Хачиун билан Тамуға-ўтчигин эди. Улар гоҳ бир тарафга, гоҳида бошқа тарафга кетиб қолишар ва шу кўйи аста-секин яқинлашиб келишарди. Темучин кўзи живирлаб кетгунича чўлга тикилар, аммо ердан кўтарилаётган ҳовур кўз олдидаги манзарани чалкаштириб, чавандозларнинг олдиларида бирон-бир нарсани пайқай олмасди. Лекин у қаердадир, яқингинада, ортларидан таъқиб қилаётган отлиқларга хавотирли қараб-қараб, тувалоқ қушлар юриб келаётганини аниқ биларди. Агар Хачиун билан Тамуға-ўтчигин уларни кўрқитиб юбормасдан, ақл билан иш кўрсалар, қушлар уларнинг рўпарасига келиб кўнишади. Бу жой жуда қулай. Чапда ҳам, ўнгда ҳам тик қоялар. Эҳтиёткор тувалоқлар қоялардан нарироқда юришади.

Темучин тирсагига тиралиб бошини кўтариб қаради-да, яна дарҳол ерга ёпишиб олди: қушлар кўринди. Энди жудаям хушёр бўлмоқ лозим. Темучин камонига ўқ қадаб, укаларига маъноли қараб кўйди. Хасар кимир этмай ётар, чопони ҳам курукшоқ ўтлар рангига аралашиб кетганидан кўзга ташланмасди. Билгуйтой ҳам қушларни кўрганлигини билдириб, имо-ишоралар қилди. Темучин унга муштини ўқталиб кўйган эди, Билгуйтой тош қотди.

Овчиларга қараб олтига қуш келарди. Улар кўрқув ичида бошларини сарак-сарак қилиб, орқаларидан келаётган отлиқларга қараб кўйишар, ўзлари эса секингина илгарилаб боришарди. Тўсатдан уларнинг бири такқа тўхтаб, Билгуйтой ётган тарафга тикилиб қолди-да, кўрқувдан қийкириб юборди. Ҳамма қушлар Темучин томонга чопиб қолишди. Улар шовқин солиб учишар, қанотлари ҳаддан ташқари улкан ва оғирлигидан ҳеч қачон ердан кўтарила олмайдигандек кўринарди. Аммо улар Темучиндан икки ўқ масофасида оёқларини ичга тортиб олиб, секинлик билан кўтарила бошлашди. Темучин улар ўзига яқинроқ келишларини кутиб, сакраб ўрнидан турди. Таранг тортилган камон бир жаранглаб кетди, куёш тиғида ўқнинг найзаси қисқа муддат ярақлади-ю, тувалоқ тўп этиб ерга тушди. Ўқнинг қарсиллаб сингани, қуш қанотларининг қуриган ўтларга шитирлаб урилгани эшитилди. Қуш бир сакраб тушиб, оёғи осмондан бўлиб ётиб қолди. Тўшидаги оппоқ патлари орасида оч қизил қон кўринди.

Учиб кетаётган қушни биринчи бор уриб туширган Темучин шодлигидан чинқириб юборди.

Хасар билан Билгуйтойлар югуриб келишди. Билгуйтой синган ўқнинг қолганини намоишкорона суғуриб оларкан, қушнинг оғирлигини салмоқлаб кўриб:

– Семизгина! Хасар, қара! – деди.

– Мен сенга кўрсатиб қўяман! – деди Хасар унга мушт ўқталиб. – Қушларни чўчитиб юбординг-ку! Бир соламан!..

– Хасар, бас қил! – деди Темучин. У ака-укалар уришиб кетиб, ўзининг хурсандлигини чиппакка чиқаришларини хоҳламасди.

Хачиун билан Тамуға-ўтчигинлар отларни етаклаб келишди. Темучин ўлжасини эгарга осди-да, куёшга қаради. Кун тиккага келиб қолганди. Иссиқ чидаб бўлмас даражада қиздирарди. Билгутойнинг тупрокдан кир бўлиб кетган дум-думалоқ юзидан тер оқиб тушарди. Пешонасидаги терни кафти билан артар экан, ҳалигача муштини тугиб турган қотма Хасарга хавотирда қараб турарди.

– Уйга кетдик, – деди Темучин.

– Йўқ! – жаҳл билан бошини чайқади Хасар. – Яна ов қиламиз.

Чамаси унинг қуруқ кўл билан қайтгиси йўқ эди. У акасига очик ҳасад қилиб турарди. Хасар ҳаммадан, ҳатто акаси Темучиндан ҳам мерганроқ эканини ҳамма биларди. Аммо ов пайтида ҳар доим Темучиннинг кўли баланд келаверарди. У овдан жуда кам ҳолларда қуруқ қайтарди.

Темучин укасига ҳеч нима демасдан отига минди-да, гўё сахро устида ҳаволаб қолгандай жимирлаб турган нурсиз тепаликларга қараб юрди. Ўша тарафда, кичкинагина бир ирмоқ ёнида уларнинг ўтовлари тикилган эди. Кўм-кўк майсалари жуда мўл бўлмаса-да, бу жой тинч, кимсасиз эди. Улар икки ойдан бери шу ерда, бегоналарга рўпара бўлмасдан яшашарди. Шунгача улар яшаш жойларини жуда кўп маротаба ўзгартиришди. Ҳаттоки бир тасодифий йўловчи ўтиб қолса ҳам, Темучин хавотирда ўтовини кўтариб кўчиб кетарди. У Торғутой-Қирилдукни асло унутмасди.

Хасар унга етиб олиб, ковоғини уйганча сўради:

– Темучин, Билгутой билан мени сахрода қолдириб кетаверасанми? У қушларни чўчитиб юбордими, энди мен ҳам бир ўлжали бўлмагунимча ёнимда бўлади.

Укасининг ўжарлиги Темучинга ёкмади. Шунинг учун:

– Уйга кетамиз, – деб кўйди.

– Сен Билгутойнинг ёнини олаяпсан! Бу адолатдан эмас.

– Жим бўл! – Темучин ҳам қизишиб кетди. – Адолат эмиш... адолат нималигини биласанми, ўзи?

Хасар ўпқаланиб отини секинлатди, атай орқарокда қолди. Отлар аста йўргалаб борарди. Сахрога сукунат тушган, бор тирик мавжудот иссиқдан ин-инига кириб кетган, ҳаттоки тинчимас чирилдоқларнинг ҳам чакаклари ўчган эди. Қуёш ҳарорати ва ачимсиқ шувоқ хидидан кишининг боши айланарди. Хасарнинг хархашасидан кўнглида пайдо бўлган ғашлик ҳамон Темучинни тарк этмаган эди. Уни қаранглар, нима адолатдану нима адолатдан эмаслигини ўйлаб қолибди. Ожиз одамлар адолат ҳақидаги мулоҳазалари билан ўзларини паналайдилар. Худди қалқон каби. Аммо Торғутой-Қирилдук буни ўйлаб ўтирмайди, нима хоҳласа, ўшани қилаверади. Унинг ҳаётини сершовқин овуллардан олисларда дайдиб юрган сахро бўрисининг ҳаётига айлантириб ташлаган Торғутой-Қирилдук бунинг адолатдан эмаслигини бирон марта ҳам ўйлаб кўргани йўқ-ку. Лекин нўёнлару оддий одамларнинг қилмишларини ўлчайдиган мезон адолат бўлиши керак. Падарингга минг лаънат, Торғутой-Қирилдук! У фақатгина оилани пароканда қилгани йўқ. У солган қўрқув худди ярага сепилган туз янглиғ қалбини

ўртаб, ҳаловатидан ҳам маҳрум қилиб қўйди. Шунинг оқибатида у кизикқон ва бетгачопар бўлиб қолмадими? Онаси ҳатто бир неча марта уни койиганди: “Одамнинг жаҳли чикқанида тўғри ҳам қийшиқ, силлик ҳам ғадир-будур бўлиб кетади”. Онаси, албатта, ҳақ эди. Ўзини қўлга ола билиши керак, яқин кишиларни беҳуда хафа қилмасликни ўрганиши керак. Ҳозир ҳам Хасарга бекор бақирди. У ҳам ножўя иш қилгани йўқ. Қадим тамойилларга амал қилинадиган бўлса, Билгутой, албатта, жазоланиши керак эди. Бунақанги ов пайтида йўл қўйилган хатолар учун калтакланар, атай қилган бўлса, киши ҳатто ўлдириларди. Ўзининг кайфиятини ўйлаб, ўзи ҳам адолатсизлик қилди.

Отини тўхтатиб, Темучин Хасарнинг яқин келишини кутиб турди. Кейин қамчисининг учи билан укасининг елкасига астагина уриб қўйди.

– Хафа бўлма, ука. Ҳали биз кўп ов қиламиз. Тувалоқларни ҳам, чопқир жайронларни ҳам, шохлари бурама тоғ эчкиларини ҳам ўлжа оламиз. Билгутой бўлса, ўзининг эҳтиётсизлиги учун эртага кун бўйи тезак теради. Билгутой, шундайми?

Соддадил Билгутой бўлса, ўзини оқлай кетди:

– Менда айб йўқ. Мен худди ўликдай ётган эдим. Ҳаттоки киприкларимни ҳам қоққаним йўқ. Ўзинг кўрдинг-ку, Хасар... Лекин тувалоқлар шундай яқин келишганида, иштонимнинг ичига кириб олган чумоли энг нозик жойимни тишлаб олса бўладими. Бошқа одам бўлганида ўрнидан туриб бақириб қоларди. Мен бор-йўғи ихрадим, чумоли тишлаган жойни қашлаб қўйдим, холос.

Кичик укалари кулиб юборишди.

– Билгутойда айб йўқ, чумоли айбдор, – деди Хачиун.

Ўтовга яқинлашишганида кун пешиндан оққан эди. Уларни онаси билан Хоахчин кутиб олишди. Ўғилларини кўрган онанинг юзига табассум югурди. У Темучиндан кўп хавотир бўлар, аммо бу хавотирини ҳеч қачон юзига чиқармас, ҳар сафар улар овга отланишганида унинг ортидан ҳадик аралаш тикилиб қолишини ўғли ҳам биларди. Қайтишганида она ўғиллари нима ўлжа олиб келишгани билан унча иши бўлмас, фақат аввал болаларини бошдан-оёқ кузатиб чиқар, соғ-омон кўрса, худди ҳозиргидай юзига табассум югурарди. Шундан кейингина овқатга ун-наш учун ўтовга кириб кетарди. Хоахчин бўлса бутунлай бошқача. Озгина ўлжа туфайли ҳам у овчилардан кўра кўпроқ хурсанд бўлиб кетарди. Тувалоқни эгардан ечиб олар экан, у қувончидан шодон кулар, мулойим кўзлари бахтдан ёнарди.

– Во-ей, Темучин, азамат-эй! Ҳар куни гўшт еймиз-а! Семиз паррандаларни еявериб, ўзим ҳам семириб кетдим.

Ўтов ёпинчиғининг таги бироз кўтариб қўйилгани сабабли шабада аста эсаётгани учун ташқарига қараганда бу ер салқинроқ эди. Онаси ўғилларининг олдига сузма қўйди, косаларга қимиз тўлдирди. Ҳаммалари эркакларга хос оғирлик билан ўрин тепасига илинган ўнгонларга¹ озгинадан қимиз томизишди, олов руҳи шарафи учун сузмадан ҳам қитгайгина қурбонлик қилишди. Укалари биринчи бўлиб Темучиннинг қимиз ҳўплашини кутиб туришди. У бир-икки култум ичгандан кейингина чанқоғини зўрға босиб турган укалар ҳам косаларга ташланишди.

¹ Ўнгон – чарм кўғирчоқ, маъжусийлар сиғинган санамлардан бири.

– Болаларим катта бўлиб қолишди, – деди она хўрсиниб, – беш ўғлим кўлимнинг беш бармоғи...

Темучин ўзининг кўлига қаради. Бармоқларини бир-бир қимирлатди-да, ҳаммасини букиб, мушт қилди. Мушти ёмонмас, қаттиққина. Бировнинг чаккасига туширса, оёқда қолиши гумон.

– Темучин, сен Дой-Чечаннинг хузурига боришинг керак. Оила қуриш вақтинг келди. Дой-Чечанга куёв бўлсанг, балки, бизни ўз ҳимоясига олишига кўнғиротларни кўндира оларсан.

– Аммо ўзинг айтардинг-ку, одамлар кучсизларга эмас, кучлиларга ёрдам беришади, деб. Нима, биз кучлимизми? Кўнғиротлар хузурига бориш учун ёнимга оладиган навқарим ҳам йўқ-ку. Дой-Чечан, балки, мен билан гаплашишни истамас?

– Темучин, нимадандир бошлаш керак-ку, ахир. Катта дарёлар ҳам ирмоқлардан бошланади. Бир умр Торғутой-Қирилдукдан қочиб юрармасмиз.

– Торғутой-Қирилдукнинг овулига бориб кўяқолсак-чи? – сўради Хасар. – Шартга сўйиб ташлаймиз-кўямиз, бировдан ёрдам сўраб ўтиришга ҳам ҳожат қолмайди.

Онаси кулимсиради.

– Шошқин дарёлар денгизгача етиб бормайди, Хасар. Қумга сингиб кетади. Биз шошмасдан, ўйлаб иш қилишимиз керак. Аввал кўнғиротларни ўзимизга яқинлаштириб оламиз, кейин отангизнинг андаси Тўғорилни. Вақт ўтиб, бировнинг ёрдамига ҳам муҳтож бўлмай қоласизлар.

Темучин индамади. Унинг тушларига ой каби думалоқ юзли, қисик кўзли қайлиғи Бўрта бир неча бор кириб чикқан эди. Лекин у Дой-Чечаннинг хузурига боришдан чўчирди. Мабодо Дой-Чечан аввалги унаштирувни менсимай, уни куёв қилишдан воз кечган бўлса, яна бир хўрланишни ҳазм қилиши ва яна бир умидидан маҳрум бўлиши тайин эди.

– Борамиз, Темучин! Биз, Билгутой иккимиз сенинг навқарларинг бўламиз. Агар Дой-Чечан биз билан гаплашишни истамаса, Бўртани индамай олиб кетаверамиз.

Онаси синиқ кулимсиради.

– Эҳ, Хасар, Хасар, жуда ботир йигитсан-да! Аммо ақл бўлмаса, ботирлик ипи тортилмаган ёйдай гап. Бемаъни маслаҳатлар билан Темучиннинг бошини қотирма. Қўй, унинг ўзи ҳал қилсин.

У қуш патини юлишга қарашиш учун Хоахчиннинг ёнига кетди. Қизишиб кетган Хасар бўлса, асоссиз йўл-йўриқлари билан Темучиннинг жонига тега бошлади. Темучин индамай ўтовдан чикди-да, соялаб ёнбошлади. Жазирама иссиқнинг ҳам тоби кета бошлади, ирмоқ атрофидаги пода саҳро томон кўзгалди. Унча кўп бўлмаса ҳам, подасига қараганда Темучиннинг кўзи қувнаб кетарди. Ўзиники! Ўзлари ёлғиз чўлда қолиб кетишган йилнинг совуқ қиши унинг ёдидан чикмасди. Ўшанда ер юзида умуман одам қолмагандай – яхшиси ҳам, ёмони ҳам. Бу фикр унинг миясига шу қадар чуқур ўрнашиб қолган эдики, ақлдан ҳам озадигандай эди. Энди Темучин бунақанги ўйларга бормас, унга қолса, уларнинг ўтовидан бир ойлик масофада инсон зоти қолмаса ҳам рози эди. Тинчроқ яшашармиди. Аммо отасининг дўстларидан ғамхўр Мунлик ва унинг катта ўғли шомон Теб-тангри, Тойчи-Қури

билан унинг онаси, темирчи Жарчиўдай, Торғутой-Қирилдукқа қимиз етказиб турувчи Сўрғон-Шираларнинг ўтовлари ёнма-ён турса, қандай яхши бўларди... Улар Темучинга ёрдам берганларида ҳеч қандай манфаатни кўзлашгани йўқ. Қизиғи шундаки, уларнинг биронтаси ҳам қариндош эмас, ҳаммалари бегона уруғлардан. Буни қарангки, одамларни қариндошлиқдан ҳам кучлироқ ришталар боғлар экан. Бу нима экан-а?

Қачон у бир ўзи ёлғиз қолар экан, доимо мана шундай ўйлар миясини чулғаб оларди. Нимага? Балки бу хаёлларнинг асл сабаби унинг ички безовталигидан, ўз ҳаёти учун мудом кўрқиб яшаётганлигидандир? Дой-Чечан ҳузурига борса, Бўртага уйланиб, қўнғиротлар билан бирга яшаса, балки қалби ором топармиди? У подасини боқиб, ов овлаб, тинчгина кун кечирарди. Одамга кўп нарса керак эмас, тинчлик ва егулик бўлса, бас. Сахро кенг ва бепоён, одамлар бир-бирларига халал бермасдан яшай олишлари мумкин. Яшай оладилар. Лекин нима учун одамлар тинч, муроса қилиб яшамайди?

Қуёш уфққа томон яқинлашиб, сахро пешиндагидан бутунлай бошқача бўлиб қолди. Дўнгликларда узун соялар пайдо бўлиб, қумлар узра ястанди ва кундузи теп-текисдай кўринган сахро ғадир-будур дўнгликлардан иборатга ўхшаб қолди. Кучсизгина шабада майсаларни базўр тебратарди. Инларидан чиқиб олган юмронқозиқлар худди куш сайроғи сингари овоз чиқара бошлади. Сичқонларнинг аста чийиллаши, кўлмакдаги бақаларнинг қуриллаши эшитилди. Тўқ кулранг сирчумчук ўтовдан сал нарироққа келиб кўнди, кулгили ҳаракатлари билан бир-икки ўтириб турди-да, бир нимадан қуруқ қолгандай ўзини буталар орасига урди. Темучин чўлга кўз югуртириб қарадию, хаприқиб кетди. Тепалиқдан икки чавандоз шошилмай тушиб келишарди.

– Она!

Онаси атрофга қарадию, шахд ўрнидан туриб, ўтовга кириб кетди.

– Тез бу ёққа келинг!

Ўтов ичида ака-укалар ўринларни ёйиб ташлаган, қувнаб ўйнашарди. Билгутой қорни билан узала тушиб ётар, Хасар билан Хачиун уни қўлоёқларидан ушлаб туришар, Ўтчигин бўлса унинг яланғоч елкаларига шاپалоклаб урарди.

– Одамлар келишяпти! – деди она пичирлаб.

Болалар тез ўринларидан туриб, ўтовдан югуриб чиқишди. Ўйлун наматни кўтариб, Темучинга унинг тагига ётишни буюрди. Кейин унинг устига кийимларни уйиб қўйди.

У ташқаридан майса устида енгил дупурлаган от туёқлари ва чавандозларнинг оҳиста салом-алигини эшитди. Онаси Хасар билан Билгутойга отларни эгардан бўшатишни буюрди.

– Отларингиз чарчагандир, узоқдан келяпсиз, шекилли? – сўради Ўйлун. Унинг овозида кўрқув ҳам, ҳадиксираш ҳам сезилмас, лекин бу, у асло кўрққани йўқ, дегани эмасди. Ўйлун ўзини тутишни яхши биларди.

Темучин меҳмонларнинг жавобларини кутди.

– Тўғри топдинг, узоқлардан келаяпмиз. Қариндошларимизникига меҳмонга борувдик. Қаерда тунасақ экан, деб бошимиз қотиб келаётувдик, сизнинг ўтовингизга кўзимиз тушиб қолди.

– Бу ёққа ўтинлар.

– Биз шу ерда бироз дам олволамиз.

Нукул меҳмонларнинг биттаси гапирарди. Иккинчисининг овозига қараганда ёшроқ, шекилли, ёши каттароғининг гапини тасдиқлагандай “ха-ха”лаб қўшилишиб турарди:

– Ҳа, ха. Шу ерда.

– Мен ҳозир шолча тўшаб бераман.

Онаси ўтовга кириб, Темучин ётган жойга энгашди.

– Жим ёт, турма, – деб пичирлади.

Демак, онаси бир кўнгилсизликни сезган. Темучин устидаги кийимларни бироз суриб, суҳбатни диққат билан эшитишга чоғланди.

– Э-э, мазали қайнатманинг ҳиди келаяпти-ку!

Хоахчиннинг хавотирли овози эшитилди:

– Бировларнинг қозонига кўз олайтириб нима қиласан? Меҳмон шунақа қиладими, а?

Хоахчин ҳақ эди. Яхши ниятли меҳмонлар сира бунақа иш тутмайди.

– Жим, Хоахчин! – Онасининг овози ҳалиям хотиржам эди. – Булар йўлда чарчашган, очиқишган. Қозонга қарашгани билан овқат камайиб қолгани йўқ.

– Тўғри айтдинг. Кун бўйи туз тотганимиз йўқ. Томоқларимиз қақраб кетди.

– Ҳа, ха. Чанқаб кетдик.

– Ўтовга киришлар. Қўлимиз калтароғ-у, аммо қимиз ва архи топилади. Қуролларингизни шу ерда қолдириш. Тинч ўтовга ўқ-ёю қилич билан кирилмайди.

– Эр хотинини ёнидан қўймаганидек, жангчи ҳам қуролини қўлидан қўймайди. Бировлар қўлига тушиб қолиши мумкин, – дея меҳмон қулиб қўйди.

Қадамлар эшитилиши билан Темучин шошилиш бошини яшириб олди.

– Она, анави остонани босди!¹ – Бу жаҳли чиқиб кетган Хасарнинг овози эди.

– Қичқирма, йигитча, қичқирма! Бехосдан босиб олдим, шунгайм шунчами?

– Йўқ, сен атайлаб босдинг! – қичқирди Хасар. – Мен кўрдим!

– Сени бақириб-чақириб қаршилаган ўтовда меҳмон бўлиш мумкинми? Кетдик.

Улар ташқарига чиқиб, гулхан олдига келишди. Ўйлун ўтовда қолиб, мешдан қимиз қўйди. Темучин яна бошини кўтарди. Онаси бўлса бармоғини лабига босиб, чиқиб кетди.

– Аввал ўзинг ичиб кўр. Биз бу ерда мангу уйкуга кетмоқчи эмасмиз.

– Нима учун мен ҳақимда бунақа ёмон ўйга борасиз?

– Чунки биз сени биламиз...

– Ҳа, ха, Ўйлун, биламиз, – дея шошинқиради иккинчиси.

– Катта ўғлинг қаерда, Ўйлун?

– У йўқ. Овга кетган.

– Биз уни кутамиз.

– Уни нима қиласизлар?

¹ Мўғул-туркийлар одатича, остонани босмай, ҳатлаб ўтиш зарур.

² “Жаҳон адабиёти” № 8

– Бизга унинг кераги йўқ. Торғутой-Қирилдуқ уни кўрмоқчи. Темучинни олиб борсак, мукофот оламиз. Бизнинг ишимиз юришиб қолди. Ростдан ҳам қариндошларникидан қайтаётган эдик. Қарасак, ўтов турибди. Нимага у бир ўзи, овуллардан узокда турибди? Ўғиллари билан Ўйлун эмасмикин бу ерда беркиниб яшаётган, дедим. Келсак, ростдан ҳам сен экансан.

– Темучин бу ерларга қайтмайди. Сизлар ҳам мукофотсиз қоладиган бўлдинглар!

– Оламиз. У келмаса, мана бу бакирокни олиб кетаверамиз. Бу ҳам бўлмаса, бошқасини. Нўён ҳам шундай деганди. Ҳаммаси қочиб кетса, ўзингни олиб кетамиз.

– Сизлар ҳам, нўёнларингиз ҳам ёввойи ҳайвонсизлар, ўзингизга ўхшаган одамларни ҳам еяверасизлар! Кўкрагингиздаги одам юраги эмас, илонники, заҳар томиб туради.

– Қара-я, у бизни уришяпти.

– Ҳа, ҳа, уришяпти.

– Ўпкалашга ўрин йўқ. Нўён сизларнинг биттангиз бўлса ҳам унинг ёнида, қўли етадиган жойда яшашингизни хоҳлаяпти, холос. Шунда у тинчийди. Зотингиздан ёки қариндошларингиздан биров чиқиб бир ёмонликни бошлаб қолса, гаровдаги одам бошини қўлтиғига олиб, боболари тарафга равона бўлиши учун. Бор гап шу!

Темучин лабини қонатгудай тишлади. У қахру ғазабдан бўғила бошлади. Наҳотки шу буюк саҳрода бу қонхўр Торғутой-Қирилдуқдан яширинадиган бир бўлак жой бўлмаса? У ўзининг оёқ-қўлини боғлаб отга ўнгариб, қайнаган саҳрода олиб кетишаётганини, Овчи-баҳодир билан Ўлдайлар масхаралашаётганини кўз олдига келтирдию, баданида муздек сув югургандай бўлди. Наҳотки у ўзининг бўйнига яна қанға илишларига йўл қўйиб берса?

Онаси бу чақирилмаган меҳмонлардан:

– Ўрин тўшаб берайми? – деб сўради.

– Ў, сен яхши хотин экансан-у. Аммо биз саҳрода ухлаймиз. Сизлар қочиб қолмасликларинг учун эса ҳамма отларни ўзимиз билан олиб кетамиз. Шунақа, қани, бека, қимиздан яна қуй-чи.

Онаси ўтовга кирди. Мешга шундай эгилдики, эшикни орқаси билан тўсиб қўйди. Темучин ўтириб олиб, имо-ишора билан пичоқ беришни сўради. Она бошини кескин силтаб, эшитилар-эшитилмас қилиб гапирди:

– Мумкин эмас. Ўз уйи остонасида қон тўккан одамдан осмонлар ҳам юз ўгиради.

– Агар бу одамлар...

– Жим! – Кейин овозини баландлатиб: – Хасар, кел, менга қарашиб юбор! – деди.

– Нима дейсиз? – Лабларини қимтиб олганича жаҳли чиққан Хасар кирди.

– Уларни боғлаб ташланглар! – қаттиқ оҳангда гапирди она. – Мен ҳозир косани тушириб юборишим билан ташланинглар. Темучин, сен ўнгда ўтирганига, сизлар эса укаларинг билан бошқасига, хўпми?

– Нимага ичкарида қолиб кетдинг, бекам?

– Шу ердамиз.

Темучин ўтов остонасигача эмаклаб келиб, бир мўралаб олди. Нав-

карлар қўлларида шокосалари билан ўтовга орқа ўгириб ўтиришарди. Анави, калта сочлари оқарган, ўнгда букчайиб ўтиргани Овчи-баходирнинг буйруқларини сўзсиз адо этадиган, шафқатсиз ва қайтмас, содиқ навқари эди. Чопонининг ёғ босган ёқаси қип-қизил бўйинларига қапишиб кетган иккинчисини Темучин танимади.

Хасар укалари билан гулхандан сал берирокда туришар, у укаларига бир нималарни шипшиган эди, улар хаяжон аралаш бир-бирларига қараб олишди. Ёши катта навқар буни дарҳол сезди.

– Нималарни пичирлашяпсанлар?

– Баландроқ гапириб сизга халал бермайлик деяпмиз-да, – дея тик гап қайтарди Хасар.

Қуёш деярли ботиб бўлган, атрофни қоронғилик босганди, фақат у ер-бу ердаги чаловларнинг устигина оловланиб турарди.

Катта навқар косани қўйди. Онаси уни қўлига олди.

– Қуяйми?

– Йўқ. – У ўрнидан турди, қорнини силади. – Яхшигина тўйдим. Сен ўзимиз билан олиб кетишга қимиз бер. Гўштдан ҳам олволамиз. Сен, бақирок, биз билан борасан.

Онаси чинқиргандай бўлиб, косани тушириб юборди.

Темучин икки ҳатлаб навқарнинг устига ўзини отди. Қўллари билан бўйнидан сиқиб олди, тиззасини орқасига тираб туриб, ўзига бир тортди. Иккови ҳам ерга қулади. Навқар хириллаганича қўлини пичоғи дастасига чўзди. Аммо Ўйлунининг нозик қўли ундан чакқонроқ ҳаракат қилиб, уни тортиб олди-да, четга улоқтирди ва шу ондаёқ ақл бовар қилмас тезлик билан хом теридан қилинган чилвир билан навқарнинг ўнг қўлини боғлаб ташлади. Хоахчин чопиб келиб, жангчининг чап қўлини боғлашга ёрдамлашди. Темучин бармоқларини бўшатиб, ўрнидан туриб олди. Иккинчи навқар қорни билан ерга ағнатилган, тўртгала ака-ука эса баравар уни миниб олишган эди. Унинг ҳам қўлларига банд тушди. Ҳеч ким бир оғиз ҳам сўз айтмас, фақат хирилдоқ овоз эшитиларди, холос. Темучин “ўзининг” навқари биқинига бир тепди.

– Тур!

Навқар пишиллаб ўрнидан турди. Унинг кўзлари ҳайратли боқарди. Оғир қиличи тортиб турганидан белбоғи қорнидан пастга тушиб кетган эди. Темучин ердан пичокни олиб, унинг боғичини кесиб ташлади. Қилич ерга тушди. Навқарнинг ғижимланган қалпоғини тортиб олиб, қиличнинг устига ташлади. Хасар ҳам акасидек, ўз асирини каттасининг олдига итарди. Қалпоқсиз, ёқавайрон ҳолда улар асло жангчига ўхшамай қолишган эди. Темучин лабларига масҳараомуз кулги инди.

– Яна қимиз ичасизларми? – деди-да, унинг юзига қасоскорона ва аламли мушт туширди. Навқарнинг бурнидан қон оқиб кетди. Бу қон Темучиннинг кейинги муштлири зарбидан атрофга сачрар, қўллари ҳам қора қонга беланган эди. Она ўғлининг нафратини кўриб, уни нарига олиб кетди, елкаларига осилиб олди.

– Ўзингни бос! Ўзингни бос, ўғлим!

Навқар энгашиб олди, хириллаганча оғзи тўла қонини тупурар экан:

– Сен, малла иблис, узоққа борасан. Нўён сени қутурган итдек боғлаб қўйишни хоҳлаётгани ҳам бежиз эмас экан.

– Боғлаб қўёлмайди! – қичқирди Темучин.

– Ҳа, энди бунни кўриб турибман. Боғлаб қўёлмайди-ёв. Сени ўлдирмай бекор қилган экан-да. Бизни сўйиб ташлайсанми?

– Ичак-човоғингни қўлимда суғуриб оламан!

– Жим бўл! – онаси куйинчаклик билан бақирди. – Кетинглар, – деди навкарларга қараб.

Каттаси тупуришдан тўхтади.

– Энг яқин овулгача отлиқ тўрт кунлик йўл. Егулик ва ичгуликсиз биз етиб боролмаймиз.

– Ҳа, ҳа. Егулик, ичгуликсиз, – дея йиғламсираб такрорлади иккинчиси.

Хасар уни бир тепди.

– Жўна, тиррақи бузоқ!

Катта навкар Ўйлунга ялинди:

– Қўлларимизни ечиб юбор.

Темучин онасидан аввал деди:

– Тишларинг бор, чайнаб ечасан.

Навкарлар зулмат қоплаган сахро қўйнига кириб кетишар экан, ака-укалар уларни ҳай-хуйлаб, хуштак чалиб кузатиб қолишди. Онаси ғамга ботганча бошини чайқаб қўйди.

Темучин тунда ухламади. Ўтов ташқарисидан эшитилаётган товушларга кулоқ солиб ётди. Унинг назарида навкарлар қайтиб келишадию, уларни қўлга олишади ёки отларини олиб қочишадигандай эди. Тонг-отарда туриб кийинди. Навкардан қолган белбоғни боғлади. Унинг камони ва садоғини ҳам елкасига илди. Хасар ҳам уйғониб, уйқули кўзларини бир-икки очиб юмди-ю, ўрнидан даст туриб, ҳеч нарса демай кийиниб, белига қиличи ва пичоғини илди.

– Қаёққа кетаяпсизлар? – она бошини кўтариб сўради.

– Бугун кўчамиз. Тарбағонларга тузоқ қўйган эдик. Ўшаларни ечиб қайтамыз.

– Тузоқларинг узокдами? – сўради она ўғлига тикилиб қараркан.

Темучин кўзини олиб қочишдан ўзини базўр тийиб қолди.

– Она, биз тез қайтамыз.

Бу орада Билгутой ҳам уйғонди. У ҳам акаларига эргашди. Отларнинг ўзлари минадиганларини эгарлаб, қолганларини ўтлашга қўйиб юборишди.

– Мен биламан, қаерга кетаётганимизни, – деди Хасар. – Мен тез топаман.

– Эй, сен, жим бўл! – ковоғини уйди Темучин.

Улар ирмоқ ёқалаб от солишди. Навкарлар қирғоқдан нари кетишолмаслиги аниқ: сувсиз сахрога йўл олиш ўлим билан баробар. Темучин улар жуда узоклаб кетишмаган бўлса керак, деб ўйлаганди. Бироқ кечки салқинда навкарлар илдамроқ ҳаракат қилишган чамаси. Уларга анча кеч етиб олишди. Ҳеч пиёда йўлга чиқмаган навкарлар оёқларини базўр судраб боришарди. Таъқибчиларни кўриб тўхташди. Умрларининг сўнгги дақиқаларини маънисиз қочиш билан тугатишни истамадилар, чоғи.

Бир ўқ масофага келишгач, ака-укалар камонларини ўқладилар. Кеча жон аччиғида Темучин навкарларни уриб, тепиб, бўғиб ташлаши мумкин эди. Аммо бугун у жаҳлидан тушганди. Шунинг учун ҳам ёй

тортаётган кўллари енгилгина титраб, пешонасига совуқ тер чикди. Хасар билан Билгутой ҳам ундан қолишмасдилар, чамаси. Учта ўқдан биронтаси ҳам мўлжалга тегмади. Навкарларнинг катгаси ерга тупурди, мишикилар, дея сўкди. Темучин ўзини кўлга олди. Кўллари қотди. Ёйлар тортилаётган пайтда ёш навкар чидолмай қочишга тушди. Шу ондаёқ Хасар отган ўқ унинг икки кураги ўртасига кириб улгурди. Темучин ўқни катта навкарнинг кўкрагига мўлжаллади. Навкар бир силкинди. Билгутойнинг ўқи унинг қорнига қадалди. Навкар шилқ этиб тиз чўкди, гўё ердан бир нарса олмоқчидай кўлларини салгина кўтардию, юзи билан ерга қулади.

– Бўлди, – деди Темучин ўз овозини танитай.

Улар тарафга юрмоқчи бўлганини сезиб, Хасарни тўхтатди.

– Борма...

– Ўқларимиз-чи?

– Кейин. Кетдик...

Темучин вужудида қандайдир оғир хорғинлик сезди. Эгарга ҳам аранг ўтириб олди.

Тузокларни ечгач, ўқларни олишга қайтишди. Жароҳатлардан оқиб тушган қон ерда қорайиб турар, устида пашшалар ғужғон ўйнарди. Осмонда катта доиралар ясаб, кузгунлар қанот қоқарди. Темучин жилвони бир силтадию, отига қамчи уриб, елиб кетди. Бўғзига алланима тикилиб, кўнгли айнади. Нимагадир йиғлагиси келди.

Онаси уни кўрдию ҳаммасини тушунди. Ўғлининг кўзларида ғазаб чакнади.

IV

Темучинлар янги жойга жуда кеч этиб келганлари учун ўтов тикиб ўтирмай, шундоққина очиқ осмон остида уйкуга кетишди. Саҳарлаб ҳамма ишга уннаб кетди. Билгутой бўлса, тарбағонларни излаш пайига тушди.

Ўтовни тикиб бўлиб, ўчоқни ёқишди, ўнгонларга қурбонлик келтиришди. Бармоқларидан оқиб тушаётган сут томчиларини ўнгонларга томизиб турар экан, Темучин тиниқ, мовий осмонга, унга тегай-тегай деб турган қояларга термилиб қолди. Нигоҳи тоғу тошлардан секингина яшил ўрмонга қадалар, ундан ўтиб пастроқда кум дўнгалаклари ва тепаликлардан иборат кулранг-қўнғир тусли саҳрога тутшиб кетарди. Қирликни қиялаб Сингур дарёси оқар, унинг ҳар икки қирғоғида гўё сувни саҳро хас-чўпларидан химоя қилгандай, майда тол буталари ўсиб турарди. Сал нарироқда ястанган яшил қамишзорлар орасида бир чизик бўлиб кўл сатҳи живирлаб турарди. Қамишзор узра ёввойи ўрдаклар галаси учиб юрарди.

Қаердадир, шу атрофда, уларнинг қўналғалари бўлган эди. Торғутой-Қирилдуқнинг навкарлари уни ўша ердан тутиб олиб кетишганди... Темучин бу ҳақда эслагиси келмади. Юган тизгинининг узилиб кетган жойини улаш учун ўтовга кириб кетди. Рўпарасига Хасар келиб ўтирди. Қинидан қиличини чиқариб олди-да, бир бўлак кигиз билан ишқалаб тозалади. Ярақлаб турган тиғга худди ойнага қарагандай боқди, бурни остида сабза урган мўйлови устини бармоғи билан силади. Хасарнинг

энг хуш кўрган машғулоти шу – қиличини ярақлатиш ва унинг аксида ўз юзига тикилиш. Катта бўлишга шошиляпти...

– Бу ёкка бер-чи, қилични...

Темучин Хасарнинг кўлидан қиличини олиб юзига яқинлаштирди. Ярақлаган энсизгина темир парчасида у тўзғиб ётган узун сочларини кўрди. Бир нима қилиб сочини тарашлаб, чаккаларидаги кокиллариини ўриб олиши керак. Афти-ангори искирт қорачаларникага ўхшаб кетибди. Шундай аҳволда Дой-Чечан ҳузурига борсами, Бўртани бериб бўпти. Сочлари сал тўқ ранг олиб, маллалари билинар-билинемас бўлиб қолибди. Отасининг бўлса боши қип-қизил эди. Худди мис қозоннинг ўзи. Уники ҳам мис рангига яқин-у, аммо ўтда қорайгандай эди.

Қилични сал энгаштирган эди, энди унинг аксида кенг пешонали, ковоқлари уюлган, оч-сарик кўзли, қаншаридан анча четда ўсган калта, тўғри қошли кимсани кўрди. Бурни ости ва ияклариданги туклари дағал ва малла эди. Бу энди, худди отасиники каби малла эди. Лекин, барибир, Хасар ундан анча чиройли. Пешонаси сал орқага ястанган, ковоқлари бўртиб чиққан, чаккалари тарафга қараб ўсган узун, бароқ қошларига қараган одам, унинг кескир, шиддаткор табиатини уқиб олиши мумкин. Билгутой бошқача феълли бола. У Хасарга қараганда юмшоқтабиат, дўлвор йигит. Қулча юзли, қувнок...

– Фужин! Фужин! – Хоахчиннинг кўркув тўла овози эшитилди. – Одамлар келишяпти. Темучин, қоч!

Темучин билан Хасар ўтовдан отилиб чиқишди. Дарё боши тарафдан олти отлик улар томон яқинлашиб келарди. Темучин атрофга тез қараб олди. Қочадиган жой йўқ! Ўтовга қайтиб кириб, ўқ-ёйини олиб чиқди. Хасар ҳам худди шундай қилди. Она эса, гўё бу номаълум кишилардан уларни пана қилгандай, болаларини ўзи билан тўсиб олди. Темучин олдинга ўтиб, чавандозлар томонга пешвоз чиқди.

Отлиқлар бўлса дарҳол тўхташди, тўп бўлиб олиб, бир нималарни маслаҳатлашди-да, дарҳол ўтов қолиб, бошқа томонга бурилишди.

– Нима бўлди? Улар қаерга кетишяпти? – сўради Хасар.

Аммо Темучиннинг ўзи ҳам бу отлиқлар нима қилишаётганини билмай гаранг эди. Отлиқлар кетган тарафда, тепалик ёнбағирларида кўй подаси ва от уюри ўтлаб юрарди. Бирданига кўйлар думбаларини ўйнатиб чопиб қолди.

– Ўғрилар! – қичқириб юборди онаси. – Темучин!

Темучин уларнинг йўлини тўсиб чиқмоққа шошилди. Бироқ отлик қайда-ю, пиёда қайда! Улар сахрога қараб отларини сурдилар. Туёқлар остидан кўтарилган чанг майса устини коплади. Темучин билан Хасар камондан бир-икки ўқ отиб кўришди-ю, аммо бу ўқлар ярим йўлдаёқ ерга санчилди. Чавандозларнинг бири тўхтаб, бир нималар деб қичқирди ва мазах қилиб кулди-да, яна ўртоқлари томон отини чоптириб кетди. Ака-укалар то ўғрилар кўздан ғойиб бўлгунча уларнинг кетидан тикилиб қолишди. Кейин ўтовга қайтишди. Онаси арава устида иягини кафтига тираб, сахрога қараб ўтирар, кўзларидан эса милтираб ёш оқарди. Хоахчин ҳам йиғлар, орасида:

– Вой-ей, энди қандай кун кўрамиз! – деб нола қилиб қўярди.

Темучин чакаларида оғриқ тургунча тишини-тишига босди. Нима учун осмон уларни бунчалик қийнайди? Битта ғамни даф қилиб улгур-

масдан, иккинчиси эшик қоқиб турибди. Шунча одамга биттагина от қолди, бу қандай ғам! На кўчиб бўлади, на қочиб. Мана сенга уйланиш...

Билгутой қайтиб келиб, отининг эгарини ечишга шайланган эди, Темучин уни тўхтатди:

– Эгарга тегма. – У садоғини ўқ билан тўлдириб, белига қиличини осди. – Она, мен кетдим.

Онаси умидсизлик билан қўлини силкиб қўя қолди. Хасар отнинг жиловини ушлади.

– Темучин, мен бора қолай, рухсат бер!

– Нарн тур!

– Нима бўлди, а, нима бўлди? – Билгутой қўрқув аралаш сўради.

– Нима, кўраяпсанми? – Жаҳл билан бақирди Темучин. – Отларимиз қани?

Сақраб отга минди-да, зарб билан қамчи урди. От пишқирганча, кулоқларини чимириб, сахро томон елдек учиб кетди. Аввалига ўғрилар кетган тарафга истамайгина от суриб юрди-ю, кейин бирдан шошиб қолди: бунақада уларни кўздан қочириш мумкин. Чавандозларнинг изидан тушди. Иши ўнгидан келиб, худди қордай оқариб ётган бир шўрхок устида от изларини кўрди. Қаттиқ ерларда отларнинг изи тамоман йўқолиб қолар, шунинг учун ҳам изма-из юриш мушкул эди. Ҳадеганда отини тўхтатиб, ерга диққат билан қараш, туёқлар изини топиб олиш керак бўларди.

Сахрога тун чўқди. Темучин отини тушовлаб, ерга узала тушиб ётди. Бошини эгарга қўйди. Қорни очқаб кетди. Аксига у ўзи билан егулик олмаган эди...

Шундоқ бошгинасида қатта-қатта юлдузлар чарақлаб турарди. Борлиққа сукунат чўккан, фақатгина майса чимдиётган отининг “кирт-кирт”и эшитиларди. Темучин юлдузларга термилар экан, кучсизларга бу ҳаётда яшаш жуда оғир экани ҳақида хаёл сурарди. Унинг навқарлари бўлганида анави аблах ўғрилар бунчалик сурлик билан куппа-кундузи, ҳамманинг кўз ўнгида отларини олиб қоча олармидилар? Қайтага, улар унинг ўтовидан нарироқдан ўтиб кетишган бўларди. Бир нима қилиш керак. Бундай яшаб бўлмайди. Эртами-кечми ёмон ниятли одамлар уларни барибир хонавайрон қилишади.

Темучин сахарлаб яна йўлга тушди. Пешинга яқин чоғроққина, суви шўртатим бир кўл олдидан чиқиб қолди. Босқинчилар шу ерда тунашибди. Ўчиб қолган гулхан атрофидаги майсалар топталган, ерда тозалаб чайналган суяклар, бир бўлак кигиз, от ёлидан қилинган чизимча парчалари ётарди. Темучин жаҳл билан суякни тепиб юборди – қорни чидаб бўлмас даражада очиб кетганди. Отини ҳам суғорди, ўзи ҳам чанқоғини қондирди.

Иккинчи тунни ҳам сахрода ўтказишга тўғри келди. Уйкуга чоғланар экан, орқага қайтсаммикан, деган ўйга борди. Аммо онаси, укаларининг юзига қандай боқишини ўйлаб, бу фикрни нари сурди. Отларсиз қайтмайди. Дунёнинг охиригача борса ҳам, ўн киши, бутун овул билан яккама-якка уришишга тўғри келса ҳам, отларини қайтиб олади.

Очлик ҳам эсидан чиқди. Фақат вужудидаги ҳолсизлик, унинг анчадан бери туз тотмаганини эслатиб турарди. Оти ҳам эзилиб кетди. Жониворнинг биқини ва елкалари терлаб кетганди. Бироз тўхтаб, ёввойи

пиёзми, судун илдизиданми еб олиши, отига ҳам дам бериши керак эди. Аммо қочоқларнинг изини йўқотиб қўйишдан кўрқиб, йўлда бетўхтов давом этди. Чунки изни йўқотиб қўйса, шунча ҳаракат бекор кетади.

Кутилмаганда рўпарасидан бир анҳор чиқиб қолди. Қирғоқда кичикроқ бир уюр ўтлаб юрар, устига тери ёпилган чайла ёнида олов ёниб турарди. У отини тўхташиб, уюрни диққат билан кузатди. Бу ерда унинг отлари кўринмасди. Чайлага яқинроқ келди. Ундан ёш бир йигит эмаклаб чиқди. Унинг эгнида яхшигина матодан тикилган калта камзул, бурама белбоғида суяк дастали пичоқ осиглик эди. Йигит ҳеч кўрқувсиз, кизиксиниб Темучинга қараб турарди. Темучин бўлса, отидан тушмай, чайла ичига хавотирли назар ташлади. У ерда бошқа ҳеч ким йўқ эди. Кўнгли жойига тушди.

– Сен кимсан? – сўради у йигитдан.

– Мен Бовурчиман, Ноху-Баённинг ўғли.

– Бу ердан одамлар ўтганини кўрмадингми?

– Кўрдим. Эрталаб ўтиб кетишди.

– Улар – ўғрилар.

– Ўғрилар? Улар мени ҳам, уюримни ҳам пайқамай қолишгани жуда зўр бўпти-да унда! Сен уларга етиб олиб, отларингни қайтариб олмоқчимисан? Бир ўзинг-а?

– Ҳа, бир ўзим.

– Ботир экансан. Лекин бир ўзинг нима ҳам қила олардинг? – Бовурчи тирноғи билан гарданини қашиб қўйди. – Мен сен билан бораман.

– Аввал менинг қорнимни тўйғаз. Егулик бирон ниманг борми?

– Менда ҳамма нарса етарли! Мен бу ерда бияларни соғиб ётибман-ку. Сут ичасанми? Қимизми? Қурут берайми?

– Ҳаммасидан олиб келавер! – Темучиннинг юзида кулги пайдо бўлди: зўр йигит эканми.

У овқатланаётган вақтида, Бовурчи уюридан иккита отни тутиб келди. Темучиннинг саманини эгардан бўшатди.

– Дамини олсин. Ҳозир бу отингда уларга на етиб бўлади, на қочиб.

Менинг отларимда кетамиз.

– Уюринг-чи? Шундоқ, қаровсиз ташлаб кетаверасанми?

– Кечга яқин отам сут олиб кетгани келади. Қараб турар. Асли булар ҳаммаси жонга теккан. Бир ўзим яшайман, ҳеч кимни кўрмайман. – Бовурчи отларни эгарлади, йўл халтасига мешчаларда кимиз, қурут солди.

– Бизга яна нима керак?

– Агар ўқ-ёйинг бўлса олвол.

– Йўқ. Ўқ ҳам, камон ҳам бор эди. Отам олиб қўйган. Битта-яримта билан жанжаллашиб қолишимдан чўчийди. “Сени ўлдириб кетишгандан кўра, бияларни олиб кета қолишсин”, дейди.

Улар йўлга тушишди. Бовурчи тўхтамай гапирарди. Кўп вақт ўтмай, Темучин у ҳақда деярли ҳамма нарсани билиб олди. У Ноху-Баённинг ёлғиз ўғли экан. Отаси ўзига тўқ бўлиб, чорваси ҳам етарли. Овулга қўшилмасдан, ўз-ўзича кўчманчилик қиларкан.

– Сизлар кимнинг улусидансиз? – сўради Темучин.

– Тойчиютлардан.

Темучин унга ялт этиб қаради.

– Нега ҳайронсан? – сўради Бовурчи.

– Йўк. Гапиравер...

Лекин Темучин унинг гапларини бошқа эшитмади. Бовурчининг ёрдам беришга тайёрлигидан хавфсиради. Бу боланинг ўғрилар билан тили бир бўлса-чи? Ё пистирмага бошлаб боради ёки орқасидан пичок солади... Нима қилиш керак? Балки ҳозир пайтидир, бир ёқлик қилиб ташласинмикан? У отини тўхтатиб, ундан сакраб тушди. Бовурчи ҳам тўхтади.

– Нима бўлди?

– Қайишларим бўшашиб қолибди. Сен боравер, изларни йўқотма.

Бовурчи йўлда давом этди. Темучин садоғидан ўқ суғуриб олди. Агар бу вайсақи бола бир ёмон ниятни режалаштирган бўлса, шундоққина елкасини тутиб бермайди. У ҳозир тўхтаб, Темучинга қайрилади ёки сири фош бўлганини билиб, қочишга тушади. Ҳар икки вазиятда ҳам уни отиш керак. Бироқ Бовурчи бамайлихотир йўлида давом этар, ўқтин-ўқтин секинлашиб, ердаги изларга тикилиб қоларди.

Темучин ўқини садоғига қайтиб солди-да, отига минди. Аста-секин етиб олди. Бовурчи эгар қошига қорни билан ётиб, ерга синчиклаб тикилди.

– Шамол ғириллаб қолди. Ўт тебраниб, изларни англаб бўлмапти, – деди у.

Темучин унинг юзига билинтирмайгина қараб кўйди. Четларига ипак тасма тикилган ёзги намат қалпоғи остидан қуёшда куйиб кетган, калта кесилиб, ҳар тарафга тарвақайлаб ётган сочлари чиқиб турарди. Тим қора, зийрак кўзлари хотиржам, на ҳадик ва на ёмонлик аломатлари бор. Шунчалик устамикан?

Бовурчи қаддини ростлаб, жиловни тортиб, отини тўхтатди.

– Изларга қараб юраверамизми? Отамдан эшитгандим, шу тарафда бир овул бор. Яқин атрофда бошқа овул йўк. Отларни ўша ёққа ҳайдаб кетишган. Изларга тупуриб, ўша овулга қараб от суриш керак. Тез юрсак, кечга яқин етиб оламиз.

Шамол унча кучли эмасди-ю, аммо изларни тўзғитиб юборишга шунинг ўзи ҳам кифоя эди. Агар Бовурчи тўғри гапираётган бўлса, изкуварлик қилиб ўтиришга ростдан ҳам ҳожат йўк. Агар гапи ёлғон бўлса-чи?

– Сен у овулнинг қаердалигини биласанми?

– Гарга дарасида. Ўтган йили биз ёзни ўша ерда ўтказганмиз. Бу гал ҳам ўша ерга кўчмоқчи эдик. Лекин у ерга овул кўчган бўлса...

Отларни йўрттириб кетишди. Майда жарликлар кетидан силлиқ тепаликларга дуч келишар, пастга тушиб, кейин яна тепага кўтарилиш керак бўларди. Шамол майсаларни тебратар экан, худудсиз сахро узра тўлқинлар пайдо бўлиб, олис мовийликлар қўйнига сингиб кетарди. Нигоҳингни жалб қиладиган бирон нарса йўк, ҳаммаёқда тўлқинлару мовий осмон. Адашиб қолиш ҳеч гап эмасди. Аммо Бовурчи шимолишарқ тарафга қараб, ишонч билан от сурарди. Темучин ундан сал орқароқда қолиб, ҳамроҳининг елкаси кўриниб турадиган масофада борарди.

Кечга яқин тепаликлар янаям кўпайиб, энди дўнгликлар кунгай тарафлари қуруқшаган ўтлар билан қопланган тепаликларга айланди.

– Анча яқин қолди, – деди Бовурчи.

У тик тепаликнинг ярмигача чиқиб, отидан тушди-да, у ёғига пиёда юриб кўтарилди ва ерга ётиб олди. Темучинни имлаб ўз ёнига чақирди.

Тепалик ортида ўртасидан дарё кесиб ўтган кенг яланглик ястаниб ётарди. Дарёнинг бурилиш ясаган жойида унча катта бўлмаган овул кўзга ташланди. Ўтовлар атрофида қирқталар чамаси от ўтлаб юрибди. Сал нарироқда эса каттагина уюр ва қўйлар подаси кўринди.

– Сенинг отларинг шу ерда бўлиши керак, – деди Бовурчи шивирлаб.

– Ҳа, шу ерда. Лекин уларни сездирмай олиб кетиб бўлмайди-да.

Бовурчи ботаётган қуёшга қараб олди.

– Яна бироз кутамиз.

Ғира-ширада тепаликдан тушиб бориб, овулга яқинлашдилар. Темучин қиличини қиндан суғуриб олди-да, қўллари оғригунча дастасини маҳкам қисиб олди. Овулдагилар, уларни чўпон бўлса керак, деб ўйлашди, шекилли, ҳеч ким тўхтатмади ҳам, чақирмади ҳам.

Темучиннинг отлари алоҳида тўпланиб турар, барчаси олд оёқларидан боғланган эди.

– Шуларми? – сўради Бовурчи.

Темучин, ҳа, дегандай ишора қиларкан, Бовурчидан кўзини узмасди. Агар Бовурчи душман бўлса, ҳозир роса шовкин соладиган пайт. Кутилмаганда Бовурчи арқонларни кесиб ташладию битта отга миниб олди.

– Ҳайда. Секин.

– Ҳой, ҳой, нима қиляяпсанлар? – бақирди кимдир.

Темучин отнинг биқинига бир тепди-да, тушовлардан бўшаган отлар устига энгашди. Бовурчи ёнгинасидан от чоптириб ўтди. Унинг камчиси Темучин боши узра визиллади. Отлар тепаликлар оралаб пайдар-пай чопиб қолишди. Темучин орқасига қаради. Овул тарафдан бир чавандоз оқ от устида уни қувиб келарди. У учига сиртмоқ боғланган узун таёғини силкиб, кичкириб келарди.

Қоронғилик жуда қуюклашиб борар, тез орада қўлидаги сиртмоғи ҳам, унинг ўзи ҳам кўринмай қолди. Фақат оқ отнинг кўланкаси шаклсиз булутга ўхшаб, таъқиб қилар экан, борган сари уларга яқинлашиб келарди...

– Бу бизни тинч қўймайди-ёв, – қичқирди Бовурчи Темучинга қараб.

– Камонни менга бер!

– Мен ўзим. Ҳайда!

Темучин ортига ўгирилдию, мўлжалга олмасданок бир ўқни чавандоз тарафга визиллатиб қолди.

– Орқангга қайт! Ўлдираман!

Отлиқ секинлашди. Юлдузларга тикилди-да, қай тарафга йўл солишни аниқлаб олди. Бовурчи бошидан қалпоғини ечиб олиб, қўйнига тикди.

– Уф-ф, қизиб кетдим! – овозини баландлатиб кулди у. – Бопладик, а?

Отларини секинлатишди. Темучин қўлини чўзиб, Бовурчининг елкасига қоқиб қўйди.

– Сен яхши йигит экансан.

У шубҳалари сабабли Бовурчининг олдида ўзини айбдордай ҳис қилиб турарди. Яхшиямки, осмон уни тўғри йўлга солди. Бўлмаса, Бовурчи ҳозир саҳрода ортига ўқ қадалиб ётган бўлармиди. Уни ким, нима учун ўлдирганини ҳеч ким билмай қолаверарди.

– Бовурчи, сени ҳимоя қилиб турган руҳларинг тетик руҳлар экан. Уларга тез-тез қурбонлик қилиб тургин.

– Балки, ростдан ҳам яхши руҳлардир, – кўнган бўлди Бовурчи. – Сенинг руҳларинг ёмонми? Менинг руҳларим сенинг руҳларингга ёрдам беришгани учун ҳам иш шундай осон кўчди. Лекин бу жойлардан тезроқ кетсак яхши бўларди.

Улар тун бўйи тинмай от чоптиришди. Сахар пайтида мешдаги кимизни бўшатиб, отларини алмаштириб олишди-да, яна йўлда давом этишди. Кун ярмида отларни Бовурчининг отаси ўтовига ҳайдаб келишди. Бу ерда Темучин кутилмаганда шомон Теб-тангрини учратиб қолди. Темучин худди туғишган акасини учратгандай хурсанд бўлиб кетди.

– Сен бу ерга қандай келиб қолдинг?

– Отим қаерда тўхтаса, ўша жой менинг уйим. Нима, билмасмидинг?

– Теб-тангри, сен мени қутқазгансан. Тирик эканман, буни доим эсда тутаман.

Теб-тангри бир кулдию, гўё “ҳа, эсингдан чиқарма...” дегандай бош чайқаб қўйди. Кейин Темучиннинг кўзига тикилиб туриб деди:

– Яқинда мен тулкининг оғзидан бир кушчани тортиб олувдим. Тап тортмас қирғий бўлиб чиқади, деб ўйловдим...

– Бўлдими? – сўради Темучин тетикланиб.

– Ўсяпти. Балки қирғий бўлар, балки хуркак ўрдак бўлар... Ҳозирча номаълум. – Шомоннинг кулчадек юзи бужмайди.

Темучин аламини ичига ютди.

– Отанг қаерда?

– Торғутой-Қирилдук уни ўз овулида яшашга мажбур қилди.

– Айтишларича, Овчи-баҳодир сенинг тилингни суғуриб олишга аҳд қилганмиш.

– Осмон хизматида бўлган одамга қўл кўтаришга ким ҳам жазм қиларди? Бунақаси бўлмаган ва бўлмайди ҳам.

Бовурчи улар ёнига келиб қўшилди, кулги аралаш Темучинга деди:

– Сал қолса отам мени калтакламокчи бўлди. Онам иккови туни билан кўз юмишмапти. Юр, ул-бул еб олиб, дам оламиз. Кейин отам бизга бир қўзичокни сўйиб беради.

Темучин ҳеч нима емади. Чарчоқдан бутун танаси зиркираб оғрирди. Ўринга ёнбошлади, шу заҳоти уйкуга кетди.

Кун оққанда уни Бовурчи уйғотди. Ўтов олдида гулхан ёнар, каттагина оқ наMAT устида Теб-тангри ва Наху-Баён ўтиришарди. Бовурчининг отаси юзи қуёш ва шамолда қорайган, томирлари бўртиб чиққан, чайир қўлли, ўрта ёшлардаги одам экан. У Темучинни ёнига ўтқазди-да, ё ҳайратланиб ёки тергаб деди:

– Бунақа мушкул ишга бир ўзинг қандай журъат қилдинг, полвон?

– Ўрдаклар ожизликлари сабабли гала бўлиб учади, бургутлар эса ҳар доим ёлғиз парвоз қилади.

У Теб-тангрига кўз қирини ташлади – тушуниб етганмикин? Шомон тушунди. Тим қора, сезгир кўзларида шодон ўт чакнади.

Ноху-Баён унинг сўзларини эшитгач, ўйланиб турди-да, маъкул келгандай кулиб қўйди.

– Довюррак экансан... Шунақа бўлиш керак. Бўлмаса, бизнинг замонда яшаб бўлмайди. Замон ёмон бўлиб кетди, жудаям ёмон. Оддий одамларни на ўғри боскинчидан, на ташқи душмандан ҳеч кимнинг ҳимоя қилгиси келмайди. Бу ҳам етмагандай ўз уруғдошларини талаб ётишиб-

ди. Қариндошлар ўз уруғларини кулликка зўрляптилар. Айт-чи, Теб-тангри, бошқа ёқларда ҳам ҳаёт шундайми?

– Шунақаси ҳам бор, бундан баттари ҳам...

– Ажаб замонлар бўлди-да... – деди хўрсиниб Ноху-Баён. – Агар тепамизда битта, ягона хон бўлганида эди, одамлар бегоналар босқинидан, ўғрилар талон-торожидан бунчалик азият чекмаган бўлардилар. Аммо нўёнлар ҳечам ўзаро келишолмайдилар. Ақлдан озиб қолишган.

Темучин нўёнларга кўз тикиб қолган Жарчиўдайни эслади. Бу нўёнларнинг ҳаммаси ҳам темирчининг назарида бадбахт Торғутой-Қирилдукдан қолишмасди. Кўринишдан Ноху-Баён ҳам нўёнлардан унча хурсанд эмасди...

Лекин у ёмон яшамасди: эгни бут, қорни тўқ, эгарлоғлиқ отлари, соғин биялари, қўйлари бор...

Бовурчининг онаси намат устига ёғоч товоқда меҳмонлар учун қўйнинг пиширилган тўшини келтириб қўйди. Тўш катта-катта бўлақларга бўлинган, буғи чикиб турарди. Кетма-кет товоқчаларда шулон шўрвадан ҳам сузиб келтирилди.

Қоронғилик ичидан бошларини силкитиб, думларини елпиб, майда чивинлардан қочган отлар чиқди. Қаердандир овоз чиқармай бойўғли учиб келди-да, олов яқинига келгунча пастлаб учди, сўнг чўчиб, қанотларини силкитганча шовқин солиб ўтди.

– Аҳмоқ қуш, – деди Бовурчи.

– Бу қуш эмас, – унинг гапига қўшилмади шомон. – Бу – қуш кўринишидаги ёвузлик руҳи. Баъзан кўзга ташланиб, баъзан ташланмай, у доим одамлар орасида юради. Қўрқиб кетганини сездингларми? Бу ерда осмон билан тиллашадиган, само сирларидан бохабар одам борлиги учун кўрқиб кетган.

– Теб-тангри, агар ёвуз одамлар ҳам сендан шунчалик кўрққанларида эди! – деди Темучин.

– Улар мендан кўрқадиган бўлишади! – ваъда қилди шомон.

Темучин кўзи гўштини пок-покиза туширди. Тўйиб кетганидан эринчоқлик билан сели оқиб турган гўшт бўлақларига қаради. Ортик егиси келмаётган бўлса ҳам, ўзини тийиб туrolмай, яна бир бўлақ қовурғани қўлига олди.

– Ноху-Баён, сен нўёнлар ҳақида гап очдинг. Ҳамма уларни айбляпти. Аммо нўён сахийми ёки бахил, яхшими ё ёмон – улус уларсиз яшай олмайди. Нўён бўлмаса, улус тарқаб кетади...

– Мен, Темучин, бошқа нарса тўғрисида, хонлар пайтида яшаш осон бўлгани ҳақида гапирдим.

– Лекин хон ҳам худди Торғутой-Қирилдукқа ўхшаган бўлиши мумкин-ку!

– Тўғри, тўғри, – унинг гапини маъқуллади Ноху-Баён. – Аммо хон адолатсиз бўлса, битта ўзи адолатсизлик қилади. Нўёнлар адолатсиз бўлса, уларнинг сони қанчаю, қанчалар адолатсизлик қилишларини ўлчаб ҳам билиб бўлмайди.

Шомон аллақачон қўлини овқатдан тортиб, намат устида чўзилиб, тишини қовлаб ётарди.

– Хон қанақа бўлмасин, – деди у, – унинг ҳукми остида бир қанча улуслар бирлашади. Ўзаро душманлик барҳам топади. Ташқи душман-

лар ҳам юрак ютиб босқинчилик қилолмайдилар. Беҳуда қон тўкилиши тўхтайди. Найманлар буни аллақачон тушуниб етишган, қоройитлар ҳам шу фикрда. Фақат биз оқсаяпмиз.

– Ақлимизгинамикин? – кўшилмади Ноҳу-Баён. – Мана бунинг отаси, Есугей-баходирнинг ақли бутун эди. Лекин бошқа нўёнлар уни хон қилиб кўтаришни исташмади.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Кейин бошқа мавзуга ўтишди. Аммо Темучин бошқа гапларни эшитгиси келмай, Ноҳу-Баёндан сўради:

– Бир ўзинг ёлғиз яшашдан кўркмайсанми?

– Кўркаман, – деди Ноҳу-Баён. – Ёмон одамлар истаган пайтда худди сенга ўхшаб мени ҳам талаб кетишлари мумкин. Ўтовимни ҳам, аравамни ҳам олиб қўйишлари турган гап. Нимасини айтай, ўлдириб кетишлари ҳам мумкин. Лекин овул билан кўчманчилик қилишга рози эмасман. Бутун чорва шундоққина овул атрофида ўтлайди. Ҳаммаёқни топтаб, қуритиб бўлишгач, териси устухонига ёпишиб ётаверади. Ваҳоланки, овулдан бир неча кунлик масофага бориб кўрсанг, майсалари бахмал бўлиб ётган жойлар кўп. Уч-тўрт ўтовдан иборат кичик-кичик овул бўлиб яшаш вақти келди. Аммо уруғлар, қабилалар бир-бирини талар экан, бундай овулчалар аблахларга ўлжа бўлиб қолаверади.

Аваллари Темучин ўзича фикр қилиб, шубҳаланиб юрган нарсаларига энди аниқ-тиниқ ишонарди. Аммо бу кўнгилга ҳеч таскин бермас, аксинча, ичида аллақандай англаб бўлмас хавотир кучайиб борар, бошидан ўтганларини бир бошдан таҳлил қиларди. Илгарилари пешонасининг шўрлигидан ёзғириб юрарди. Энди қараса, нотинчликлар, эртанги кунидан хавотир, тинч ва осойишта ҳаёт соғинчи жуда кўпларнинг дарди бўлиб қолган экан-у, бунга ёлғиз Торғутой-Қирилдук айбдор эмас экан. Агар кўрган азиятлари ва аламларини бир муддат унутиб, холисона разм солса, Торғутой-Қирилдукнинг бу қилмишлариниям тушунса бўлади. Буни тан олиш Темучин учун анча оғир. Бироқ у Темучинларни шунчаки ёмон кўргани ёки, эҳтимол, отаси унга етказган аламлари учун эмас, балки, улус устидан бирдек тартиб ўрнатмоқчи бўлганидан, мўғуллар хони бўлмоқ мақсадидан бу ишларга қўл урган бўлиши мумкин-ку. Чиндан мақсади шундай бўлганида, у табиийки хонликка даъвогар, гарчи бу мақсадга эришолмаган бўлса-да, аммо хонлардай мавқеда бўлган Есугейнинг оиласини хонавайрон қилган бўларди. Чунки келгусида унинг йўлига тўғанок бўлиши мумкин-да. Натижада яна қон тўкилиши, қабилалар парокандаликка юз тутиши мумкин. Темучин Торғутой-Қирилдук ҳаммасини жуда пухта ўйлаб иш тутаётгани, бу ҳаракатларининг замирида фақат ўзининг эмас, балки улуснинг тинчлиги ва фаровонлиги турганини тан олди. Лекин Торғутой-Қирилдук нўёнлар орасидаги ички келишмовчиликлару ўзбошимчаликларни бартараф қилолмагани боис Темучин оиласи каби яна кўплаб одамларга ситаму аламлар ва хўрликлар олиб келганини айтмаганда, унинг ҳаракатлари ҳеч қандай натижа бермади. Нега шундай бўлдийкин? Торғутой-Қирилдукқа нима халал берди экан-а? Отаси нўёнлар ичида энг кучлиси бўлган-у, нима учун бу ишларни удда қилолмади экан?

– Темучин, отларингни қайси улус одамлари ҳайдаб кетишди? – дея сўради Теб-тангри.

– Нима? Э-э, билмадим... биз суриштириб ўтирмадик. Вақт ҳам йўқ эди, – деди Темучин паришонхотирлик билан ва яна ўз хаёллари оғушига чўмди.

Лекин уни ўйлашга қўйишмади. Ноху-Баён тагин Темучиннинг ботирлигини мақтаб кетди ва ўз ўғлига кўз қирини ташлаб, сўради:

– Менинг ўғлим қўрққанидан бирон нарса қилиб қўймадими?

– Бовурчи – жасур одам!

– Ҳо! – Ноху-Баён ўзини ишонмагандек қилиб кўрсатмоқчи бўлса ҳам, ўғлидан фахрлангани шундоққина юзидан билиниб турарди.

Темучин ҳам унинг кайфияти яхшилигидан фойдаланиб қолмоқчи бўлди.

– Ноху-Баён, мен кўнғиротлар юртига бориб келишим керак. Дой-Чечаннинг қизи қайлиғим бўлади. Менинг ҳам ўз ўтовимни тикадиган пайтим келди.

– Дой-Чечанни биламан. Бадавлат одам.

– Ноху-Баён, мен ўзимга сенинг ўғлинг Бовурчидан ҳам яхшироқ ўртоқ топа олармидим?

Ноху-Баён жавоб беришга шошилмади. Суякни чақиб, ичидаги илигини сўриб олди. Қўлини чўзиб, бир чимдим ўт юлди-да, унга ёғлик қўли ва лабларини артди. Бовурчи “Сўрайвер, яхшилаб сўра!” дегандай, бошқаларга сездирмай Темучинни туртиб қўйди.

– Ноху-Баён, биз Бовурчи билан бирга бўлсак, ҳеч кимдан қўрқмаймиз...

– Ҳа, қўрқмайсан... Сен ўта довюраксан, Темучин. Кам калтак егансанда. Лекин анойига ҳам ўхшамайсан, қараб турсам. Майли, ўғлим сен билан бирга борақолсин. Дўстлигингизга тўскинлик қилмайман. Менинг қуёшим ботишга келиб қолди, сизларники – кўтарилиш олдида. Шундай пайтларда бир-бирингизни қўллаб-қувватласангиз, ҳеч қандай қуюқ булутлар сизни ёруғликдан тўса олмайди.

Иш хамирдан қил суғургандек осон кечди. Кейинги пайтларда ҳаммаси ҳатто маромидан ҳам аъло бўлаяпти. Отларини қайтариб олди, ўзига навкар топди... Ишлари жуда силлиқ битаётганидан, “Олдинда бирор кўнгилсизлик кутиб турмаяптимики?” деб чўчиб қўйди. Хўш, Дой-Чечан қизи Бўртани бермаса-чи? Унда нима қилади? Хасар айтганидай, олиб қочадими? Ё бошқа овуллардан қиз қидирсинми? Ҳеч бири тўғри келмайди. Балки, Дой-Чечаннинг олдига бориб келишга Ноху-Баённи кўндирсамикан? Яна ўзини тўхтатди: ким кўп сўраса, камидан ҳам қуруқ қолиши мумкин. Балки Теб-тангри бирон ёрдам бера олар?

Шомон билан икковлари ёлғиз қолишларини пойлаб турди ва сўради:

– Теб-тангри, менга яна бир марта ёрдам берганинга эди. Дой-Чечан хузурига бориб кел. Қаерга боришнинг сенга фарқи йўқ-ку.

– Лекин кимга ёрдам беришнинг фарқи бор. Сени қутқариш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим. Дой-Чечаннинг олдига нега мен боришим керак?

– Сенинг отанг менинг отамнинг дўсти...

– Ҳа, шундай. Лекин отангнинг бошқа яқинлари ҳам бор эди-ку, қариндошларинг бор... Ким сенга ёрдам қилди, а?

Гарчи шомон бироз табассум билан айтган бўлса-да, бундан унинг гаплари юмшаб қолгани йўқ. Бу аламли сўзлари билан у шу топда Те-

мучиннинг ярасини янгилаб қўйди. Қариндошлари ё ўта қўрқоқ ёки бемехр бўлиб чиқишди. Уларнинг муносабатларидан одам уялади. Туғишган амакилари ва амакиваччаларидан кўра етти ёт бегона Мунлик минг марта яхши. Аммо шомон нима учун бу аламларни эсга солаяпти? Ахир, бу яра шундоғам ҳеч қачон битадиган эмас-ку?

– Қариндошларим узоқда, сен эса шу ерда, ёнимдасан.

– Бўйнингдаги қангадан теринг қонталаш бўлиб ётган кунлари қариндошларинг ёнгинангда эди. – Шомон бўш келмасди. У балки Темучиннинг ўз қариндошларини ошқора лаънатлашини кутаётгандир? Лекин у бундай қилолмасди: улар қандай бўлмасин, қони бир, жон-жигари.

– Мен сўрадим. Агар хохламасанг, айт-қўй.

– Бўпти, айтганим бўлсин: бориб келаман! Бўрта сеники бўлади – бу менинг шомон сўзим. Лекин сен бир нарсани тушун. Оталаримизнинг йўллари бир эди, бизларники бошқа-бошқа. Мен ҳамма нўёнларнинг ўғилларини кузатиб юрибман. Сен уларнинг барчасига қараганда қўллашга арзигуликсан. Мен отам ва ака-укаларимга ўхшаб ўз умидларимни сенга тикканман. Сен буни доимо ёдингда тутишинг керак. Унутсанг, мен ўзимга бошқа паноҳ топаман.

– Яна қанақа паноҳ изляяпсан?

– Шомоннинг паноҳи – нўён. Бунақанги паноҳи бўлмаган шомон бир коса шўрва дардида суякларда фол очиб юрадиган дайдининг ўзи.

– Теб-тангри, мен нўён эмасман. Мен сенинг ўзингдан ҳам ночорман.

– Сен нўён бўласан. Мен сенинг отанг эга бўлган ҳамма нарсангни қайтиб олишингга ёрдам бераман.

Темучин ишонқирамай кулиб қўйди.

– Сен айтган гапингда турасанми? Айтганларингнинг уддасидан чиқасанми?

– Ҳаммасини бўлмаса-да, кўпини амалга ошира оламан! Менинг гапларимни энг ботир паҳлавон ҳам ўткир қиличи билан бажара олмайди. Минглаб одамларни сен тарафга оғдиришим мумкин...

– Мен уларни нима қиламан? Мен ҳеч ким билан, ҳатто Торғутой-Қирилдуқ билан ҳам уришмоқчи эмасман. У мени ўз ҳолимга қўйса бўлгани.

– У сени ўз ҳолингга қўйсаям, бошқалари қўймайди. Ҳозир замон шунақаки, ё сен бошқаларни бўйсундирасан, ёки ўзинг бош эгасан. Қай бирини танлайсан? Ҳал қиладиган вақт етди – ҳал қил.

Шомоннинг гаплари Темучинни борган сари ўнғайсизлантириб қўяётганди. У гўёки Темучиннинг томоғидан аста-секин, маҳкамрок сиқиб бораётгандай эди. Бу ҳолатдан Темучин бошини жаҳл билан бир силкиди-да, деди:

– Сен мени ўзим истамаган ишга зўрлама! Мени мақсадларинг йўлида восита қилма!

– Темучин, кўпчиликнинг манфаати бир жойда жам бўлади. Сен хохлайсанми-йўқми, кўпчилик билан ёнма-ён боришинг керак. Кўрдим, эшитдим, кўриб юрибман. Одамларнинг ўй-фикрларидан хабардорман. Халқнинг истакларини англаб етсанг, уларнинг умиди сенинг қудратингга айланади. Англаб етмасанг, ўша қудрат сени янчади.

Энди шомон анча жиддий тусда гапирарди. Унинг тим қора кўзлари ёниб, қирра бурунли кичик юзида қаҳр акс этарди. Темучин шомон-

ни шу чоққача сира бу аҳволда кўрмаган ва унинг олдида итоаткорона ўтирарди. Бунақанги одам душманлари орасида бўлишидан у ҳадиксирарди...

VII

Ўтов олдида иккита катта гулхан ёниб турибди. Эшик олдида ўтовга орқа ўгириб, букчайганича Темучин турарди. Аланга шуъласида кингир-қийшиқ кўринаётган юзида хомушлик ва чарчоқ сезилар, нимадандир норози бўлганидан лабларини қаттиқ қимтиб олганди. Гулханнинг нариги тарафида, унга рўпара бўлиб Ўйлун, ундан сал нарироқда қариндошлар, келинлар сиқилишиб саф тортган, ундан ҳам нарироқда, усти ёпиқ арава яқинида маросимга тап-тайёр Теб-тангри шомон турарди. Темучин сабрсизлик билан оғирлигини бир оёғидан иккинчисига олар, булар бари қачон тугаркин, деб ўйларди ўзича.

Бўрта ҳам худди унинг жиғига тегиш учун қилаётгандай, оғирлигини бир оёғидан бошқа оёғига солиб турарди. Унинг эғнида оилали хотинларники сингари кийимлар: кенггина ялтироқ, ипак намроғ, кумуш кегайли, аллақандай қушнинг патлари билан безалган бўхтак¹. Онаси Сўтан ҳам шундай кийинган эди. Тўладан келган, юзлари силлиқ бу аёл Ўйлуннинг ёнида, дам-бадам унинг қулоғига бир нималарни кулиб шивирлаб турарди. Ўйлун эса ранги унниққан, бир неча жойига ямоқ тушган чопони, пастаккина бевалар қалпоқчасида, меҳнатдан дағаллашиб кетган қўллари ва кичкинагина жуссаси билан Сўтаннинг олдида худди Хоахчин сингари бир хизматкордай кўринарди. Бу кўринишдан Темучиннинг ич-ичида алам туғён урар, томоғига бир нима тикилиб, нафасини сиқар эди.

Бу алам ўша ёқда, кўнғиротлар овулидаёқ пайдо бўлган эди. Бўртанинг қариндош-уруғлари очикқўнгил ва меҳмондўст кўринган бўлса ҳам, отаси Дой-Чечаннинг олдида ўзини гадо ҳолидаги бир одамдек ҳис қилди. Агар Теб-тангри ёнига кирмаганида, кўркаламуш осмонни кўролмаганидай, у ҳам Бўртани кўролмаган, унга етишолмаган бўларди. Нафаси кучли шомон, сўзамол Теб-тангри Дой-Чечанни шундай аврадики, у қизини бермай иложи қолмади. Акс ҳолда бир сўзлилиги билан танилган Дой-Чечанга қасамхўрлик қилишга тўғри келарди. Бироқ Дой-Чечан қизини узата туриб, бу Темучин учун жуда катта мурувват эканини сездирмайгина шама қилаверди. Қиммат баҳо совғалар, ясатилган ўтов, келиннинг ажабтовур либослари, унинг устига Дой-Чечан қизини кузатишга чиқмагани – буларнинг бари Темучиннинг ўзини камбағал, бу тўёналарга муносиб жавоб беролмайдиган ночор аҳволда эканини англаб олиши учун атайин қилинган ишоралар эканини энди тушуниб етди. Базмда эса хурчиларнинг у қилмаган қаҳрамонликлар, у ҳукмдори бўлмаган улусни мақтаб кўшиқ айтганлари-чи... Ўлганнинг устига тепган бўлди. Улар Темучиннинг ожизлигидан мириқиб кулишибди. Лекин у кўнғиротлар элида бунинг фаҳмига бормаяпти. У ерда Темучиннинг фикри-зикри бир нарса билан банд эди – Бўртани олиб кетиш.

Мана, олиб келди ҳам. Онасини, жулдурвоқи укаларини кўрди, ўзининг йиртиқ-ямоқ ўтови ёнига келиннинг яп-янги ўтовини тикдию,

¹ Бўхтак – бош кийим.

аммо кўнглида заррача шодлик йўқ, фақат алам ва сиқилиш. Тезроқ тугай қолса эди, ҳаммаси...

У кўзини оловдан олиб қочди. Нарирокда қирғоқларидан тошгудай бўлиб Керулен оқиб турибди. Дарёнинг нариги бетигаги сув ювишидан пайдо бўлган тик қирғоқни илма-тешиқ қилиб, узунқанотлар ўзларига уя ясаб олган. Улар шитоб билан дарё узра парвоз қилар, салқинлаб қолган оқшом уларнинг чуғур-чуғурлари билан тўлган эди. Эҳ, қани эди у ҳозир ҳаммани ташлаб ўша қирғоққа ўтиб олса, жарликнинг четига ўтириб, бир ўзи узунқанотларнинг парвозини, дарёнинг кескин гирдобли оқимларини томоша қилса... Йўқ! Мумкин эмас. Нима мумкин ўзи? Нима учун одам ўзи хоҳламаган ишни қилишга мажбур?

Теб-тангри индамайгина келиб, уни четрокка сурди-да, ўтов эшиги олдига кигиз тўшади, пичирлаб дуо ўқиганча унинг устига ўнгўнларни қўйди ва уларга архидан сачратди. Шомоннинг ҳаракатлари салмоқли ва жуда вазмин эди. Кенг қилиб тикилган чопоннинг ҳар ерига турли жониворларнинг металдан ясалган шакллари, бошида япаски темир ҳалқачали қалпоқ, қалпоғининг ҳалқачалари туташган қоқ учида эса, худди ёш жайроннинг шохи каби нурни тасвирловчи иккита мис сим бор эди. Пешонаси ва чаккалари устига учбурчак шокилалар, орқасидаги узун занжирга эса бир қанча шақилдоқлар осилган эди. Шомон ҳар қадам ташлаганида мана шу шокилалар, шақилдоқлар ёқимли жингирларди.

Бу вақтга келиб, қоронғилик анча қуюқлашганди. Энди аланга ёрқинроқ ёнар, унинг шуълалари дарё сувида ҳам жилваланарди. Теб-тангри гулханлар ўртасига туриб олиб, чилдирмасини боши узра кўтарди-да, қўллари билан қаттиқ-қаттиқ ура бошлади. Бу бўғиқ овоз дарё устидан учиб ўтиб, тик қирғоққа урилиб, ундан яна ортга қайтар эди. Шомон бу акс садонинг тинишини кутиб турди-да, мусиқий оҳангда ирод қила кетди:

*Ушбу макон соҳиблари,
Бу ерларга раҳнамолар,
Тоғлар садосига берингиз жавоб,
Шамол эркинидан роҳатлар олиб,
Зурриётларини мўл-мўл қилингиз,
Могу чорвасига барака беринг!*

Кейин доирасини яна бир неча марта уриб қўйди. Овозлар ва уларнинг акс садоси дарё узра бир-бирига қўшилиб кетди. Сукунат чўкишини кутиб ўтирмай, шомон сийрак соқолли чувак юзини баланд кўтариб, руҳлар билан гаплаша бошлади:

*Ушбу макон соҳиблари,
Бу ерларга раҳнамолар,
Доим орқамиздан қўриқлагувчи
Ва даврни олға етакловчилар,
Илтижоларимизни қабул айлангиз!*

Чилдирма зарблари, акс садолар ва шомоннинг овози дарёдан ошиб ўтиб, саҳро томонга ёйилиб кетмоқда эди. Бирдан шомон дуоларини

кескин тўхтатиб, наMAT устида турган ўнгўнларни кўрсатиб, Бўртага ишора қилди. Қиз аввал ўнгўнларга, кейин Ўйлунга уч бора таъзим қилди. Гулхан олдига келиб, аввалги жойида, Темучиннинг рўпарасида тўхтади. Қизнинг алангадан қизарган ёнокларида йигит на уялинқираш ва на тортинчоқликни кўрди – қара, қанақа экан!

Темучин унга қамчисининг учини узатди. Иримга кўра, у қамчининг учидан тутган қизни ўзига тортиши керак эди. У тортиш ўрнига қамчисини қаттиқ силтади. Буни кутмаган Бўрта мункиб кетиб, йиқилишига оз қолди. Бўхтагининг кегайи Темучиннинг кўкрагига келиб тақалар экан, унинг бурнига қаттиқ урилди. Қиз бошини даст кўтарган эди, Темучин шундоқ рўпарасида қизнинг ғазабли кўзларини кўрди. Қарсиллаб келиб тушган шапалоқ каби қизнинг:

– Бух!¹ – дегани эшитилди.

Кутилмаганда повуллаган товушдан юраги тўхтаб қолгандай бўлди, тирноқлари кафтига чуқур ботди.

Бовурчи шошиб унинг ёнига келди.

– Бир-бирларингга жуда узоқ тикилиб қолдиларинг! Кейин....

Темучин бир айланиб шомоннинг кетидан ўтовга йўл олар экан, елкаси билан Бўртани енгилгина туртиб ўтди. Теб-тангри ўчоққа олов ёқди-да, қўлларини кўтарди:

– Ўчоқ соҳибаси Она Галахан! Бу аланга сенинг ироданг билан ёнган. Шундай қилгинки, бу олов манзил-маконларни ёвуз рухлардан ҳимояловчи, одамлар макрени қайтарувчи бўлсин, яхшиликка тафт берувчи, ёмонликнинг илдизини қуритувчи бўлсин. Минг йиллар ўчмасин бу олов! Ўчоғини ўзинг паноҳингга ол, Она Галахан!

Ўйлун Бўртага уч бўлак қуйруқ ёғи узатди. Қиз уларни бирин-кетин оловга ташлади. Кейин онаси келинига уч пиёла ёғ узатди. Бўрта ёғни ҳам оловга қуйди. Аланга чарсиллаб то мўригача кўтариларкан, ҳамма беихтиёр орқага тисарилди. Бўрта ўчоқ яқинига ўтириб бир қўли билан юзини пана қилди-да, калтак билан ўчоқдаги таппиларни тартибга келтирди.

Шомон бошидаги темир қалпоғини ечиб, кафти билан пешонасини артди.

– Бўлди. Бугундан эътиборан, Бўрта, сен Темучиннинг хотинисан, шу ўчоқнинг бекасисан. Сен бўлсанг, Темучин, унинг эри ва шу ўтовнинг хўжайинисан.

Темучин янгигина панжарали ўтов деворларига, ўтов кунгурасини ушлаб турувчи синч таёқчалар ва ҳали қорайиб улгурмаган, кўзни олувчи оппоқ наMATларга қараб қўйди. Бўртанинг ўтови. Қалин жун тўшак, кўзи терисидан қилинган юмшоқ кўрпалар ва ўтириш учун мўлжалланган, бир текис тахланган олбоғлар – ҳаммаси келинники. Бу ерда фақат ўчоқнинг кулранг тошларигина Темучинга тегишли. Хўжайин эмиш!

Ўйлун ҳаммани ўз ўтовига таклиф қилди. Қадрдон ўтови Темучиннинг кўзига ҳеч қачон ҳозиргидай хароб кўринмаганди. Девор панжаралари ва синчлари остидан қачонлардир оқ бўлган, аммо эндиликда мумдай қорайиб кетган кигиз бўлақлари кўриниб турарди.

Хоахчин меҳмонларга эҳтиром билан таъзим қилиб, сутдан тайёрланган шароб ва қайнатилган гўшт тарқатиб чиқди. Сут-шаробни

¹ Бух – буқа.

онасининг ўзи тайёрлаган, Бовурчи битта каттакон кўй олиб келган, укалари ҳам бир нечта семизгина тўрбагонларни тутиб келтиришган эди. Яхшиямки, ҳеч бўлмаса шу жойда янги қариндошларнинг марҳаматисиз, ўзлари эплаштиришди! Соддадил бақалоқ Сўтан бунақанги меҳмондорчилиқни кутмагани учун ҳайронлигини яширмасдан, Ўйлуннинг тежамкорлиги ва уддабуронлигини айтиб, тинимсиз мақтар эди.

Шароб ва яхши мақтову тилаклардан ҳамма хурсанд бўлиб кетди. Шу чокқача ҳечам архи ичмаган кичик укаси Тамуға-ўтчигин тезда кайфи ошиб, ёнбошига ағдарилди. Хасар билан Хачиунлар уни қайта ўтқазиб кўйишди. Аммо унинг гавдаси худди сув тўла мешга ўхшаб ҳали у, ҳали бу тарафга қийшайиб кетар, бойкуш сингари кўзларини атрофдагиларга маъносиз очиб-юмиб кўярди. Бўрта уни кўриб, кулиб юборди. Унинг кулгиси Темучиннинг ғашини келтирди.

– Хасар! Болани ўрнига ётқизиб кўй! – деди Темучин бақариб.

Нафратдан чакнаган кўзларини яшириб, ёғоч товоқдаги гўшт устига энгашиди. Ҳозир у Бўртага етишиш учун қанча изтироб чеккани, бугунги кунни интиқиб кутганини тушунолмасди. Шу тобда унинг Бўртани кўрарга кўзи йўқ эди.

Ака-укалар бирин-кетин архининг таъсиридан оғир тортиб ухлаб қолишганида, тун ярмидан оққан эди. Тўй ҳаракатлари билан Темучиндан баттар чарчаган Бовурчи ҳам ака-укалар ёнига чўзилиб, энгил хуррак ота бошлади. Темучин онаси билан бирга хотини ва Сўтани янги ўтовга кузатиб қайтишди. Хоахчин дастурхонни йиғиштирар, Тебтангри ўтирган жойида мудрарди.

Онаси йигитларнинг ўринлари четига хорғин чўкди, Темучинни ёнига чақирди.

– Сенга нима бўлди, ўғлим?

Онасининг юзи хавотирли, қарашларида ҳадиксираш бор эди. Темучин бошини эгди. У ичидан ўтаётган аламлари ва жаҳлини билдирмадим, деб ўйлаганди. Овқат пайтида Ўйлун меҳмонларнинг кўнглини олди. Сўтанга бошидан ўтган машаққат ва тушкунликларни ҳеч нолишсиз сўзлади, унинг бу ҳикояси жуда қизиқарли чиқди. Сўтан унинг гапларини кулгидан ўзини тиёлмай тинглар экан, бўрсилдоқ юзлари титрар, қисик кўзларида ёш йилтирарди. Онасининг ўғли билан умуман иши бўлмагандай эди. Лекин ҳаммасини сезибди...

– У ёқда бирор кўнгилсизлик бўлдими? – яна сўради она.

– Йўқ, ҳеч нима бўлмади... Лекин Бўрта... Онасиям... Улар бу ерда хўжайинлардай, биз бўлсак... Сезмаяпсанми?

– Йўқ, ўғлим, сен айтганлардан ҳеч бирини сезганим йўқ. Сен ноҳақсан. Кўнғиротлар элида бўлган воқеаларни гапириб бер-чи.

Темучин сўзлашга оғиз жуфтлаган эди ҳамки, тўхтаб қолди, кейин кўллари икки томонга кўтариб кўйди. Айтадиган ҳеч гап йўқ эди, ҳаммаси силлиқ ва жой-жойида...

Онаси бироз кутиб турди-да, ранжиганини яширмай:

– Унақада нимага ҳозир сел қуйиб юборадиган қора булутга ўхшаб хўмрайиб юрибсан? – деди.

Тебтангри узоқ эснади ва тараддудланди.

– Ўйлуи она, Темучинни қаттиқ койима. – Теб-тангри қаттиқ ак-сирди. – Унинг бошини силаш, эркалалаш керак. Жазирамада куйган қарағай ўзидан мум чиқаради, хафа бўлганида одамнинг жигари сафро хайдайди.

– Темучинни ким хафа қилди?

Теб-тангри яна ҳам қаттиқроқ аксириб олди.

– Ёвуз рухлар бурнимни қитиклашяпти, бу нимага ишора экан-а? Темучинни ким хафа қилди дейсанми? Йигитча ўзини баҳодирлардай, катта улуснинг ҳукмдоридай кутиб олишади, деб ўйлаган-да...

– Теб-тангри, мен ундай хаёлга борганим йўқ!

– Лекин барибир ҳурмат-эҳтиром кўрсатишларини кутган эдинг-ку. Ё йўқми? Кутган эдинг, Темучин! Сен ўзинг шунга лойикмисан?

– Болаларимнинг олий насаблилиги ҳурматга лойик, – деди қатъий қилиб Ўйлуи. – Сен, Есугейнинг энг яқин дўстининг ўғли, буни кўнғиротларга эслатиб кўйсанг бўларди. Қари кузғунлар бургут бола-сини чўқишини бир четда томоша қилиб туравердингми?

– Лекин ҳеч ким уни чўқигани йўқ. Сал-пал патини эзгилаб кўйишди, холос. Аммо, Ўйлуи она, бу бир тарафдан яхши-ку. Ақллироқ, ботирроқ, мулоҳазалироқ бўлади!

Теб-тангри Темучинга хайрихоҳ кулиб турарди.

Мана шу мулойим табассум ва унинг акси бўлган тиканли сўзлари Темучиннинг фиғонини чиқариб юборди.

– Жим бўл! Сен Қирилдук кўлидан қочишимга ёрдам бердинг, раҳмат! Сен уйланишимга ёрдам бердинг, бунга ҳам раҳмат! Сен кўнғиротлар мени ўзларига тенгдек қабул қилишларини ҳам эплаштиришинг мумкин эди. Аммо сен буни хоҳламадинг. Майли, бу ёғи сенинг ишинг. Аммо-лекин, менга нима яхшию нима ёмон экани билан ишинг бўлмасин!

– Нима учун, Темучин? – Шомон энди айбдорларча кулимсираётган бўлса ҳам, кўзларида учкун ялтиради. – Нимага энди сен нима хоҳласанг гапираверишинг мумкин-у, мен сенга ўйлаб гапиришим керак? Асални яхши кўрсанг, захрига чида. Тўғри, мен сени кўнғиротликларнинг пичингу кесатикларидан ҳимоя қилишим мумкин эди. Ҳа, мен бундай қилмадим. Хўш, нима учун? Сизлар онанг билан кўнғиротлар элида ўзингизга ҳомий ва ҳимоячи топишни мўлжаллаган эдингиз. Бўлмағур умидлар! Мен буни бир қарашдаёқ тушундим. Сен ҳам буни мендай тушуниб етишингни истадим. Бу ёғи ўзингга аён: кўнғиротлар сени асилзода нўён қатори эмас, подаларини боқадиган чўпон қаторида қабул қилишди.

Шомоннинг сўзлари Ўйлуини ўйлантириб қўйди. У ўғлига шундайми, дегандай қаради. Темучин юзини ўгирди. Нима ҳам дерди, шомоннинг гаплари рост бўлса. У бирон нима кўшмади ҳам, чатмади ҳам.

– Биз энди ўзимизга паноҳ ва ҳимояни қаердан топамиз? – деди хафа бўлиб кетган Ўйлуи. – Якка дарахтни кучсиз шамол ҳам илдизи билан кўпориб ташлаши мумкин.

– Нима, камситилган, таланганлар фақат сизларми? Нима, менинг отам Мунлик, ака-укаларим ҳам сизлар каби хорланмадимми? – Теб-тангри энди кулмас, овозида ғазаб сезиларди. – Мен овулдан-овулга ўтиб бораман, сизнинг уруғингизга тегишли одамлар билан гаплаша-

ман. Улар қайтиб келишади. Лекин сен, Темучин, қарчиғайдан беркинган ўрдакка ўхшаб, қамишлар орасида яшириниб ўтирма. Ўзинг ҳам қирғий бўлиб сахро узра баланд парвоз қил. Мен сенга танла, деган эдим. Хўш, нимани танладинг, Темучин?

Шомон жим жавоб кутиб турди. Темучин унинг ўткир қарашларидан юзини бурди. Теб-тангри қўнғиротлар ҳомийлигини таъминлаб беради, деб умид қилиш аҳмоқлик эди. Темучин шомонга шу ерда Есугейнинг улусини яна бир ерга тўплаш учун керак эди. Унинг отаси Мунлик, ака-укалари Торғутой-Қирилдукнинг подасини боқиб юришибди. Охирги нафасларигача ҳеч қаерга кетолмайдилар, пода боқиб ўтадилар. Уларнинг бирдан-бир умиди – Темучин эди. Агар у отасининг улусини қайтариб олса, унинг отасию жигарлари ҳам худди аввалгидай ҳаёт кечиришлари мумкин. Уларга ўхшаганлар яна қанча? Жуда кўп. Юзлаб, минглаб топилади. Шомон ана ўшаларга ишонади. Бироқ Темучин ўзининг бутун орзуларини шомонга тикиши керакми? Унинг жilовига қандай тушганингни ҳам сезмай қоласан. Ўшанда унинг калласи билан иш қилишинг керак бўлади.

– Қутайлик-чи...

Жавобини кутиб ўтирган онаси ҳам уни маъқуллаган кўйи бошини силкитди. Чунки у ҳам ўғлининг шошилиб, енгил-елпи жавоб беришини истамасди.

Теб-тангри бўлса масхараомуз ҳиринглади. Бошқа бу тўғрида гаплашишмади. Эргалаб Темучин уйғонганида шомон йўқ эди – жуфтакни ростлаб қолибди.

(Давоми келгуси сонда)





Андрей ПУМПУР

(1841–1902)

ЛАЧПЛЕСИС – ЛАТИШ ХАЛҚ ҚАҲРАМОНИ

Халқ ривоятлари асосида яратилган латиш эпоси¹

*Рус тилидан
Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ,
Комилжон ЖЎРАЕВ
таржимаси*

Бешинчи кўшиқ

Денгизда, сеҳрланган оролда. Уч йод.
Жодугар кампир. Спидала. Лаймдота ва Кокнесис. Учрашув ва ёруғ
юз билан ватанга қайтиш

*Жодугар Спидала сеҳр, шумлик билан
Ажратди Лачплесис ва Лаймдотани,
Лекин тарқамади ўч олмоқ қасди,
Ёмон сизинмоқдан қайтмади ҳеч ҳам.
Учар Спидала ва жодугар кампир
Олис оролларда тимирскиланиб;
Денгизда шамолу довул кўтариб,
Ботирнинг кемасин сурди-ҳайдади
Муз чатнаган Шимол денгизи томон.
Агар Шимол Қизи бермаса ёрдам,
Агар дариз тутса ҳиммат, ҳикматин,
Ямламай ютарди ютоққан гирдоб.
Қандай кўргиликка дуч этгай лекин
Измига юргизган сирли бу орол.
Ботир унинг нишаб – қиялаб тушган
Соҳилига синчков соларди разм:
Қирғоқ тўлқинлари кўпиги босиб
Саёзлик лойида чиришига маҳкум,
Бари бунда тўп-тўп, қалашиб ётган
Сони-саноғи йўқ кема, қайиқлар
Бир вақтлар жодуга учраган орол*

¹ Давоми. Бошланиши журналнинг февраль, март, апрель, май, июль сонларида.

Дамига тортилиб, тушган домига.
 Тошига айлантириб қўйилган, эҳ-ҳе,
 Қанча денгизчилар қирғоқда ётар.
 Хувиллар бу орол – жунжиктиргудай,
 Асло кўринмайди ҳаёт асари,
 Фақат ўрмон гувлар... Яна, ташланган
 Ўрмондан денгизга баланд бир кўприк,
 Кўприк охирида катта инаам уй –
 Денгиздан қалққандай, юксак, муаллақ.
 Лачплесис ва бошқа йигитлар шахдам
 Кўприкдан ўтдию кирди шу уйга.
 Бутун уй ичини кезиб, чақириб,
 Топишмади бирон тирик жсон, аммо
 Бунда ҳар нарсадан уфурар ҳаёт:
 Кенгиши бир хонанинг миёнасида
 Узун столларнинг устида маҳтал
 Хилма-хил егулик, мўл-кўл ичкилик.
 Унинг ёнидаги бошқа хонада
 Юмишоқ кўрпа-тўшак – жойлар солиғлиқ.
 Денгизчилар бормай истиҳолага,
 Бемалол ўтириб еди-ичди хўб,
 Кейин эса юмишоқ ўрин-жойларга
 Таппа ташладилар беҳол, беҳадик.
 Буни кўриб, танбеҳ берди Лачплесис:
 “Шунақа бўларми, – деди, – иш, ахир,
 Аввало, бу уйга кираверишида
 Кечаси кўриқчи қўймоқлик керак”.
 Аммо ҳамроҳлари ўтинди ундан:
 “Бугунча сен ўзинг кўриқчилик қил,
 Тинкамиз қуриган, тун бўйи бедор
 Тик оёқда турмоқ иложи йўқ ҳеч”.
 Шунда қуролини олиб Лачплесис
 Қоровуллик қилди тик кўприк узра.
 Зоғ ҳам учмас эди бутун атрофда,
 Орол жимлик ичра гарқ эди буткул.
 Тун ярмида келди отнинг дупури.
 Бир суворий чиқди чакалакзордан.
 Кўприкка етганда тўхтади бедов,
 Тисарилди, чарслик қилди пишқириб.
 Ўшқирди отига суворий: “Нега
 Кўрқасан? Бу ерда зиён-заҳмат йўқ!
 Бизга лойиқ рақиб – Лачплесис, лекин
 Шимолий денгизда сарсон, абгор у,
 Бизни топшиши ҳам даргумон, чунки
 Ақли қуюлмаган, думбул боёқши!”
 Тик кўприк устида деди Лачплесис:
 “Миянг айниб қопти, алжираяпсан!
 Менинг ақлим шунча қуюлибдики,
 Дарвозанг олдида кутяпман сени!”

Уч бошли йод эди ўша суворий
 Момақалдиуроқдай деди хохолаб:
 “Мабодо ростдан ҳам Лачплесис бўлсанг,
 Қани, майдонга чиқ – куч синашайлик!”
 Орол сари юрди ботир ҳам, йод ҳам.
 Қалин, юриб бўлмас ўрмон чор атроф.
 “Пуфла, – деди отлиқ, – ўрмонга қараб,
 Сўқишсанг, кенг жойда сўқишган дуруст”.
 “Ўзинг пуфла, кўрай! Бор-ку уч бўззинг!
 Нафасим етмас деб қўрқасанми ё?”
 Йод пуфлади, ўриб кетилган каби,
 Ғойиб бўлди нақ уч чақирим ўрмон.
 Шу пайт Лачплесисга ҳамла қилди йод,
 Сувсар мўйна телпак узра ўйнатиб,
 Қулочкашлаб, шундай урди чўқморин,
 Ерга ботди ботир тиззасигача.
 Лекин қолдирмади буни бежавоб,
 Тап тортмай Лачплесис оғир қиличин
 Шундай қаттиқ урди: илк зарбадаёқ
 Учирди йоднинг уч бошидан бирин.
 Йод бот қутургандан-қутурди, аммо
 Зўрлигин билдирди ботир барибир
 У қайтариб қилич солганда, ёвни
 Жудо этди қолган икки бошидан;
 Ердан оёқларин чиқариб олгач,
 Зим қилди мурдани чакалакзорга;
 Гўёки ҳеч нарса рўй бермагандай,
 Йўлдошлари сари бўлди равона.
 Денгизчилар эди буткул беҳабар,
 Эрта тонг ҳаммаси беташивиш, қувноқ,
 Ейишига, ичишига бўлди андармон,
 Ейишдан, ичишдан қолмади армон,
 Ботир Лачплесисдан сўраиди тагин
 Бу тун ҳам туришини қоровулликда.
 Қурол-ярогини олиб Лачплесис,
 Қоровуллик қилди тик кўприкда боз.
 Айнан тун ярмида қалин ўрмондан
 Чиқиб келди жуда ҳайбатли отлиқ,
 Қаттиқ сўйлаб келар ўз-ўзига у:
 “Укажоним, бўлдинг қайларга ғойиб?
 Наҳот, Лачплесисга дуч келиб қолдинг?
 Унинг дуч келиши мумкинмас фақат!
 Адашиб, тентираб совуқ денгизда –
 У ёқдан ҳеч қачон, ҳеч вақт қайтмас у...”
 Қаршиисидан чиқиб, қичқирди ботир:
 “Миянг айниб қопти, алжираяпсан!
 Мен – Лачплесис! Кеча сенинг укангинг
 Барча бошин бирдай кесмадимми мен?”
 Бу суворий эди олти бошли йод.
 Уқирди-бўқирди у қони қайнаб:
 “Сен ўлдирган бўлсанг укамни агар,

Чўқмор билан уриб янчаман сени!
 Пуфла ўрмонга сен, токи очилсин
 Жанг қилгулик жой!” – Деди Лачплесис:
 “Ўзинг пуфла, кўрай, бор олти бўғзинг!
 Нафасим етмас деб кўрқяпсанми ё?”
 Пуфлади йод, шунда юз йиллик ўрмон
 Олти чақирими учди пар янглиг.
 Чўқморини урди қулочкашлаб у,
 Сувсар мўйна телпак узра ўйнатиб,
 Бу зарбадан, ярим белига қадар
 Ерга кириб кетди Лачплесисдай алп.
 Улар жанг қилишиди басма-бас, узоқ.
 Охир, тонгга бориб, зўр келди ботир.
 Яқин қуюқ ўрмон ичра зим қилди
 Ўлдирилган махлуқ жасадини у.
 Қўналгага ҳориб, чарчаб қайтдию
 Тушгача уйқудан кўтармади бош.
 Кечқурун айтдики йўлдошларига
 Кўриқчилик қилар бу тун ҳам ўзи,
 Лекин улар мижжа қоқмасдан ҳатто
 Тунни ўтказишсин бедор ва ҳушёр,
 Эҳтимол, бу кеча керак бўлар ва
 Ҳаммасининг тегиб қолар ёрдами.
 Сўнг тоза бир коса келтириб, унга
 Сув қуйиб тўлдирди сила қилиб у,
 Стабурадзе ойнасига рўбарў
 Қилиб қўйди уни стол ўртасига,
 Кейин деди: “Агар косадаги сув
 Тонгга қадар тоза сақланса шундоқ,
 Демакки, эмасман кўмакка муҳтож,
 Дам олаверингиз сизлар хотиржам.
 Мабодо кечаси шу косадаги
 Тоза сувга сизиб аралашса қон,
 Барчангиз баравар ёрдамга шошинг,
 Бирингиз ҳам қолмай чопинг ёнимга,
 Қаранг, ёдингиздан чиқмасин асло!
 Менга етказинглар ушбу ойнани!”
 Отланди, шайлади қурол-ярогин.
 Тик кўприкда турди кўриқчиликка.
 Ярм тунда тўққиз бошли суворий
 Даҳшат солиб, чиқиб келди ўрмондан.
 Унинг қора оти кўприкка етмай,
 Орқа оёғида тик турди, ҳуркиб.
 Суворий ҳайқирди: “Нимадан кўрқдинг?
 Нима жин урдик, шайтонлаяпсан?
 Ҳаттоки Лачплесис келган бўлса ҳам
 Уни укаларим айлаган абжақ!”
 “Якка ўзим икки уканг ўлдирдим! –
 Айқирди Лачплесис кўприкда туриб. –
 Улар қисматиға шериксан сен ҳам.
 Мана, мен – Лачплесис! Қутяпман сени!”

У махлуқ қутуриб, чинқирди қаттиқ:
 “Агарда ростдан ҳам Лачплесис бўлсанг,
 Мен билан куч синаш тайсалламасдан.
 Чиқ! Бўл! Оролдаги ўрмонга пуфла!”
 “Ҳар бири ҳайҳотдай тўққиз бўғзинг бор,
 Ўзинг пуфла!” – деди унга Лачплесис.
 Йод пуфлади, гўё кўпдию бўрон
 Юз йиллик ўрмонни тўққиз чақирим
 Нарига итқитди, сўнг қилиб ҳамла,
 Чўқморини урди дубулгасига,
 Шунчалик қақшатқич бир зарбасидан
 Белигача ерга кириб кетди алп.
 У қилич солганда йоднинг бўйнига,
 Учириб юборди учта бошини.
 Аммоки йод яна қилганда хужум,
 Ерга кириб кетди кўкрагигача.
 Ботир ҳам йодга бот айлади ҳамла –
 Узди унинг яна учта бошини.
 Узоқ жанг қилишди, тойишди ҳолдан,
 Силласи қуриди охир-оқибат.
 Йоднинг битта боши қолди қаққайиб,
 Қўлтиққача ерга ботди Лачплесис.
 Йўлдошлари ваъда қилган мададга
 Умид боғлаб, ботир кутар бетоқат,
 Улар-чи, уйқуни урар баҳузур,
 Қилган лафзи буткул чиққан эсидан...
 Бор-йўқ мадорини йигиб Лачплесис
 Кўприкдан ошириб отди чўқморин
 Ва у учиб бориб уч чақиримча
 Ёриб ўтган эшик эди қўшқават.
 Уйқуни ўчирди шу зарб гумбури,
 Сесканиб уйғониб, қалқди одамлар,
 Шундай қарасалар: биқирлаб қайнаб
 Коса қиргогидан тўкилмоқда қон.
 Қуролланиб, кўмак бергали алпга
 Ҳамма кўприк оша югурди эш-қўш.
 Лачплесисни ерга тиқиб бутунлай
 Бир зарб-ла йўқ қилмоқ бўлганида йод,
 Стабурадзе ойнасин, денгизчилар
 Етказиб улгурди унинг қўлига.
 Йод ойнани кўриб, қулаб юзтубан,
 Ўша он қўрқувдан айланди тошга.
 Лачплесисни қазиб олишди жадал,
 Оёққа тургазиб қўйдилар уни,
 У турдию огир қиличин сермаб
 Йоднинг сўнгги бошин айирди тандан,
 Жаҳлини босолмай, койиди қаттиқ
 Бепарволик қилган шерикларини.
 “Энди эса, – деди у сўнгра, – бизлар
 Эгалик қиламиз ушбу оролга!
 Фақат эни-бўйин қадам-бақадам

*Кўздан ўтказайлик бир неча марта.
Балки ўлган ога-ини йодларнинг
Бордир бу оролда гумаиталари!”*

*Бир-икки кун ўтди, ўзига келиб,
Жанлар чарчогини тарқатгандан сўнг,
Қаватига олиб ҳамроҳларини
Бу янги ерларни кезди Лачплесис.
Ўрмон бўйлаб юргач узоқ, келди дуч
Яшнаган ўтзорга, бир ялангликда.
Шу жой ўртасида бор экан қудуқ,
Унинг тепасида гурқурар олма.
Сув сари талпинди барча ҳамроҳлар,
Чанқогини босмоқ – бутун илинжи.
Аммо тўсди улар йўлини ботир,
Ичгани қўймади қудуқ сувидан.
Уч бор қилич солди қудуқнинг ёғоч
Деворига, сўнгра ўйди учбурчак.
Не сир рўй бердики, эврилди қонга
Сокин жисмирлаган зилол, тиниқ сув.
Қулоққа чалинди қудуқ тубидан,
Ажабо, тушкун бир ингроқ, нола, оҳ.
Бироқ ўша заҳот тинди оҳиста
Қаърдан эшитилган эзгучи оҳ-зор,
Аввал лойқаланди ва шундан кейин
Бўлди сув қаҳрабo сингари шаффоф.
“Ана энди ичинг, – деб айтди ботир, –
Қанча ичсангиз ҳам етмайди шикаст”.
Қудуқ узра олма имлаётгандай,
Шохларида қирмиз мевалар шигил.
Жаҳд қилишиди олма узиб емоққа
Ташналиги қонган одамлар энди.
Зўр билан тўхтатди уларни ботир,
Йўл бермай олмага қўл чўзгани ҳам.
Қулочкашлаб урмоқ учун шайланди
Дарахт танасига оғир қиличин,
Аста шитирлади унинг барглари,
Тавалло айлади: “Ўлдирма мени!”
Бу ҳолдан Лачплесис тушиб ҳайратга,
Беихтиёр ўзин олганда нари,
Бўлмайдиган бир иш бўлди ногоҳон –
Ёш ва гўзал қизга эврилди дарахт.
Тилдан қолган каби, қараб турар жим –
Таажжубга тушиди ботир шунчалик.
Бошига балолар ёғдирган ёви:
Спидала эди бу – қаришисидаги!
Унинг оёғига йиқилиб зор-зор,
Шафқат тиламоқда ўша кекчи қиз;
Онт ичиб айтдики, минбаъд ҳеч қачон
Ёмонлик соғинмас энди ботирга.
Не қингир иш қилдим – тўғрилайман, деб,*

Ичди бор айбини ювмоққа қасам.
 Бовар қилмаса-да бирон сўзига,
 Алп унга барибир айлади шафқат:
 Бало-махлуқларни енгган баҳодир
 Ҳеч вақт этармиди аёл билан жанг.
 Спидала қўл урган ёвуз ишларин
 Ҳаммасини айтиб, олди бўйнига:
 Кангарс билан ўзи, қандай қилди банд
 Ром этиб Лаймдота ва Кокнесисни,
 Сўйлади дўсти ҳам, гўзал ёри ҳам
 Ҳар он бўлганларин ботирга содиқ.
 Бир вақтлар Лачплесис ўз кўзи билан
 Шайтончоҳда кўрган жодугар кампир
 Кема, қайиқларни шу ердан сеҳрлаб,
 Келтираверарди тортиб оролга,
 Макрига учраган денгизчиларни
 Тошга айлантириб қўярди шу дам.
 Ўшанда Лачплесис ўлдирган йодлар
 Ўғиллари эди шу жодугарнинг,
 Улар кўнгли одам гўштин тусаса,
 Аслига қайтариб уч-тўрт йўлчини,
 Шулардан ҳозирлар эди нонушта.
 Лачплесис ўлдиргач ўғилларини,
 Алпнинг келар йўлин ётди у пойлаб
 Қудуққа айланиб ўрмонзор аро,
 Ёввойи олмага дўнди Спидала.
 Мабодо Лачплесис қудуқни уч бор
 Қилич билан чопиб, сеҳрдан халос
 Этмасдан, одамлар ичса бу сувдан
 Ҳаммаси ўларди минг азоб тортиб.
 Ўлди алп қиличи зарбидан бироқ
 Қудуқ тубидаги жодугар кампир.
 Спидала бошига ҳам тушиб шу кун –
 Ҳалокат топарди, аямаса у.
 “Сен енгдинг, Лачплесис! – деди Спидала,
 Зўр ҳаяжон ичра қолган эди қиз. –
 Сени йод, махлуқлар, иттумишуқлардан
 Қутқарган Балтия маъбудларидир.
 Ва лекин жонажон ватанимизда
 Йўлингга интизор улуғвор ишлар.
 Денгизларда сарсон юрган вақтларинг
 Ётлар айламоқда ватанни горат!
 Туққан, қанот берган ерларингга қайт,
 Барча зўравонлар тўдасини қув!
 Қани энди, мен ҳам берсайдим мадад,
 Кошки эди, эрким бўлса қўлимда,
 Кошки эди, менинг кўнглим бўлса пок
 Сенинг қаллиққинанг – Лаймдота каби!
 Лекин ҳеч ким менга қайтара олмас
 Иблис билан тузган мангу шартномам –
 Мен уни бир вақтлар қаҳр, қасд ичра –

Ёзгандим ўз қўлим, ўз қоним билан!”
 Шундай деб, Спидала йиғлади аччиқ,
 Икки қўли билан юзин беркитиб.
 Тавба-тазарруси рост эканига
 Лачплесисда шубҳа қолмади ортиқ.
 Шу пайт, бирдан, тушиди унинг эсига
 Ўраб қўйилган бир билгисиз битик –
 Асқатиб қолар деб Шайтончоҳдан у
 Билдирмасдан олган эди ўшанда.
 Келтиртирди уни кемадан дарҳол,
 Берди Спидаланинг қўлига ўзи.
 Спидала бу хатни кўрар-кўрмаёқ
 Беихтиёр кулиб-йиглаб шодликдан,
 Шошиб қайта-қайта айтди ташаккур,
 Яна оёғига йиқилди алпнинг:
 “Лачплесис! Айланай, бутун умримни
 Айлайин мен сенинг йўлингда фидо!
 Иблис билан тузган шартномам шудир,
 Қоним билан имзо чекканман унга.
 Шу хат билан бирга қайтардинг эрким,
 Дўзах азобидан мен бўлдим озод.
 Ёндириб қул қилай лаънатини мен,
 Ўзим у ўзлим айлай бахшида
 Хизмат этай фақат эзгуликка мен,
 Бунгача қилгандек ёвузликка мен!”
 Қудуқ ичидан у учи қайрилма –
 Бир ҳассани олди: денгизчиларни
 Ушбу жодугарлик ҳассаси билан
 Тирилтирар эди даҳшатли кампир.
 Шу ҳассани тутиб, Спидала обдон
 Текширди қиргоқда ҳар бир қайиқни,
 Тош бўлиб ётганга тегизса ҳасса,
 Ўша он тирилиб қоларди ўлик.
 Гўёки бир кеча ухлаб тургандай
 Ҳис этар эдилар улар ўзини.
 Кемаларнинг баланд саҳнидан улар
 Бирваракай сакрар қиргоққа хурсанд.
 Синчков кузатаркан Лачплесис бир вақт
 Не кўз билан кўрсин – қотди ҳайратда –
 Тирилганлар аро кўрди-таниди:
 Дўсти – Кокнесису ёри – Лаймдота.

* * *

Шундай, Лаймдотани жасур Кокнесис
 Ёвузлар қўлидан қутқаргандан сўнг,
 Узоқ йўллар юриб, ҳориб, ниҳоят,
 Денгиз қиргоғига келдилар етиб,
 Кўрдилар: бир кема елканларини
 Кўтариб, шай турар олис сафарга –
 У Даугаванинг этагидаги

Янги бир шаҳарга жўнайди экан.
 Кокнесис, Лаймдота билмас эдилар
 Айни янги шаҳар ҳақда ҳеч нарса,
 Қариндош, яқинлар аҳволини ҳам.
 Қандай яшар улар – хабарлари йўқ...
 Шу боис иложи борича тезроқ
 Етиб бормоқ учун шошар ватанга.
 Уларнинг кўнглини ўртаган мақсад
 Рўёбга чиқиши бўлмади ўнгай.
 Йўлларини тўсди тинмай шамоллар,
 Бўронлар жўнатиб жодугар кампир.
 Туманда адашди улар кемаси,
 Денгизда улоқди йўлин йўқотиб.
 Узоқ вақт бўлганча сарсон-саргардон,
 Сузувчилар кўриб қолди бир кун:
 Ажиб орол имлар само четида –
 У ёққа бурдилар кемани жадал.
 Унга яқинларкан, кема гўёки
 Бўрон сураётган каби, тобора
 Тез сузиб, бетийиқ бир шиддат ила
 Учгандай отилди соҳилга илкис.
 Қирғоқда, қутгандай, чиқди бир буви
 Очиқ чехра билан уларга пешвоз,
 Барчани ортидан эргаштирдию
 Тик кўприк орқали элтди уйига,
 Роса сийлаб, қилди қуюқ зиёфат.
 Меҳмондорчиликдан қайтгач одамлар
 Кемага чиқдию кетди уйқуга,
 Оромларига ҳеч етмади халал
 Уйғотмагунича Спидала келиб.
 О, улар қалбини тўлдирди қувонч
 Ботирни учратган лаҳзаларида!
 Кокнесис дўстини қучди. Лаймдота
 Ёри елкасига қўйди бошини.
 Узин ўнглаб, топгач сўйлашга мадор,
 Кўрган-кечирганин улар ҳикоя
 Қилаверди бир-бир: олис сафарда
 Нелар раво кўрди турланиб қисмат.
 Лачплесис кўнглидан ариди алҳол
 Шубҳаяю гумоннинг сўнги сояси.
 Янгидан, бузилмас онт ила пойдор
 Этилди уларнинг буюк бирлиги.
 Спидала турарди четда мунгайиб,
 Улар қувончига бўлолмай шерик.
 Шунда ботир тутиб унинг қўлидан,
 Дўстлари ёнига борди етаклаб.
 Сўйлаб берди, фақат у сабаб бўлиб
 Иккиси ҳаётга қайтарилганин.
 Лаймдота, Кокнесис бараварига
 Самимий ташаккур этдилар изҳор,
 Чин дилдан ўтиниб, қилдилар таклиф

*Дўстлик даврамизга сен ҳам кўшил, деб.
 Спидала астойдил айлади ваъда
 Бир умр бўлишига уларнинг дўсти,
 Бу ҳаётда нелар рўй берса ҳамки
 Қайғую қувончни кўришига баҳам.*

*Спидалага эди беш қўлдай маълум
 Шу гўзал, гаройиб орол аввалдан,
 Толмас йўл бошловчи, ҳушёр қўриқчи
 Бўлди эндиликда дўстларига у.
 Номсиз денгиздаги ушбу жазира
 Ҳосилдор тунроғи ётарди кўпчиб.
 Хоҳиш билдиришиди кўп денгизчилар
 Шу оролда яшаб қолмоққа абад.
 Бу ерни жанг қилиб олган Лачплесис
 Ўзи бошқармоғи керакдир, шаксиз.
 Шу сабабли тартиб ўрнатгунича
 У ушланиб қолди бунда анча пайт.
 Одамлар оролни айлагач обод,
 Бирин саркор этиб тайинлади у.
 Истиқомат қилди бу вақтда тўрт дўст
 Кўприк ортидаги йодлар уйида.
 Шу бой уйнинг барча махфий жойлари,
 Омборларин билар эди Спидала,
 Сони-саноғи йўқ бойликлар тўла
 Омборлар эшигин очди бирма-бир.
 Захирага гамлаб қўйилган қўр-қут
 Етар юз йил ейиши-ичиши, кийишига.
 Улар учун азиз бўлмаса эди
 Бу ёруғ оламда ҳар недан ватан,
 Яшаб қолишарди жилмасдан асло
 Бутун умр шундай сўлим оролда.
 Лекин беғам, бахтли умргузаронлик –
 Эмасди уларнинг чекига тушиган.
 Ватан чорлар эди уларни қатъий,
 Шодлик, гам, курашда бўлинг деб таянч.*

* * *

*Кунлардан бир куни, созланган кема,
 Ҳеч ерда қусур йўқ – сафарга тайёр,
 Қолаётганларга, ана, Лачплесис
 Бераётир сўнги топшириқларин,
 Оёғи етганча, ўйга ботганча,
 Орол бўйлаб кезар экан Кокнесис,
 Боқса: қудуқ ичра жодугар кампир
 Ҳаром ўлган ўша таниши яланглик.
 Кўзига чалинди анча олисда,
 Қудуқнинг ёнида кичикроқ гулхан.
 Яқинроқ борганда кўрди у аниқ:
 Гулханнинг ёнида турар Спидала.*

Разм солди: қўлида нақшин ҳасса ва
 Ўроғлиқ битикни тутиб турар у.
 Ҳасса ва битикни ўтга ташлагач,
 Сўйланар эди у ўзига ўзи:
 “Даф бўлинг, қуюнга қўшилиб кетинг,
 Ҳавода тутундай йўқолинг кўздан!
 Ҳукмингиз ўтмайди ҳеч қачон менга,
 Минбаъд амрингиздан озоддирман мен!”
 Ўша онда катта олов устуни
 Гулхандан ажралиб чиқди чинқириб,
 Оловли илонга эврилди бирдан,
 Учқунга чеврилди ва бўлди адо,
 Тамом ўчди қудуқ ёнидаги ўт,
 Майин нимқоронги босди атрофни.
 Спидала оҳиста тиз букди ерга,
 У йиғлаётганга ўхшарди бу он.
 Шу пайт унга яқин борди Кокнесис,
 Ердан тургаздию сўради савол:
 “Сингилжон, не учун чўмдинг қайғуга?
 Нечун кўзларингда шайқатордир ёш?”
 Спидала уялди, лекин бошини
 Дадил кўтарди-да, айлади жавоб:
 “Яна, келажакка ишонаман мен.
 Менинг кўз ёшларим – қувонч ёшлари.
 Қоронги кечмишни унутиб, умрим
 Бошидан бошларман, ишончим комил,
 Сен бугун гувоҳи бўлганларингни
 Ҳамиша сир сақла лекин, Кокнесис!
 Мангу айрилармиз тез орада биз,
 Аммо сени ҳеч вақт унутмайман мен!”
 Унинг қўлларини ушлаб, астойдил
 Кокнесис айлади борини изҳор:
 “Амин бўл, Спидала, сенинг сирингни
 Қалбимнинг тубига кўмгайман абад.
 Кечмишга на ҳожат? Биламан фақат
 Мен дилбар, жонона халоскоримни!
 Лекин энди сенга сира тўхталмай
 Бир эзгу сиримни очмогим керак.
 Агар бўлса шунга юрагинг мойил
 Ажралишмас эдик бизлар ҳеч қачон”.
 Спидала, эшитгач, ранги оқариб,
 Бот-бот кўтарилиб-тушарди кўкси.
 “Кокнесис, – деди у, – билармисан ҳеч,
 Севгилим деганинг асли эди ким?
 Иблис билан тузган мудҳиш шартномам
 Ўтга ташлаб ёқдим бугун кечқурун”.
 “Биламан, – Кокнесис деди мулойим, –
 Разолат даф бўлди – кўрди шу кўзим,
 Ким қулаб, оёққа турса янгидан
 У йиқилмагандан кўра азамат!..”
 Чўқур хаёлларга ботганида қиз,

Кокнесис сўйлади ўтинч, зор ила:
 Агар муҳаббати этилса инкор,
 Бундан кўра афзал эди, албатта,
 Тош бўлиб ётгани денгиз бўйида –
 Ҳиссиз, эҳтироссиз, бедарду жонсиз...
 Оғир хаёлларга қўйган каби чек,
 Тилига чиқарди кўнглидагин қиз:
 “Муҳаббатинг бўлса шундай баркамол,
 Жоним билан севмоқ истайман сени!
 Аҳдим аҳддир! Сенга ўзим вафодор,
 Ҳар жойда, ҳар қачон севганим севган!”
 Шу он маҳкам қучиб Кокнесис уни,
 Кўз ёшин қуритди бўсалар билан.
 Нозик сабо бўлиб Лайма-онанинг
 Нафаси уларни эркалар силаб.
 Эрта тонг Лачплесис амри-ла кема
 Юзарди тўлқинлар узра чайқалиб.
 Жодугар кампирнинг йўқ бўлди сеҳри,
 Кема – доим дарга ихтиёрида.
 Денгизда, Спидала билан Кокнесис
 Дўстларига айтди муҳаббатларин.
 Меҳрибон дўстлари бахтини кўриб,
 Қувонди Лаймдота билан Лачплесис.
 Олис сафарларнинг ранжу заҳмати
 Ҳудди эсдан чиқиб унутилгандай,
 Ягона ҳамманинг мурод-мақсади:
 Имкон қадар тезроқ етмоқ ватанга.
 Йўлда учрамади уларга тўсиқ,
 Шамоллар, бўронлар бермади халал,
 Она денгиз¹ ўзи ҳар дам мададкор,
 Сафар давомида этди ҳимоя.
 Ниҳоят, самонинг олис четида
 Қарагайзор ўрмон кўзга чалиниб,
 Қирғоқ – аниқ, яқин тобора; улар
 Етди Даугава этакларига.

(Давоми келгуси сонда)

¹ Она денгиз – латишлар тасаввурида денгиз маъбуди; халқ қўшиқларида, дуо ва қайтариқларида, баъзан эртакларида ҳам тилга олинади.



Тони МОРРИСОН

(1931 йили туғилган)

ЎЗ УЙИМ...

Роман¹

*Рус тилидан
Дилдорхон АЛИЕВА
таржимаси*

Исидра Тельманинг фикрига қўшилиб, аҳмоқлигини бўйнига олди, бироқ унинг ҳаммадан кўра акаси билан дардлашгиси келарди. У ака-сига об-ҳаво ва Лотусдаги ғийбатлар хусусида ёзди. Учуруқ қилиб. Агар у билан кўришишнинг имкони топилиб, барини унга сўзлаб берганида ҳам акаси унинг устидан кулмаслигини, уни койимаслигини ва унга сира таъна қилмаслигини қиз яхши биларди. Акаси ҳамишагидек бундай мушкул вазиятларда уни қўллаб-қувватлаган бўлурди. У, Майк, Стафф ва яна бошқа болалар майдонда футбол ўйнашаётган ўша пайтдагидек. Қиз ўшанда яқин атрофдаги ёнғоқ дарахтига суяниб ўтирар, ўйинни томоша қилиш унинг учун зерикарли эди. У болаларга ахён-ахёндагина қараб қўярди, холос, ўзи эса Ленора кўриб, ҳаёсизлигини барчага намойиш қилаётган гўр гўдак дея яна койимаслиги учун тирноғидаги олчаранг бўёкни кўчириш билан овора эди. У болаларнинг: “Ҳой, қаёққа кетяпсан? Нима гап?” – деган бақир-чақирларини эшитди ва бошини кўтарди-да, ўз жойини ташлаб кетаётган акасини кўриб қолди. У қўлида таёк билан битта-битта юриб бориб, дарахтларнинг ортига беркинди. Кейин маълум бўлишича, дарахтларни айланиб ўтмоқчи бўлган экан. У бирдан киз ўтирган дарахт ортида пайдо бўлди ва синглисининг ортида пусиб турган эркакнинг оёқлари орасига таёк билан икки марта туширди, қиз буни ҳатто пайқамай ҳам қолди. Майк бошқа болалар билан қиз кўролмай қолган ўша кимсани томоша қилиш учун югуриб келишди. Сўнг ҳаммалари орқага қарамай чопиб кетишди – Фрэнк қизни кўлидан ушлаб, судраб олиб кетди. Қизнинг: “Нима бўлди? У ким эди?” – деган саволларига болалар жавоб беришмади. Фақат паст овозда сўқинишди, холос. Бир неча соат ўтгандан сўнг Фрэнк тушунтириб берди. Ўша одам бу ерлик эмас, дарахт ортига яшириниб олиб, синглимга кино кўрсатаётганди. Қанақа кино? – кўрслик билан деди Си, ва

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонда.

акаси қандайлигини тушунтириб бергач уни титроқ босди. Фрэнк бир кўлини унинг бошига, иккинчи кўлини эса гарданига қўйди. Акасининг малҳамдек бармоқлари титроқни босди. Қиз доим унинг маслаҳатларига кулоқ соларди: реза меваларнинг қайси бири захарли эканини фарқлай оларди, илоннинг инига тушиб қолгудек бўлса, кичкирарди, ўргимчак уясининг тиббий томондан қандай фойдаси бор эканини ҳам билиб олганди. Фрэнкнинг панд-насиҳатлари лўнда, огоҳлантиришлари эса аниқ-тиник бўларди.

Каламушлар хусусида эса у қизни огоҳлантирмаганди.

Қишлоқнинг тўртта қалдирғочи дераза ортидаги майсазорда тўпланди. Бир-биридан бир хил масофада ювош бўлиб турганча улар қуриган ўт-ўланлар орасидан ниманидир изларди, ора-сира чўкилаб ҳам кўярди. Сўнг бари бирдан пекан ёнғоғи дарахтига учиб чиқди. Сочикқа ўраниб олган Си дераза ёнига келди-да, уни тўри йиртилган еригача кўтарди. Сукунат илондек ўрмалаб кирди, сўнг ғувиллай бошлади, ёқимсизликда у шовқиндан ҳам ўтиб тушарди. Сукунат Лотусдаги уйда кун поёнида ва оқшом ака-сингил нима билан машғул бўлиш ва нима ҳақда суҳбатлашишни ўйлаб ўтирган кезлари қандай бўлса, ҳозир ҳам худди ўшандай эди. Ота-оналар кунига ўн олти соатдан иш-лашарди, улар уйда деярли бўлмасди. Шу боис болалар саргузаштлар ўйлаб топардилар ёки теварак-атрофни диққат билан кўздан кечириб чиқардилар. Кўпинча, яшин уриб, учлари ёниб кетган ва фақат ҳар томонга ёзилган қўллардек маҳобатли шохларигина қолган магнолия дарахтига суяниб, жилға бўйида ўтиришарди. Фрэнк ҳатто ўртоқлари Майк ва Стафф билан бўлган кезлари ҳам уни ўзлари билан ёнларида юришига рухсат берарди. Бу тўрт йигитча ўртасидаги аҳиллик ҳар бир оила ҳавас қилгудек эди. Мабодо улар бирон-бир юмуш учун зарур бўлишмаса, ака-сингилни бувининг уйда совуқ кутиб олишлари Сининг ҳамон ёдида эди. Салем билан ўтириш ҳам диққатни оширарди – у еб-ичишдан бошқа пайт барча масалаларда оғзига толқон солиб оларди. Салемнинг овқатдан бўлак яна бир ёқтирган нарсаси бошқа кексалар билан қарта ёки шахмат ўйнаш эди. Бир кунлик ишдан суроби тўғри бўлиб қайтган ота-онанинг болаларни силаб-сийпалашлари ҳам устарадек ўткир, қисқа ва чегараланган бўларди. Ленора баджаҳл ялмоғизнинг ўзи эди. Фрэнк билан Си худди ўз ҳолига ташлаб қўйилган Гензель ва Гретель¹ сингари бир-бирларининг кўлидан тутиб, азоб-уқубатда, чурк этмай ўз келажакларини кўз олдиларига келтиришга уринганча тентираб юрар эдилар.

Ғадир-будир сочикқа бурканиб олиб, дераза ёнида турган Сининг юраги орзикиб борарди. Шу топда Фрэнк бўлганида, у яна тўртта бармоғини унинг бошига теккизган ёки бош бармоғи билан гарданини силаб-сийпаб қўйган бўларди. Бармоқлар йиғлама деса, камчидан қолган чандиқлар йўқоларди. Йиғлама, ойим буни хоҳламайди, у шунчаки ҳолдан тойган, холос. Йиғлама, қизгина, йиғлама, мен шу ерда, ёнингда, сен билан биргаман. Бироқ акаси на бу ерда ва на яқин-атрофда бор эди. Йигит уйга расмини жўнатганди: ҳарбий кийимда жилмайиб турган милтиқли аскар; у худди бошқа, Жоржияга ўхшамаган жойлардан келган етти ёт бегонадек кўринарди. Хизматдан озод этилган-

¹ Гензель, Гретель — ака-ука Гриммлар эртаги қаҳрамонлари.

дан сўнг бир неча ой ўтгач, у икки цент турадиган очиқ хат юборди ва қаерда яшашини билдирди. Си жавоб йўллаб, бундай ёзганди:

“Ассалому алайкум, ака, ахволларингиз қалай, мен яхшиман. Ҳозир ресторандан иш топганман, бироқ бундан ҳам тузукроқ иш изляяпман. Имкон топсангиз ёзиб туринг. Сизнинг меҳрибон синглингиз”.

Си ҳозир ёлғиз турарди, ёқимли салқин ваннада чайиниб бўлгач, аъзо-йи бадани энди-энди терлай бошлаганди. У кўкраги остидаги намни ва пешонасидаги терни артди. Сўнг ойнани тўрдаги тешиқдан баландроққа кўтариб очди. Қалдирғочлар қайтди, ҳовли этагида ўсиб ётган маврак ҳидига тўйинган енгил шабада эса бошлади. Си кўзларини бир нуқтага тикканча ўй сурарди. Ҳазин, дилбар кўшиқларнинг маъносини энди тушунгандекман: “Севгилимдан жудо бўлганимда, бир йўла ақлдан ҳам озгандим...” Бу кўшиқлар барбод бўлган муҳаббат тўғрисида. У бошдан кечираётган туйғулар ҳам шулардан сира қолишмасди. У ҳолдан тойганди. Унинг қадди букилмаганди, лекин аъзойи бадани тилка-пора бўлганди.

Охири тер қотиб, нафасини ростлагач, у, кейин маълум бўлишича, Принц Атлантага келганларининг иккинчи куниёқ хотамтойлик ва-жидан эмас, балки қизнинг қишлоқча уст-бошидан номус қилганидан унга совға қилган кўйлакни илғичдан олди. Йигитнинг айтишича, қизни оиласи билан таништириш учун уни бундай уст-бошда на кечки овқатга олиб бора оларди ва на биронта кечага. Бироқ янги либос олиб бергандан кейин ҳам вақтнинг деярли кўп қисмини нега шаҳар айланиб ўтказишаётганига турли-туман баҳоналарни рўқач қилди ва ҳатто “форд”да кетаётганда ҳам у на ўз дўстлари ва на туғишганлари билан учрашди.

– Ҳоланг қаерда? Уни кўргани борсак бўлармиди?

– Йўқ. У мени хушламайди, мен ҳам уни ёқтирмайман.

– Ахир, у бўлмаганда, биз сен билан учрашмаган бўлардик.

– Ҳа. Бу тўғри.

Шунга қарамай, кўйлакка гарчи ҳеч кимнинг кўзи тушмаса-да, ипакка ўхшаш сунъий матонинг баданга тегиб тургани ва асосий оқ ранг устидаги мовий, шўх картошкагул ҳам унга аввалгидай хуш ёқарди. Илгари у гулли кўйлақларни сира кўрмаганди. Башанг кийиниб олган қиз катта тос идишни ошхона орқали орқа эшикка олиб борди-да, оёғидан ҳам кўра кўйлагини сувдан эҳтиёт қилганча тежаб-тергаб қовжираган майсаларни суғорди – ярим челақ бу ёққа, сал кўпроғи у ёққа.

У бундан буён қандай яшашни устида хўп ўйлади: эртага душанба, унинг атиги тўрт доллари қолган; ҳафта охирига бориб ижара ҳақиға икки баравар кўп пул бериш керак. Жума куни унга ўн саккиз доллар тўлашади – бир кунга уч доллардан оз-моз кўпроққа тушаяпти. Иш ҳақи ўн саккиз доллар, саккизни айирсак, ўн тўрт доллар қолар экан. Мана шу пулга у ҳам ишни қўлдан чиқармасликни ва ҳам юқори лавозимга кўтарилишни мўлжаллаб, аёл киши дурустроқ кўриниши учун баъзи нарсаларни сотиб олиши зарур. У идиш-товоқ ювувчидан тез таом тайёрловчи ошпазликка ёки ҳатто чойчақаси бор официантликка ўтиш умидида эди. У Лотусдан икки қўлини бурнига тикиб жўнаб кетганди ва агар кўйлакни ҳисобга олмаганда, Принц уни қуруқ қўл билан қолдирганди. Си совун, ички кийим, тиш чўткаси, паста, дезодорант,

яна битта кўйлак, туфли, пайпоқ, кўл сочиқлари харид қилиши керак, борди-ю чиптани балконга оладиган бўлса, кинога ҳам яна ўн беш цент қолиши мумкин. Яхшиямки, Боббининг ресторанида икки марта бепул овқатланиш мумкин. У кўп ишлаш керак ёки бирорта кўшимча ёки биратўла бошқа дурустроқ иш топиш керак деган қарорга келди.

Бунинг учун тепадаги қўшниси Тельма билан маслаҳатлашиши керак. Си эшикни журъатсизгина тақиллатиб очди ва ичкарига қадам кўйди – дугонаси идиш-товоқ юварди.

– Мен сени кўрдим. Нима, агар ифлос сув тўксам, ҳовли кўкаламзорга айланиб қолади деб ўйлайсанми? – деб сўради Тельма.

– Бунинг зарари йўқ.

– Зарари бор. – Тельма кўлини артди. – Ҳали бу яқин орада бундай жазирама баҳор бўлганини ҳеч эслолмайман. Энди тун бўйи чивинлар ўзининг қонга беланган рақсини намойиш этади. Уларга сувнинг ҳиди бўлса кифоя.

– Буни ўйламабман.

– Кўришиб турибди. – Тельма пешбандининг киссасини пайпаслади-да, у ердан “Кэмел” қутисини олди. Чека туриб, дугонасига обдан разм солди. – Кўйлагинг чиройли экан. Қаердан олдинг?

Улар хонага ўтишди ва диванга бемалол жойлашиб ўтириб олишди.

– Бу ерга келганимизда Принц олиб берганди.

– Принц, ҳм, – деди Тельма. – Ярамас десанг тўғрироқ бўларди. Мен харомтомоқларнинг талайини кўрганман, бироқ бунақанги такасалтангини ҳали ҳеч учратмаганман. Лоақал унинг қаерда эканини биласанми?

– Йўқ.

– Билишни истайсанми?

– Йўқ.

– Шунисига ҳам шукур.

– Тельма, менга иш керак.

– Ишинг бор-ку. Нима, Боббида бошқа ишламоқчи эмасмисан?

– Йўқ. Менга биронта дурустроқ иш керак. Тузукроқ ҳақ тўланадиган. Чойчакам йўқ менинг, бунинг устига истайманми-йўқми, ресторанда овқатланишга мажбурман.

– Бобби ҳаммадан яхши едириб-ичиради. Бунақа шефни бошқа ҳеч қаердан тополмайсан.

– Биладан, бироқ менга топганимдан оз-мозини тугиб қўядиган иш зарур. Лотусга қайтиб бормайман.

– Сени айбламайман. Қариндош-уруғларинг учига чикқан овсар.

– Тельма ўзини орқага ташлаб суянди ва тилини найча қилиб, тутун чиқара бошлади.

Си унинг бу одатига тоқат қилолмаса-да, нафратини яширишга уринди.

– Балки улар баджаҳлдир, лекин сира овсар эмас.

– Йўғ-э, ростданми? Сенга Исидра деб исм қўйган ўшаларми?

– Тельма? – Си тирсагини тиззасига тираганча ёлвориб дугонасига бокди. – Сендан ўтиниб сўрайман, бир ўйлаб кўр.

– Хўп. Яхши. Менга қара, назаримда, омадинг келганга ўхшайди. Икки ҳафта бурун Рибанинг олдида бўлганимда, ҳар хил гаплар кулоғимга чалинганди. Бу гўзаллик салонида нималарни эшитмайсан. Смит руҳоний ҳазрати олийларининг хотини яна ҳомиладор экан, эшит-

дингми? Ўн битта чурвақаси ҳали оёғининг тагида ўралашиб юрибди-ю, булар бўлса яна биттасини дунёга келтириш тараддудида. Тушунаман, руҳоний ҳам эркак, лекин ҳаммаси эви билан-да. Тунги ишларни йиғиштириб қўйиб, тоат-ибодат билан шуғулланса бўлармиди?..

– Тельма, иш тўғрисида бирор гап борми?

– Рибанинг айтишича, шаҳар яқинидаги Бакхед деган жойда бир жуфтликка хизматкор керак эмиш.

– Қанақа хизматкор?

– Ошпаз аёл уй юмушларини ҳам бажарар экан, уларга эса эрига ёрдамчига ўхшаган яна бир одам керак эмиш. Эркак шифокор. Бамаъни одамлар экан.

– Яъни ҳамширага ўхшаган-да, тўғрими?

– Йўқ. Ёрдамчи. Билмадим. Билишимча, у ерда қандайдир бинтлар, йодлар бор. Аёлнинг айтишича, эрининг ишлаш хонаси уйда экан. Хуллас, ўша ерда яшайверасан. Аёлнинг гапига қараганда, иш ҳақи ҳавас қилгулик эмас, лекин тураржойинг текин, бу эса катта гап.

Автобусдан тушгандан кейин ҳам яна анча яёв юриш керак экан, бунинг устига янги баланд пошнали оқ туфли бунга халақит бераётганди. Бу ҳам етмагандай туфли пайпоқсиз оёқни баттар қисиб борарди. Бу чиройли, сокин шаҳарчада дурустроқ кўринишни истаб, Си дўкон қоғозхалтасини ўзининг ғарибона лаш-лушлари билан лиқ тўлдириб олганди. Доктор Скоттнинг манзилида теварак-атрофи шинам майсазор билан ўраб олинган икки қаватли улкан уй қад кўтарганди. Қиз ярмисини ўқиб, ярмисини ўқий олмаган уй эгасининг номи ёзилган лавҳа эса унинг бўлғуси ёлловчиси ҳақида маълумот бериб турарди. Асосий эшикни тақиллатайми, ё орқа эшикдан борсаммикан, дея Си иккиланарди. Унга кейингиси маъқул тушди. Ошхона эшигини тўладан келган, новча аёл очди. Аёл қўлини Сининг қоғоз халтасига узатди ва кулимсираб қўйди.

– Роба сен тўғрингда қўнғироқ қилиб айтганди, тўғрими? Ичкарига кир. Менинг исмим Сара. Сара Уильямс. Докторнинг аёли ҳадемай ёнингга чиқади.

– Миннатдорман, бекам. Рухсат этсангиз, мен аввал оёқ кийимимни ечсам.

Сара жилмайиб қўйди.

– Баланд пошнани ким ўйлаб топган бўлса ҳам бизни майиб қилмоқчи бўлганми дейман. Ўтир. Кел, сенга яхна сувдан қуйиб бераман.

Си оёқ кийимини ечди-да, ошхонага маҳлиё бўлиб назар солди. У Боббининг ошхонасидан каттароқ ва дурустгина жиҳозланганди ҳам. Озодалигини айтмайсизми! “Сассапариль” шарбатидан бир неча култум хўплагандан сўнг Си:

– Менинг вазифам нималардан иборат, айтолмайсизми? – деб сўради.

– Буни сенга Скотт хонимнинг ўзи айтади, лекин аслида буни фақат доктор билади.

Си ваннага тушиб, тетиклашиб ўзига келди-да, туфлисини кийиб, Саранинг ортидан кўзига кинотеатрдан ҳам кўркемроқ кўринган хонага ўтди. Шабада, тўқ-бинафша қопламали жиҳозлар, орасидан ёруғлик сизиб ўтаётган қалин пардалар. Скотт хоним қўлларини ёстикчага қўйиб, тўпикларини чалиштирди-да, унга бош ирғади ва қўллари билан ўтиришга ишора қилди.

- Исминг Си, шундайми? – Унинг овози мусиқага ўхшарди.
- Ҳа, бекам.
- Шу ерда, Атлантада туғилганмисан?
- Йўқ, бекам. Мен бу ердан Ғарбда, Лотус деб аталувчи шаҳарнамо қишлоқданман.
- Фарзандларинг борми?
- Йўқ, бекам.
- Турмушга чиққанмисан?
- Йўқ, бекам.
- Черковга борасанми? Қайсига?
- Лотусда диндорлар бор. Конгрегациончилар, мен бил...
- У ерда улар сакрашадими?
- Нима?
- Ҳеч нима. Сен мактабни тугатганмисан?
- Йўқ, бекам.
- Ўқишни биласанми?
- Ҳа, бекам.
- Санашни-чи?
- Санашними – ҳа. Мен ҳатто ғазначи бўлиб ҳам ишлаганман.
- Болажон, мен бу ҳақда сўрамаяпман.
- Санашни биламан, бекам.
- Балки бу ҳали керак ҳам бўлмас. Мен эримнинг ишини кўпам тусунмайман ва бунга ҳаракат ҳам қилмайман. У шунчаки доктор эмас; турмуш ўртоғим олим ва жуда муҳим тажрибалар устида ишлайди. Унинг кашфиётлари одамларнинг оғирини енгил қилади. У доктор Франкенштейн эмас.
- Қанақа доктор эмас?
- Бу муҳим эмас. У нима деса, сен шуни бажар, шунда ҳаммаси жойида бўлади. Энди боравер. Сара сени хонангга кузатиб кўяди.
- Скотт хоним ўрнидан турди. Бека эгнига оқ шойи матодан энгларри тўкис, этаги ерга тегиб-тегмай турган ридонамо кўйлак кийиб олганди. Аёл худди кинофильмлардаги подшонинг хотинига ўхшаб кўринарди.
- Си ошхонага қайтиб келди, қараса, қоғозхалтасини олиб кетишибди. Қиз хонасига кетишидан аввал Сара уни овқатланиб олишга кўндирди. Аёл музлатгични очди ва ундан картошкали совуқ таом ва иккита ковурилган товук оёқчасини олди.
- Оёқчаларни иситиб берайми?
- Йўқ, бекам, шундай еявераман.
- Биламан, мен кексайиб қолдим, бироқ шундай бўлса ҳам, сендан илтимос, мени Сара деб чақирсанг.
- Майли, нима десангиз – шу. – Си иштаҳасининг карнайлигидан ўзи ҳам ҳайрон эди. Умуман олганда, у овқатни кам ерди, қизил гўшт жизиллаб пишаётган Боббининг ошхонасида ҳам кўнгли унчалик егулик тусамасди. Ҳозир эса у товукнинг икки оёғи сал-пал бўлса-да, нафсимни ором олдиранмикан деб ўйлар эди.
- Скотт хоним билан суҳбатлашиб олдиларингизми? – сўради Сара.
- Суҳбатлашдик, яхши, – деди Си. – У ёқимтой аёл экан. Рост, истараси ҳам иссиқ.

– Ҳа-да. Устига-уштак, унинг қўлида ишлаш ҳам қийин эмас. Аёлнинг ўз тартиби бор: нимани яхши кўради, унга нима керак – ҳамиша бир хил. Доктор Бо – уни ҳамма шундай чақиради, жуда хушмуомала.

– Доктор Бо?

– Унинг тўлиқ исми шарифи Борегард Скотт.

Эҳ, мана у қандай айтилар экан, ўйлади Си.

– Уларнинг фарзандлари борми?

– Иккита қизчаси бор. Улар бу ерда эмас. Ишинг тўғрисида хоним сенга бирон нима дедими?

– Йўқ. Докторнинг ўзи сенга тушунтиради, деди. У оддий шифокор эмас, у олим деб айтди.

– Бу рост. Пулнинг бари хонимники, эри эса ҳар хил ихтиролар билан банд. Ҳозир бу ихтиролари учун давлат рухсатини олиш ҳаракатида.

– Рухсат? – Си оғзини совуқ таомга тўлатиб олганди. – У нима дегани?

– Ҳар хил кашфиётлар учун давлат томонидан бериладиган рухсатнома.

– Ҳа, тушунарли. Товукдан яна есам майлими? Жуда мазали экан.

– Албатта, олавер, болам. – Сара кулиб қўйди. – Агар қоладиган бўлсанг, мен сени яхшилаб боқаман.

– Бу ерда бошқа ёрдамчилар ҳам бўлганми? Уларни бўшатишганми? – хавотирланди Си.

– Баъзилари кетган. Эсимда, фақат биттасини ҳайдашганди!

– Нима учун?

– Нима учунлигини тузук-қурук билолмаганман ҳам. Менга у тўғри келадигандек кўринганди. Ёш, ҳамма билан муомаласи яхши эди. Эсимда, улар ниманингдир устида тортишиб қолишганди ва доктор Бо уйда хамроҳларга муҳтож жойим йўқ деганди.

– Уйдаги ҳамроҳлар – бу нима дегани?

– Ким билади дейсан. Билмадим. Бирон ҳақоратли сўз бўлса керакда. Доктор Бо ашаддий конфедерат¹. Унинг буваси қаҳрамон бўлган, уни Шимол тарафда бўлган қандайдир номи чикқан жангда ўлдиришган. Мана бу сочиқни ол.

– Раҳмат. – Си қўлларини артди. – Ў, қандай маза қилдим-а! Айтингчи, сиз бу ерда анчадан бери ишлайсизми?

– Ўн беш ёшимдан бери. Қани, юр, сени хонангга кузатиб қўяман. У пастда, унча катта эмас, лекин ухлаш учун бундан зўри бўлмайди. У ердаги тўшакда маликалар ҳам жон-жон деб ётган бўларди.

“Пастда” дегани олд томондаги айвондан бир метр пастда эди – тўғрироғи, росмана ертўла эмас, балки уйнинг бироз ботикроқ қисми эди, холос. Уйнинг йўлагига, докторнинг ишлаш хонасидан унча узок бўлмаган ерда Сининг саранжом-саришта, камбаргина, деразасиз хонаси жойлашганди. Унинг ортида кўр-кутлар ғамланган бомбапаноҳнинг кулфланган эшиги бор, деди Сара. Сара Сининг қоғозхалтасини ерга қўйди. Девордаги кийимилғичдаги оҳорланган, дазмолланган иккита иш кийими янги истиқоматчини олқишларди.

– Кийишга эртагача шошмай тур, – деди Сара, ўзининг ҳали киши қўли тегмаган пок-покиза кийимининг ёқасини тўғрилай туриб.

– Ў, бу ер чиройли экан. Қаранг, курсича. – Си каравотнинг олд томондаги суянчиғига қаради ва кулиб унга қўл теккизди. Сўнг парда ортига

¹ Конфедерат – 1860–1865 йиллари АҚШда бўлиб ўтган фуқаролар урушида конфедерация (иттифок)ни қўллаб-қувватлаганлар.

кўз ташлаганди, у ерда хожатхона қурилмаси – унитаз ва қўловгични кўрди, сўнг қойилмақом тўшақли каравотга ўзини ташлади. Чойшабни яна устига тортди ва майин шойидан баҳра олганча кула бошлади. Мана сенга, Ленора, хаёлидан кечирди у. Шалоғи чиққан ўша каравотингда қалай, уйқинг келаяптими? У ўша Ленора ётадиган ўйдим-чуқур тўшақни ёдга олди-да, ичиқоралик билан кулди.

– Астарок, қизча. Сенга ёққанидан хурсандман, лекин бундай баланд овозда кула кўрма, бу ерда буни хушлашмайди.

– Нега энди?

– Кейин айтаман.

– Йўк, Сара, ҳозир айта қолинг. Илтимос!

– Эсингдами, сенга уларнинг қизлари бу ерда эмаслигини айтгандим? Улар етимхонада. Икковининг ҳам боши меъёридагидан катта. Менимча, бу касаллик цефалит деб аталарди. Бундай бахтсизликка фақат биттаси дучор бўлганда ҳам чидаса бўларди. Буни қараки, иккови ҳам шу дардга мубтало бўлган. Ўзинг раҳм қил, ё Раббим!

– Эй, Худо. Қандай мусибат-а, – деди Си ва хаёлга чўмди: доктор одамларнинг мушқулини осон қилиш учун ҳам ихтироларга қўл урган экан-да.

Эрта билан Си уй эгасининг олдида ҳозир бўлди – доктор уни хушмуомалалик билан, бироқ расмий қарши олди. Сочлари қалин, жиккаккина бу эркак катта, саришта ёзув столи олдида ҳаракатсиз қотиб ўтирарди. У дастлаб қиздан фарзанди борми, ҳали бокирами ё йўкми, шуларни сўради. Си эса турмуш қурганини, бироқ у кўпга чўзилмаганини, бўйида ҳам бўлмаганини айтди. “Сенинг асосий вазифанг, – деди доктор, – асбоб-ускуналарни тозалаш ва йиғиб-териш, даволанувчиларни қайд этиб бориш: исми шарифи, қабул вақти ва ҳоказолардан иборат”. Беморлар билан ҳисоб-китобни эса кўриқдан ўтказувчи хонадан алоҳида бўлган ишлаш хонасида ўзи олиб борарди.

– Эрталаб роппа-роса соат ўнда шу ерда бўл, – деди у. – Зарурат юзасидан алламаҳалгача қолиб ишлашга тайёр бўлиб кел. Тиббиётда бўладиган ҳар хил кўнгилсиз воқеаларга ҳам ҳозир бўлиб тур: баъзан қонга, баъзан оғриқларга. Сен ўзингни хотиржам ва совуққон тутишинг керак. Ҳар доим. Агар шуларни эплай олсанг, ҳаммаси яхши бўлади. Нима дейсан, эплайсанми?

– Ҳа, хўжайин. Эплайман. Албатта, эплайман.

У эплай олди. Докторнинг чор-ночорларга, биринчи навбатда, аёлларга, қизларга қанчалар кўп ёрдам бераётганини кўрган Сининг унга ҳурмати ортиб борарди. Яқин-атрофдаги ёки Атлантанинг ўзидаги давлатмандлардан ҳам кўпроқ уларга докторнинг ёрдами тегарди. У беморларга ниҳоятда меҳрибон эди. Иш юзасидан бошқа шифокорларни таклиф этиш лозим бўлиб қолган ҳолатлардан ташқари барча ҳолларда уларнинг сирларини махфий тутарди. Қачонки унинг уринишлари қор қилмай, беморнинг аҳволи ёмонлашгудек бўлса, у беморни мухтожларга ёрдам берувчи шаҳар касалхонасига ўтказарди. Қачондир кимдир вафот этгудек бўлса, дафн маросимига ҳам пулни ўз ёнидан сарфларди. Қиз ўз ишини яхши кўрарди: ажойиб уй, марҳаматли шифокор ва доим вақтида тўланадиган ва сира камайтирилмайдиган иш ҳақи, бир вақтлар Боббида бўлганидек. Си Скотт хонимни кўрмасди. Хонимга фақат

Сара хизмат кўрсатарди; Сара, хонимнинг сира уйдан чиқмаслигини ва қиттак-қиттак анави захар дамламага ўрганиб қолганини айтарди. Докторнинг хотини узоқ вақт сув бўёқларда расм чизар ва телевизор кўришни ёқтирарди. У кўпроқ Милтон Берлнинг шоусини ва “Келин-куёвлар асал ойида”ни севиб томоша қиларди.

Бир куни, иш бошлаганининг учинчи ҳафтасида Си доктор Бонинг хонасига у келмасидан ярим соат аввал кирди. Токчаларни лиқ тўлдириб турган китоблар қизда ҳавас ва ҳурмат уйғотарди. Ҳозир китобларнинг тикилган еридан бармоқларини юргиза туриб у тиббиётга оид китобларни диққат билан кўздан кечирарди: “Тун кўйнидан”. Афтидан, детективга ўхшайди, деб ўйлади у. “Олий ирқ парвариши”, унинг кетидан “Ирсият, ирқ ва жамият”. Мен олган таълим қанчалик бўлмағур ва бефойда экан, дея хаёлидан ўтказди у, ва вақт топиб “евгеника”¹ таълимотини тушуниб олиш учун ўзига сўз берди. Си обрўли ва ишончли қўлларга келиб тушганди, Сара билан ҳам она-боладек, дугонадек, сирдошдек бўлиб қолганди. Улар доим бирга еб-ичишар, баъзан таомни ҳам биргаликда тайёрлашарди. Борди-ю, ошхона чидаб бўлмас даражада исиб кетса, улар сўнгги настарин иси анқиб турган ва йўлкалар оралаб калта-кесаклар югуриб юрган ҳовлида, соябон тагида овқатланишарди.

Кун қандайдир бошқача кизиби турган илк ҳафтада Сара:

– Юр уйга. Бугун чивинларнинг авзойи бузук. Ичкарида менинг оқ қовунларим бор, суви чиқиб кетмасидан еб кўйиш керак, – деди.

Ошхонада турган саватлар ичидан Сара учта қовунни олди. Шошилмайгина аввал биттасини, сўнг бошқасини силади-да, тўнғиллади:

– Эрқаги экан.

Си учинчисини кўтариб олди-да, оч сариқ пўстлоғидан силади ва бармоғини банддан қолган чуқурчага тикди.

– Урғочиси. – Пиқирлаб кула бошлади у. – Бу урғочиси экан.

– Ҳамду санолар. – Сара ҳам у билан биргалашиб паст овозда кулди.

– Энг тотлиси.

– Энг ширалиси, – қовунни даст кўтариб олди Си.

– Бокира қиздек ифори бор-а?!

– Ундан ҳам лаззатлироғи борми!

Сара кутидан узун ўткир пичоқни олди ва элбурутдан иштаҳаси очилиб, қовунни қоқ иккига бўлди.

Аёллар исми шарифимни эшитишлари заҳоти мен билан гаплашишни хоҳлаб қолишади. Мани? Қиқирлаб кулишади-да, ўша-ўша бир хил саволни такрорлайверишади: бу исми менга ким қўйган ва ростдан ҳам исми шунанамми? Ёки буни кибр-ҳаво учун ўзим ўйлаб топганманми? Ёки мен қиморбозманми, ёки ўғри, ёки қандайдир шунга ўхшаш бирон фирибгарманми ва мenden кўз-қулоқ бўлиб туриши зарурми? Уларга қишлоғимизда менга қўйишган Банкир деган лақабимни айтсам, улар хандон отиб кулишарди-да, мenden пул талаб қилишарди. Меники сенда сақланаяпти. Бу ёққа чўз! Бу тинимсиз вағир-вуғурлардан сўнг дўстлашиб ҳам олардик, бекорчи гаплар барҳам топгач эса, яна ўша-

¹ Евгеника – инсоннинг ирсий саломатлиги ҳақидаги таълимот.

ўша ҳазил-мазахлар давом этаверарди: Банкир, менга ҳам оз-моз ақчадан ол. Кулоқ сол, сенга шарт қўймоқчиман, у сенга маъқул бўлади.

Ростини айтганда, Лотусдаги ёқимтой биттасидан ва Кентуккидаги кўча қизларидан таишқари, менга эс-ҳушлигидан бор-йўғи иккита аёл учраган. Уларнинг ичида менга ёқадиған шундай жасажжи мўрт бир нарса бор. Унинг феъл-атвори қандай, ақллими у, ё чиройлими – фарқи йўқ – барининг ичида омонат нимадир бор. Худди қушларнинг кўкрак суягига ўхшаш ва у шундай бир нарасаки, уни хоҳламай иложинг йўқ. Суякдан ҳам ингичка, жасажжи айрича, ва наридан-бери, омонатгина қилинган, агар истаганимда, бироқ буни ҳали амалда қилиб кўрмаганман, уни бармоқлар билан ҳам йиртиб таишлаш мумкин. Хоҳлардим. Бироқ у ўша ерда бор, яшириб қўйилган, – шуни билишининг ўзи кифоя.

Барини ўзгартариб юборган учинчи аёл бўлди. У билан бу айрича менинг кўксимга жойлашиб олди ва шу ерда яшаб қолди. Ғайратимга ғайрат қўшган унинг бармоқлари бўлади. Биз кимёвий тозалаиш корхонасида танишидик. Кеч кузда – океан тўлқинлари шаҳарга урилиб турганда, буни ким ҳам хаёлига келтирибди, дейсиз? Мутлақо ҳушёр ҳолда мен унга ўзимнинг ҳарбий уст-бошимни топширдим ва унинг нигоҳидан кўзларимни узолмай қолдим. Афтидан, тентакка ўхшаб кўринган бўлсам керак, бироқ мен ўзимни тентакдек ҳис этмадим. Ўзимни гўё уйимга келгандек ҳис этдим. Хайрият! Роса дарбадар кездим. Мутлақо бошпанасиз бўлмаса-да, деярли шунга яқин. Ичдим, Жексон-стритдаги мусиқий майхоналарда сандироқлаб юрдим, ҳамтовоқларимнинг диванларида ёки кўчаларда тунадим, қирқ уч доллар ҳарбийлик маошимни қиморга ва билъярдга сарф қилиб юбордим. Пул туғагач эса янги чек келгунига қадар кунбай ишга ёлландим. Кўмакка муҳтож эканимни тушунардим, бироқ ундан дарак йўқ эди. Ҳарбий буйруқ бўлмагач – гарчи зорлансанг-да, унга итоат этишига мажбурсан, – мен ҳеч вақосиз кўчада қолгандим.

Нега тўрт кун ичмадим, буни аниқ элардим ва уст-бошимни ҳам кимёвий тозалаишга топшириш керак эди. Ичмаганимга мен кўприк ёнидан ўтаётган ўша тонг сабаб бўлганди. У ерга одамлар тўпланган, “тез ёрдам” машинаси турарди. Мен яқинроқ бордим-да, фельдшернинг қўлидаги қизчага кўзим тушиди, у сув қайт қиларди. Бурнидан эса қон оқарди. Ғам-ғусса менга бало-қазодек ёпирилди. Оишқозонимда оғриқ турди, энди виски тўғрисидаги ўйнинг ўзиёқ қайт қилишим учун кифоя эди. Мен титраб-қақшаганча у ердан қорамни ўчирдим, ва то полициячилар мени қувиб солмагунча хиёбондаги ўриндиқларда тунаб юрдим. Тўртинчи кунга келиб эса аксимни ойнаванд қутида кўрдим-у, ўзимни таниёлмай қолдим. Аллақандай жирканч, ожиз бир нусха. У жанг майдонида ёлғиз ўзим қолган тушларимдаги менга ўхшарди. Ҳеч қаерда ҳеч ким кўринмасди. Теварак-атроф сув қуйгандек жимжит. Кетиб бораянман-у, биронта тирик жон кўринмасди. Шунда мен у ёқ-бу ёғимга қараб олишга қарор қилдим. Жин урсин ўша тушларни. Мен туфайли оғайниларим уятга қолишини истамайман. Хўрланган телба ароқхўрга ўхшашини ҳам сира истамайман. Шу боис бу аёлни кимёвий тозалаиш корхонасида кўрганимда, унга мутлақо самимий муносабатда бўлдим. Агарда мана шу хат бўлмаганда эди, мен ҳозир ҳам унинг пешбанди боғичига ётишиб олган бўлурдим. Менинг қалбимда, товони-

дан ажраган оту кафтларим остида титраб-қақшаётган Исидрадан бўлак унга рақиб йўқ эди.

Агар мени уй-жойи бор хомсемиз аёлни қидирган, деб ўйласанг, қаттиқ янглишасан. Бундай эмас. Ўша аёлни кўрдим-у, гангиб қолдим ва унга бирон бир фойдам тегишини истадим. Наҳотки шуни тушунишинг сенга шунчалик қийин бўлса? Аввалги ёзганларингда мен гўё, ўша Чикаго поездидаги калтак еган эркак ҳали аламини хотинидан олади ва уни роса дўппослайди деб ўйлаганимни айтибсан. Бу ёлгон. Мен бундай хаёлга бормаганман. Мен, у хотини билан фахрланади, бироқ бу туйғуни поезддаги бегона эркакларга ошкор этишни хоҳламасди, деб ўйлаганман. Севги бобида сен нимани ҳам тушунардинг.

Мен ҳақимда ҳам.

6

Актёрлар актрисаларга қараганда анча дилкаш эди. Ҳеч бўлмаганда, унинг исмини айтиб чақиришарди ва агар костюм бирозгина ярашмай турса ёки эски пардоз билан булганган бўлса, вайсаб ўтиришмасди. Аёллар уни “қиз” деб чақиришарди, масалан, “Қиз қани?” ёки “Ҳой қиз, менинг “Пондс” банкам қаерда?” Сочлари ёки ясама соч турмаклари ярашмай қолса, жаҳллари чиқиб кетарди.

Лили эви билан ғабланарди, негаки, тикувчи-костюмернинг фаррошлик вазифасидан сўнг ойлиги кўтарилганди, бунинг устига онасидан ўрганган санъатни намойиш қилиши мумкин эди: чатиб чиқиладиган билинмас чок, нина ортида қоладиган йўрмадўз чок, изма ва қавиқ чоклар. Режиссёр ҳам унга хушмуомала эди. У бир мавсумда “Скайлайт” студияси иккита, баъзан учта спектакль кўярди, қолган пайт актёрлик маҳоратидан дарс берарди. Гапнинг пўсткаллеси, гарчи театр кичкина ва оддий бўлса-да, унда ҳаёт йил бўйи худди асалари уя-сидек қайнаб-тошиб турарди. Спектакль оралиғида ва дарсдан сўнг эса қизгин тортишувлар шундай авжига чиқардики, Стоун жаноблари ва ўқувчиларининг пешонасидан тер чиқиб кетарди. Улар сахнадан кўра шундай баҳсу мунозараларда кўпроқ ҳаяжонга тушар эканлар-да, деб ўйларди Лили. Бу тортишувлар беихтиёр қулоғига чалинган Лили, агар масала ижрога ёки сахнада айтиладиган сўзига тааллуқли бўлмаса, бу даражада жиғибийрон бўлишнинг нима ҳожати бор экан, деб роса боши қотарди. Энди студия ёпилиб, Стоун жаноблари ҳибсга олиниб, ишидан айрилгандан сўнг, у гап нимада эканига яхшироқ қулоқ солмаганига афсусланди. Гап, чамаси, пьесада эди. Шу туфайли чалкашликлар юзага келди, сўнг ҳукуматдан икки шляпали вакил келди. Лилининг фикрича, пьеса унчалик қиёмига етмаганди. Гапи кўп-у, воқеадан дарак йўқ, лекин уни тақиклайдиган даражада ёмон деб бўлмасди. Улар бунгача тай-ёргарлик кўришган-у, бироқ рухсат олишолмаган, аввалги спектаклдан ўлса ўлиги ортиқ эди. Агар хотираси панд бермаса, Альберт Мальц исми ёзувчи сценарийсини ёзган пьеса “Моррисон иши” деб номланарди.

Вонгнинг “Ҳаворанг сарой” кимёвий тозалаш корхонасида оз ҳақ тўлашарди ва артистлардан чойчақа ҳам тушмасди. Аммо-лекин кечки пайт ижарадаги уйдан театрға ва яна орқага қатнашдан кўра кундузи ишлаш қулайроқ эди. Лили дазмоллаш хонасида турган кўйи яқинда

бўлиб ўтган ва ғазабга айланиб улгурган ранж-алам тўғрисида ўйларди. Унинг кони қайнашига кечагина даллол билан ўртасида кечган суҳбат сабаб бўлган эди. Рўзгорни оқилона тебратгандан ортганини у ота-онаси қолдирган маблағга қўшганда, ижара уй билан хайр-маъзур қилиш учун хусусий уйнинг илк тўловига етиб қоларди. Беш минг долларли чиройли уй тўғрисидаги эълоннинг атрофини у чизик тортиб ўраб қўйди ва гарчи у ерлар ишга узоқ бўлса-да, бундай файзли тумандан шаҳарга жон-жон деб қатнаган бўларди. У ердан туриб Лилини кузатаётган нигоҳлар уни ҳечам ташвишга солмасди, – қиз рисоладагидек тоза-озода кийинганини, сочлари ҳам бинойидек турмакланганини биларди. Бу туманни бир неча марта томоша қилиб чиққан Лили даллол хотинга мурожаат қилди. У ўз мақсадини баён этиб, сотувга қўйилган иккита уй ҳақида айтганида, даллол хотин кулиб қўйди-да:

– Минг афсус, бунинг иложи йўқ, – деди.

– Нима, уйлар сотилганми? – сўради Лили.

Даллол хотин ерга қаради ва кейин ростини айтишга қарор қилди:

– Йўқ, бироқ чеклов деган гаплар бор.

– Қанақа чеклов?

Даллол хотин хўрсинди. Кейин суҳбат малол келаётганини яширмай қоғозбоскични кўтарди-да, тагидан бириктириб қўйилган бир неча варақни суғуриб олди. Варақнинг орқасини ўгириб, тагига чизиб қўйилган хатни унга кўрсатди. Лили сатр тагидан бармоқларини юргизиб ўқиди.

Кўрсатиб қўйилган кўчмас мулкнинг биронта қисмини, уй хизматига ёлланганлардан ташқари, яҳудий ёки ҳабашилар, малайя ёки осиеликлар эгаллаши ёки бўлмаса фойдаланиши тақиқланади.

– Менда бошқа туманда ижарага қўйиладиган уйлар ҳам, сотиладиган уйлар ҳам бор. Хоҳлайсизми?..

– Раҳмат, – деди Лили. У бошини баланд кўтарди-да, бор ғурурини намойиш қилганча шитоб билан хонадан отилиб чиқиб кетди.

Шундай бўлса-да, у ҳовуридан тушгач, баъзи бир ўй-мулоҳазалардан сўнг яна агентликка келди ва Жексон-стритга яқин жойдан учинчи қаватдаги битта ётоқхонали уйни ижарага олди.

Кимёвий тозалаш корхонасининг хўжайинлари “Скайлайт” студияси актрисаларидан гарчи анча хушмуомала бўлсалар-да, хатто унга 75 цент қўшимча ҳақ тўласалар-да, олти ой ўтгач, Си дазмолу буғдан бўғилиб бораётганини сеза бошлади. У ҳали ҳам ўша уйдан умидвор эди ва ҳеч бўлмаганда ўшанга ўхшашини сотиб олишни истарди. Иши юришмай турган шундай бир пайтда баланд бўйли эркак шошилинач буюртмага топшириш учун ҳарбий уст-бош ўралган тугунни кўтариб келиб қолди: эр-хотин Вонглар орқа хонада тушлик қилишарди, пештахта ортида эса Лили қолганди. У мижозга шошилинач буюртмалар кундуз соат ўн иккигача қабул қилинишини айтди; унинг буюртмаси фақат эртага тайёр бўлади. Қиз буни табассум билан тушунтирди. Эркак жавобан кулмади ҳам; унинг ғалати, маъносиз қарашларидан гўё вазифаси кунлаб муҳит тўлқинларини кузатиб ўтирувчи кишига ўхшарди. Қиз унга ёрдам бермоқчи бўлди.

– Ўйлаб кўрай-чи, бирор чораси топилиб қолар. Беш яримларда хабар олинг.

Эркак айтилган вақтда келди ва уст-бошли илғични елкасига ташлаганча йўлкада қизнинг чиқишини кутиб ярим соат турди. Сўнг қизга уйигача кузатиб қўйишни таклиф этди.

– Уйга кирмайсизми? – сўради Лили ундан.

– Сиз нима десангиз шу.

Қиз кулди.

Улар бир-бирига эликишди-қолишди ва бир ҳафта ўтар-ўтмай жуфтликка айланишди. Бироқ бир неча ойдан сўнг у оилавий аҳвол тақозоси билан жўнаб кетишини айтганда, Лилининг юраги атиги бир марта ортиқча уриб қўйди, холос. Бор-йўғи шу.

Дастлаб Фрэнк билан гўзал ҳаёт кечиришди. Турмуш бирдан эмас, аста-секин, янглишу хатолар сабаб емирила борди. Ишдан уйга қайтиб, унинг диванда ерга тикилганча ўтирганини кўргач, Лили сира хавотирга тушмасди, аксинча, ғазабни кўзирди. Битта пайпоғи оёғида, иккинчиси эса кўлида турарди. Хоҳ уни отини айтиб чақир, хоҳ энгашиб юзига боқ, кимир этмаслиги тайин эди. Лили уни ўз ҳолига ташлаб қўйишга ва шоша-пиша ошхонага кириб, эридан қолган ивирсиқларни тартибга келтиришга одатланиб қолганди. Иккови бирга яшай бошлаган илк кезлари йигитнинг бағрида уйғониб, унинг аскарлик нишони ўзининг юзига тегиб турганда ҳис этган мулойимликлару худди шу каби у билан ўтказган ажойиб кунлари энди Лили учун хотирага айланиб қолганди ва ҳаёлда бу кунлар кучоғига камроқ қайтишни истарди. Бениҳоя завқшавққа тўла ўша кунлар уни тарк этганидан афсусланса-да, бироқ улар яна қайтишидан умидвор ҳам эди.

Одатда икир-чикирлардан иборат ҳаёт тарзи кишидан эътибор талаб этарди: тўланмаган тўловлар, қувурдан чиқаётган газ, сичқонлар, ситилиб тамом бўлган сўнгги пайпоқ-лозим, фитначи кўни-кўшнилари, жўмракдан томчилаётган сув, ўзбошимчалик билан ишлаётган батарея, дайди итлар, гамбургернинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган нарху навоси. Кўнгилни хижил қилувчи бу ташвишларнинг биронтасига Фрэнк жиддий муносабатда бўлмасди ва очиғини айтганда, бунинг учун қиз йигитни айблаётган ҳам олмасди. Ва бу талай арз-додлар замирида шахсий уй ҳақидаги орзу-армонлар яширинганини қиз яхши тушунарди. Орзу-истакларни рўёбга чиқаришга бўлган интилишини йигит у билан баҳам кўрмагани қизнинг ғазабини кўзитарди. Фрэнkning яшашдан бирон-бир мақсади борга ўхшамасди. Келажак тўғрисида, уни қандай режалар қизиқтириши тўғрисида қачон гап очилганда, Фрэнк: “Омон бўлсам бўлгани, у ёғи бир гап бўлар”, деб мужмал жавоб бериб қўя қоларди. Эҳ, дерди қиз ичида. Бу уруш деганлари унга азоб беришда ҳали-ҳануз давом этяпти, шекилли. Ва ундан хавотирга тушибми, ё унга ачинибми, қиз Фрэнкни кўп бора кечирарди – худди бир сафар февраль ойида, мактаб стадионидаги черков йиғилишига борганларида кечиргандек. Черков ўз эътиқодини ёйишга интилиб эмас, балки одамлар учун жуда кўп столларга ёзиб қўйилган дастурхонни ҳар хил мазали таомларга тўлдириб, ҳаммани очик чеҳра билан кутиб, уларни бепул меҳмон қилишни одат тусига айлантириб олгани билан ном чиқарганди. Ёзилган дастурхонга нафақат диндорлар, барча ташриф буюрарди. Даҳрийлар таомга навбатга туриш учун урилиб-сурилиб эшик олдида саф торти-

шарди ва сон жихатдан диндорлардан ошиб борарди. Ёш бамаъни йигитлар ва нуроний оқсоқоллар томонидан тарқатилаётган адабиётлар халталарга ва ён чўнтакларга тикиб қўйиларди. Эрталабки ёмғир тиниб, булутлар орасидан ой сузиб чиқа бошлагач, Лили ва Фрэнк ёмғирпўшни свитерга алмаштирди-да, бир-бирининг қўлидан ушлаганча стадионга йўл олди. Лили бошини одатдагидан тик тутди ва Фрэнк сочини ол-дирмаганидан афсусланди. Унга бир қараб қўйиш билан кифояланиш-масди – бунга балки унинг новча бўйи сабаб бўлгандир. Ҳар ҳолда қиз шундай ўйлашни истади. Нима бўлганда ҳам, уларнинг кайфияти чоғ эди: одамлар билан роса гурунг қилишди, болаларнинг ликопчаларини тўлдиришга кўмаклашишди. Ва бирдан, хурсандчиликнинг қоқ ўртасида ва ҳаво очиқ салқин кунда Фрэнк ғойиб бўлди-қолди. Улар стол ёнида туриб, ўзларига ковурилган жўжадан иккинчи улушни солишаётганда, рўпарадан ғилай кўзли бир қизча гўштли нонга талпина бошлади. Фрэнк ликопчани унга яқинроқ сургани энгашди. Шунда қизча унга миннатдор жилмайиб қўяётганди, йигит бирдан таомини ерга тушириб юборди-да, ўзини оломон ичига урди. У бориб урилган кимсалар ва унга йўл бўшатган баъзилар бу қилиқдан норози бўлиб қовоқларини уйишди, баъзилар эса бақрайиб қолаверди. Ҳаяжонга тушган Лили хижолат ичи-да қоғоз ликопчани столга олиб қўйди. Қиз йигит билан таниш эмасли-гини намоёйиш этишга уринганча бегона кўзлардан ўзини олиб қочди-да, мартабали кимсалар ёнидан бошини баланд кўтариб, шошилмай, Фрэнк кетган томондан эмас, бошқа тарафдан жуфтакни ростлади.

Унинг бахтига Фрэнк уйда йўқ эди. Йигитнинг бундай дабдуруст-дан ўзгаришига нима сабаб бўлди экан? Боягина кулиб турганди, бир-дан ваҳима босди-қўйди. Ёинки у қандайдир жаҳду жадалнинг до-мига тушиб қолгану тўғри келганда тўсатдан қизга ҳам ҳамла қилиб қолармикан? Тўғри, Фрэнкнинг кайфияти яхши эмас, бироқ кўрқитиш у ёқда турсин, йигит биронта одам билан гап ҳам талашмаган. Лили тиззаларини букиб кўкрагига олиб борди-да, тирсақлари билан тиззала-рига суянганча ўзининг ва унингҳардамхаёллиги, келажак орзулари ва йигит у билан барини баҳам кўришга қодирми, ё йўқми – шулар ҳақида ўй сура кетди. Фрэнк уйга тонг нури аллақачон пардалардан сизиб ки-раётган пайтда кириб келди. Қулфга солинган калит буралганда, Ли-лининг юраги орқага тортиб кетди, бироқ Фрэнк хотиржам кўринарди, аммо ўзининг айтишича, ер ёрилиб ерга кириб кетгудек мулзам аҳволда эди.

– Бундай ваҳимага тушишинг Кореядаги хизматинг туфайлими? – сўради Лили, қиз уруш тўғрисида сира гап очмас, Фрэнкнинг ўзи эса бу ҳақда лом-мим демасди.

Йигит кулиб қўйди.

– Хизматинг дейсанми?

– Ҳарҳолда саволимни тушундинг.

– Тушунаман. Бу бошқа такрорланмайди. Сўз бераман. – Фрэнк уни бағрига босди.

Ҳаёт яна ўз изига тушди. Куннинг иккинчи ярмида ва кечкурун йигит машина ювиш корхонасида ишларди, Лили эса иш кунлари ва шанба ўтиб Вонгнинг корхонасида хизмат қиларди. Улар айланишга камдан-кам чиқишарди, бундан қиз ранжиб ўтирмасди. Баъзан кино кўргани

боришарди ва шунинг ўзи кифоя эди. “У йўл бўйи югурди”ни томоша қилмагунларича аҳвол шундай давом этди. Ўша фильмдан сўнг Фрэнк кечқурун муштини қисганча бир неча соат ўтирди. Шундан кейин улар қайтиб кинога боришмади.

Қизнинг фикру ёди бошқа ўй-хаёллар билан банд эди. Унинг тикувчилик ҳунари кун сайин кадр топиб бораётганди. У аёлларнинг нафис ёпинчиғига икки марта тўр тўқиб берди ва бадавлат мижозлардан бирининг қалин газламали дастурхонига гул тикканидан сўнг обрўси янада ошди. Лили энди кўплаб буюртмалар олар ва қандай бўлмасин, ўз уйига эга бўлишга аҳд қилганди. Энди аёллар ательесини очишни, бориб-бориб кийим-бош тикиш бўйича мутахассис бўлишни ҳам кўнглига туғиб қўйганди. Ҳар ҳолда у касбий тажрибани театрда орттирганди.

Фрэнк сўзининг устидан чиқиб, энди ножўя ҳатти-ҳаракатлари билан одамларни ортиқ безовта қилмаётганди. Лекин, барибир... Қиз уйга қайтганда, у ҳар доим диванда, шунчаки гиламга тикилиб бекор ўтирарди, – бундан Лилининг жони чиққудек бўларди. У ҳар қанақасига хўп уриниб кўрди. Барибир уйдаги барча майда-чуйда юмушлар – ҳатто энг майда-чуйдасигача қизнинг зиммасида эди: эркакнинг уст-боши ер билан битта бўлиб тўзғиб ётар, ошхона чаноғи котиб кетган овқат юкли идишларга тўла, кетчупли идишнинг қопқоғи очик, қўлювгичнинг ичи қирилган соқол тукларига тўла, бир уюм хўл сочиқ кафелли полнинг бошидан-охиригача ёйилиб ётарди. Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Лили бунинг ҳисобини ҳам олиб бўлганди. Шикоятлар бир томонлама жанжалга айланиб борарди, чунки йигит бунда иштирок этмасди-да.

- Қаерда эдинг?
- Шаҳарда.
- Шаҳарнинг қаерида?
- Кўчада.

Майхонадами? Саргарошхонадами? Бильярдхонада дейдими? Хиёбонда ўтирмагани аниқ, албатта.

– Фрэнк, сун идишларни аввал чайиб, сўнг эшик олдига қўйсанг бўлмайдими?

– Мени кечир. Ҳозир чайиб қўяман.

– Энди ҳожати йўк. Ўзим аллақачон чайиб қўйдим. Биласан-ку, ахир, менинг ўнта қўлим йўк.

- Ўнта қўл бўлганда ҳам ҳаммасига улгуриш қийин.
- Тўғриси айт, ўзи бирор нима қилиш қўлингдан келадими?
- Лили, мени кечир. Сен нимани истасанг, бажо келтираман.
- Мен истасам-а? Бу, ахир, бизнинг уйимиз.

Лилини ўраб олган норозилик тумани қуюқлаша борди. Фрэнкнинг барига очик-ойдин лоқайд муносабати ва палапартишликка мойиллиги Лилининг ҳақлигини исботлаб турарди. Ҳали ундан бошқасини кўрмаган муаннас учун аввал-бошда марокли кечган тўшакдаги ҳаёт энди мажбуриятга айланиб қолганди. Ўша, қор беармон ёккан куни йигит Жоржиядаги бетоб синглисига ёрдам бериш учун ундан қарз сўраганида, Лили бир томондан аччиқланиб, айрилиқдан хавфсираса, бошқа томондан бироз муддат бўлса-да, эркин яшашини ўйлаб кўнгли хотиржам тортарди. Аёл чўмилиш хонасидаги чанокда у унутиб

қолдирган жетонни олди-да, уни ғаладондаги ўзининг чек дафтарчаси ёнига яшириб қўйди. Энди уй бутунлай аёлнинг ихтиёрида эди – ва ниҳоят уйғонганда, нарсалар сочиб ташланмаганини, чил-чил синмаганини билиши учун энди уларни ўзи хоҳлагандек йиғиб-териши, жой-жойига қўйиши мумкин эди. Фрэнк қизни Вонгнинг кимёвий тозалаш корхонасидан уйигача кузатиб қўйгунига қадар Лили ҳис этган ёлғизлик бора-бора унутилаётганди ва энди унинг ўрнини, деворнинг қайси еридан тешишни истасанг, ўша ерини танлашга имкони берувчи эркинлик шабадаси, интиқиб кутилган ёлғизлик дамлари эгаллаганди. Қулай-қулай деб турган одамга тиргак бўлишнинг ҳам ҳожати қолмаганди. Энди ҳеч бир тўсиғу чалғитишларсиз ўз иззат-хурматиغا мос жиддий режалар ўйлаб топиш имкони туғилди. Буни унга ота-онаси ўргатганди ва буни бажаришга қиз ваъда берувди: танлаш ва ўз хис-туйғуларини итоатда тутиш. Ҳақорату камситишлардан нари юриш. Ёки отаси Библияда келтирилган сўзларни бузганча: “Белингни бақувват қил, қизим. Сенинг исминг менинг онамнинг шарафига Лиллиан Флоренс Жонс деб қўйилган. Ундай чидамли аёлни бу дунёда топиш амри маҳол эди. Ўз истеъдодингни кашф эт ва уни камол топдир”, деб такрорлашни хуш кўрарди.

Фрэнк у билан айрилишган куни Лили кўчага очиладиган дераза олди-га борди-да, гупиллатиб ураётган лайлакқорнинг кўчани қоплаб бораётганини ҳайрон бўлиб кузатиб турди. Ҳавонинг авзойи баттарлашмасдан бурун у дарров дўконга бориб келишга қарор қилди. Ташқарига чиқиши билан аёлнинг кўзи йўлкада ётган чарм ҳамёнга тушди. Ҳамён тангага тўла – кўпи йигирма беш ва эллик центлик майда пуллар эди. У биронта одам кўриб-негиб қолмадимикан, деб у ёқ-бу ёққа аланглабқўйди. Кўчанинг нариги томонидаги дераза пардалари қимирламадимикан? Тўхтамай ўтиб кетаётган машинадаги йўловчилардан биронтасининг кўзи тушмадимикан? Лили ҳамённинг оғзини ёпди-да, уни эшик олдида қўйди. У ҳар эҳтимолга қарши озиқ-овқат ғамлаш учун тўлдириб олган қоғоз халтасини кўтариб дўкондан қайтганда, қор босган ҳамён ҳали ҳам ўша ерда ётарди. Ўтиб кетаётган ҳамённи олди-да, озиқ-овқатлар солинган халта ичига ташлади. Тузаб қўйилган каравотнинг Фрэнк ётган ерига терилиб, товланиб турган бу пуллар Лили учун бемалол йигитнинг ўрнини босадигандек туюлди. Фрэнкнинг хувиллаб қолган ўрнидаги бу ҳақиқий пуллар кўзни ўйнатиб турарди. Ўз-ўзидан кўриниб турган бундай аломатга ким ҳам шубҳа қиларди? Фақат Лиллиан Флоренс Жонс эмас.

7

Лотус, Жоржия – бу ер ҳар қандай фронтдан баттар бўлган дунёдаги энг расво жой. Жанг майдонида, ҳеч бўлмаганда, мақсад, изтироб, таваккалчилик бор ва ғалаба учун қандайдир умид ва ишонч, мағлубият учун эса талай сабаб мавжуд. Ўлим – муқаррар, бироқ ҳаёт ҳам – худди шундай муқаррар. Фақат вақт-соати қачон, олдиндан билолмайсан, холос.

Лотусда сен буни олдиндан биласан, чунки у ерда келажакнинг ўзи йўқ, фақат вақтнинг беҳуда сарф қилганинг қолади. Қўлга киритадиган нарсанингу нафас олишдан бошқа мақсад-муддаонинг ўзи йўқ. Тирик

қолиши ҳам беҳуда, зеро, бунинг ҳожати ҳам йўқ – фақат кимнингдир жони аста узилаётганини кўриши учун қолишинг мумкин. Агар қадрдон шу икки ошнам бўлмаганда, мен ўн икки ёшга етиб-етмай бўғилиб ўлган бўлардим. Улар ва синглимнинг шарофати билан ота-онамнинг бепарволигию бувим билан бувамнинг жирканчлиги ҳам кўнглимга унча қаттиқ ботмасди. Лотусда ҳеч ким ҳеч нимани билмасди ва билишни ҳам истамасди. У шундай ерки, у ерда яшашни орзу қилмаслигинг турган гап. Бор-йўғи юзта аҳолисию унда-бунда тартибсиз жойлашган, бир-биридан узоқ элликтача омонат уйлари бор бир ер. Сенинг тасарруфингда бўлмаган ва сен тасарруф ҳам қила олмайдиган, мабодо танлаш имконинг бўлганда ҳам сен бу далага эгалик қилишни истамайдиган маъносиз, ноаниқ дала ишларидан бўлак у ерда ҳеч бир тайинли ишининг ўзи йўқ. Шундай ҳаёт ота-онамни қаноатлантирган ёхуд улар шунчаки орзу-умидсиз яшашган. Мен буни тушунаман. Агар сен уйингдан қувилган бўлсанг, хавф-хатардан холи ҳаётни сенга ҳадея этиб, тунда тинчгина ухлашу юзингга қурол тираганда эмас, балки шунчаки уйғониши имкониятини берувчи ҳар қандай жой сен учун яхшигина бошпана бўлиб кўринаверади. Бироқ менга бундай туюлмади. Сен бундай ҳаётда яшаб кўрмагансан ва бунинг қандай эканини ҳам билмайсан. Эсҳуши жойида ҳар қандай йигит у ердан қорасини ўчирган бўларди. Аҳён-аҳёнда наридан-бери, муҳаббатсиз бўладиган жинсий ҳаёт – нима, мен шу билан ўзимни бахтли деб билишим керакми? Тасодифанми ё пухта ўйлаб қилинадиган бирон-бир шўхликми у, нима, мен шу билан бахтли бўла олар эканманми? Соққа ўйини, балиқ ови, бейсбол, қуён отиши – шулар эрталабки уйқунгни ҳаром қилиб, иссиқ кўрпангдан туришингга арзирмикан? Арзимаслигини ўзинг ҳам тушунасан-ку.

Бу ерлардан узоқ-узоқларга қачон кетар эканмиз деб Майкнинг ҳам, Стаффнинг ҳам, менинг ҳам сабрим чидамасди.

Армияни етказган Парвардигорга шукур.

Фақат юлдузларни айтмаганда, у ерда мен соғинадиган ҳеч нима йўқ.

Агар синглимнинг аҳволи оғир бўлмаганда, у томонларни елкамнинг чуқури кўрсин эди.

Мени жонбоз қаҳрамон қилиб тасвирламай қўя қол.

Боришим шарт эди ва мен юракни ҳовучлаб йўлга тушдим.

Жеки дазмол босишни қийиб қўярди. Пол ювишга эса унча уқуви йўқ эди, бироқ чўнтакчаларга, қадама енглару кичкина ёқачаларга ва кўкрак бурмаларга ўз ишининг моҳир устасидек ёндаша олгани учун ҳам Лено-ра уни ушлаб турарди. Унинг жажжи қўллари дазмолни қандай юргизаётганини, ўт ёқиладиган печкадаги оловни ўчирмай бир маромда қандай ушлаб турганини томоша қилишнинг ўзи кишига завқ бағишларди. Буюмни куйдирмай, силлик дазмоллаши учун дазмолнинг керагидан ортик қизиб кетган-кетмаганини қизча яхши фаҳмлай оларди. У бор-йўғи ўн икки ёшда эди ва ёш болаларга хос ўйинларни ҳам тарк этмасди, айтини вақтда ўз вазифасига катталардек масъулият билан қарашни ҳам унутмасди. Кўчада унинг сақичдан қандай пуфак ясаши билан бир пайтда

копток ўйнаётганини ёки дубдан ишланган шохда оёғини осмондан қилиб осилиб турганини кўриш мумкин эди. Яна ўн дақиқа ўтар-ўтмай эса у балиқ тозалаётган ёки билагонлик билан товук патини юлаётган бўларди. Полни унчалик тоза юволмаслигига келсак, бунда Ленора ўзини айбларди. Полювгичга одатда унинг сифатлисида бўладиган сувни шимувчи чилвир эмас, латта илинганди. Полни чўккалаб олиб ювиши кераклигини унга айтсамикан, ё йўқ, баъзан Ленора шу ҳақда ўйлаб қоларди, бироқ унинг гўдакдай ерда эмаклаб юришини кўришга тоқати йўқ эди. Жаноб Хейвуд билан Жеффрига озик-овқат олиб келгани борганларида, янги полювгич харид қилишни у Салемга қайта-қайта тайинларди. Салем эса жавобан: “Машина ҳайдашни билсанг, ўзинг бориб олиб келавер-да”, – деб қайтариб ташларди.

Шунда Ленора уф тортарди-да, Салемни аввалги эри билан тенглаш-тирмасликка ҳаракат қиларди. Эҳ, аввалги эри қандай меҳрибон инсон эди-я, хаёлдан ўтказарди аёл. У нафақат ғамхўр, серғайрат ва яхши на-сроний бўлган эди, ишлаб пул топиш ҳам кўлидан келарди. Машиналарни ёнилғи билан таъминлаш учун энг қулай жой ҳисобланган асосий йўлнинг айрилишида, яъни қишлоқ йўлларининг тармоқларга бўлиниб кетадиган ерида унинг ёнилғи муассасаси бор эди. Қандай меҳрибон инсон эди. Отиб кетишгани оғир мусибат бўлди! Кимдир унга ҳасад қилдими ёки ёнилғи қуйиш муассасасига эга чиқмоқчи бўлдими, хуллас, “Бу ердан дарҳол қорангни ўчирларинг”, дея қисқа мактуб ёзиб, унинг кўкрагига қистириб кетишганди. Бу Турғунликнинг авж палласида содир бўлганди ва ўша пайт шерифнинг¹ қандайдир бир хашаки қотил изига тушишдан кўра муҳимроқ ишлари қалашиб ётарди. Мутасадди ўша мактубни олиб, тергов ишларини бошлаб юборишини айтди-ю, бироқ терговнинг натижаси ҳақида лом-мим демади. Агар у шуғулланган бўлса ҳам, бироқ бу ҳақда билдирмади. Хайриятки, эрининг жамғарган пули, суғуртаси ва амакиваччасига қарашли Лотусда, Жоржияда бўш ётган уйи ҳам бор эди. Ленора эрини ўлдирган одамлар ўзини ҳам қидириб топишдан кўрқиб, уйини сотди ва машинага сиққанча юкни ортди-да, Алабама штатининг Хартвилл шаҳридан Лотусга кўчиб кетди. Кўркув аста-секин уни тарк этаётган бўлса-да, ёлғиз яшаётган аёлнинг ўзини мутлақо беҳавотир ҳис эта олиши учун бу етарли эмасди. Шундай бўлгач, шу ерлик сўққабош Салем Манига турмушга чиқди-да, ҳар ҳолда вақтинча бўлса-да, бу муаммога ечим топгандек бўлди. Ленора уйни таъмирлаш учун одам қидиришга тушди ва Конгрегация черкови пасторига мурожаат этди. Пастор унга бир неча кишини тавсия қилди ва бирйўла Салем Манининг ҳам кўлидан иш келишигаю бунинг учун унда етарлича вақт топилишига ҳам ишора қилиб ўтди. Бу гапда жон бор эди, Салем улар ўз имкониятларини бирлаштиришлари мумкин бўлган бу теварак-атрофдаги бармоқ билан санарли бўйдоқ эркаклардан бири эди. Ленора рулга ўтирди ва улар никоҳ гувоҳномаси учун Маунт-Хейвенга йўл олишди, бироқ амалдор аёл ҳужжат беришдан бош тортди, чунки уларда туғилганлик ҳақида гувоҳнома йўқ эди. Ҳар ҳолда у шундай тушунтирди. Мансабдорнинг бу ўзбошимчалиги уларни фикридан қайтара олмади ва улар Конгрегация черковида никоҳдан ўтишди.

¹ Шериф – АҚШ ва бошқа баъзи мамлакатларда алоҳида ҳудудларни назорат қилувчи маъмурий амалдор.

Ленора бу ерга аранг жойлашиб, Алабамадан сўнг ўзини энди хавф-хатардан холи ҳис эта бошлаган ҳам эдики, Салемнинг уйдан ҳайдаб чиқарилган бир гала жулдурвоки қариндош-уруғлари кутилмаганда ёппасига бостириб келишди: унинг ўғли Лютер хотини Ида билан, яна бир ўғли Фрэнк невараси, у ҳам Фрэнк, ва йиғлоқи чақалоқ қиз.

Бунга тоқат қилиш мушкул эди. Салем икковининг уй-жойни тартибга келтираман деб шунча елиб-югурганлари бир пул бўлганди. Ёлғиз қолишга имкон қолмаганди – аёл ҳовлидаги кичкина уйга кўчиб ўтишни ҳам ўйлаб юрарди. Одатга кўра бафуржа ўтириб нонушта қилишни ўйлаб барвақт уйғонган Ленора, узала тушганча бутун уйни эгаллаб уйқуни уриб ётган, бола эмизаётган, котиб хуррак отаётган гавдаларнинг устида ҳатлаб ўтишга мажбур эди. Бошга тушганни кўз кўрар деганларидек, у шароитга мослашиб ҳам олганди: эркаклар чиқиб кетиб, Ида ўзи билан чақалоқни далага олиб кетгандан сўнг у нонуштага ўтирарди. Айниқса, чақалоқнинг тунги қичқириғи унинг жонжонидан ўтиб кетарди. Ида далада боладан бохабар бўлишнинг имкони йўқлигини айтиб, қизчага қараб туришини илтимос қилганида, Ленора энди ақлдан озсам керак деб ўйлаганди. Йўқ дейишга у ботинолмади ва рози бўлди, чунки болага чинакам энагалик қилувчи, аслида қизчанинг тўрт ёшли акаси эди.

Гарчи бошпанасиз бу оила аъзолари мезбонлардан миннатдор бўлган, гарчи бирор марта Леноранинг раъйини қайтармай, барча айтганларини сўзсиз бажариб, нолимай яшаган бўлсалар-да, бу уч йил оғир кечганди. Аёл улар ишлаб топган пулнинг бир центига ҳам кўз олайтирмади – яхшиси, қириб-қимтиб тўплашсин ва ижарага уй олиб, кўчиб кетишсин – шуниси маъқул, дерди у. Тангу торлик, ноқулайлик, ортиқча юмуш, бепарво эр – хуллас, унинг тинчгина еб турган ошига пашша тушганди. Ҳаёт аёлга шу тарзда фириб берганди. Леноранинг кўнглидаги норозилик булути сузиб бориб хўп жойини топганди: у болакай ва қизчанинг боши тепасига келиб туриб олганди. Гарчи Ленора ўзини ёвуз ўғай буви деб эмас, балки бор-йўғи талабчан буви деб ҳисобласа-да, аламини гўдаклардан оларди.

Қизчадан ҳали умид қилиб бўлмасди, у ҳар дақиқада кўмакка муҳтож эди. У дунёга келган шароит эса ҳеч бир яхшиликдан дарак бермасди. Уни қанча савалама, барибир, кечқурун товук катаги эшигини ёпишни унутарди, Худонинг бермиш куни кўйлагига овқат томизаверарди, бундай уқувсизлик ва фаромушхотирлик тиббиётда бирон-бир ном билан аталса керак, албатта. Бор-йўғи иккита кўйлагинг бор. Ҳа, иккита. Нима, мен уни ҳар еб-ичганингдан сўнг ювишим керакми? Фақат қизчанинг акаси кўзидаги нафратгина Ленорани унга тарсак тортиб юборишдан тийиб турарди. Акаси уни доим ҳимоя қилар ва худди ўзи яхши кўрган мушук боласидек юпатарди.

Ва ниҳоят, оила ўз уй-жойига кўчиб ўтди. Хонадон яна ҳаловатда, ҳамма ёқ саранжом-сариишта. Йиллар ўтди, фарзандлар улғайди ва ҳар ёққа жўнаб кетди, ота-оналар бирмунча вақт бетоб бўлиб юрди ва оламдан ўтишди, ҳосил унуми пасайди, довуллар уйларни, черковларни вайрон қилди, бироқ Лотус ҳам бўш келмасди. Токи бош айланиш касали уни безовта қилмагунча, Ленора ҳам бўш келмади. Шунда у, кизи баъзи уй-рўзгор юмушларига ёрдам бериб туриши учун Жекининг онаси-

ни кўндирди. Фақат қизчанинг “энагаси” бўлмиш вафодор итгина уни ўйлантирарди, холос. Қора билан жигарранг аралаш доberman уни бир дақиқага ҳам ёлғиз қолдирмасди. Жонивор ҳатто қиз ухлаётганда ҳам ёки у бировнинг уйида бўлганда ҳам тумшуғини панжаларига қўйганча эшик тагига ётиб оларди. Бунинг ваҳима қиладиган ери йўқ, ўйлади Ленора, ишқилиб кучук ҳовлида ёки айвонда қолса бўлгани. Оёқда тик туриб бажариладиган уй юмушларини кимдир ўз зиммасига олиши керак-ку. Бунинг устига, қишлоқда бўлаётган баъзи бир янгиликларни Жекидан ўсмоқчилаб сўраб-суриштиришга ҳам имкон туғиларди.

Ленора, Си билан бирга қочиб кетган шаҳарлик йигит автомобилни ўғирлаб, бир ойга етар-етмай қизни ҳам ташлаб кетганидан хабар топганди. Шарманда бўлган қизнинг эса уйидагиларга кўринишга бети чидамасди. Тушунарли, хаёлдан ўтказди Ленора. Бари у тахмин қилгандек бўлиб чиққанди. Си ҳатто қонуний никоҳдан ўтишни ҳам эплай олмаганди. Ленора ҳеч бўлмаганда, бирорта расмий хужжатними, ё бирорта қайд этилган ёзувними талаб қилиб туриб олиши керак эди. Энди эса Си билан ўша йигитни аллақандай тушуниб бўлмас “биргаликдаги ҳаёт” боғлаб турарди. Мажбуриятдан асар ҳам йўқ; бири бемалол “форд”ни олиб қочиб кетади, анавинисида эса ҳемири ҳам йўқ.

Жеки ўғиллари Кореяда ҳалок бўлган икки оила тўғрисида ҳам сўзлаб берди. Бири Даремлардан – Майкл эди. У Фрэнкнинг ёқимсиз ва шумтака бир дўсти сифатида Леноранинг ёдида қолганди. Иккинчиси эса Мейлин ва Хауард Стоунларнинг ўғли Абраҳам бўлиб, уни Стафф деб аташарди, у ҳам ҳалок бўлганди. Учта ажралмас дўстдан ёлғиз Фрэнккина омон қолганди. Миш-мишларга қараганда, унинг Лотусга қайтиш нияти йўқ экан. Фарзанд доғи Даремлар ва Стоунларнинг қаддини букиб қўйганди, бироқ уларнинг уйларига худди ўғилларининг эмас, балки авлиёларнинг жасадини юборишадигандек қайғуга ботишлари ғалати туюларди. Бу навжувонлар уйига таклиф қилишини сўраб, сартарош аёлга роса хиралик қилишганини одамлар билишмасмикан, ё билсалар ҳам ёдларидан чиқариб юборишдимикан? Бузуклик ҳақида миш-мишлар. Шармандалик тўғрисида гап-сўзлар. Ўша сартарош аёлни К. хоним дейишарди. Агар безбет десак, унга бу ҳам оз бўлса керак. Пастор Олсоп унинг ёнига бориб, ўсмир йигитларни йўлдан уришни бас қилишни айтиб, аёлни огохлантирганда, у кулоқли пиёладаги қаҳвани пасторнинг қўйлагига сепиб юборган. Аёл билан гаплашиб қўйишни эса пастордан кампирлар илтимос қилишганди; ўша сартарош аёлнинг хизматига оталар зор эмасди, оналарга ҳам барибир эди. Ўспиринлар қаердадир ўрганишлари керак-ку, ва агар бева аёлга уларнинг эрлари керак эмас экан, унда аёлнинг гуноҳидан кўра фойдаси кўпроқ. Уларнинг қизларига ҳам шуниси бежавотирроқ. К. хоним ҳеч кимни аврамасди, ҳақ ҳам талаб қилмасди. Чамаси у ҳар замон-ҳар замонда жуда берилиб кетганда, ўзининг ва йигитчаларнинг кўнглини хушларди, холос. Бунинг устига, соч турмаклашда унга етадигани йўқ эди. Унинг жирканч сартарошхонасида ўтириш у ёқда турсин, Ленора йўлнинг нариги томонига ўтиб: “Тонгингиз хайрли бўлсин”, – деб айтишни ҳам ўзига эп кўрмасди.

Ленора барини қизчага тўкиб-соларди ва гарчи қизчанинг кўз олди қоронғилашиб, маънос тортса-да, у Салемга ўхшаб эътироз билдирмасди, баҳслашиб ҳам ўтирмасди.

Леноранинг асли пешонаси шўр эди. У ёлғиз қолмаслик учун турмуш қурган бўлса-да, бироқ ён-атрофдагиларни назарига илмагани боис бу ерда ўзини бегона ҳис этарди, тўғриси айтганда эса у бутунлай ёлғиз қолганди. Унга банкдаги катта маблағию хусусий уйи ва музофотда камдан-кам одамда учрайдиган иккита машинаси тасалли бериб турарди. Жеки унга кўнглидагидек дугона бўла оларди. У сабр-тоқатли тингловчи, беназир хизматкор, бунинг устига, Ленора бир кунда қизчага тўлайдиган чорак доллардан у анча кўпроғига ҳам муносиб эди.

Сўнг буларнинг бари барҳам топди.

Хейвуд жаноблари кимдир нақ унинг кўз ўнгида юк машинасининг ўграчасидан иккита кучукчани улоқтириб юборганини айтди. У машинасини тўхтатиб, итлардан бўйни синмаган урғочисини танлаб олган ва бирийўла расмлару ширинликлар билан бирга уни ҳам Лотусга болалар учун олиб келган. Баъзилар бундан хурсанд бўлиб кучукчани боқа бошласа, бошқалар жониворнинг жиғига тегарди. Жеки эса итни яхши кўрар, парваришлар ва ҳимоя қиларди, ҳатто уни ҳар хил қилиқларга ҳам ўргатарди. Унинг ҳаммадан ҳам яхши кўрган қизчага ўрганиб қолганига хайрон қолмаса ҳам бўларди. Қизча унга Бобби деб лақаб қўйди.

Бобби одатда товуқ емасди. У қаптарларни хуш кўрарди, чунки уларнинг суяклари мазалироқ эди. Емишнинг ҳам кетидан қувмасди ва нима берса ёки нима тўғри келса, ўшанга қаноат қиларди. Шундай қилиб, Леноранинг пиллапояси олдида ўралашиб чувалчанг чўқилаётган тухумга қираётган товуқ ўз бошига ўзи етди. Ҳали нимталанмаган товуққа кўз олайтираётган Боббини ҳайдаётган Леноранинг қўлидаги таёқ у пиёда юрганда таянадиган ҳасса эди.

Кучукчанинг ангиллашини эшитиб қолган Жеки, жигарранг изини ёстикжилдда қолдириши мумкин бўлган дазмолни ҳам ташлаганча, Боббини қутқариш учун ташқарига отилди. Шу воқеадан сўнг Леноранинг уйига на кучук ва на қиз бошқа қайтмади. Ленора биринчи турмуш ўртоғининг вафотидан ва Салемга турмушга чиқмасидан аввал қандай ёлғиз қолган бўлса, яна худди ўшандай хизматкорсиз ва эрининг далдаларисиз сўппайиб қолганди. Улар киму унинг ўзи ким эканини очик-ойдин намоён қилиб бўлган аёлнинг қўшнилари билан дўстлик ришталарини боғлашига энди кеч бўлганди. Қизнинг онасига илтимос қилиш Ленорани ерга урарди ва бундан наф ҳам чиқмасди, чунки онасининг жавоби тайин эди: “Кечирасиз, иложи йўқ”. Энди хоним бошқалардан устун қўйган кимса, яъни ўзи билан ўзи қолишга маҳқум эди. Июль ойининг иссиқ тунларидан бирида юз берган энгилгина зарбага балки Леноранинг Ленора билан якка ўзи қолгани сабаб бўлгандир. Салем қараса, хотини унинг каравоти ёнида чўккалаб қолган. У ўша заҳоти жаноб Хейвуднинг ҳузурига югурди. Хейвуд эса аёлни Маунт-Хейвендаги касалхонга олиб кетди. Касалхона йўлагига таҳликали узоқ кутишдан сўнг ниҳоят шифокорлар уни текширувлардан ўткази бошлашди ва хайриятки юз бериши мумкин бўлган оғир аҳволнинг олдини олишди. Касаллик аёлнинг нутқида ўз изини қолдирганди, бироқ, гарчанд оҳиста бўлса-да, у юришни ўрганиб олди. Салем унинг асосий эҳтиёжларини таъминлаб турди, бироқ хотинининг биронта сўзини англамаётганига ишонч ҳосил қилгач, энгил тортди. У ҳар ҳолда ўзини-ўзи шундай деб ишонтирди.

Тақводор ва Худодан кўрқувчи кўни-кўшнилар Ленорага ликопчада овқат ташиб, уйларини супуриб-сидириб, бу билан ниялари холис эканини исбот қилардилар, ва хатто аёлнинг ғурурию ўзларининг таъсирчан табиатлари йўл қўйганида, уни чўмилтириб, кир-чирини ювиб беришга ҳам тайёр эдилар. Ундан ўз ёрдамларини аямаётган бу аёл кўшнилари барини Ленора сариқ чақага олмаслигини улар яхши билардилар ва шу боис ўзлари англаб етган ҳақиқатни хатто овоз чиқариб бўлса-да, айтишни лозим топмадилар: Парвардигор Мўъжизани Ақл Бовар Қилмас Йўллар Билан Яратади.

9

Корея.

Сен бунга тасаввур ҳам қилолмайсан, негаки у ерда бўлмагансан. Табиатнинг мунгли манзарасини тасвирлашга ҳам ожизсан, чунки уни кўрмагансан. Дастлаб мен сенга совуқ ҳаво тўғрисида гапириб берман. У ўзи қандай? Сен шунчаки совуқ қотмайсан. Корея совуғи жон-жонингдан ўтиб кетади. У сенга худди елимдек ёпишиб олади ва сен ундан сира қутулолмайсан.

Жанг кўрқинчли, бироқ чинакам муҳораба. Буйруқлар, оч қорин, дўстларни ҳимоя қиласан, ўлдирасан – бари яққол кўз ўнгингда, ўй-хаёлга фурсат йўқ. Энг ёмони – кутиши. Вақт тўхтамайди ва сен аёзли, узоқ кунлар орасидан қўлингдан келганча зўрга ёриб чиқасан. Бундан ҳам баттари – якка ўзинг қоровулликда туришинг. Тирноқлар қорайдимми, йўқми, кўриши учун қўлқопни неча маротаба ечиши керак ёки милтиқни текширишни айт. Душман ҳаракатини кўриши ва эшитиши учун кўзу қулоқ динг туради. Бу яна мўғуллар бўлмасин? Улар шимол корейсларидан ҳам баттар. Мўғулларда тиним йўқ. Уни ўлган деб ўйлайсан, у бўлса шарт ўгириладию сени “пақ” этиб отиб ташлайди. Хатто у ўтган кунги балиққа ўхшаб ўлган бўлса ҳам барибир, кўнгил хотиржамлиги учун яна битта патрондан воз кечишингга тўғри келади.

Мана мен, омонат деворга суяниб турибман, вақт эса мени писанд этмайди. Олисдаги осойишта қишлоқдан бошиқа ҳеч нима кўринмайди; кулбаларнинг похол томлари эса узоқдаги тоғларга менгзарди; чап томонимда музлаб қолган гаровдан ҳосил бўлган чакалакзор қордан диккайиб чиқиб турарди. Биз у ерга чиқинди ташлардик. Мен ўша ёқда бир жуфт олу кўз ёки телпак кўриниб қолмасмикан деб сергак туришга уриниб, қулоқ солардим, диққат билан назар ташлардим. Одатдагидек у ерда қимирлаган ҳеч нима кўринмасди. Бироқ бир кун кундузи гаровлар орасида нимадир секин гичирлади. У ерда ниманингдир қимирлаганини сездим. Мен бунинг душман эмаслигини билардим: душман ҳеч қачон ёлғиз келмайди; мен йўлбарс бўлса керак деб ўйладим. Айтишларича, улар адирларда изгиб юраркан, бироқ уларни ҳали ҳеч ким ҳеч қачон кўрган эмас. Кейин гаров таг-тагидан икки томонга сурилди. Итми? Йўқ. Бу бола қўли эди. У гаровзордан чиқиб қолганди ва ерни тимирскиларди. Бир нарса эсимга тушди-да, жилмайиб қўйдим. Биз Си билан Робинсон хонимнинг дарахти тагидан шафтолини қандай ўғирлаганимизни эсладим – у бизни кўриб, қайишига ёпишиб кетмаслиги учун шовқин-сурон кўтармай эмаклашга астойдил ҳаракат қилдик. Ўша илк сафар мен қизчани қувиб-солишни истамадим, шу боис ҳам у деярли ҳар кун келиши-

ни канда қилмасди ва гаров орасидан суқилиб кирарди-да, биз ташилаган чиқиндиларни титкилай бошларди. Унинг юзини атиги бир мартагина кўргандик, холос. Кўпинча унинг қўли шохчалар орасини титкилаётганини ва чиқиндини пайпаслаётганини кўрардим. Унинг пайдо бўлиши мени ҳар гал қувонтирарди: худди парранда жишига емак бераётганини ёки товуқ ўша ерда чувалчанг борлигини билиб ерни ковлаётганини кузатгандек бўлардим.

Баъзан қизчага омад дарров кулиб боқар ва у бир сонияда қандайдир сарқитни шартта тутиб оларди. Бошиқа сафар эса унинг бармоқлари ейиши мумкин бўлган ҳар қандай нарсани, нима бўлса ҳам топиши илинжида беҳуда талпиниб, ерни тимирскиларди. Худди митти денгиз юлдузидек – у ҳам, мен ҳам чапақай эдик. Енотлар қандай қилиб чиқинди қутиларини титишини мен кўрганман – улар яхши-ёмонни фарқлай оларди. Қизга эса бунинг сира фарқи йўқ, унинг учун бари емиши ҳисобланарди – фақат металл, шиша ёки қоғоз бўлмаса бўлгани. У озиқ-овқатни кўзлари билан эмас, бармоқларининг учи билан изларди. Ҳарбийлар овқатининг қолдиқларини, қоғозхалтада онаси меҳр билан юборган пишириқларни, шokolодли кекс увоқларини, мева бўлақларини қидирарди. Чириган, бўш, қорайиб кетган пўртахол – қўллари мевага етмаса-да, қизча барибир унга талпинарди. Менинг ўрнимга навбатда тургани келган соқчи унинг қўлини кўриб, бошини чайқаб, жилмаярди. У қизчанинг ёнига борганда, қизча ўрнидан турарди ва шошиб-пишиб, худди ёддан айтгандек корейс-чалаб нимадир дерди. У “ҳам-ҳам”га ўхшаган бир хил овоз чиқарарди.

У жилмайиб, қўлини аскарнинг йирмочиға теккизди. Ҳам-ҳам? Нигоҳимни унинг қўлидан юзига қаратишим биланоқ қизчанинг иккита тиши йўқлигини ва умидвор кўзлар тепасида қоп-қора пешанагажакни кўрдим. Шу пайт аскар милтиқдан ўқ узиб, бу юзнинг тит-питини чиқариб ташлади. Унинг қўли эса хазинаси – ириган олачипор пўртахолни чангаллаганча ахлатда қолиб кетди.

Бу мамлакатда мен учратган ҳар бир оддий фуқаро ўз фарзандини ҳимоя қилиш учун ўлишига тайёр эди (ўлишиди ҳам). Катталар болаларни ўйланиб-нетиб ўтирмай, ўз вужуди билан пана қиларди. Лекин мен қизларни сотганлари етмагандек, гўдаклар билан ҳам савдо қилувчи разилларнинг бир нечтасини билардим.

Ҳозир шу ҳақда ўйлай туриб, хаёлимдан бир нима ўтди, соқчи нафақат жирканишини, балки у йўлдан оздирувчи гуноҳни ҳис этганди – мана у нимани йўқ қилмоқчи бўлган.

Ҳам-ҳам.

“Жоржиан”да қишлоққа хос нонушта тортиларди: қизғиш қайлали дудланган чўчка гўшти. Фрэнк ўтириб кетадиган жой олиш учун вокзалга барвақт келди. У қизга йигирма долларлик қоғоз пул узатганди, қиз унга уч цент қайтим берди. Соат уч яримда у вагонга чиқди ва қулай ўриндикка жойлашиб ўтириб олди. Жўнашга ярим соат вақт қолганда Фрэнк мияга ўрнашиб қолган ва кўз ўнгида истаган вақт ярк этиб кўринишга илҳақ манзараларга эрк берди.

Майк унинг қўлида жон ҳолатда типирчиларкан, Фрэнк унга: “Оғайни, кетма. Шошма! Сабр қил! – деб қичқирди. Сўнг шивирлаб:

– Илтимос, ёлвораман”,– деди. Майк гапираман деб оғзини очганди, Фрэнк у томонга энгашиди ва дўстининг: “Банкчи, Банкчи. Онамга айтма”, – деган ўтинчини эшитди. Бир қанча вақт ўтгач, Стафф ундан Майк нима деганини сўраганди, Фрэнк: “Разилларни қир, деди”, деб ёлғон гапирди. Кичик тиббий ходимлар улгуриб етиб келгунларига қадар пешоб Майкнинг иштонида музлаб бўлганди, Фрэнк эса худди бомбардимончи самолётлардек жуфт-жуфт бўлиб жон-жаҳди билан ҳамла қилаётган қора қушларни ҳайдаб соларди. Кўлида жон таслим қилган дўсти болалик чоғларидаги ажойиб дамларни унинг ёдига солди. Улар бир-бирлари билан ҳали ҳожатга боришни ҳам эплай олмасларидан бурун танишишганди, Лотусда бирга ўсиб-улғайишганди ва бегоналарнинг қўлидан ақл бовар қилмас ярамасликлар келиши мумкинлиги хаёлларига келмай туриб Техасдан бирга қочишганди. Болаликда адашиб қолган сигирлар кетидан кувишарди, ўрмонда ўзлари учун бейсбол майдончасини ташкил қилишарди, бир-бирлари билан сигаретани баҳам кўришарди ва қикирлаб кулганча жинсий ҳаётга ҳам бош сукиб кўйишарди. Ўсмирлик пайтлари эса улар К. хонимнинг малакасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишди ва аёл ҳам ўз ўрнида ўсмирларнинг кўникмаларини такомиллаштиришга кўмаклашиб юборди. Йигитчалар баҳслашарди, ёқалашарди, кулишарди, бир-бирларининг жиғига тегишарди – ва яхши ҳам кўришардию, бироқ бу ҳақда гапиришни эп кўришмасди.

Фрэнк бунгача довюрак эмасди. У шунчаки буюрилганини ёки зарур ишни бажарарди, холос. Ҳатто одам ўлдирганда ҳам ўзини қўярга жой тополмай қолганди. Энди эса тап тортмас, қайтмас савдойига айланиб қолганди – ўқ узарди, бўлақларга ажраб кетган гавдалар орасидан усталик билан чап бериб ўтарди. Душман назорат постига Ф-51 бомба ташламагунча, дод-войлару ёрдам сўраб қилинган илтижоларни деярли эшитмасди. Портлашдан сўнг чўккан жимжитликда бу ёлворишлар худди чолғунинг нағмасидек, худди ўзининг қонга ботишини сезаётган кушхонадаги молнинг мўрашидек атрофни тутиб кетарди. Энди, Майкнинг ўлимидан сўнг Фрэнк, бу сўзни қандай изохлама, довюрак инсонга айланиб қолганди. Қанча корейсу қанча хитойликнинг бошига етганига қарамай, унга бу ҳам барибир оздек кўринар эди. Мис хиди анкийдиган қон энди унинг кўнглини беҳузур қилмасди – ҳид унинг иштаҳасини баттар қитиқларди. Бир неча ҳафтадан сўнг Малланинг ҳам тит-пити чиқиб кетди, Стаффнинг эса қўли узилган ердан қон тирқираб оқа бошлади. Фрэнк етти метрлар чамаси нарида ётган Стаффнинг қўлини топишга ёрдамлашди – у диккайиб қор остидан чиқиб турарди. Стафф ва Малла иккиси, айниқса, иноқ эдилар. Малла қишлоқ йигити бўлиб, шимолликларни улардан кам ёмон кўрмасди ва жоржиялик учовлон билан ошнолашишни афзал кўрди – айниқса Стафф билан қалин дўст эди. Энди улар нимтага айланишганди.

Отишма қандай тўхтагани қулоғига ҳам кирмай, Фрэнк тиббиёт ходимлари жўнаб кетишинию дафн гуруҳи келишини кутарди. Малладан жуда оз бўлақлар қолганди, шу боис Фрэнк замбилдан яна кимнингдир нимталари учун жой ажратди. Стафф замбилга фақат бир ўзи жойлашди ва бутун қолган қўлини ушлаганча замбилда ётдию, оғриқ мияга етиб боргунича жони узилди.

Сўнг Фрэнкнинг миясидан бир хаёл оилаб кетмай юрди: “Лекин мен уларни биламан. Мен уларни биламан ва улар ҳам мени билишади”. Агар Майкка ёқадиган латифа эшитиб қолгудек бўлса, унга ҳикоя қилиб бериш учун бошини ўгирарди... сўнг лахзалик саросимадан кейин унинг бу ерда йўқлигини фаҳмлаб қоларди. Энди у ҳеч қачон дўстининг каттиқ кулгисини эшитолмайди, унинг беҳаё ҳазиллари, киноюлдузларга тақлид қилиши билан бутун казарманинг вақтини чоғ қилишини ҳам кўра олмайди. Хизматдан озод бўлгандан сўнг ҳам Фрэнк анча пайтгача баъзан светофор олдида турган машинада Стаффни ён томондан кўрарди ва фақат аламдан орқага тортиб кетган юраккина бунинг шарпа эканини унга билдирарди. Хотираларнинг сўроқсиз кутилмаган ташрифидан унинг кўзлари ёшга тўлди. Энди у на овозларини эшитиб, бирга кула оладиган ва на гап сота оладиган, руҳлари кезиб юрган энг яқин дўстларини унутиш учун фақат ичкиликдан нажот топарди.

Бироқ у бунгача, ватандошларининг ўлимигача, бошқа ўлимнинг ҳам гувоҳи бўлганди. Бу пўртахолни йиғиштириб олиб, соқчи бошининг тит-питини чиқариб юборгунга қадар жилмайиб “ҳам-ҳам” дейишга улгуриб қолган ахлатчи-қизнинг ўлими эди.

Тонгда, Чаттануга яқинида оташарава тезлигини пасайтирди ва номаълум сабабга кўра таққа тўхтаб қолди. Кўп ўтмай аллақандай таъмир зарурлиги ва бунга чамаси бир соатлар, балки бундан ҳам кўпроқ вақт кетиши маълум бўлди. Йўловчилардан кимдир тўнғиллай бошлади, бошқалар эса имкониятдан фойдаланиб, кондукторнинг огоҳлантиришига ҳам қарамай, оёқ-кўлнинг чигилини ёзиш учун ташқарига чиқди. Вагоннинг ухлаш хонасидаги йўловчилар уйғониб, қахва талаб қила бошлашди. Чоққина емакхонаси бор вагондагилар нонушта ва ичимликка буюртма беришарди. Поезд тўхтаган йўл ерёнғок фермасининг ёнгинасида эди. Шу ердан икки-уч метрлар чамаси нарида ем-хашак дўконига қарашли пешлавҳа кўриниб турарди. Кечикиш гарчи Фрэнкни ранжитмаса-да, бир жойда ўтиришга ҳам ҳуши келмаётганди ва у ем-хашак дўкони томон йўл олди. Дўкон ҳали очилмаганди, бироқ унга ёнма-ён бўлган, шу ерликлар нон, газли сув, тамаки сотиб оладиган дўкон очик эди. Радиоприёмникдан Бинго Кросби ижросидаги “Мени ўз ҳолимга қўй” кўшиғи шовқин аралаш кулоққа чалинарди. Пештахта ортидаги аёл ногиронлар аравачасида ўтирса-да, колибридек чаққон эди. У бир лахзада пилдираб бориб, музлаткичдан Фрэнкка “Доктор Пеппер” банкасини олиб берди. У аёл билан ҳисоб-китоб қилиб, унга кўзини қисганди, аёл жавобан ўқрайиб қўйди ва Фрэнк сотиб олган ичимлигини ичиш учун кўчага чиқди. Эрталабки қуёш қиздирар, соя жой топиш эса амримаҳол эди: соя ер атиги шу дўкончаю ем-хашак дўкони ва яна, йўлнинг нариги бетидаги хароба уйнинг ёни эди, холос. Уй олдида қуёш нурида тилла рангда чарақлаб “кадиллак” турарди. Фрэнк машинадан завқланиш учун йўлнинг нариги томонига ўтди. Машинанинг орқа чироқлари худди ақуладек сузгичларга ўрнатилган бўлиб, олд ойна кенг капот устига эгилиб тушганди. Яқинроқ борганида, Фрэнкка овозлар эшитилди – аёллар овози, – улар уй ортида ўқирар, қарғанарди. У аёлларга хужум қилган эркакни кўриш учун девор ёқалаб, бақир-чақирлар эшитилаётган томонга қараб юра бошлади. У ерда икки аёл ерга ётиб олиб ёқалашарди. Хотинлар у ёқдан-бу ёққа думалаб, бир-бирини аямай

дўппосларди, оёқларини кўтариб-кўтариб тепкилаганча, бир-бирини тупроққа беларди. Хотинларнинг сочлари тўзиб, кийимларининг дабдаласи чиқиб кетганди. Уни ҳайрон қолдириб, бир эркак тишини кавлаганча аёлларнинг ёнида туриб, бу қиёматни томоша қиларди. Фрэнк у ерга борганди, нотаниш эркак ўгирилди. Дўлвар бу кимсанинг кўзлари ўликникидай локайд боқарди.

– Нима, очиб қўйибдимми? – деди у хатто оғзидаги тиш кавлагични ҳам олмай.

Фрэнк қотиб қолди. Барзанги унинг ёнига келди-да, кўкрагидан итариб юборди. Кейин яна итарди. Фрэнк “Доктор Пеппер” либанкани ташлади ва уни қулочкашлаб бир солди. Ўша эркак ҳам ўзи каби гавдали одамлардай унчалик серҳаракат эмасди ва ўша заҳоти қулаб тушди. Фрэнк ётиб қолганнинг устига ташланди-да, тишкавлагични унинг бўғзига жойлаб қўйиш учун башарасига тушира кетди. Ҳар бир зарба унга аламли ва ғоят таниш бўлган хузурни бахш этаётганди. Фрэнк ўзини тўхтата олмаётганди ва буни истамасди ҳам. Барзанги гарчи аллақачон ҳушидан кетган бўлса-да, Фрэнк уни ҳамон дўппослашда давом этарди. Аёллар юмдалашишни бас қилиб, унинг ёқасидан олиб четга судрай бошлашди.

– Бас қил энди! – дод соларди хотинлар. – Ўлдириб қўясан уни! Уни тинч қўй, ярамас.

Фрэнк тўхтади ва барзангининг халоскорларига назар ташлади. Хотинлардан бири энгашди-да, ётганнинг бошини суяди. Бошқаси эса ўзининг бурнидан оқаётган қонни артди ва уни: “Сони! Сони! Оҳ, боёқиш!” – деб чақира бошлади. Сўнг чўкка тушди-да, ўз таъминотидаги ўйнашини ўзига келтиришга урина кетди. Унинг кофтаси елкасидан узилиб тушганди. Кофта сарғиш тусли эди.

Фрэнк ўрнидан турди ва бармоқларини артиб-суртди-да, поездга югургилаб кетди. Таъмирловчилар уни ё кўришмади ёки кўрсалар ҳам унга эътибор беришмади. Вагон эшиги ёнида турган кузатувчи унинг қонга беланган қўлларига ва тупроққа беланган уст-бошига бир қараб қўйдию, бироқ ҳеч нима демади. Бахтига ҳожатхона ҳам кираверишга яқин жойда бўлиб, Фрэнк вагон ичига киришдан аввал ҳам нафасини ростлаб, ҳам ювиниб олиши мумкин эди. Фрэнк муштлашув ўзига аллақандай жўшқинлик бағишлаганидан ҳайратда эди. Аммо бу жўшқинлигу Кореяда одамларни ўлдирганда ҳис этган жўшқинликка асло ўхшамасди. Кореяда ғазабнок хуружлар бамисоли оловдек ҳаммасини куйдириб кул қиларди. Бу ерда эса у ўз куч-қудратини муайян бир одамга қаратганди ва уни қувона-қувона ўласи қилиб дўппослади. Ажаб иш бўлди, хаёлдан ўтказди у. Бу ҳали синглимни химоя қилганимда асқотиши мумкин.

Унинг нигоҳи доим бир хил, умидвор боқарди. Сабр-тоқатсиз, ноумид эмас, бироқ алланечук сокин эди. Си. Исидра. Менинг синглим. Энди у менинг бор-йўқ оилам. Модомики, сен буни ёзишга жазм этибсанми, шуни билиб қўй: у ўзининг ёки аҳтимол менинг ҳам йўқлигимни ўзининг доимий мавжудлиги билан билдириб турувчи, деярли бутун ҳаётим

мобайнида ортимдан изма-из юрувчи соям. Кўзлари маъюс, умидвор боқувчи, тўйиб овқат ейиши нималигини билмаган бу қизчасиз мен кимман ўзи? Биз ер қазувчилардан беркинганимизда, уни қанақанги титроқ босганди-я. Мен қабрдан чиқиб турган оёқларга кўзи тушимасин деб унинг юзини, кўзларини бекитгандим.

Мактубда: “У ўлади”, дейилган. Мен Майкни зўрга нари судраб олиб кетдим-да, яшириб қўйдим ва қушларни ҳайдадим, лекин у барибир оламдан ўтди. Мен уни бир соатча ушлаб ўтирдим, у билан гаплашдим, бироқ дўстим барибир мени ташлаб кетди. Стаффнинг қўли узилган ердан оқайтган қонни тўхтатдим. Мен қўлни чамаси етти метр наридан топдим-да, ҳар эҳтимолга қариши, мабодо тикишига уриниб қўришар деган умидда ўзига бердим. Лекин Стафф ҳам барибир бу дунёни тарк этди. Мен бошқа ҳеч кимни қутқариб қолмаганман. Ёнимдаги одамлар қандай жон бераётганига бошқа қарамадим. Ҳеч қачон.

Ва синглим қандай жон берапти, унга ҳам қараши ниятим йўқ. Икки дунёда ҳам.

У мен жавобгарлигини бўйнимга олган биринчи инсон эди. Унинг аллақарерида, ич-ичида менинг сирли қиёфам – ўша отлару номаълум одамни кўмиши билан боғлиқ ажойиб ва довярак инсон қиёфаси яшарди. Синглимни ҳимоя қилдим, у ердан кетиши учун ўт-ўланлар орасидан йўл топдим, ҳеч нимадан қўрқмадим – на илонлардан ва на газабга минган чоллардан. Болаларча қалбим билан мен ўшанда ўзимни қахрамондек ҳис этганман ва агар мабодо улар бизни топиб олгудек бўлишса ёки синглимга қўл теккизишса, уларни омон қўймаслигимни ҳам билардим.

12

Фрэнк вокзалдан Оберн-стрит бўйлаб Уолнатга йўл олди. Сартарош, майхона ошпази, Тельма исмли аёл – ахийри у Си ишлайдиган шаҳарга туташ қишлоққа олиб бориб қўядиган автомобиль русумини ва рухсатномаси йўқ такси ҳайдовчининг исмини аниқлади. Поезд Чаттануга яқинида тўхтагани боис у одатдаги вақтдан кечроқ келди ва маълумот тўплаб кун бўйи тентираб юрди. Энди эса аллақачон кеч бўлиб қолганди. Ҳайдовчи ўз жойида фақат эртага эрталаб ҳозир бўлади. Фрэнк бирор ерда тамадди қилиб олиб, яна бироз айланишга, сўнг тунайдиган жой излаб топишга қарор қилди.

У ғира-шира пайтгача сандироқлаб юрди, сўнг “Роял” меҳмонхонасига йўл олганида, йўлтўсарликка энди-энди қўл ура бошлаган ёш боскинчилар тўдаси унга хужум қилиб қолди.

Атланта унга ёқарди. Чикагодан фарқли ўлароқ, бу ернинг ҳаёт суръати одамларбоп эди. Бу шаҳарда вақт сероб эди. Меваларга заргардек кўз югуртиришу сигаретани шошилмай ўраш учун ҳам вақт етиб-ортарди. Кексалар эса дўкон ёнига тўпланиб олиб, ўз орзу-истаклари тумшуклари тагидан қандай тизилиб ўтиб бораётганини қўл қовуштириб томоша қилишдан бошқа юмушлари йўқ эди: жиноятчиларнинг ҳашаматли лимузинларию думбалари лорсиллаб турган хотинлар. Бир-бирларига маслаҳат беришу бир-бирини дуо қилиш, юзлаб черков қавмларига таълим бериш учун ҳам вақт топиларди. Шаҳарга ўрнашиб олганидан мамнун бўлган Фрэнк сергакликни нутиб қўйганди. Қайғули хотира-

лар унда истаганча топиларди, бироқ охирги икки кунда уни на шарпалар ва на алоқ-чалок тушлар безовта қиларди, эрталаблари худди аввалгидек ичкилик хумор қилиб, қалтироқ босмасди, балки кўнгли қора қахвани тусарди, холос. Шу боис у тунда ўз чўнтагига ишлайдиган таксини кутганча, шаҳар кўчалари бўйлаб қўноқхона томон кетиб борарди ва у ёқ-бу ёққа кизиксиниб, олазарақ қараб кўярди. Агар у хаёлини бир жойга қўйиб, хушёр бўлганда эди, спорт пойабзалининг дупур-дупуринию ҳаллослаб нафас олишни эшитган ва ўзини фақат норасмий тўдасидагина ботир ҳисоблаган кўрқоқ ўсмирлардан анкиётган ёкимсиз тамакинию сифатсиз ароқ ҳидини пайқаган бўларди. Бу такасалтанглар урушнинг эмас, ўйин майдонинингу тор кўчанинг ботирлари эди, холос.

Лекин Фрэнкни ғафлат босди, бешта безоридан иккитаси орқадан келиб унинг қўлидан ушлади. Биттасининг товонига у пошнаси билан бир тепди ва тепки егани дод-вой солиб кулагунча, орқасига ўгирилди-да, тирсаги билан уриб иккинчисининг жағини синдирди. Шунда қолган учтасидан кимдир унинг бошига қувур билан тушириб қолди. Фрэнк йиқилди ва оғриқдан кўзлари тиниб турган бўлса-да, кимдир уни бошдан-оёқ титаётганини сизди ва қочаётган тўда орасида чўлоқлиниб югураётган одамнинг ҳам қадам товушларини эшитди. У кўчада эмак-лаб, кўзи то равшанлашгунча қоронғида деворга суяниб ўтирди.

– Ёрдам керак эмасми? – Рўпарасида фонус ёруғида эркак кишининг шарпаси кўринди.

– Нима?

– Кўлингни бер. – Эркак қўлини узатиб Фрэнкнинг туришига ёрдамлашди.

Ҳали бутунлай ўзига келмаган Фрэнк киссасини шапиллатиб ура бошлади ва сўкина кетди.

– Аблаҳ! – Ҳамён йўқ эди. У афтини буриштирганча гарданини ишқалади.

– Истасанг полиция чақираман ёки хожати йўқми?

– Жин урсин. Йўғ-э, раҳмат, кераги йўқ.

– Унда мана буни ол. – Эркак унинг костюмининг киссасига икки долларлик қоғоз пулни солиб қўйди.

– Вой, раҳмат. Бироқ, менга, чиндан ҳам керак эмас эди...

– Қўйсанг-чи, ошна. Қоронғида юрма.

Шундан сўнг Фрэнк тунги қахвахонада ўтирганча, кўча чироғининг нури остида ўзига ёрдам берган ўша самарияликнинг узун кокилини илғаб қолганини ёдга олди. Қўноқхонада мириқиб ухлашдан эса энди умидини узганди. Асаблар дод деб юборгудек таранг тортилганди ва йигит кулоқли бир пиёла қахваю куймоқни эрмак қилиб вақтни чўзарди. Ишлар чаппасига кетганди. Қани энди машинаси бўлганда... бироқ Лили бу ҳақда эшитишни ҳам истамаганди. Унинг режалари бошқача эди. Қуймоқни чуқулай туриб у шу тобда Лили нима билан машғулу калласи нималар билан банд экани ҳақида ўйларди. Унинг жўнаб кетишидан аёл мамнундек кўринганди. Ростини айтганда – бундан унинг ўзи ҳам хурсанд эди. Энди у аёлга кўнгили боғлаш аспириин ютишдек тиббий эҳтиёжга ўхшаш бир гап экан деган хулосага келганди. Буни аёл билармиди, ё йўқ, бироқ Лили унинг қалбидаги ғалаёнларни сиқиб чиқарганди, шу жумладан, ундаги нафрату уятни ҳам. Фрэнк ўзидаги

хис-туйғулар тартибсизлиги барҳам топганига ишонарди. Аслини олганда эса ўша пароканда туйғулар аллақерда писиб ётарди.

Толиққан ва хижолатда қолган Фрэнк қаҳвахонадан чиқди ва карнайсимон чолғунинг ўтқир товуши кулоғига келиб урилмагунча кўчада бемақсад сандироклаб юраверди. Бу товуш чоғроқ зинапоя орқали кириб бориладиган қия очиқ ертўладан келаётганди. Фрэнк ертўлага тушди. У блюз ва муҳаббат ҳақидаги самимий кўшиқлардан кўра бибопни¹ маъкул кўрарди. Трумэн бомбаси барини оёғини осмондан қилиб юборганини Хиросимадан сўнг машшоқлар бошқалардек ўз пайтида тўғри англаб етди. Бу ўзгаришни фақат скэт² ва боп воситасида ифодалаб бўларди. Ихчамгина, тутунга тўлиб кетган ертўлада чамаси ўнта ёки ундан биров кўпроқ одам карнай, фортепьяно ва зарбли чолғудан иборат уч кишилик ижрони берилиб тинглардилар. Ижро тўхтамай давом этарди; бошини чайқаб ўтирган бир нечта тингловчини айтмаганда, ҳеч ким жойидан жилмади. Тутун сузиб юрар, дақиқалар эса ўтиб борарди. Карнайчининг ҳам, пианиночининг ҳам юзи тердан ялтирарди. Ноғорачининг юзи эса куп-қуруқ эди. Мусиқанинг ниҳояси кўринмасди, у машшоқлар фақат ҳолдан тойгандагина тўхташи мумкин эди. Карнайчи лабидан мундштукни олди, пианиночи клавишлар устида бармоқларини сўнгги бор чаккон юргизди, бироқ ноғорачи ҳали-бери тўхтамай демасди. У ҳамон чалишда давом этарди. Бирмунча фурсатдан сўнг ўртоқлари унга ўгирилиб ўзларига таниш ҳолга гувоҳ бўлишди. Ноғорачи нима қилаётганини фаҳмламас, бир маромдаги услуб унга ўз ҳукмини ўтказарди. Анчадан сўнг пианиночи ўрнидан турди ва карнайчи ҳам ўз чолғусини бир четга қўйди. Улар икки кишилашиб ноғорачини ўтирган еридан кўтаришди ва олиб чиқиб кетишди; у таёқчаларини ғалати услубда ҳавода товушсиз ўйнатганча, ниманидир чалмоқчи бўларди. Тингловчилар иззат-икром ва хайрихоҳлик билан уни олқишларди. Ундан сўнг тахтасупага оч кўкранг кўйлак кийган аёл ва бошқа пианиночи чиқиб келди. Аёл “Тўрғай”дан бир нечта бандни куйлаб берди ва тингловчиларни тетиклаштириш учун скэтга ўтди.

Фрэнк охиригача ўтирди. У ертўладан чиққанда соат тонгги тўрт бўлганди. Киракашнинг келишига яна икки соат бор. Озроқ боши оғриб турарди; йигит кутиш учун йўл четига ўтирди. Машинадан дарак бўлавермади.

На машина, на такси, на дўстлар, на хабар ва на режа бор эди. Шаҳардан унинг чеккасига олиб борадиган уловни топиш жанг майдонининг олдинги сафларига ўтиб олишдан ҳам азоб экан. Соат етти яримда у минғаймас мардикорлару уй хизматчилари, ошпазу майса ўрувчи ёши катта йигитлар билан лик тўла автобусга чиқди. Шаҳарнинг ишбилармонлар яшаб турган еридан ўтгач, улар туби балчиқ мусаффо, мовий сув қаърига шўнғувчи ғаввослардек бирин-сирин, истамайгина автобусдан тушдилар. У ердан улар ахлат, чиқинди излашарди, сувости қоя тошларида яшовчи жониворларни боқишарди ва жимжимадор сув ўтлари орасида сузиб юрган йиртқичларга чап беришарди. Йиғиштиришарди, пишириб-куйдиришарди, таом келтиришарди, тикиб-чатишарди, ювишарди, ўташарди ва ўришарди.

Йигит Си яшаётган ерга етиб боргач эса қандай йўл тутиш кераклигини билмай боши қотарди. Эҳтимол, худди ноғорачига ўхшаб Фрэнкка ҳам ма-

¹ Бибоп (боп) – жаз мусиқасининг бир тури.

² Скэт – куйга тақлидан матнсиз, товушлар воситасида айтиладиган кўшиқ тури.

ром йўл кўрсатар. Балки уни ҳам олиб чиқиб кетишар, у эса чор-ночор қўл силтаб колар – орзу-ниятлар бандиси. Агар уйда ҳеч ким бўлмаса-чи? Унда бостириб кираверадимми? Йўқ. Бунчалик сурбет бўлиш ярамайди – бу Сига зиён етказиши мумкин. Фараз қилайлик... аҳвол номаълум бўлгач, фараздан не наф? Керакли йўл кўрсаткичига кўзи тушганда эса боғични тортишга кеч бўлганди. У Борегард Скотт майсазоридagi “Тиббиёт доктори” деган пешлавҳага кўзи тушиб хотиржам тортгунга қадар орқага юриб, бир неча мавзени босиб ўтди. Кираверишда ўртаси бинафшаранг, қордек оппоқ гулли қизил бута қийғос очилиб ётарди. Асосий эшикни тақиллатсинми, ё орқа эшикдан кириб бораверсинми, Фрэнкнинг боши қотганди. Эҳтиёткорлик уни орқа эшикдан киришга ундади.

– У қани?

Ошхона эшигини очган аёл ҳеч нима сўрамади.

– Пастда, – деди, холос.

– Сен Сарамисан?

– Ҳа, мен Сараман. Фақат секинроқ. – Аёл доктор ва Сининг хонасига элтувчи зинапояни бош ирғатиб кўрсатди.

Йигит зинапояга яқинлашгач очиқ турган эшикдан мўралаб, катта ёзув столи олдида ўтирган сочлари оқ, паст бўйли эркакка кўзи тушди.

Эркак бошини кўтарди.

– Нима гап? Сиз кимсиз? – Докторнинг кўзлари чакчайди, сўнг чакирилмаган меҳмонни кўриб ранжигандан кўзлари қисилди. – Йўқолинг! Сара! Сара!

Фрэнк стол томонга юрди.

– Бу ерда оладиган ҳеч нима йўқ! Сара! – Доктор телефонга талпинди. – Мен полиция чақираман. Ҳозирок!

У лаппак ичидаги ноль сонига бармоғини тикди ва Фрэнк унинг кўлидаги телефонни уриб туширди.

Бу ҳаракатнинг таҳдид эканига узил-кесил амин бўлган доктор стол тортмасини очди-да, у ердан тўппончани олди.

Бунга қара-я, яна тўппончаси ҳам бор, хаёлдан ўтказди Фрэнк. Топтоза, ҳали уринмаган, енгил тўппонча. Бироқ уни тутиб турган қўл қалтираб борарди.

Доктор, кўркувдан кўзига бурун катаклари шишган, оғзи кўпириб, кўзлари қонга тўлган ваҳшийдек кўриниши керак бўлган кимсага тўппончани ўқталиб мўлжалга олди. Қарасаки, нотаниш кимса хотиржам ва ҳатто пинагини ҳам бузмаяпти, у билан ҳазиллашиш яхшиликка олиб бормади.

Доктор тепкини босди.

Бўм-бўш курул затворининг қарсиллаши қулоқни қоматга келтиргудек эди. Доктор тўппончани тушириб юборди, сўнг стол атрофи ва қароқчининг тумшуғи тагидан югуриб ўтиб, зинадан тепага чиқиб кетди.

– Сара! – қичқирди у. – Полицияни чақир, эшитяпсанми? Бу сенинг ишинг!

Доктор Бо йўлак бўйлаб бошқа телефон турган столча томонга қараб чопди. Ўша телефон ёнида эса қўлини ишонч билан дастакка қўйганча Сара турарди. Саранинг нияти ўз-ўзидан равшан эди.

Бу орада Фрэнк оқ иш кийимида муштдеккина бўлиб кимирламай ётган синглисининг хонасига кириб борди. Ухлаяптими? Фрэнк синглиси-

нинг томирини ушлаб кўрди. Суст уряптими ёки умуман урмаяптими? У энгаши ва нафас оляптими, ё йўк, эшитиб кўрди. Ушлаб кўрганда кизнинг танаси совук туюлди – бироқ бу одам ўлгандаги совиш эмасди. Фрэнк ўлим қандайлигини биларди, лекин бу ундай эмасди – ҳозирча, албатта. У шошиб хонани кўздан кечирди ва кўзи бир жуфт туфли, тувак ва сумкага тушди. Йигит сумкани ковлари ва ичидан йигирма долларлик қоғоз пулни топиб, ўзининг чўнтагига солди. Сўнг каравот олдида чўкка тушди-да, сингисининг кифти ва тиззалари тагидан қўлини сукиб даст кўтарди ва зинапоядан тепага олиб чиқиб кетди.

Сара билан доктор бир-бирига ёв қараш қилганча тик турарди. Фрэнк ўзининг ҳаракатсиз юки билан уларнинг ёнидан тўхтамай ўтиб кетди. Дарғазаб доктор Бо бироз енгил тортиб унга қаради. Бу ўғирлик ҳам, босқинчилик ҳам, зўравонлик ҳам эмасди. Доктор унинг ўрнига ҳеч бир қийинчиликсиз одам топиши мумкин бўлган оддий бир хизматчини олиб қочиш эди, холос. Хотинининг феълини яхши билган эри Сарани ҳам бир йўла алмаштиришга юраги дов бермасди.

– Ҳаддингдан ошаяпсан, – деди у аёлга.

– Ундай эмас, хўжайин, – деб жавоб берди Сара, лекин доктор ўз иш бўлмасига тушиб кетмагунча қўлини телефондан олмади.

Асосий эшикдан чиқиб олган Фрэнк йўлкадан туриб уйга ўгирилиб қаради – эшик олдида, гуллаб ётган қизил соясида Сара турарди. У қўл силкитарди. Аёл йигит ва Си билан видолашарди, балки ўзининг иши билан ҳамдир.

Сара узоқлашиб бораётган икки кишининг изидан тик турганча кўз узмай қараб қолди. Худога шукур, пичирлади у ўйга толиб: яна бир кун кечикканда тамом эди. У доктор Бони қанчалик айбласа, ўзини ҳам ундан кам айбдор ҳис этмасди. Докторнинг укол қилишини, беморларга ўзи тайёрлайдиган дори-дармондан беришини у биларди, баъзан ҳатто оқсуяк аёлларнинг боласини олиб ташлашигача хабардор эди. Буларнинг бари уни қизиқтирмасди ҳам, ташвишга ҳам солмасди. Бироқ Сара, доктор, умуман, аёл тузилишига жуда қизиқиб қолганини, унга янада чуқурроқ назар ташлашга аскотадиган ҳар хил асбоблар лойиҳаси устида ишлашга киришиб кетганини билмасди. Доктор ҳатто кўзгуларни ҳам такомиллаштиришга қўл урганди. Лекин Сининг кун сайин озиб-тўзиб, ҳолдан тойиб бораётганини, ой кўриш муддати ҳам узоқка чўзилаётганини пайқаган Сара хавотирга туша бошлаганди ва манзили маълум бўлган унинг яккаю ягона қариндошига хат ёзди. Кунлар ўтиб борарди. Саранинг хавотирга тўла мактуби етиб бордими ё йўк, бундан беҳабар эди. Шу боис у ҳеч ўйламай докторга санитар машинаси чақиритишни айтмоқчи бўлиб турганди. Шу пайт кизнинг акаси ошхона эшигини тақиллатиб қолди. Худога шукур. Худди кексалар айтганидек: “Сен Уни чақирганингда ёки Унга ёлворганингда эмас, қачонки У сенга зарур бўлганда марҳамат кўрсатади”. Энди Сига нима бўлганда ҳам, ўйлади Сара, у докторнинг уйида, аёлнинг қўлида эмас, ўз акаси қўлида бўлади.

Сара эшикни тарақлатиб бекитди ва қизилнинг иссиқдан сўлиб қолган гулбарглари ерга тўкилди.

Фрэнк Сани тикка турғазди ва унинг қўлларини ўз бўйнига ташлади. Қизнинг боши эса унинг елкасига қўйилганди ва қиз лоақал қадам

ташлашга уриниб ҳам кўрмади, унинг жисми пардай енгил эди. Фрэнк бекатгача етиб олди ва кўзлари тўрт бўлиб роса автобус кутди. Бу орада у атрофдаги боғларда ўсган нок, гилос, олма, анжир каби мевали дарахтларни бирма-бир санаб чиқди.

Шаҳарга йўловчи кам борарди ва унга бўлма охиридан, ўзини туптолмай, кайфи ошиб қолган аёлни судраб олиб кетаётган одамга йўловчиларнинг назари тушмайдиган, икки киши учун ҳам етарли бўлган ердан жой топилганидан Фрэнк мамнун эди.

Улар автобусдан тушганларидан сўнг у рухсатномаси бор таксилар навбатидан нарироқда турган ноқонуний киракашни қидириши ва яна орқа ўриндикни ифлос қилиш эҳтимоли бор икки кишини таваккал қилиб олишга кўндириши ҳам керак эди.

– У ўлганми?

– Сен ҳайдашни бил.

– Ҳайдашга-ку ҳайдайман, ишқилиб, ошна, бунинг учун мени тикиб кўйишмайдами, шуни билмоқчиман.

– Мен ҳайда дедим сенга.

– Қаерга ҳайдай?

– Лотусга. Эллик иккинчи катга йўл бўйлаб ўттиз километр.

– Бу сенга қимматга тушади.

– Бу ёғидан кўнглинг тўқ бўлсин.

Бироқ Фрэнкнинг ўзи хавотирда эди. Унга Сининг куни битгандек кўринарди. Қизни қутқаргани – қутқарганда ҳам буни шунчаки эпламай, балки тинч йўл билан қойилмақом қилиб уддалаганидан туйган мамнунлик ҳисси хавотирга қоришиб кетганди. Шунчаки: “Рухсат этсангиз, синглимни уйга олиб кетсам?” деб жўнгина айтиб кўя қолса ҳам бўларди. Бироқ у уйга кириши биланоқ докторнинг ўтакаси ёрилди. Агар душманнинг тумшуғига туширмай мақсадга етишнинг иложи топилган экан, демак, бу жуда зўр, ҳатто оқилона иш бўлибди дейиш мумкин.

– Кўринишдан аҳволи оғирга ўхшайди, – деди ҳайдовчи.

– Сен, яхшиси, йўлга қара. Йўл ҳўв олдинда, ойнада эмас.

– Йўлга қарамай нима қиляпман? Тезлик чекланган, олтмишдан ошмаслиги керак. Полициячилар билан ади-бади айтишишга тоқатим йўқ.

– Овозингни ўчирмасанг, полиция ҳам ҳолва бўлиб қолади, – Фрэнк буни қатъий айтган бўлса-да, ўзи полиция сиренасининг вангиллаши эшитилмаётими деб юраги така-пука бўлиб борарди.

– Анали машинамни қонга белаб юбормайдами? Ўриндикларим расво бўлса, яна қўшиб берасан.

– Яна бир оғиз гапирсанг, бир цент ҳам ололмайсан.

Ҳайдовчи радиони қўйди. Ллойд Прайс қувониб, бахтиёр баланд овозда “Лоуди мисс Клоуди”ни қуйларди.

Си беҳуш, танасини ушлаб кўрганда эса иссиқ эди ва у Фрэнкка кераксиз юк бўлиб суяниб олганча аҳён-аҳёнда ихраб қўярди. Йигит чўнтагини ковлаб-ковлаб аранг йўл ҳақини олди. Машина эшиги тарақлаб ёпилиши билан ғилдирак тагидан ўша заҳоти чанг-тўзон сочилди: ҳайдовчи Лотусдан ва эси паст бу битликилардан тезроқ қутулиб, тезроқ узокроққа кетиш ниятида машинани ўқдай учуриб кетди.

Фрэнк синглисини йўлка бўйлаб Этель Фордхам хонимнинг уйига судраб олиб келди; қизнинг туфлиси тумшуғи шағални тирнаб борар-

ди. Сўнг Фрэнк уни яна кўтариб олди ва маҳкам тутганча зинапоядан юқорига кўтарилди. Ҳовлининг олдидаги йўлда турган болалар бир қизчанинг коптокни ёғоч ракетка билан устасига хос эпчиллик ила қандай ураётганини завқланиб томоша қилишарди. Улар нигоҳини елкасига кимнидир ортиб олган эркакка қаратди. Қизчанинг ёнида ётган чиройли қора кучук сакраб турди, афтидан, унга болалардан ҳам кўпроқ улар қизиқ туюлди, чоғи. Болалар эса аёл билан эркакка оғизларини ланг очилиб қараб қолди. Бир ўғил бола оқ кийимдаги қон доғига ишора қилиб, ҳиринглагани, қизалоқ уни ракеткаси билан туртди-да, “Жим бўл!” деди. Қизча бир пайтлар унинг кучукчасига бўйинбоғ ясаб берган эркакни танигани.

Курси билан ёнма-ён яшил ловия солинган сават турарди. Столчада – коса ва пичоқча. Тўр-тўр эшик ортида аёл куйларди: “Худо, ўзингдан кўймасин”.

– Этель хоним! Сиз шу ердасиз? – хайқирди Фрэнк. – Бу мен, Банкир. Этель хоним?

Ашула таққа тўхтади ва Этель Фордхам хоним тўр орасидан унга эмас, унинг кўлидаги озғин жуссага қаради. Аёлнинг ковоғи уйилди.

– Исидра? Вой, боёқиш қизча-ей.

Фрэнк тушунтириб бера олмади ва бунга уринмади ҳам. Йигит хонимга Сини каравотга ётқизишга ёрдамлашди, сўнг аёл унга ташқарида кутиб туришни илтимос қилди. Аёл Сининг уст-бошини юқори кўтарди ва оёғини икки томонга керди.

– Худойим, ўзинг асра, – пичирлади у. – Ёниб ётибди. – Сўнг – кечиктириб олиб келган акасига деди: – Бор, Банкир, ловияни тозала. Менинг қиладиган ишларим кўп.

14¹

Мен сенга баъзи бир нарсаларни ҳозирнинг ўзида айтишим керак. Барини яширмай айтишим керак. Мен сени ҳам алдадим, ўзимни ҳам алдадим. Сендан сир тутдим, чунки буни ўзимдан ҳам сир тутган эдим. Дўстларимга мотам тутганимдан фахрланардим. Уларни жуда яхши кўрардим. Уларни қутқариб қолишни жуда истагандим. Уларсиз яшаи мен учун азоб. Ўзимни азбаройи дарду аламнинг панасига олганимдан, уят-андишани ҳам бир четга йиғиштириб қўйгандим.

Сўнг Си менга ҳали тугилмаган қизалоқнинг табассумини уйда, фазода, булутларда кўраётганини айтди. Буни эшитиб, ҳанг-манг бўлиб қолдим. Балки бу қизалоқ Си уни дунёга келтиришини кутмагандир ҳам. Балки қизалоқ аллақачон бўлгандир ҳам, ўлгандир ҳам ва қандай ўлганини қачон айтиб беришимни кутаётгандир ҳам.

Корейс қизалогининг юзига ўқ узган менман.

У менга қўлини теккизди.

Мен унинг табассумини кўрдим.

У менга: “Ҳам-ҳам”, деди.

У мени ҳаяжонга солди.

Гўдак. Қизалоқ.

Мен ўйлаб ўтирмадим. Ўйлашнинг ҳождати ҳам йўқ эди.

Яхшиси, ўлгани маъқул.

¹ Журнал ҳажмидан келиб чиқиб, асар жузъий қисқартирилди. – Таҳр.

У мени шу даражада таҳқирладики, айтишига тил бормайди. Бундай одамни мен қандай омон қолдиришим мумкин?

Ўзимни қўлга ололмай, эркаклигимни унга намоёни этишигача бориб етган мендек одам қандай қилиб ўзига ёқиши ёки ўзи билан ўзи ёлғиз қола олиши мумкин?

Бу эртаси кун ҳам, унинг эртасига ҳам давом этди – у чиқиндилар билан овқатланишга неча марта келган бўлса ўшанча.

Бу қанақа одам ўзи?

Бир кунмас-бир кун ўша нўртаҳолнинг ҳақини тўлайман деб шу ишни қилишгача борган қанақа одам, ўзи, бу?

Сен ёзишни хоҳлаганча давом эттираверишинг мумкин, бироқ ҳақиқатни билиб қўй.

15

Эртаси куни нонушта пайти Си яна ўша-ўша дадил, димоғи чоғ ва ишбилармон кўринди: у ўз руҳий осойишталигини гўё яна топгандек эди. Пиёзли қовурилган картошкани Фрэнкнинг ликопчасига сола туриб, куймоқдан яна хоҳлайдими-йўқми, шуни сўради.

Фрэнк куймоқдан бош тортди ва яна қахва сўради. У тунни миужжа қокмай ўтказди; юракни ўртовчи хаёллар уни сира тарк этмади. Ўзининг гуноҳинию уятни ҳалок бўлган дўстларининг дабдабали мотами остига беркитди. Гуноҳини унутиш ва корейс қизчани хаёлидан чиқариш учун ўзини кечаю кундуз руҳий азоблар панасига олди. Энди гуноҳларни жиловлашининг ҳам, улардан қочиб қутулишининг ҳам иложи қолмаганди. Бунинг биргина давоси вақт эди. Ҳозирча эса бошқа юмушлар ундан эътибор талаб этарди.

– Си? – Фрэнк унинг юзига бокди ва курук, хотиржам кўзларни кўриб мамнун бўлди. – Биз сен билан билдирмасдан ўрмалаб кирган жойларга нима бўлган? Эсингдами? У ерда йилкилар бор эди.

– Эсимда. – деди Си. – Эшитишимча, у ерларни қандайдир одамлар қарга ўйини учун сотиб олишган экан. Кечаю кундуз тўхтовсиз қимор ўйнашар эмиш. У ерда аёллар ҳам бор экан. Кейин, яна айтишларича, у ерда итларни уриштиришар эмиш.

– Отларни нима қилишган? Биронта одамнинг хабари борми?

– Билмадим. Салемдан сўраб кўр-чи. У барибир ҳеч нимани айтмайди, бироқ у ерда нималар бўлаётганини яхши билади.

Фрэнк Салемни кўриш учун Леноранинг олдига боришга тоқати йўқ эди. У Салемни қачон ва қаердан топишни жуда яхши биларди. Қариянинг одатлари ҳам худди қарғаникидек ўзгармас эди. У доим бир вақтда ошнасининг айвонида ҳозир у нозир бўларди. Яна ҳафтанинг худди ўша куни Жеффрига қанот қоқиб учиб кетарди; зиёфатлар орасида эса қўни-қўшниларикида тамадди қилиб оларди. Кечки овқатдан сўнг эса у Балик Кўз Андерсоннинг айвонидаги тўдага қўшилди.

Салемдан бошқа у ердагиларнинг бари ҳарбийлар эди. Улардан энг ёши улуғ икки киши ҳатто Биринчи жаҳон урушида ҳам қатнашганди, қолганлари – Иккинчисида. Корейсларнинг муҳорабаси ҳақида улар билишса-да, урушнинг келиб чиқишига нима сабаб бўлганини тушунишмасди ва, Фрэнкнинг фикрича, ўша кирғинбаротга керагича

хурмату эътибор билан ҳам қарашмасди. Урушда қатнашган бу одамлар жангни талафотнинг кўламига қараб баҳолашарди: ўлганлар сони қанча кўп бўлса, бу аскарларнинг ботирлигидан дарак, командирларнинг бефаҳмлигидан эмас. Гарчи Салем Манининг уруш билан боғлиқ ҳикояси ҳам, ўз фикри ҳам бўлмаса-да, бироқ ўйинга муккасидан кетгани аниқ эди. Унинг хотини эса энди вақтнинг деярли кўп қисмини тўшакда ёки енгил оромкурсида ўтказишга мажбур, Салемнинг ўзи ҳар қачонгидан ҳам эркин эди. Хотинининг арз-додини эшитишга ҳам тўғри келиши шубҳасиз эди, бироқ унинг нутқидаги қийинчиликдан фойдаланиб қолган Салем, ўзини гўё унинг гапини тушунмаётганга олиб, муғомбирлик қиларди. Бунинг яна бир қулай томони шунда эдики, энди пулни у идора қиларди. Салемни ойда бир марта кимдир Жеффрига олиб борарди ва у банкдаги ҳисобдан қанча хоҳласа, шунча пул олаверарди. Агар Ленора банк дафтарчасини кўрсатишни сўрагудек бўлса, эри бу гапни эшитмаганга оларди ёки: “Сен ташвишланма. Ҳар бир цент ўз жойида турибди”, дея жавоб берарди.

Деярли ҳар куни кечки овқатдан сўнг Салем ва унинг ошналари шашка, шахмат ва баъзан қарта ўйнаш учун йиғилишарди. Балиқ Кўзнинг ивирсиган айвонида доим иккита стол турарди. Панжарага қармоқлар суяб кўйилган, сабзаёт тўла саватлар эса уйга қачон киритиб кўйишларини кутиб ётар, ўша ернинг ўзида яна газли сувдан бўшаган идишлару газеталар ҳам бор эди – хуллас, эркаларнинг жонига ора кирадиган барча нарса муҳайё эди. Ҳозирча икки ўйинчи сипоҳ суарди, қолганлар эса панжарага суянганча, ора-сира қулиб ҳазиллашарди, маслаҳат бериб ютқизаётганнинг жиғига тегишарди. Фрэнк ошлавлаги солинган сават устидан ҳатлади-да, ишқибозлар қаторига бориб кўшилди. Қарта ўйини тугаши билан у Салем ва Балиқ Кўз юриш устида ўйга толган шахматчилар столи ёнига борди. Юришлар орасидаги қисқа танаффуслардан бирида у гап бошлади:

– Сининг айтишича, отларни кўпайтирадиган, анави йилқилар бор ер... Айтишича, у ерда итларни уриштиришар эмиш. Шу ростми?

– Итларнимиш, – Салем кулгига эрк бериш учун, қафтлариниоғзига кўйди.

– Нега кулаяпсан?

– Фақат итларни уриштиришса, кошки эди. Йўқ. Ўша уй, Худога шукур, ёниб кетди. – Салем Фрэнк уни навбатдаги юришдан чалғитмаслиги учун қўл силтаб, эътиборсизлигини билдирди.

– Итлар жанги тўғрисида билмоқчимисан? – сўради Балиқ Кўз гўё чалғишни жон-жон деб истагандек. – Яхшиси, одамларни худди итдек бир-бирига гижгижлашармиш, демайсанми.

Бошқа биров гапни илиб кетди:

– Ўшанда бир йигит қандай йиғлаб кетганини сен кўрмагансан. Унинг исми нима эди? Эндрю, сенинг эсингда йўқми?

– Жером, – деди Эндрю. – У акамнинг адаши эди. Шунинг учун исми ёдимда қолган.

– Ҳа, шундай. Унинг исми Жером эди. – Балиқ Кўз тиззасига уриб кўйди. – Унинг айтишича, отаси икковини Алабамадан олиб келишган. Оёқ-қўли боғланган алфозда. Бир-бири билан ёқалашишга мажбур ҳам қилишган. Пичоқда.

– Йўк, азизим. Улоктириладиган пичокда. Улоктириладиганида. – Салем панжарадан нарига тупурди. – Айтишча, ота-болага бир-бирини ўласи қилиб уриш буюрилган экан.

– Нима? – Фрэнкнинг томоғига тош тикилгандай бўлди.

– Ҳа-да. Улардан бири ўлиши керак эди, йўқса иккиси ҳам омон қолмасди. Уларга пул тикишган. – Салем афтини буруштирди ва ўтирган ерида типирчилайверди.

– Ўша йигитнинг айтишча, қон оқизиш учун улар бир-бирига пичок тортишган. Ўйинда фақат биттаси тирик қолиши керак бўлган, шундагина тирик қолганни қўйиб юборишарди. – Эндрю бош чайкади.

Эркаклар бири олиб, бири қўйиб, бараварига кўрган-билганларини, ҳис этганларини қўшиб-чатиб, гапга тушиб кетишди.

– Улар итлар жангидан ҳам нарига ўтиб кетишди. Одамларни итга айлантириб қўйишди.

– Сен шунақасини эшитганмисан? Отани ўғилга қарши гижгижлаганлар!

– Отасига: “Йўк, ота, йўк!” деганини айтиб берганди.

– Отаси: “Шундай қилиш керак”, деган унга.

– Уларнинг иблис билан тили бир бўлган. Нимани танлама, тўғри жаҳаннамга равона бўлишинг турган гап.

– У отасига фақат “йўк” деган, шунда отаси: “Ўғлим, энди сўнгги бор менга қулоқ сол-да, айтганимни қил”, деган. У отасига: “Сени ҳаётдан маҳрум этолмайман”, дегандай бўлган. Отаси эса унга: “Бу ҳаёт эмас”, деган. Ақлу ҳушини йўқотган бу манфур одамлар тўдасининг баттар қони қайнаган ва: “Алжирашни бас қилинглар. Қани, муштлашинглар! Жин урсин сенларни! Муштлашларинг”, деб бўкирган.

– Кейин-чи? – Фрэнк қийналиб нафас оларди.

– Сен нима деб ўйловдинг? Сўйиб ташлади. – Балиқ Кўзнинг яна жони чикди. – У бу ерга келиб, йиғлади ва барини сўзлаб берди. Оқизмай-томизмай, қандай бўлса шундайлигича. Боёқиш. Роз Эллен ва Этель Фордхам қаерга бўлса ҳам жўнаб кетиши учун унга ақча йиғиб беришди. Шунингдек, Мейлин ҳам. Биз унга уст-бош ҳам тўплаб бердик. У бошдан-оёқ қонга беланганди.

– Худо кўрсатмасин, уни шериф кўриб қолганида бормиди, у ҳозир ҳам қамоқда ўтирган бўларди.

– Биз уни ҳачирга ўтказиб жўнатиб юбордик.

– Фойдага у фақат ўз ҳаётини ютди, холос. Гарчи йигитча учун ҳаётнинг заррача қиймати қолмаган бўлса-да.

– Улар бу расвогарчиликка фақат Перл-Харбордан сўнг барҳам беришди.

– Бу қачон бўлганди? – Фрэнк тишини тишига босди.

– Нима?

– Ўша, ўғил Жером бу ерларга қачон келганди?

– Анча бўлди. Чамаси, ўн ёки ўн беш йил аввал.

Фрэнк энди кетишга чоғланиб турганди ҳамки, унда яна савол туғилди:

– Айтмоқчи, отларга нима бўлди?

– Уларни сотиб юборишган, шекилли, – деди Салем.

Балиқ Кўз бошини қимирлатиб маъқуллади.

– Ҳа-да. Кушхонага.

– Қанақасига? – Ақл бовар қилмайди, ўйлади Фрэнк.

– Урушга фақат от гўштини таъминот варақаси орқали сотишмаган, тушундингми? – деди Балиқ Кўз. – Италияда мен ўзим еб кўрганман. Францияда ҳам. Таъми худди гўштнинг ўзи, фақат ундан мазалироқ.

– Бизнинг жонажон Кўшма Штатларда сен ҳам от гўштини жиғилдонингга ургансан, фақат буни билмагансан. – Эндрю кулиб юборди.

Салем шахматни давом эттираман деб бетоқат бўларди ва шу боис у гапни бошқа ёққа бурди:

– Айтгандай, синглингни аҳволи қалай?

– Тузалиб қолди, – жавоб берди Фрэнк. – Соғайяпти.

– Менинг “форд”имга нима бўлганини айтмадимми?

– Машина уни кўпам қизиқтирмай қўйган, бува. Бу сизни ҳам ташвишга солмаса бўларди.

– Хўп, майли. – Салем фарзинни юрди.

16

Си кўрпани беришдан бош тортиди. Кўрпа Фрэнкка тинчлик бермай қўйган бир иш учун зарур эди. Бу енгилкўрпа Сининг илк мустақил иши эди. Оғриқ ва қон кетишлар тўхтаб, қиз ўтирадиган бўлгач, қўни-қўшнилар беморнинг хонасини эгаллаб олдилар-да, даво чоралари тўғрисида фикрлаша туриб ва энг фойдали дуолардан ўқиб, қийқимларни хил-хилига ажрата бошладилар. Ҳамсоюлар бир-бирига мос ранглар тўпламини кўклаб бўлгунларига қадар қўшиқ ҳам куйлардилар. Си енгилкўрпа кўпам кўнгилдагидек чиқмаганини биларди, бироқ Фрэнк менга айнан шунақаси керак, деди. Нимага керак экан, буни айтишни истамасди.

– Си, бас қил. У менга зарур. Кейин сен ҳам мен билан боришинг керак. У ерда иккимиз ҳам бўлишимиз шарт.

– Қаерда “у ерда”?

– Менга ишонсанг бўлгани.

У тушликка кеч қолганди ва гўё югургандек уйга тер босиб ҳаллослаб кириб келди. Орқа чўнтагидан узунлиги чизғичдек, тарашланган ёғоч бўлаги чиқиб турарди. Қўлида белкурак ҳам бор эди.

Си: “йўқ”, деди. Асло. Безаклари зерикарли, бўёқлари ҳам уқувсизлик билан танланган бўлса-да, у ўзининг хунукдан-хунук кўрпасини юқори баҳоларди. Фрэнк талаб қилиб туриб олди. Унинг ивиб кетганию дадил қарашларидан бу иш унинг учун ғоятда муҳим эканини Си тушуниб етганди. Енгилкўрпанинг кўнгилдагидек чиқмагани Сини яна ранжитди ва у истар-истамай шиппагини кийди-да, акасининг кетидан эргашди. Фрэнк енгилкўрпани елкага ташлаб олганди. Агар мабодо уларга кимнингдир кўзи тушгудек бўлса, балиқ овига кетишяпти деган хаёлга бориши турган гап эди. Соат бешда, яна белкурак билан-а? Йўқ, бу эҳтимолдан узок.

Ака-сингил қалача чеккасига етиб боргач, ўша ўзлари болалик чоғларида юрган от-улов йўлига бурилишди. Си оёғидаги юпқа шиппақда хадеб тошга қоқилавергач, Фрэнк қадамни секинлатди-да,

унинг кўлидан ушлаб олди. Йигитга савол бериш бефойда эди. Улар худди бурунгидек, бир-бирининг кўлидан ушлаб, бегона манзил-маконга йўл олгандек чурқ этмай кетиб боришарди. Бировнинг хоши-истаги билан иш юритиш унга алам қилаётган бўлса-да, Си барибир, қаршилиқ қилолмаётганди. Бу сўнггиси, деди у ўзига. Фрэнк мен учун бир тўхтамга келишини хохламайман.

Идрок ўзгариб бораверар экан: улғайган сайин назар доиранг ҳам қисқарар экан; бола учун интизорликнинг ярим соати – ярим кундек гап. Улар тошлоқ йўлнинг олти милини болалик чоғларидагидек ўша-ўша икки соатда босиб ўтдилар; бироқ ўша пайтларда бу йўл ака-сингилга уйдан анча олис, жуда узоқ туюлганди. Қачонлардир кўринишдан мустаҳкам бўлган деворнинг аксари кулаб тушган, баъзиларига бош суяги чизилиб, дўқ-пўписали огоҳлантиришлар ёзилган лавҳаларнинг кўпи йўқолиб ҳам кетганди ёки қалин ўт-алафлар орасидан хаёлдагина пўписа қиларди, холос.

Си жойни таниди ва:

– Бари ёниб кетибди. Мен беҳабар эдим. Сен-чи? – деди.

– Менга Салем айтди. Бироқ биз у ерга бормаймиз.

Фрэнк кўзини офтобдан пана қилди, сўнг ён томонга ўгирилди-да, девор харобалари ёқалаб юриб кетди. У дабдурустдан тўхтади ва ўт-ўланлар устида гурс-гурс қадам ташлаб юриб, ерни оёғи билан текшириб кўрди, керакли жойни топгунга қадар баъзан секинлади ҳам.

– Ҳа, – деди у. – Шу ер.

У энгилкўрпани сингисига тутқазди-да, белкуракни олиб, ерни кавлай бошлади.

Суяклар бунчалик майда бўлмаса. Уст-бош колдиклари бунча оз. Бироқ топ-тоза бош чаноғи тиржайиб турарди.

Гарчи қабихлик бўлса-да, дунёда содир бўлаётган қотилликларни кўришга ожиз, кўрқоқ қизчага ўхшаб тескари ўгирилмаслик учун Си лабини тишлади. Бу сафар уўзини четга ҳам олмади, кўзини ҳам бекитмади.

Фрэнк суякларни жуда эҳтиётлик билан, авайлаб, улар марҳумнинг ҳаётлик чоғида қандай жойлашган бўлса, имкон қадар ўшандай қилиб улаб, сингисининг энгилкўрпаси устига олиб қўйди. Энгилкўрпа маймунжон, оч бинафша, сариқ ва тўқ зангори рангли кийқимлардан иборат кафанга айланди-қўйди. Тўртта қўл суягини улар энгилкўрпага ўрашди-да, учини танғиб боғлаб қўйишди. Фрэнк белкуракни сингисига бериб, ўзи эркакнинг устухонларини кўтариб олди. Улар йўл бўйлаб ортга қайта бошлашди, Лотусга яқинлашганларида кичикроқ дарё оқиб турган томонга бурилишди. Новдаларининг бири ўннга, бошқаси чапга ёйилган, ҳали тирик, ўртаси узунасига тилим-тилим ёрилиб, каллаклаб ташланган магнолия дарахтини улар дарров топишди. Аввал кафан, энди эса мурда учун тобутга айланган, суяклар солинган энгилкўрпани Фрэнк ўша дарахт илдизи тагига қўйди. Си унга белкуракни узатди ва акаси ерни ковлагунга қадар, қиз жимирлаётган сувга ва дарёнинг нариги томонидаги дарахтзорга боқди.

– Ким у? – Си нариги қирғоққа ишора қилди.

– Нима? – Фрэнк ўгирилди. – Ҳеч ким кўринмаяпти-ку?

– Кетиб қолди, шекилли, – деди синглиси. Унинг кўзига бўйнига соат занжирини тақиб олган, ажабтовур костюм кийган, пастаккина эркак кўринганди. Ўша киши жилмайиб турарди.


Фрэнк чуқурлиги бир ярим метр, эни бир метр бўлган ўра ковлади. Билармонлик қилишга тўғри келди: дарахт илдизлари бостириб кирганларга қаршилиқ кўрсатиб, белкурак билан олиша кетди. Қуёш қизғиш тусга кириб, пастга эниб борар, сув устида майда чивинлар ғужғон ўйнади. Асаларилар тўғри уясига равона бўлди. Тиллакўнғизлар эса кеч тушишини кутарди. Колибри куши чўқиб ташлаган мускат узумининг билинар-билинемас хиди гўрковни хотиржам қилди. Ўра тай-ёр бўлганда эса енгил шабада турди. Ака-сингил мурданинг суяклари ўралган ола-була енгилкўрпани қоим қазилган қабрга қўйдилар. Фрэнк тупроқ ташлаб гўрни тўлдирди ва киссасидан икки дона мих ва тарашланган ёғоч парчасини олди. Ёғочни тош билан дарахтга қоқиб қўйди. Битта мих бекорга қайрилиб кетди, лекин бошқаси яхши кирди ва энди Фрэнк юпқа хотира тахтаси устига ёзган ёзув кўриниб турарди:

“Бу ерда Инсон турибди”.

Шундай хаёлга боришни, эҳтимол, ўзи истагандир, бироқ магнолиянинг рози бўлганига ва мамнун эканига у қасам ичиши мумкин эди. Дарахтнинг оч сариқ-сабзаранг барглари олча рангли улкан қуёш остида гуркираб борарди.

17

*Мен анча вақт турдим ва дарахтга боқдим.
У гоят матонатли кўринарди.
Гоят олийжаноб.
Нақ ярми яраланган.
Бироқ ҳали тирик ва бақувват.
Си елкамга қўлини теккизди.
Билинар-билинемас қилиб.
Фрэнк?
Нима?
Юр, ака, уйимизга кетдик.*





ЎРМОНЛАР ДУОСИ

(Қозон татар шоирлари ижодидан)

Татар тилидан
Тоҳир ҚАҲҚОР
таржимаси

ДАРДМАНД

(1859–1921)

Муҳаммадзокир Муҳаммадсодиқ ўғли Рамиев (тахаллуси Дардманд) Оренбург вилоятининг Истарлитомоқ туманидаги Жирган қишлоғида туғилган. Муҳаммадзокир мактабни тугатгач, Истанбулда яшаб таълим олди. 1881 йилда юртига қайтди. Нашр ишларига бош урди, аммо ҳукуматдан изн ололмади. 1905 йилдан кейингина ниятига етди. “Вақт” кундалик газетаси (муҳаррири Ф.Каримий) ва “Шўро” журнали (муҳаррири Р.Фахриддин)нинг ташкил этилишида фаол қатнашди, ушбу нашрлар Қофқоз ва Туркистон мусулмон туркийлари фикрий ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Дардманд шеърлари фалсафий теранлиги, муҳит манзараларини мажозий акс эттириши билан ажралиб туради.

КЕМА

Шовулар денгиз.
Гувулар шамол.
Кема очмиш елканинг.

Зўр шамол турар,
Кемани сурар,
Тўлқинлар бизни ўрар...

Кечаю кундуз
Босадур ул йўл,
Йўллари ёт ўлканинг.

Билмам, қай замон
Қай гирдоб, ўпқон
Тортар, биздан эсон сўраб...

* Манба: Türkiye Dışındaki Türk Edebiyatları Antolojisi. 19. cilt. Tatar Edebiyatı III. – KB yay. 2001. Ankara.

ҚОҚИЛИШ

Ўзинг ерда, кўзинг ерда – недан бу?..
Кўриб кўк дафтарин, ёндинг-ёқилдинг.
Йўлингда ҳар нени кўргандинг, нечун
Оёқ остингдаги тошга қоқилдинг?..

ТАҚДИР

Қувонди эл, қанот қоқди малаклар,
Шошиб, ҳанг-манг бўлиб шайтон тупурди...
Этар, кўнгил, қувонч-ла урма ортиқ,
Қуёвмассан бу тўйда, сенга жой йўқ,
Жаҳон тақдир тўйин тузганда битмиш,
Сенинг ўрнинг – ўликлар ўлкасинда!..

КЎКЛАМ

Келди кўклам, кун аро ёмғир ёғар,
Тоғ тарафдан шарқираб сувлар оқар.
Келди оққуш гаглашиб ҳам келди гоз,
Қайнади қуш, тўлди кўллар, бўлди соз!..

Келди кўкламнинг етиб порлоқ куни,
Янграр оққуш сайраши, масрур уни.
Талтиниб, оғир қанот қоққан, ана,
Гоз гала бўлганча келмишидир яна.

Келди кўкламги ҳаловат ойлари,
Сайраб учди кўкда бўзтўрғайлари.
Маърашиб ўтлар сизир, қўй-қўзилар,
Кишинашиб ўйнар қулунлар – шод улар.

Чўлда эркин сайр этар ҳуркак кийик,
Кўлда оққуш товланиб сузгай, суюк.
Сандувочлар мунгли-мунгли сайрашар,
Ўнгу сўлда ҳар не ҳайвон яйрашар...

ЎРОЛ-ЁЙИҚ ШУНҚОРЛАРИ

Нозик беллар қилич тақмас... камарланмиш бел...
Тозий отлар¹ ёлини ҳеч тараб ўтмас ел.
Қарол бўлди далаларнинг оқ тулпор оти,
Ўрол-Ёйиқ шунқорининг синмиш қаноти...

¹ Тозий отлар – арабий отлар.

Саид РАМИЕВ

(1880–1926)

Саид Лутфулла ўгли Рамиев Оренбурге вилоятининг Оқмон қишлоғида туғилган. Хусайния мадрасасини битирган. Араб, форс, рус тилларини ўрганган. Бир муддат мадрасада дарс берган, сўнг Қозонга келиб, 1905 йилдан “Тонг юлдузи” газетасида ишлаган, “Ал-Ислоҳ” газетаси билан ҳамкорлик қилган; 1910 йилдан Астрахандаги “Эдил” газетасида котиб бўлиб фаолият кўрсатган. 1914 йилда чор ҳукумати газета нашрини тўхтаттиради, С.Рамиев эса оиласи билан Уфага кўчирилади. Шоир 1926 йили сил касалига чалиниб вафот этган.

АЛДАНИШ

Мен йиқилдим... Ўлди руҳим...
Қолмади ҳеч роҳатим.
Кундуз – оғир... Тун – қабр...
Йилдай узун ҳар соатим.

Қолди кўнглим бу жаҳондан –
Йўқдир унда ҳеч субут.
Йўқ ҳақиқат, алдагай у,
Сув десам мен, у дер ўт.

Кўкка ҳеч чиқмас қуёш,
Бу ҳам унинг бир ҳийласи,
Кўкда ой йўқ, ерда олим,
Бор сароблар шуъласи.

Бир саробдир олам асли,
Бор на ерлар, бор на кўк,
Йўқ табиат, йўқ халойиқ,
На ўлик бор, на тирик.

Йўқ чини ҳеч нарсанинг,
Чин фақат хор-зорлигим,
Битдим, алдандим, ёнурман...
Бир ёнар ўт борлигим.

Ўтди оққан шалдираб ул
Сувдайин шод кунларим,
Бир қоронғу ҳам тутунли
Кунга дўнди тунларим...

Барча боққайлар меҳрсиз,
Оч, дўлайган кўз билан.
Ҳам сўкарлар қичқириб,
Аччиқ, аламлик сўз билан.

Учрашиб қолсак тасодиф,
Ё кўришсам иш билан,
Тишлагайлар бир илондек
Зап-заҳарлик тиш билан.

Тескари дунёга лаънат!
Менга ҳар дам терс боқар,
Ишқ ўтин ёқсам, у доим
Айрилиқ шамин ёқар.

Шу фалак ҳам ўзгарарми?
Ўзгарарми қора бахт?
Биз учун ҳам кун чиқарми?
Тонг отарми – қайси вақт?..

Гар хаёл этсам, кўзимнинг
олдида тургай юзинг,
Ҳар не ўй-фикрим ичинда
Энг ёқимли ўй ўзинг.

Сенгина бор ҳасратимни
Тарқатурсан – тарқат, от!
Сўндириб роҳат қуёшим,
Истасанг, кўкни қорайт!

Борлигим подшоси сенсан,
Ош десанг, тоғлар ошай,
Бермиш Оллоҳ умримизни,
Сен яша, мен ҳам яшай.

ИНГРА, КЎНГЛИМ

*Ингра, ингра, ингра, кўнглим,
Ингра, бир он тўхтамай!
Ингра ойлар, ингра йиллар,
Ингра кун-тун ухламай!..*

*Ингра, ингра, сен муҳаббат
Ўтлариндан гул ярат!
Ҳар не зулмат, ҳар не ҳасрат
Кунларинда нур ярат!..*

Нажиб ДУМАВИЙ

(1883–1933)

Нажиб Сибъатилла ўғли Тўхтамишев Оқсубай туманидаги Дума овулида туғилган. Қозондаги мадраса таълимини олгач, кўп йиллар татар, қозоқ болаларини ўқитади. Кейинчалик сургунга ҳукм қилинади ва 1927 йили Ўзбекистонга келади. Самарқанднинг Булунғур туманида мактабда ишлаб, шу ерда вафот этади.

СИБИР

*Агар сен сафарга чиқсанг, эй, йўлчи,
Зулумот дунёси – Сибирга кел-чи!
Ошга чақирмадим, олгин озиқни,
Унутма болтаю курак, қозиқни.
Бутунлай бошқа бир дунёдир бу ер,
Халқнинг кўпи эркак, хотинлар оздир.
Халқ десам, беҳуда ўйланиб турма,
Қишлоғи, шаҳари қайда, деб юрма.
Бу ерда овуллар, шаҳарлар йўқдур,
Довуллар, шамоллар эсадир ҳур-ҳур.
Ҳар ёқ булут, ҳар ён қор уюм-уюм,
Бунда иш бермайдир ҳар “модний” кийим.
Кўп қизиқ нарса бор, келсанг, кўрурсан,
Белингдан қорларга ботиб юрурсан.
Қизиқ нарса десам, бўлмагин ҳайрон,
Барин бир жумлада айлайин баён:
Довул, қор, муз, совуқ, расво ҳавоси,
Ваҳший, ҳур, қайғули ҳар бир балоси!
Турма, кишан – бўғовлару бўғовлар,
Қилич, милтиқ, тўқмоқ, қамчи – сийловлар!
Қоронғи – ҳар киши бунда бахтсиздир,
Бахтсизлик бунда хон, фақат тахтсиздир!..*

ҚЎРҚИНЧ

*Кузги бўш қирларда увлар
Марҳаматсиз бир шамол,
Топширилган унга гўё
Бу жаҳон, ҳар мулку мол.*

*Кўзга ташиланмас аниқ у,
Гувлаши чиркин, совуқ,
Бир илон мисли вишиллар,
Ваҳмаси жонга ёвуқ.*

Қоплаган ҳар нени туссиз,
Ваҳмали руҳ, бир тарийқ,
Ер кўқарган, боғу ўрмон,
Бор озочлар сап-сарик.

Кўк-да туссиз, бир азобдан
Хўп қабармиш юзлари,
Чекчайиб боққай муҳитга
Ўчли, ваҳший кўзлари.

Шакланур кўнглим нечундир...
Ваҳма босгай айқириб,
Ер ёрилмишидир – шамол увлаб,
Қабрлар ҳайқириб!..

Ҳамма нарса ваҳма ичра,
Бир ғазаб қутган каби,
Қисқаси, Ер тўхтаган,
Маҳшар кунни етган каби!..

Миразиз УҚМАСИЙ

(1884–1948)

Миразиз Қайюм ўғли Забиоров Қозон вилоятидаги Уқмас қишлоғида туғилган. 1906 йили илк шеърий тўплами босилган. 1908 йили Қозондаги Муҳаммадия мадрасасини битириб, турли ерларда ўқитувчилик қилган.

МАЙ КУНИ

Сокин бир куз куни ўрмонга бордим,
Сайрашурлар қушлар чарх уриб.
Бириси учару бириси қўнар,
Бири хурсанд чўндан уй қуриб.

Чиқдим яланг ерга: чечаклар алвон,
Байрам гўё кўркам чиройи!
Кўклам, ёз ойларин бир авлиёси –
Энг қутлуғи, билинг, май ойи.

АХРИМАН НАСЛИ

Босилди энди аччиқлар,
Кўнгил яйрар, сўниб дардлар,
Умидлардан йироқ кетдим,
Тугаб ул айшу ишратлар.

Келиб захру қаро кунлар,
Бир иблисдек ўтирмишлар –
Кўриб халқу бу ёш авлод,
Умидларни йитирмишлар.

Менам энди яшай дерман
Ҳаётда сўнг лаҳзаларни –
Юрак тинч, битди ёлқинлар,
Ёқиб, кул этдим ўтларни!

Кетурман, хуш қолинг, дўстлар!
Тилай эзгу тилак сизга:
Садоқат, бахт тўла бўлсин
Мудом ёр руҳ, юрак сизга!

Менинг бахтим куёшин, оҳ,
Қаро жинлар босиб ўтди,
Саодат юлдузимни
Ахриман насли келиб, ютди.

Учирсам ҳам кўнгил учмас,
Йиқилгай, ер қучар энди,
Жаҳон айни мамот ичра,
Заҳарларни ичар энди...

Зариф БАШИРИЙ

(1888–1962)

Шоир Зариф Баширий Қайбич вилоятидаги Чүти қишлоғида туғилган. Қозондаги Муҳаммадия мадрасасида ўқиган. Оренбургдаги “Чўкич” газетасида ишлаган, 1910–1917 йилларда Пенза ва Тамбов вилоятларидаги татар қишлоқларида ўқитувчилик қилган. Сўнгера Олмаота, Жаркент, Тошкентда яшади, маориф ва матбуот соҳаларида хизмат қилади. 1933 йили Уфага қайтди. Шоир, журналист, ёзувчи сифатида қирқдан ортиқ китоби босилган.

ТИЛИНГНИ САҚЛА

*Эй, татар! Бу кунгача не сақлабон қолди сени,
Бошингга келган ҳалокатдан юлиб олди сени?..*

*Кўкрагингда ёнган ўтни бунгача не асради?
Мангу йитмоқ йўлларига қай ёвуз солди сени?..*

*Ул томирларда ҳаёт ҳеч сўнмайин оқди жўшиб,
Сўлгину гулсиз чаман деб кўзга ким илди сени?..*

*Шубҳасиз, сақлаб келибдир ул муқаддас тил сени –
Сақлади номин татарнинг, тил татар қилди сени!*

*Бер товуш: “Мен бор!” дея, бундан кейин қилмай сукут,
Тил бўлиб-да тек туришлик парчалаб, тилди сени.*

*Бошқалардан кутма ёрдам, кутма ҳеч ёрдамчилар,
Мангулик бу йўлда дунё тил дебон билди сени.*

*Бор бўлурсан, ҳур яшарсан сен-да бу олам аро,
Она тилсан, кимса эзмас, толейинг қулди сени.*

ҚАЧОН ЯХШИ БЎЛАМИЗ?

*Босса бизни қайғу-ҳасрат,
Ёлворамиз Худога,
Бошга тушса гавго, кулфат,
Югурамиз онага.
Гадолардан дуо истаб,
Садақалар қилармиз,*

*Назру ниёз кетар аммо
Оқсоқ сўфи, муллога.
Ақчамиз сал кўпайса, бас,
Кувониб, кайфин суриб,
Эсимизга тушмас асло
Дўст, эш, она, Худо-да!..*

ОНА ҚАБРИ ЁНИДАГИ ҚИЗ

*Тўхта, шамол! Бу қабрга менинг онам кўмилган,
Қабр ўтлари бир етимнинг кўз ёши-ла чўмилган.*

*Шовуллама, эй, шамол, тин, қўрқадир менинг онам,
Тинч қўй мени, зор йиғлайин қуриганча то тинкам.*

*Шу етимлик хўрликларин онамга сўйлаб берай,
Бир дам кўнглим бўшатганча гамлардан холи турай.*

*Ҳар саҳар келиб бунга, қучоқлаб гўру тошни,
Тинглагайман тотли сўзин, қабрига қўйиб бошни.*

*Онам мени суяр эди, қучар эди шафқат-ла,
Оҳ, энди мен ундан кейин қолдим меҳнат, миннат-ла!..*

*Оҳ, онамни олди лаҳад, беркитди қоронги гўр,
Эй, худо, раҳмат айлаб, қабрига нуриг ёғдир!*

*Тўхта, шамол! Эсма, довул! Онам бунда олсин тин.
Ой, қулоқ сол фарёдимга ва осуда нур сочгин!*

*Тин, эй, шамол, тўзон сочма! Онам тинчиб ухласин,
Қадр қилиб фаришталар уни ҳар кун йўқласин.*

Шайхзода БАБИЧ

(1895–1919)

Шайхзода Бабич Уфа вилоятидаги Бўри туманида мулла оиласида туғилган. Ўн беш ёшигача отасининг мадрасасида, сўнгра Уфадаги Олия мадрасасида таҳсил олади. Шеърлар ёзади, фольклор асарларини тўплайди. 1917 йилда Оренбургдаги “Қармоқ” газетасида иш бошлайди. Сўнгра миллий озодлик ҳаракатига қўшилади. Гарчи 1919 йили шўролар тарафига ўтиб, масъул вазифаларда ишласа-да, кўп ўтмай қизиллар томонидан ўлдирилади.

ХАЛҚИМ УЧУН

*Олпоқ олтин қўшигимни куйламасдан турай нечун?
Куйлай олтин элим учун, куйлай она халқим учун!*

*Соф, кумушдай қўшигимни айтмайман мен олтин учун,
Айтай уни соф, кумушдай, шу софюррак халқим учун!*

*Гул-чечакдай қўшигимни айтмасман бўш талқин учун,
Айтай уни гул-чечакдай қизларга бой халқим учун!*

*Кўшигимда дард тўлқини, айтай қирғоқ, тўлқин учун,
Уни куйлай дард-қувонч-ла тўлқин урган халқим учун!*

*Йиғламасман, гар кунларим бўлса совуқ, салқин учун,
Йиғларман мен, гар бўлса хор, мискин, фақир халқим учун!*

*Ёшлик чоғим, олтин чоғим, ёлқин чоғим бўлсин фидо
Халқим ҳузуринда туриб, берган сўзим, онтим учун!*

БОЙ ВА ФАҚИР

*Сен сабр этсанг, сабр эт, бошқаси сабр этмасин,
Йўқ, тузалмасман сабр-ла! Ақчаси жабр этмасин!*

*Ич ёнар турмушда тенгсиз оммани ўйлаб яна,
Мунгли, мискин бандаларнинг мунгини сўйлаб яна.*

*Мен чиқиб боқдим кўчамга, ким сўрар ўз халқини,
Кўзга чиқди ёш бўлиб кўксимдаги дард ёлқини.*

*Кўзларим ўнгинда йиглаб хору йўқсиллар ўтар,
Камбағал, мискин фақирлар ёш кўнглини ранжитиб...*

МАНДОЛИНА

*Янгра, мунглиг мандолина, мен-да тинглаб, мунгланай!
Мунгланиб, қайгуларимдан сал узоқлаб, ўнгланай!
Сен менинг жон сирдошимсан, мунгдошимсан, янграгин!
Сирга ботган, мунгга ботган ҳайбатинг-ла чўнгланай!*

*Шу сенинг товшинггина ҳар дардима дармон берар,
Шу берар ҳар нарсани, шу жон берар, фармон берар,
Шу менга ўй, шу менга ҳис, шу менга оқ онг берар,
Шу менга сир чашмасиндан лаълию маржон берар!*

*Эй, менинг кўнглимни софловчи муқаддас мандолин!
Тинглагач, кўз ёшланар – жисмим дали, шу жон дали!
Тинглар эркан, ҳар гидирдан, ҳар не кирдан покланиб,
Кучланиб боргай бу жоним “Оллоҳ! Оллоҳ! Тавба!..” деб.*

*Эй, сеҳрли, сирли чолғу! Кел, сени мен бир чалай,
Янгра чолғу, софланай, сал жонланай, иймонланай!..*

Ҳасан ТЎФОН

(1900–1981)

Ҳасан Тўфон Фахри ўғли Қозон вилоятининг Оқсубай қишлоғида туғилган. Олия мадрасасида ўқийди. Аввал қишлоқ мактабларида, 1924 йилдан Қозонда яшаб, ўқитувчилик қилади. Қатағон азобини чеккан шоирнинг ўн олти йиллик умри турмаларда ўтди. 1960 йилда оқланди ва асарлари босила бошланди. 1966 йил Абдулла Тўқай номидаги давлат мукофоти билан тақдирланди.

ЭЛДА НЕЛАР БОР ЭКАН

Таида нелар бор экан?..
Йўллар зангор қормикан?
Муз дераза қизармоқда –
Тонг ё ёнгин бормикан?
Таида нелар бор экан?

Ўйлайди ул: “Соғмикин?
Ичи тўла зормикин?
Ҳасратин тарқатмоққа
Тамакиси бормикин?
Эсонмикин, соғмикин?..”

Бизда ҳам тонг бўлгандир,
Ул ҳам боққа келгандир,
Эслаб бирга чоғларни,
Кўнгли дардга тўлгандир?..
Бизда ҳам тонг бўлгандир?

Оқ кийимин кийгандир,
Балки қайтар, дегандир,
Зангор қорни кеча-кеча,
Вокзалларга келгандир,
Топилар ё... дегандир?..

Элда нелар бор экан?
Йўллар зангор қормикин?
Кўкда қизғиш ёруғ бор –
Тонг ё ёнгин бормикин?..
Элда нелар бор экан?..

ЕЛЛАР ЭСАР

Еллар эсар, еллар эсар,
Эсан еллар фойдасиз...
Халқ кўшиғидан

97

Деразамни очиб кўйдим,
Кел, сен эй, кел, кир, сен эй!
Қадрдоним аҳволидан
Бирор хабар бер, сен эй!

Келар тунлар, эсар еллар,
Эсарлар-да эсарлар...
Қийинмикин – кирсалар-да,
Ёринг эсон, десалар.

Тунги еллар сир айтадир
Менгамас, ёт золимга,
Сендан айри кунларимда
Дардимни айтай кимга?..

ТИНМА, ДОВУЛ

Оқай десам, борай десам,
Оққуш тўсар йўлимни...
Халқ қўшиғидан

*Толлар кесдим, йўллар очдим,
Соллар солдим сувларга,
Кетар ёғим ўнг ёндадир,
Еллар эса сўлларга.*

*Довул тинди, тўлқин тинди,
Оққуш тўсар йўлимни,
Билар қуш ҳам ёлғизлигим,
Калталигин қўлимнинг...*

*Устда – тўлқин,
Остда – тўфон,
Чанг соларди солимга,
Ёрим кутар, қайтай у ён,
Тўсиқ қўйманг йўлимга.*

*Тинма, дарё! Чайқал, айқир!
Кўнмаганман тинликка.
Майли, довул, тўфон сурсин –
Сен чўктирма мунгликка!..*

Фотиҳ КАРИМ

(1909–1945)

Фотиҳ Аҳмадвали ўғли Каримов Уфа вилоятидаги Бешбалиқ туманида туғилган. 1925–1929 йилларда Қозондаги қурилиш муҳандислиги институтида ўқиган. Сўнгера матбуотда хизмат қилган, шеърлари, ҳикоялари билан танилган. 1938 йили қатағон зулмига учраб қамалган. Адолат талаб қилиб ёзган хатлари натижасида 1941 йили озод этилган ва урушга кетган. 1945 йили жангда ҳалок бўлган. Унинг юздан ортиқ шеърлари, тўққиз достони, икки қиссаси, драмаси, ҳикоялари босилган.

БУЮК ҚЎШИҚ

(Ватанимга)

*Балки бу хат сўнгги хатимдир,
Энг даҳшатли жангга киярман,
Балки бугун шу қуёшни ҳам,
Урнимда энг сўнг бор кўряпман...*

*Қолар дунё, бутун гўзаллик,
Гуллар қолар богим, даламда.
Изим қолар она юртимда,
Шеърим қолар ўтган йўлимда.*

*Мен урушга кирсам, душманнинг
Юрагини кўзлаб отаман.
Болаларим қолар мен ўлсам,
Менинг умрим бўлар Ватаним.*

*Агар ўлсам, ҳеч ўкинч эмас,
Бор ўлимнинг бошга келиши;
Буюк қўшиқ – буюк Ватан деб
Бир инсоннинг жангда ўлиши.*

УЗУН УМР

*Айтай десанг, айтар сўзинг қўп,
Эринмасдан бўлар сўйласанг.
Узун гапнинг қисқачаси шу:
Узоқ яшай дея ўйласанг,*

Ўз элингни ўйла ҳар қачон.
Ўлим ҳақда ўйлама ҳаргиз.
Эл-юртини ўйласа инсон,
Умри узун бўлар, шубҳасиз.

Нурий АРСЛОНОВ

(1912–1991)

Нурий Азиз ўғли Арслонов Петропавловскда туғилган. 1931 йил Қозон санъат институтини битирган. Газета ва журналларда рассом, адабий ходим бўлиб ишлаган. Шоир ва таржимон сифатида танилган. Пушкин, Байрон, Гёте, Ҳофиз, Хайём, Маҳтумқули, Тўхтагул, Абай асарларини татарчага ўғирган.

ШОИР ВА ШОҲ

Майдонда Ҳинд султонин енгмиш,
Эга бўлмиш тожу давлатга.
Айриларкан она ватандан,
Шоир умри кечмиш ҳасрат-ла.

У тахтни бахт деб билмади ҳеч,
Азоб берди кўнгил яраси.
Мерос қолди бизга у зотдан
Ҳазаллари, “Бобурнома”си.

Бобур подшоҳ замони ўтди,
Тожу тахтдан асар қолмади.
Бобур шоир – биз билан бирга,
Шонин тупроқ кўма олмади!..

ҚУШ БЎЛГИМ КЕЛАДИ

Қушлар тили каби жудаям бийрон,
Ёқимли тилингиз!
Латишлар! Мен сизни яқин тутганим
Тилсиз ҳам билингиз!..

Билдим, қушлар турли-турли бўлса-да,
Битта экан тили.
Инсонларда эса, битта тил йўқ, ҳа,
Бари турли-турли.

Тиллар турли экан, зиёни йўқ, бас,
Кир бўлмасин унда.
Тилни босиб, сўзни тўсиб тургувчи
Дард бўлмасин жонда.

Жаҳон кезсам дейман, сайрасин тилим –
Қуш бўлгим келади!
Тилимиздан тузилган бир “хор”, мақомга
Қўшилгим келади.

Баримизга азиз, эзгу тупроқ бу,
Биз – Ер болалари.
Инсонлар учун бахт – фақат дўстликда,
Башар – қардош бари.

Сибъат ҲАКИМ

(1911–1988)

Сибъат Тожиўғли Ҳакимов Арча вилоятидаги Кулликими қишлоғида туғилган. Қозон педогогика институтини битирган. Нашриётлар ва матбуотда ишлаган. “Илк қўшиқлар” биринчи шеърый тўплами 1938 йилда чиққан. Абдулла Тўқай номидаги давлат мукофоти (1960), Горький номидаги мукофот (1970) билан тақдирланган.

ГУРУР

Бир гурур бор ичимда, уни
Сўйлай дейман, юртда, четларда –
Айтай дейман дунёдаги бор
Мажлисларда, парламентларда!

Боқ шу жаҳон харитасига –
Қирқ ўлкага етгандир бориб
Татаристон гази, олтини,
Татаристон моли, товари...

Керосини йўқ бўлса-да, эл
Чироқ ёқар, топар чорасин.
Эй, сенлар, эй!.. Бор нефтни йиғиб,
Айт, қайларга олиб борасан?..

Олдин ёпиқ эди юрт йўли,
Энди ҳар йўл очиқ туради;
Бизга дунё бозорларида
Зўр давлатлар салом беради.

Татаристон ўсди. Қувватлар
Эски мустамлака элларни.
Менинг ишим эса сўйламоқ
Шу халқларнинг донгин йилларга.

Бир гурур бор ичимда, уни
Сўйлай дейман, юртда, четларда –
Айтай дейман дунёдаги бор
Мажлисларда, парламентларда!

ТАТАРЛАР ЖИЛМАЙИБ ЎЛДИЛАР

Уйимга келар-да, ел йиғлар...
Узоқдан келгандир, ким билар...
Малаклар сўйламиш бир хабар:
“Татарлар жилмайиб ўлдилар”.

Хабарда тутқунлар ингроги,
Минг-минглар уйқусин бўлдилар:
“Биз ёв-ла урушидик, шахидмиз;
Татарлар жилмайиб ўлдилар!..”

Ел эсар, элма-эл эсади,
Замонга у хабар келтирар,
Тинглангиз, англангиз, дейди ул:
“Татарлар жилмайиб ўлдилар...”

Ренат ХАРИС

(1941 йилда туғилган)

Ренат Махсум ўғли Харисов Чинли туманидаги Қаша қишлоғида туғилган. Қозон педогогика институтини битиргач, ўқитувчилик қилган. “Қозон ўтлари” журналининг бош муҳрири бўлган. Турли раҳбарлик лавозимларида (маданият вазири, Татаристон Республикаси бош вазири ўринбосари) ишлаган. Татар ва рус тиларида йигирмадан ортиқ китоби чиққан.

СУҲБАТ ВА ҚАЙҒУ

Беш киши беш дақиқа
Гаплашса кун ҳақида,
Ақли беш онгга ортар,
Умри беш тонгга ортар.

Киши ёлғиз ўтирса,
Беш дақиқа қайғурса,
Изтироби узаяр,
Умри беш кун озаяр.

НЕ БЎЛАР?

Ўт ёндирмай, иситмай қолса,
Сув сўндирмай, совутмай қолса,
Ерда не бўлар?

Қиз унутса сева билишин,
Йигит қўйса қўлдан қиличин,
Элда не бўлар?

ОРАЛИҚ

Болалик ва ёшлик орасин
Сезмай, елдай ўтиб борасан:
Ёниб-куйиб,
Топтаб-ўйиб,
Очиб-ёпиб,
Йўқотиб-топиб,
Йиғлаб-кулиб,
Улаб-узиб,
Мамнун, безиб,
Сезмаганча елиб борасан...

Ёшлик билан кексалик аро
Салмоқланиб бораясан, аммо
Ёнасан-да куясан,
Топтайсан-да ўясан,
Очасан-да ёпасан,
Йўқотасан, топасан,
Йиғлайсан-да куласан,
Узилади уласанг,
Сезмасдан ҳам қоласан...

Қарилик ва ўлим орасин
Билмадилар,
Билмай борасан.

БОЛА ТУҒИЛГАНДА

Жилгалар:
“Тепага оқамиз!” деди.
Тепалар:
“Биз водий бўламиз!” деди.

Водийлар:

“Игналар устида турамиз!” деди.

Игналар:

“Биз қудуқ қазиймиз!” деди.

Қудуқлар:

“Ер узра чиқамиз!” деди.

Ер:

“Шодлик ортарми ё қайғу?..” деди.

Зиннур МАНСУРОВ

(1949 йилда туғилган)

Зиннур Муъжиб ўғли Мансуров Мамадиш вилоятидаги Тубан Ушми овулида туғилган. Қозон давлат университетининг тарих-филология факультетини тугатган. Матбуотда, Татаристон Ёзувчилар уюшмасида хизмат қилган. 2009 йили Абдулла Тўқай номидаги давлат мукофоти билан тақдирланган.

БОШ

Етти тешикли тўқмоқ...
Қрим-татар топишмоғидан

Аввалдан кўп ур-сур бўлдинг,
Етти тешикли тўқмоқ!
Ўз қавмингни сургун қилдинг
Ўз юртидан сен бироқ..

Ўз халқини чиқиштирмай,
Тириклай гўрга тиқмоқ
Ишидан ҳеч қутулмадинг,
Етти тешикли тўқмоқ!

Маскўв тахтин қатағони,
Бўғмоқ, турмага тиқмоқ;
Деворларни дупурлатган
Етти тешикли тўқмоқ!

Ишинг қар эшикларни
Қонли қўл билан қоқмоқ!
Бутларни ҳам ўйга солдинг,
Етти тешикли тўқмоқ!

Майдонларда янги юртдош
Туғилди, бу яхшироқ...
Топишмоқни

чалкаштирдим,
Етти тешикли тўқмоқ,
Урилибсан хўп,
бўлибсан

Етмиш тешикли тўқмоқ!..



Мигель ОТЕРО СИЛЬВА

(1908–1985)

ЙИҒЛАГИМ КЕЛСА ҲАМ ЙИҒЛАМАЙМАН

Роман¹

*Рус тилидан
Олим ОТАХОН
таржимаси*

Викторино билан Крисанто Гуанчес ўзларига тахдид солаётган хавфни сезиб, мушукдек бир сакрашда эшик ёнига бориб олишди, бироқ кўлида фонус кўтарган Жундор Бука деган девдек баҳайбат боскинчи уларнинг рўпарасидан тўсиб чиқди; у эшикни гавдаси билан тўсиб олди ва уларни орқага чекинишга мажбур қилиб, итариб-итариб ташлади. Викторино энди орқа чўнтагига қўл солган эди, Кайфас унинг қўлидан маҳкам ушлаб олди. Кубалик билан Қутурган Кўппак Крисанто Гуанчесни бир чеккага судраб боришди. У қутулиб чиқиш учун беҳуда уринар, лаънат тошларини отишидан фойда йўқ эди... Қўйворинглар, аблаҳлар! Викторино бир ўзи Кайфас билан Жундор Буканинг қаршисида индамай турарди.

– Олдин мени ўлдиришларингга тўғри келади! – Ром ичиб миясини йўқотган газандалар Викторинонинг гаплари айни ҳақиқат эканлигини тушуниб етолмадилар; уни ечинтиришди, қоронғи бурчакка олиб боришди, типирчилаб, тишлашга ёки уларнинг қўлларидан юлқиниб чиқиб кетишга уринар экан, улар аямасдан Викторинонинг қовурғаларига, курагининг остига, гарданига, ишқилиб, дуч келган ерига муштлашар, теппишар эди. Кайфас манқаланиб деди:

– Ҳа, қораялоқ, типирчилайверма, барибир қутула олмайсан!

Жундор Бука унинг чап қўлини букиб, орқасига қайирди-да, юқорига силтаб тортган эди, оғриқ чидаб бўлмас даражада кучайди.

– Вой, қўлим синади, итдан тарқаганлар!

– Айтяпман-ку, кўп типирчилайверма, деб, – деди Кайфас. Бу аҳвол бир неча дақиқа давом этди, ким билади қанчалигини? Маст-аласт барзангилар уриб унинг бурнини синдиришди, баданини моматалок

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонда.

килиб ташлашди. Кайфас ёниб турган сигаретни унинг моягига босди, ўткир тирноқлари билан думбасини тимдалаб ташлади. Викторинонинг ўпкаси тўлди, ҳозир ўлдиришади, деб ўйлади, томоғига муздек бир нима тикилиб нафас ололмай қолди, балки қазоси шуларнинг қўлидадир.

– Қани, бу ёққа олиб келинглар! – бирдан қўшни хонадан кубаликнинг дағдағаси эшитилди.

У деярли ҳушини йўқотаёзганда – тинч қўйишди. Бутун бадани қақшаб оғриганидан дод солар, тупроққа қоришиб ётар, шишиб кетган лаблари аранг пичирлар, уларни оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан сўқар, шаънига ифлос гаплар айтарди: ўлдирсаларинг ўлдира қолларинг, маразлар. Кейин ўзини билмай қолди; вақти-вақти билан олис-олисдан Кайфаснинг сурбетларча кулганлари худди тушида бўлиб ўтаётгандек эшитиларди; елкасида турган оғриқ бутунлай ҳушдан кетишга йўл қўймасди. Ташландиқ кулба яна сирли ҳалокат оғушида қолди.

Бу газандалар мусаффо тонг сўлимлигини бадном этмоқчидек кекирганча ўлжа олинган нарсаларнинг ҳаммасини олиб кетишди; улар бўшаган шиша идишлар орасида ёрқин нур сочиб турган фонусни унутиб қолдиришди. Фонуснинг заиф нури Викторинога қаерда ётганини эслатар, Крисанто Гуанчес эса абжағи чиқиб, ҳаммаёғи синган, чиққан, қонга булганган кўйи лойқа кўлмақда ётарди. Крисанто Гуанчеснинг шаккоклиги гўё аршиаълога етиб борган-у, худо қаҳрига гирифтор бўлгандек бу ваҳшиёна қийноқлар, мислсиз оғриқларга чидаёлмай ҳушдан кетиб ётарди, у бир ўлимдан қолганди.

Дабдаласи чиққан ва бир умр иснодга қолган Крисанто Гуанчес ҳеч нарсани эсламасликка уринар, Викторинонинг овутишга уринишларига мутлақо аҳамият бермас эди. Уни эзиб, хўрлаб ташлашди, ўлишига бир баҳя қолди. Мана энди, лоқайд ва жонсиз кўзларини бир нуқтадан узмай ётибди.

Яхшиямки, Онаси (у ҳамон сотишга нон ёпарди) яшаётган кўпхонали уй “Лукания” меҳмонхонасидан унчалик узоқ эмас. Викторино ўша ерга етиб бориш учун ўзида куч-қувват топа олади, оксоқланиб, далли дунёсини лаънатлаб, суроби тўғри бўлган ит каби деворлар ва тўсиқларга суянганча борарди. Унинг қора иштони Бланкитанинг қонига беланган, кўйлагига ҳам теккан, қора рангда қизғиш доғ бўлиб яққол кўзга ташланиб турибди. Уйигача тахминан икки юз кадам. Викторино ўзини таниш-билишлари бу аҳволда кўрмаслиги учун қайси йўл билан боришни яхши билади. Муюлишдан ўтиб (деярли йигирма кадамда битгаям эшик учрамайди), машиналар ёки аллақандай материаллар омборхонасини ўраб турган тахта девор ёқалаб йўлга тушади. Кейин ҳали тунги мудроқлик тарк этмаган савдо чорраҳасини ортда қолдириб, кўчани кесиб ўтади; бошини гўё пана қилиб, хиёл энгашганча, танишлари истикомат қиладиган уйларнинг деразалари остидан юриб боради, ниҳоят, кўпхонали уйга кириб кўздан ғойиб бўлади. Биринчи хонадаги бақалок ҳали уйқудан турмаган эди, ҳеч ким унга тўкнаш келмайди, уни биров кўрмайди. У елкаси билан қалин пардани суриб, худди энди мактабдан келгандек, Онасининг хонасига киради – Онаси ҳеч нарса юз бермагандек, гўё уч йил бир-бирларини кўрмай яшамагандек, шошмасдан овқат қилаётганди. Ёғ тутаётган товадан бошини кўтариб,

хона ўртасида турган ўғлига кўзи тушади. Лом-мим демай унинг ёнига келиб манглайдан ўпади. Викторино ёш бола сингари шикоятмуз оҳангда Онасига мурожаат қилади (фақат у билан шундай гаплашарди): кийимларимни ўзгартириб олсам девдим. Онаси уни қийнаб саволга тутмайди, фақатгина ярадор бўлмаганмикан, дея жикқа қон доғларини пайпаслаб кўради, бу ўғлининг қони эмаслигини билгач, хотиржам бўлади. Ана шундан кейин қўлларини чаяди-да, каравотининг ёнидаги қора сандиқни очиб, ундан кўйлак-иштон олиб, ўғлининг оёқлари тагига ташлайди. Викторино то онаси дурустроқ бир нима топгунича қора кўйлаги билан шимини ечиб ташлайди. Онаси унга хиёл кенгроқ мошранг иштон, кейин одатда руҳонийлар киядиган кип-қизил кўйлак узади. Бу ҳам унга каттароқ. Викторино бу кийимларнинг кимга тегишли эканини билмайди, билишни ҳам истамайди. Онаси кўз ёшларини артмасдан пик-пик йиғлайди; Викторино ўзини сезмаганга солади, Онаси карниз тепасидан йиққан-терганини асрайдиган “Кваккер” печенье-сидан бўшаган тунука қутичани олади ва ўн беш боливарнинг ҳаммасини Викторинога беради. Иккови ҳам унинг бу қадрдон гўшада узоқ қолиши мумкин эмаслигини тушунишади. Ҳаммадан бурун полициячилар бу ерга келиши тайин, италияликни ўлдиргандан сўнг (уни ўлдирмаслик мумкин эмасди) бу ерга уни бир неча марта қидириб келишганди ҳам. У аллакимга тегишли бўлган кенг кўйлакни кийиб, Онаси берган пулни янги чўнтақларидан бирига солиб қўяди. Онаси хайрлашиш учун уни қалин парда олдигача кузатиб қўяди: Худонинг ўзи асрасин сени, болам. Қисқагина давом этган мана шу учрашув чоғида Онасининг оғзидан фақатгина мана шу сўзлар чиқади, холос.

Викторино бўш такси тўхтатиб, ҳайдовчига ҳали камоқдалигида Камачито берган манзилни тушунтиради. Про Патрия ноҳиясида тонг отиб бўлган, куёш бир парча майдончадаги яхши ўсмай қолган дарахтни пўртахол гуллари билан безайди; унниққан, сарғиш кўйлак кийган рангпаргина бир қиз вақтини чоғ этиб аллақайси уйнинг эшиги олдида ўзи билан ўзи гаплашиб туради. Камачито ёзиб берган манзилда мутлақо яроқсиз майда-чуйда темир буюмлар дўкони ёки тикувчилик устахонаси жойлашган эди: унинг дераза кўзлари ўрнига фанер қоқиб ташланган эди. Мазкур устахона пештахтаси ортида ёшини аниқлаш қийин бўлган ғалати бир кимса ўтирарди. Унинг қирғий бурни устида қадимий ва ноёб пенсне тушиб кетай, деб лиқиллаб турар, боши узра турган радио-приёмник орқали қайта-қайта ўқиб эшиттирилаётган сўнгги ахборотни диққат билан тингларди: Жамиятимизнинг биринчи рақамли душмани Викторино Перес бугун, эрта тонгда мисли кўрилмаган тарзда Ла-Планта турмасидан қочишга эришди... Сиз Оръенте лотереяси орқали йирик микдорда пул ютишингиз мумкин... Викторино озми-кўпми буни олдиндан сезган эди: радио тушликкача эшакка ўхшаб ҳанграйди; кейин оқшом газеталари уни балчикқа қоради, эртанги тонгги газеталар эса уни шарафлагандек охирги бетда сувратини босиб чиқаради.

Викторино букчайиб ўтирган дўкондорнинг олдига бориб Камачитонинг ёнидан келаётганини айтади. Бобой ташриф буюрувчини кўрган захоти танийди ва қўрққанидан боши гир айланиб кетади, радио бўлса яна дона-дона қилиб бошлаб қолади: ...қочоқ маҳбус қуролланган... “Пепси-кола” ҳаётингиз безагидир, унинг бир пиёласи... Бобойнинг

тишлари такиллаб бир-бирига урилади, пештахтага янаям ёпишиб олади, бутун куч-қувватини йиғиб ё колумбияча ё кишлокча талаффузда орқадаги хонада бир нималар билан машғул ёрдамчисини чақиради: “Худас Тадео!” Ва бу исм кимга тегишли ёки тегишли бўлиши керак бўлса ўшани яна чақиради: “Худас Тадео!” Сўнгра у фетр қора шапкасини аранг кийиб кимга айтаётганини – Викториногами, саккиз марта чақиргандан кейин кириб келган Худас Тадеогами, ўзи ҳам билмай муружаат қилади: “Мен ўн дақиқада келаман”. Шундай дегач, шошилинич дўкондан чикиб кетади. Викторино хавотир қилмайди, хўжайин уни сотмайди, ишларига эътибор қаратмаслик учун бундай қилмайди: ўша Камачитони қаердан танийсиз? Радио унинг қамокдан қочганлиги ҳақида яна дўконни бошига кўтаради. Бу хабар тушликка қадар қирқ мартача берилар экан. Худас Тадеонинг акли заиф: у бир-биридан чиройли, нафис овозлар нима ҳақида вақирлаётганини эшитмайди ҳам, куймайди ҳам, ундан кўра пештахтага кўнган хира пашшаларни бармоғи билан янчиб ўтиришни лозим кўради. Викторино ҳеч ким таклиф қилмаса ҳам, бориб кўнглига ёққан стулга ўтиради. Худас Тадео унга кўз қири билан қарайди ва кулади, худди бир сирни биладигандек кулади – аксинча, ҳеч вақони билмайди, унинг бу қилиғи ҳам эси паст кишиларга хос. Ҳеч қанақа мол кўринмаган бу дўконга ҳеч ким бирон нима сотиб олгани кирмайди. Йўлка бўйлаб жинни-жинни таклифларини тавсия қилганча бақироқ лотерея сотувчи юриб кетади. Ярим соатдан ортиқ вақт ўтади, истеъмолдан қолган пенсне таққан бобой қайтиб келади, кетаётганда қандай қиёфада кетган бўлса, худди шундай ташвишманд бир алфозда кириб келади. Шляпасини ечмай туриб асабийлашганча Викторинога сўз қотади: “Қани, кетдик!” – ва яна кўчага қараб юради. Викторино оқсоқланганча ҳар қадамида сўкиниб унга эргашади.

Тинчи бузилган бобой уни шу мавзедаги аллақандай уйга олиб боради. Уларни бир аёл дарҳол ичкарига олади, деворининг пастки қисми билан эшик тепасининг андозасига қараб бу ерда ғирт суюқоёқ аёл истиқомат қилишини билса бўлади. Кичик залдаги диванда ўтирган кишиларнинг ўрнидан туриш хаёлларига ҳам келмайди, шекилли. Жавонлар бари бир хил – қахрабо ям-яшил рангда, иккита сурат бир-бирига зид тасвири билан муштарак маъно касб этади: биттасида боксчи ҳабаш жанговар вазиятда турибди, иккинчисида – Исонинг химоясиз юраги. Сутли қаҳва билан ялпиз иси анқийди. Викторино ғашга тегаётган яшил оромкурсилардан бирига ўтиради, иккита эркак ундан кўз узмайди. Бирининг қовоғи товуқнинг тухумидек катталиқда шишган, иккинчисининг оғзида тўкилганидан камроқ тиши сақланиб қолган. Викторино танишиб олиш учун тўпиқ суягининг оғриётганидан шикоят қилиб, баҳона топади. Кемшик унга: пойабзалинг билан пайпоғингни ечгин-чи, – дейди, – уқалаб кўяман. Фоҳиша унга сарпойчан оёғини кўйиб туриш учун ғамхўрлик қилиб яшик келтириб беради. Таъбир жоиз бўлса ва шундай дейиш мумкин экан, уқалаш ваҳшиёна эзишдан иборат бўлиб, Викторинонинг кўзларидан юлдуз чакнайди (Альдебаран, Кассиопея, Орион белбоғи, Волопаса буржида жойлашган Арктур, ҳолбуки, Викторино улар ҳақида бирон нима эшитмаган, билмайди ҳам). У ора-сира инграб, сўкишдан ўзини тиёлмайди. Кемшик яна оғзининг таноби қочиб, унинг рўпарасида чўккалаб олганча оҳ-воҳ

қилишига йўл қўймайди. Ҳозиргина улар кириб келган уй остонасида бошига қора шляпа кийган бобой ҳалиям қаққайиб турибди. Викторино оғриққа чидаёлмай терга ботганча унга қўл силкийди: “Бориб Крисанто Гуанчесни топиб кел, – дейди унга, – уни фалон пайтда, фалон ердан топасан”. Викторино жойини ва соатини айтади. Чолнинг юзи у келгандан бери биринчи марта ёришади: хушламаган меҳмонидан кутулиш умиди пайдо бўлади. У хайрлашмай ҳам чиқиб кетади. Чол кетгандан кейин қолган тўрт нафар киши ўзларини бирмунча қулай сезишади. Жувон сутли қаҳва билан печенье келтиради, қайноқ қаҳванинг ҳиди анқийди. Кемшик қулишини масҳара қилиб милқларини кўрсатади, ковоғи туҳумдек шишган нусха қочоққа ўзининг қойил қолганини намоён этади. У Викторинонинг оғриётган оёғи товонини кўриши учун қўшни хонадан кутилмаганда ҳаддан зиёд юмшоқ ёстиқ олиб чиқади. Кемшик бир эмас, иккита ўралган дори келтиради-да, биттасини янги оғайнисига беради: “Хоҳлайсанми?” Ҳа, Викторино хоҳлайди.

Викторинонинг италияликка тегишли тикувчилик устахонасини “тозалаш”ни мўлжаллаганига асосий сабаблардан бири, биринчидан, у Каракаснинг овлоқ туманларидан бирида жойлашган бўлиб, бир пайтлар у ўша ерда баъзи нарсаларни (ўқишни эмас, бу падарлаънат мактабда бирон нима ўрганиш мумкинми), масалан, дарсларга кирмай юрганларида бейсболни ўрганган эди. Ундан ташқари, бу ердаги ҳар бир кўча, ҳар бир ариқ ва одамларни беш кўлдек биларди; бу ёғидан кириб, нариги ёғидан чиқиб кетадиган йўлақларда кўп ҳунарлар кўрсатган, ҳали у пайтда Крисанто Гуанчесни мутлақо танимасди ҳам. Йигирма қадамчадан кейин муюлиш келади, унинг орқа тарафидаги машиналар тўхташ майдонидан ўтсанг, зовур келади, бу зовур не-не воқеаларни кўрмади; ўша ерларнинг ҳар қадами унга таниш ва ёд бўлиб кетган, бир кўчадан кириб, бошқасидан чиқиб қочар, бу хусусда бировга гапириб ўтирмас, бу жин кўчалар, кўчаларнинг охиридаги чакалакзорлар бир пайтлар унинг дунёси эди.

Хуллас, Викторино бир кунни мўлжал қилиб ўша ерни кўздан кечириб чиқиш учун борди. Витрина тепасидан инглиз кашмирларини (Маракаядан) кўздан кечирар экан, куракларининг остига кимнингдир муздек бармоқлари теккандек бўлди-ю, иши чаппа кетганини англади. Викторино доимо ички сезгисига қулоқ солмай чув тушганларини биларди-ю, бироқ эртасигаёқ буни эсидан чиқарар, келгуси сафар яна шу аҳволга тушар – у бундан хулоса чиқариб олиш ҳақида ортиқча қайғурмас эди. Оддийгина кўрқоқлик қилганим, иккиланганим бу туйғулар суварак сингари чиқиб келган тирқишларидан қайта кириб кетади, холос, хаёл қиларди. Тикувчилик устахонасидаги италиялик унга шубҳа ва эҳтиёткорона қараб қўйди: устахонани ёпадиган вақт бўлса, бунинг устига Викторино ўлчатиб кетиш учун келган миждозга сира ўхшамасди.

– Нима керак сенга? – деб сўради у ковоғини солиб. Викторино эндигина “ҳеч нима” дейиш учун оғиз жуфтлаб ва ҳатто бугунга мўлжалланган ўғирликни эртага қолдирмоқчи бўлиб турган эди, бироқ унинг авзойи ҳамда жирканганнамо сўроққа тутаётгани жаҳлини чиқариб юборди – йўқ, ҳеч қачон сўзидан қайтмайди. Ичинг ўтиб кетдими, нима бало, ҳабаш? Пировардида, бирон баҳона билан (кўнғирок

килиб олсам бўладими, сеньор?) пайсаллаш ўрнига у қўққисдан револьверини олиб италияликнинг бўйинбоғига тиради ва буйруқ оҳангида таҳдидли бўкирди: “Қимирлама жойингдан! Қўлингни кўтар, овозингни чиқарсанг – пешонангдан дарча очиб қўяман! Соатингни еч!”

Пьетро Ло Монако, тикувчининг исми шунақа эди, эрталабки газеталарнинг хабар беришича, қўлини кўтарган, лекин боскинчининг қора қўйлагидан кўз узмай тураверган. Викторино қаердан билади (эртанги газеталардан ҳам бу ҳақда билолмади у) италияликнинг оддий тикувчи ва сицилиялик дехқон эмас, собиқ аскар ёки бир замонлар ҳарбий жиноятчи бўлганини, балки фақатгина ўз клуби формасида ўйнайдиган футболчидир; ёки ҳар хил хийла-найранг ва кураш усуллари билан ўз яқинларини майиб қиладиган оддийгина муаллимдир. Викторино револьвер тепкисини кўтариб қўйди: “Қақир-қуқурларингни пештахтага ташла!” Тикувчи соатини, никоҳ узугини еча бошлади, у ашаддий душманига қараётгандек Викторинога тикиларди. “Ҳамёни ол!” Бироқ у итоат этмади, қаратэ усулларида бирини қўллаб ҳужум қилмоқчи бўлганди, бунақа японча қилиққа бўлган иштиёқини совитиб қўйиш учун Викторинонинг тикувчи оёғига ўқ узишдан бошқа иложи қолмади.

Тўғриси айтганда, ҳар қандай боскинчилик ўқ узилдими, тамом, барбод бўлди дегани, шунинг учун бу ишни ҳам чиппака чикди деса бўларди. Мабодо ўхшамадими, Викторино жуфтакни ростлаши керак эди. Пьетро Ло Монако чўлоқланиб бўлса ҳам, азбаройи унинг йўлини тўсиш учун остонага бориб олди. “Ўлгинг келяптими, эси паст, қоч йўлимдан, исқирт!” Италиялик унинг гапларини тушунмади ҳам, эшитишни ҳам хоҳламади, улкан қайчини ўқталиб эшик олди-дан кетмай тураверди: бўйи бир метру тўқсон, Муссолинога ўхшаган букадай бақувват. Викторино пештахтадаги ўзига аталган тиллаларни йиғиштириб эркакчасига таклиф қилди: “Мана сенинг майда-чуйда нарсаларинг!” Қайчи ўқталиб турган тикувчи пинагини бузмади. Викторино сира тушунолмасди, бу тентак урушда қанақа қилиб тирик қолган экан-а! Менинг қўлимда ўлиш тақдир этилган бўлса керак-да, на илож... – файласуфона хулоса чиқарди Викторино ўзича ва унинг кўксини нишонга олди-да, кетма-кет уч марта ўқ узди, тикувчи алла бўлиб йиқилди. Жуфтакни ростлашдан олдин, тарих олдидаги хатоларини тўғрилаш мақсадида Викторино тикувчининг орқа чўнтагида ётган ҳамёнини олишга уринди, бироқ Пьетро Ло Монако жон бераётган чоғда ўзининг энди боливарга айланадиган лираларини чангаллаб олган эди; ўзи тарк этаётган бу ёлғончи дунёнинг неъматларига жон-жаҳди билан ёпишиб, қўйиб юбормаслик аслида унинг қон-қонига сингиб кетган эди.

Воқеа Викторинонинг ашаддий томошабинлар орасидан эсон-омон ўтиши билан яқунланди, жаранглаган ўқ товущининг ширасини илғаган икки мингга яқин пашша учиб келганди. “Йўлдан қочларинг ёки ҳаммангни ер тишлатаман!” – дея бамисоли ўқирарди Викторино. Оломон Қора денгиз тўлқинлари каби икки тарафга ажралди, бир дақиқа ўтар-ўтмас бу томошабинлар издиҳоми ўзининг донолигидан пушаймон бўлиб, тўдалашганча уни қувиб кетишди. Унга етиб олишнинг ўзи бўладими? Викторино қурт-кумурсақдек лип этиб зовурга кириб кетди-да, кўздан йўқолди... Мени бир кун кейин, шанбада, сени қучиб ётганимда ушлаб олишди, Бланкита.

Италияликнинг ўлдирилиш воқеалари (уни ўлдирмаслик мумкин эмаслигини энди тушунгандирсиз) кўз ўнгидан ўтгач, Викторино каттиқ толиқди, бу хаёлий манзаралар ўша юз берган пайтдаги ҳистуйғуларни қайта жунбишга келтирар эдики, буни қиёслашга мантикий ташбеҳ тополмасди. Унинг ўтмиши билан бугунги куни, ёлғончи ва тажовузкор тенгдошлари, бахтсиз болалиги худди орқага тез айлантираётган фильм лентасидек липиллаб ўтар, кунлар сониянинг юздан бир қисмига тенг бўлиб, ойлар-йиллар эса бир-икки миллиметрлик кинолентадаги тасвирлардек ўтиб борарди. Викторино бу қуюндек тўзган хотиралари орасидан яхлит бир манзарани йиғиштириб ололмас, бутун хаёти – ўтмиши билан ҳозирги куни айқаш-уйқаш бўлиб кетган эди. Унинг бераҳм муҳитда ўтган ўсмирлик давридаги биронта ҳодиса, ўзгариш, янгилик негадир нисбатан тинчроқ кечган болалигида рўй берар, хайҳотдай дўконга бостириб кирганлари негадир кўп хонали уйларидаги тўп ўйин билан тугарди; кафанланган Бланкитанинг жасадини дафн этишга чумолилар олиб кетаётган бўлар, Ла-Флорида фермасига бостириб борганлари, Такаригуа оролидан қочиб келаётган Крисанто Гуанчесни кўприк ёнида кўриб қолиши билан яқунланарди. Крисанто Гуанчес эсига тушган заҳоти воқеалар шиддати сусаяр, ҳатто тўхтаб қоларди ва ўша машъум жума – италиялик тикувчи Пьетро Ло Монако ҳалок бўлган кун кўз олдидан кетмасди...

Бир кун аввал кечкурун одам тирбанд тамаддихонага бостириб киришганди. Ёмон бўлмаганди ўшанди: нақди уч минг икки юз, ўн бир жуфт қўлга тикадиган, ўн тўртта “майда нозик” ҳужжатлари билан, яна ўша ерда бўлатуриб отишга улгурмаган айғоқчига тегишли битта “пушка”ни ўлжа олишганди. Викторино билан Крисанто Гуанчес пешонага пешонани тираб Крисантонинг хонасида топган-тутганларини қоқ ўртасидан тақсимлаб ўтиришарди: қақир-кукур, пул, буюмлар, арра, тўппонча эса умумий ва ажратиб бўлмайдиган иш қуроли сифатида ўртада, Викторино, одам бир-бирини бунақа тўғри ва яхши тушунадиган фурсатдан фойдалангиси келиб, анчадан буён унақасига ҳам, бунақасига ҳам ўйлаб, миясида пишириб келаётган режасини айтишга қарор қилганди. Бу режа уч йил ичида бирон марта бўлсин эслашмаган анави жирканч воқеа билан боғлиқ эди.

– Ўч оладиган пайт келди, – деди Викторино. Унинг фикрини баён этиш усулида телепостановкаларнинг зарарли таъсири сезиларди. – Мен уларнинг орқаларидан итдек юрдим, қадам-бақадам, бу паразитларнинг ҳамма тешиklarини белгилаб қўйдим, янглишмай топиб бора оламан, бироқ кубаликни Марказий қабристонга бостириб боришганда илма-тешиқ қилиб ташлашди, Жундор Буқа бир йил бўлди Колумбияга куённи урган, ҳали қайтиб келади мараз, кўрасан.

Крисанто Гуанчес – гўё тошдан ясалган ҳайкал, унинг гапларини бўлмади.

– Кайфас билан Қутурган Кўппак эса Ла-Леонеда тухум босиб ётишибди, бўйниларига икки йилдан осиб қўйишган. Бу жуда осон, оғайни. Битта-яримта хунасага қўлимизга “билакузук” тақиши учун имконият яратиб берамиз, у ўзича хурсанд бўлади. Ушлашгандан кейин бизни айнан ўша ўлаксалар олдига олиб бориб қўйишади; айна муддао, тўғрими гапим?

Крисанто Гуанчес – қилт этса ўлай агар, гўё бронзадан ишланган хайкал, унинг гапларини бўлмайди.

– Энди биз она сути оғзидан кетмаган ўн беш яшар болалар эмасмиз, қуролсиз ҳам эмасмиз. Кайфасни ўзим тинчитаман. Сен эса Қутурган Кўппакдан аламингни олиб, кейин гумдон қиласан. Ипидан-игнасигача ўйлаб қўйганман. Ла-Леонега борган заҳоти эрталабга қолдирмаймиз. Битта пичоқ – ҳеч қаёққа кетолмайди. Нима дединг, оғайни?

Крисанто Гуанчес табуреткадан турди, қаддини ростлади-да, худди нафрат тимсолидек шундай ғазаб билан бўқирдики, Викторино уни ҳеч маҳал бунақа аҳволда кўрмаган эди.

– Мен ҳеч кимга ўша кечаси бўлиб ўтган воқеани эслашга йўл қўймайман, билдинг, йўл қўймайман, ўша кечаси ҳеч нарса бўлмади, тушундингми? Ҳеч нарса бўлмади, минг лаънат сенга!

Шундан сўнг яна хайкалга айланди-қолди. Викторино бир оғиз сўз ортиқча эканини тушунди, нафсиламрини айтганда, унинг кўнглини кўтаришга уринишнинг ўзиёқ ёмон оқибатларга олиб бориши мумкин, у чурқ этмади. Крисанто Гуанчес унга шундай ола қарадики, Викторино дўст тутинганидан бери биринчи марта уни бунақа аҳволда кўриши эди. Крисанто Гуанчес юрагининг туб-тубида Викторинога нисбатан уйғонган чексиз-чегарасиз нафратдан титрарди, то ўзини босиб олмагунга қадар, бу аёвсиз туйғу жону жаҳонини ўртади, икки соатча шу аҳволда ўтирди, кейин бўғин-бўғинларигача бўшашиб, бемажол деворга суянди.

Умидбахш якшанба ҳаром бўлди. Викторино гўё арши аълода юрганди-ю, кўзлаб қўйган ниятлари бир зумда чиппакка чиққанди. Шунга қарамай битта-яримта жўжаҳўроз билан уришгиси келиб қўли кичий бошлади, бунинг устига қорни очганидан ичи ачишиб кетганини сезди, ҳозир икки кишига мўлжалланган овқат унинг чап ичагига юк бўлмасди. Бу ҳам етмагандек тўпиғи ҳалиям оғрирди. Ошхонадан Газельканинг гугурт чакқани, тақсимчаларнинг умидбахш тарақ-туруғи эшитилди. Қорни пиёзнинг пўсти бўлиб кетганидан бу ташвишлар унга хуш ёқди.

Эшикни кимдир тақиллатди. Кемшик Пьеро сакраб ўрнидан туриб кетади ва бориб қия эшикни очади, келган одам сиз ким бўласиз, деб сўради, шекилли, Гильермо, деб жавоб бергани эшитилади, сўнг қурбақага ўхшаб бир ҳатлаб Викторинонинг олдига киради. Викторино уни хотиржам қилади.

– Кўркмасдан очавер, бу менинг дўстим, Крисанто Гуанчес кепти.

Лекин тишлари тўкилган даҳрий Фома бунақа тахминий башоратларга тупуради: оёқ учида секин эшик ёнига бориб, кулф тешигидан қараб ишонч ҳосил қилади, ҳа, келган одам чиндан ҳам Крисанто Гуанчес экан.

Крисанто Гуанчес Викторино билан ярим соатдан зиёд бир нималарни шивирлашади. Кечки пайт соат еттида келаман, дейди кетаётиб, ваъдасига биноан роппа-роса еттида келади. Бу сафар, боя ўзини Гильермо, деб таништирган Кемшик югуриб боради-да, кўркмасдан эшикни очади. Оёқ оғриғим тўхтамади, шекилли, деб ўйлайди Викторино. У аспириин ичиб, Газельканинг симкаравотига чўзилганча йигирма

дақиқагина мизғиб олди. Кемшик, унга ўрнидан туриб, эшик олдиғача боришига кўмаклашади. Викторино Крисанто Гуанчеснинг билагига таяниб кўчага чиқади. Газелька унинг ортидан маъюсгина жилмайиб хайрлашиб қолади – бу мезбонлик саховатининг энг сўнгги далолати эди. Шундоққина йўлак четда Ла-Ринконадан олиб кетилган яшил “олдсмобиль” силкиниб турарди. Унинг собиқ эгаси, афтидан, пойга ишқивози бўлса керак, машина ўриндиғида отчопарда бўлиб ўтадиган пойга дастурлари-ю ғолиб отларнинг суратлари палпис сочилиб ётарди. Викторино бир қарашдаёқ рулда ўтирган йигитни таниди – Крисанто Гуанчес бир сафар уни мактаб осмонга олиб чиққани ҳалиям эсида. Унинг фамилияси ё инглизча, ё тринидадча, қанақадир Робинсон ёки Мэдисон эди – Викторино ҳозир эслолмайди. Хайдовчининг ёнида савлат тўкиб ўтирган Карениньо Викторино билан сойкага¹ ўхшатиб хуштак чалганча саломлашади. Викторино ўзини орқа ўриндиққа ташлайди, тиззаси қоронғида бутунлай кўринмаётган одамнинг тиззасига урилиб кетади. Уни овозидан танийди. Бу Попик, унга ҳар сафар босқинчиликка боришдан олдин астойдил чўкиниб олиши ва “ови бароридан келиши”ни худодан сўрашни қанда қилмагани учун шундай ном қўйиб олишганди. Бир марта “Жаннат”да уларнинг ораси бузилиб, иш пичоқбозликка бориб етганди. Ўшанда ихтилоф тўшақда ким чидамлироқ, деган бетайин баҳсдан чиққанди. Попик менга етадигани ҳали онасидан туғилмаган, деб қариллаганди. “Сурункасига етти марта!” – дея бўқирганди у. Яхши-си, ўша кунги ўтиришни эсламаслик лозим, икковиям ғирт маст эди. Улар пичоққа ёпишганда Крисанто Гуанчес ораларига тушиб ажратиб қўйди. Бир ойғача гаплашмай юришди, Крисанто Гуанчес яраштириб қўйди, оқибат мана ҳозир, Попик унинг ёнида ўтирибди. Попик ўртоқчилик қилиб Викторинога қуролини узатади. Бу полиция аслаҳахонасига тегишли қувури узун наган эди. Викторино унинг темир лўкидонини пайпаслаб кўрди. Крисанто Гуанчес тиззалари орасида автоматни қисиб ўтирарди. Сени-чи, Карениньо, ниманг бор? Карениньонинг чўнтагида энг охирги русумдаги Бельгия тўппончаси бор. Сенда-чи, Попик? 38-калибрли янги кольт. Қайиққа тушганларнинг ҳаммаси эшқаклар билан таъминлаган, жуда яхши, дейди Крисанто Гуанчес охирида ҳазил аралаш, “олдсмобиль” айни пайтда Про Патрия ноҳиясидаги камбағаллар истиқомат қиладиган ғариб мавзени ортда қолдириб, куёшда қовжираб ётган тепалик ёнбағридан ўтиб, хаш-паш дегунча Сан-Мартин туманига кириб боради ва Эл-Параисонинг соя-салқин кўчаларида Пуэнте Йеррога кетаётган машиналар оқимида қўшилиб олади. Қарама-қарши томондан келаётган машина чироклари ва рекламаларнинг шуъласи “олдсмобиль”ни бошдан-оёқ ёритар, бироқ хайриятки, бунақа автомобиль шубҳа-гумон туғдирмас, қолаверса, ундаги йўловчиларни ҳам айблашга баҳона топилмас – худога шукурки, куёвжўраларга ўхшаб башанг кийиниб олишган, ҳатто улардан афзалроқ кўринишарди. Викторино Крисанто билан Попикнинг ўртасида ўтирарди. Машина тўғри Шарқий туман сари елдек кетиб борарди.

Бунақа лашқарни кўриб, Бланкита, жуда йирик ишга кетаямиз, дея йўлашдан ўзга иложинг йўқ, лекин қаёққа борамиз ҳозир, деб сўрамадим барибир, Бланкита, кўрайлик-чи, бу ёғи нима бўларкан!

¹ Сойка – олачипор ўрмон қуши.

Қирғийбурун бир киши заргарлик дўконини ёпиш тараддудиди эди; ёнида бамисли ибодатга тайёргарлик кўраётган рухоний каби гумаштаси ўралашиб юрарди. Викторино билан Крисанто Гуанчес беркиниб турган ерларидан отилиб чиқди. Тўхтанглар! Викторино оксоқланмаяпти, энди умрбод оксоқланмаса керак. У ўнг қўли билан заргарлик дўкони эгасининг ҳиқилдоғидан шартта ушлаб, шиддат билан турли-туман соатлар намойиш этиб қўйилган ойнали расталар томонга итариб юборади. Крисанто Гуанчеснинг автоматини кўриб эхонаси чиқиб кетган гумаштанинг тили калимага келмайди. Попик фурсатни бой бермай кассага югуради. Карениньо раста ойнасини тўппонча дастаси билан уриб-уриб синдиради-да, қўлини ичкарига тикади ва бирин-сирин худо етказган тилла узук ва марварид-маржонларни ҳовуч-ховуч олиб жомадонга сола бошлайди. Викторинонинг револьвери заргарлик хўжайинини ортга тисарилиб дўкон ичкарисига қайтиб киришга мажбур қилади. Бошқа пуллар каерда? Крисанто Гуанчес гумаштани қолдириб, у ҳам дўкон эгасини сўроққа тутади. Гапир жонингдан умидинг бўлса! У жавоб қайтармайди. Қани қолган пуллар, тўнғиз! Викторино унинг бошига тўппонча билан уради, унинг сарғиш, кал бошидан қон сизиб чиқади. Крисанто Гуанчес автомат қувурини унинг қовурғаси остига нуқиб кўзлари шокосасидан чиққудек бўлиб шундай қарайдики, унга азбаройи капалаги учган қирғийбурун киши беихтиёр чордоқ эшиги томонга ишора қилади. Улар қирғийбуруннинг ортидан тепага чиқишади, Крисанто Гуанчес автомат билан дам-бадам унинг катак гулли кетига туртади. Дўконнинг йирик даромади катта қора чарм портфелда, қора чарм портфель эса ёзув столи қутисига солиб қулфлаб қўйилар экан, ана шу столни очаётганда заргар шунақаям сиқилиб кетадики, қорнига пичоқ тортишяпти, дейсан. Крисанто Гуанчес шунча пулни йиғиштириб олиш, заргарнинг қўл-оёғини худди почта идорасида жўнатилаётган юкни чандиб боғлагандек икки дақиқада боғлаб ташлаш ва оғзига латта тикиб қўйиш учун автоматини полга улоқтиради. Қирғийбурун Аввакум ёзув столининг оёқлари остиде ётибди-ю кўзлари башорат қилаётган пайғамбарнинг кўзлари каби ёнади, “Худо ўзининг фариштасини юборди ва улар шерларнинг оғзини ёпди, улар менга шикаст етказа олмадилар”. Орадан санокли дақиқалар ўтиб, улар пастга тушадилар, Крисанто Гуанчеснинг қўлида автомат, Викторино қора чарм портфелни йўргакланган чақалокдек кўтариб олган. Пастда эса гумашта мўмиёланган фиръавннинг худди ўзига ўхшаб турибди. Попик ўз ишининг устаси эканлигининг далолати: тўпиғидан камида юз мартача ўраб чиққан, “ессе homo”¹ қўллари қорни устида қовушиб турибди, ҳатто даҳани билан оғзи зич, қават-қават боғланган. Карениньо аллақачон жомадонни бор зебу зийнатлар билан тўлдирган. Биринчи бўлиб Викторино чиқади, кетидан Карениньо, учинчи бўлиб Попик, намойиш охирида Крисанто Гуанчес боради. Йўлак четиде “олдсмобиль” силтаниб туради. Улар олдинма-кетин машинага ўтиргач, Мэдисон уйқули кўзларини, сўнг кафти билан иккала юзини гўё қарахт мудроқликдан халос бўлмоқчидек ишқаб, руль чамбарагига ёпишади. Олдинда жимжит ва ҳувиллаган кўча чўзилиб кетган, ҳеч зоғ кўринмас, ёлғиз қарама-қарши томондаги қатор дўконлар олдида кўхлик аёл билан семиз эркак ойналар орқали бир нималарни томоша қилиб туришарди.

¹ Понтий Пилатнинг “ессе homo”, деган сўзлари Исо пайғамбарга нисбатан айтилган бўлиб, бу ўринда: “Мана бу одамни”, дейилмоқчи (лот.).

Ёмон бўлмади ишимиз, Попик, нима дединг? Ўттиз мингга яқин бўлса керак-а, Викторино?! Таксимлаб, улушимни олгач, ҳаммасини жонон-жонон қизларга атаганим бўлсин, дейди Карениньо ва жомадоннинг силлиқ ёнларини силаб қўяди. Мен бўлсам кампиримга уй олиб бераман, дейди риёкорона оҳангда Попик минғирлаб. Ҳамма пулимни “Қора ёрлик” вискиси билан қизларга тикаман, дея таъкидлайди Карениньо. Бошқалар кўнгилдаги ниятларини пинҳон тутишади.

Мен вақтинчалик Колумбияга сураман, Бланкита; буитдан тарқаган полициячилар мени ушлаб олишса, Бланкита, шўрим қуриди деявер, уларни яхши биламан, шунинг учун Колумбияга кетмоқчиман; эсиз, сен яраланган ҳолда касалхонада ётибсан, бўлмаса, сени ўзим билан олиб кетардим, Бланкита, Санта Марияда бирга яшардик, кумбияга рақс тушардик, Бланкита, эҳ, роса зўр бўларди-да.

Викторино оҳиста Крисанто Гуанчеснинг белига, тўғриси айтганда, Крисанто Гуанчеснинг мурдасига сирғалиб тушаётган автоматни ушлаб қолди. Ўқ унинг орқа миясини ўпириб юборган эди. Бунақаси камдан-кам бўлади, бунақа ўқлар адашган бандалар гуноҳларини ювиши учун эмас, балки калима қайтаришга имкон бермаслик учун хизмат қилади. Викторино автомат қўндоғи билан уриб машинанинг орқа ойнасини чил-чил синдиради ва четлари киррали ёриқдан тариллатиб ота бошлайди.

Операцияни ипидан игнасиғача ўйлаб уюштиришган, бунинг устига хамирдан қил суғургандек бажаришган бўлса – ким ўйлабди бунақа бўлишини? Бешта тугул элликта полициячи ўраб оладию аъзойи баданингни илма-тешиқ қилиб ташламоқчидек ўқ ёғдиради, деб кимнинг хаёлига келибди, дейсиз?! Қопқонга тушган каламушдан баттарроқ вазиятда қолишгани етмагандай, тор, бунинг устига боши берк кўчага кириб қолишди. Бу омонсиз қирғиндан ҳеч ким соғ чикмайди, фақат кичкина қора жомадонни кўксига босиб томма-том қочган Карениньо омон қолиши мумкин. Лекин бунга ҳам кафолат йўқ, агар тирик қолса, бу унинг бахти!

Заргарлик дўкони ҳам, Сабана Грандедаги кўнгилочар исловоthоналар ҳам, одам гавжум Венесуэла майдонию Рузвельт шоҳқўчасидаги қийқириқтинмайдиган стадионлар ҳам анча орқада қолди. “Олдсмобиль” Марказий қабристон деворлари ёқалаб шамолдек елиб борар, ҳозир хайрлашиб, эрталаб яна учрашишга ваъдалашиб тарқаладиган маконларига яқинлашиб қолишди. Ўлжани Тарпей қоясида бўлишамиз, сўнг Қора Клотильданинг ранчосида бир эмас, иккита шишани бўшатамиз – маишат маишатдай бўлсин, тўғрими – нима дединг; сен, Попик, ҳар доимгидек у билан бирга қоларсан-а кейин, деди Крисанто Гуанчес. Қора Клотильда табиатиға хос учта иллат: очкўзлик, хузурпарастлик ва ўтқир ромга ишқибозлик каби балойиазимга мубтало бўлганидан ҳам бетоқат бўлиб, ҳам бесабрлик билан уларни кутарди.

Рухан умидсизликка тушган Викторино қошларини чимириб, тишини-тишига босганча тинмай ўқ узар – нақ қўлида автомат кўтарган Довуднинг (Бернини асари) ўзгинаси. Қўлидаги автомати французларнинг “гочкисс”ига ўхшаган бўлиб, учкун сочганча ўзининг вазифасини сидкидилдан бажармоқда эди. Викторино бир қоп тошдан оғир Крисанто Гуанчеснинг мурдасини тирсаги билан туртиб юборишга мажбур

бўлди, чунки унинг жасади оғирлигидан ташқари, ҳаммаёғини қонга бе-
лаб, қолаверса, автоматдан гир айлангириб отишга халақит берарди. По-
пик ўқтин-ўқтин машинанинг очик эшиги орқали тўппончадан ўқ узарди.
Мэдисонни тилга олмаса ҳам бўлади – жанг бошланиши биланоқ отилган
ўқлардан бири бўйнига теккан, чамбаракни кучоклаганча хириллаб ётарди.

Ҳаммасига аслида Мэдисон айбдор, ким ўйлабди бунақа бўлади, деб.
Бунақа ишларда пихи қайралиб кетган Мэдисон мулоҳазакорлиги билан
пойтахтнинг жиноят дунёсида ўзига яраша обрў топган-ку, агар машина
билан битадиган иш бўлса, қойилмақом қилиб бажаришига кафолат бе-
радиганларнинг сони мингта. Бугун эса аксига олиб Мэдисонни таниб
бўлмайди, у саросимада, нима қилишни, қаерга қочишни билмай гаранг,
оқибат, ҳеч кимнинг хаёлига келмайдиган вазият юз берди. Қаранг, ак-
сига олиб, улар Лос Росалесдан қайтиб келаётган назоратчи патруль ма-
шиналарини учратиб қолди, шаҳар кўчаларида бошини қаерга уришини
билмай эринчоқлик билан айланиб юрган беозоргина радиопатруллар,
башарти Мэдисон бирдан хол қўймаганида, заррача аҳамият бермаган
бўларди, йўқ, аксинча, у бирдан кескин равишда газни босди, машина
биринчи чорраҳадаёқ чийиллаб чапга бурилди ва қизил чирокдан йўл
харакатини бузиб ўқдек ўтиб кетди.

Бечора Мэдисон гарданидан ўқ еганча жон аччиғида хириллар-
ди; оғзидан келаётган қоп-қора қон руль чамбарагини қирмизи рангга
бўяган, тобора ҳушини йўкотиб борарди. Бошқаларнинг рухсати бил-
лан Карениньо ўлжани олиб қочди – кўрғошин ёмғирдек ёғиб турган
бўлса, қутулиш, ўлимга чап беришнинг ўзи бўладими. Крисанто Гуан-
чеснинг сўнги сўзлари унга нажот бағишлади гўё: “Сен, Карениньо,
оёғингни кўлингга олгин-да, қоч бу ердан, жомадон билан қоғозларни
ол, ҳов анови эшикка ур ўзингни, ўшанақаси томга чиқиб қоч, кейин
кўришамиз, қани энди куён!..” Худди ана шу он дайди ўқ унинг энсаси-
дан юқорироққа келиб тегди. Карениньо бир зумда, ҳозиргина дунёдан
кўз юмган бошлиғининг буйруғига биноан, тўрт марта ўққа чап бериб,
ўша эшикдан ичкарига кириб ғойиб бўлди ва айни чоқда том ошиб
юрибди. Уни фақат илоҳий тақдир ўлимдан сақлаб қолишга қодир, не-
гаки бутун мавзе довурак полициячилар билан қуршаб олинган.

Мэдисон йўл қойдасига тупурдим, қабилида қизил чирокда ўтиб кет-
гани туфайли патруль бир ёмон нарсани сезгандек уларни таъқиб эта
бошлади: аввалига истар-истамас, шунчаки тартибни сақлаш мақсадида
бўлса, бироқ зум ўтмай Мэдисон газни янаям ошираётганини кўриб тез-
ликни у ҳам оширди. Қаёққа юраяпсан, тўнка? Ўнгга бур рулни, галварс!
Бироқ Мэдисон Викторино билан Крисанто Гуанчеснинг қичқириғини
эшитмас, мақташган Мэдисондан ному нишон қолмагани. Патруль ҳам
аксига олиб ишга жиддий киришиб уларнинг ортидан соатига юз кило-
метр тезликда чийиллаб, сиренани ёкиб қўйганча яна огоҳлантириб ўқ
узди. Мэдисонга нима бўлди ўзи?

Мана у, оғир ярадор, балки жон бергандир ҳам. У инграш тугул
кимир этмайди, бечора Мэдисон, ҳаммасига ўзи айбдор. Попикнинг
ғазаб билан бўғилгудек овози эшитилади: “Ўқ тугабди, ҳаҳ, итвачча-
лар...” Бир зум ўтмай ёки кейинги лаҳзада калласига келганини қилади:
машина эшигини очиб ташқарига ўзини отади. Полиция машинаси-
нинг фаралари асфальт кўчада эмаклаганча: “Таслим бўлдим! Таслим-

ман! Ўлдирманг!” – деб қичқираётган одамни бошидан-оёқ ёритади. У йиғлашга тушади. Викторино машинада бир ўзи қолади. Крисанто Гуанчес ўлди. Мэдисон ҳам ўлди. Викторино автоматдан тариллатиб отади, битта ўзи қолган, бутунлай.

Патруль сиренани чийиллатиб, огохлантирувчи чироқни ёқиб, радио орқали кўшимча ёрдам сўрайди – ваҳима кўтаради азбаройи ёрдам беришсин, деб. “Олдсмобиль” полиция машинасидан учқурроқ экан, таъқиб этаётганлардан кутулиб чиқишга ва изини йўқотишга муваффақ бўлди. Мэдисон ўзини тутиб олди, у энди машинани яна Фанхио¹ сингари бошқарар, бинобарин у яна ўша кўча-кўйда донғи кетган Мэдисонга айланган эди. Попик полициячилар томон отиб тўппончанинг ғаладонида қолган икки ўқдан ҳам кутулди, бу билан уларни эсингизни йиғиб олинг, дея инсофга чақирарди гўё. Викторинонинг кўнглида эртага яшаш умиди яна учқунланди ва аланга ола бошлади, аммо-лекин яна бирмунча вақт Колумбияни зиёрат қилиб келмаса бўлмаслиги ҳақидаги фикр уйғонди. Карениньо, ҳарқалай, жонон қизларга пул сарфласанг арзийди, деб хаёлидан ўтказди.

Попик ҳалиям таслим бўлдим, дея дод солганча эмаклашдан тўхтамасди, бироқ биров унга аҳамият берай демасди. Викторино ўқларнинг чийиллаши ва машинанинг темирдан ишланган ерларига урилиб чирсиллашига кўникди. Неғалигини билмаса-да, у автоматини кўлдан қўймасди. Бланкита зим-зиё тунда ухлолмай қийналади, Бланкита касалхонанинг каравотида ухлолмайди. Онаси ҳам мижжа қокмайди бу тун. Кулоғига узоқ-узоқдаги отишма товуши, жон беролмай қийналаётганларнинг оҳ-зорлари эшитилади, уларга чинданам эшитилаётгандек туюлади. Викторино Крисанто Гуанчесни илк бор учратган ва умрбод дўстлашиб қолган ўша зовурдаги кўприк остидан келаяпти, эсингдами, Крисанто, акагинам? Дон Руперто тўтисининг овози ўқлар чийиллаши, полициячиларнинг сўкингани ва ларзага келган тун қоронғилиги узра янграйди. “Саломат бўл, ўлакса!” – дея қийқиргани эшитилади.

Мэдисоннинг шуурини иблисона хаёллар, ёвуз жодулар эгаллади, бошқа гап йўқ. Патруль машинасининг фаралари ортларида хира шуъла сочиб ёнарди, энди полиция таъқиб этмай қўйди. “Орқада қолишди, итваччалар!” – дейишга улгурди Мэдисон товушдан тез учиб келаётган машинани бирдан мана шу кўройдин, охири берк, дахмага ўхшаган машъум кўчанинг комига бурар экан. Нафас чиқаришга улгуришмади, чийиллаган тормоз қочиб юришларига барҳам берди, уларнинг машинаси – жуда катта тезликда келаётган “олдсмобиль” метин деворга қарсиллаб урилди. Жиноий қидирув бўлими, полиция бошқармаси, шаҳар полицияси, миллий гвардия, армия – республиканинг барча қуролли кучлари бу тенгсиз ва шафқатсиз жангга ташланган эди. Крисанто Гуанчес, Мэдисонлар жон таслим қилишди, Попик дод солиб кўз ёшларини тўккани билан биров унинг ўтинчу илтижоларига кулок солмаяпти, Викторино телбаларча, эсини йўқотган одамдек патронлари тугаган қуруқ автомат тепкисини босгани-босган. Мана шу ўқ ёмғири аро, симёғочга ўрнатилган қарнайдан тоқат қилиб бўлмайдиган, мунгли кўшиқ баралла янграйди: “Ойга ишқибоз бўпти, эси паст буқа”.

Мен сенга бир нарсани айтмоқчи эдим, Бланкита...

¹ Фанхио – 50–60-йиллардаги аргентиналик машхур автопойгачи, беш карра жаҳон чемпиони.

ВИКТОРИНО ПЕРАЛЬТА

1

Мана ўша – буни инкор қилсин-чи биров – беназир тойчоқ, Нептун минган жанговар арава, бугун ким бундан гумонсирашга ботинади? – Викторино ҳаётининг энг бахтли онлари, умридаги энг қутлуғ айёмнинг масъуд дамлари. Викторино Рамунчонинг уйидан эллик метрча наридаги тор кўчада машинани оҳиста тўхтатди ва яна бир бошдан бошқарув тахчасига ўрнатилган кўрсаткичларни, никоҳ куни келиннинг кўркам либоси ва авратини яширган ички кийимини ечиб йигитлик нафси ва кизиқиши билан тикилган куёвдек, кўздан кечири бошлайди. Тугма-михлар, дастаклар, ёкиб-ўчиргичлар, кўрсаткичларнинг сезгир миллари, йилтироқ темир гардишли думалоқ ойналар силлиқ жило берилган тахтада нафис санъат асари сингари яхлит манзара ҳосил қиларди. 1) *Тахометр*. 2) *Амперметр*. 3) *Спидометр*. 4) *Подфарникларни ўчириб ёқадиган тугмача*.

Оила аъзоларидан биронтаси оталари, муҳандис Архимиро Перальта Эредиа дили кетиб Викторино ўн тўрт ойдан буён дам ялиниб-ёлвориб, дам қатъий сўраб юрган мана шу мухташам “Мазерати”ни олиб беради, деб ўйламаган эди. Оила аъзоларидан биронтаси, Викторино ниятига эришиш йўлида ўта устомонлик қилгани, ялтоқланганлари, турли ҳийла-найранглар ўйлаб топгани, ҳаттоки бу соҳада янги усуллар кашф қилгани ва шу билан бирга оилада ягона меросхўр – унинг, бир-биридан захил, касалманд учта синглиси бор эди – эканлигини ҳам рўқач қилганини билмас эди. 5) *Ҳавони ҳайдаб берувчи карбюратор қопқоғини очадиган тутқич*. 6) *Ёнилғи миқдорининг кўрсаткичи*. 7) *Фараларни ўчириб-ёқувчи*. 8) *Автомашина капотини очиб-ёпиш зулфини*.

Архимиро Перальта Эредиянинг асл нияти нималигини, қолаверса, нима мақсадда Викторинонинг сурбетларча суллоҳлигига ён бериб шундай қимматбаҳо машинани олиб берганига ҳеч кимнинг ақли бовар қилмасди. Муҳандис кўнглига олиб бериш фикри тушдими, бўлди, машинанинг нархи, беҳад қимматлигига қараб ўтирмади, отаси Архимиро Перальта Дахомей, Перальталар авлодидан чиққан латифундист ва Дахомей наслининг сармоядор давомчиси, ҳар бир квадрат метрини уч юз доллардан тўлаб шаҳар қурилиши учун сотиб олишган ер-мулкининг, қорамол қўтонларининг ҳамда йил сайин нархи ошиб бораётган акция қоғозларининг эгаси на худоси, на шайтони билан маслаҳатлашиб ўтирмади. Шоҳ Мидас бизнинг Викторинонинг буvasи олдида оддийгина тиллафуруш бўлиб кўринарди, холос. 9) *Ойна тозалагич тутқичи*. 10) *Кўшалок спидометр*. 11) *Радиоантенна тугмаси*. 12) *Ҳайдовчининг тиззаси остида жойлашган шамолпаррак дастаги*. Викторинонинг отаси инженер Архимиро Перальта Эредия ҳеч қачон яна битта банк паттасига қўл қўйишдан қайтмаган – ўйлаб ўтиришни ўзига ор деб биларди – уни кўпроқ бриж ўйнаб юрадиган шерикларининг эсингни еб қўйдингми, Архимиро, ҳали ўн саккизга чиқмаган ёш болага ким “Мазерати” олиб беради, қаердан кеп қолди бунақа бемаъни фикр калланга... икки чиллик,” деган насиҳатлари тийиб турган бўлса керак... 13) *Иситиш мосламаси (ўзи жазирама иссиқ минтақада яшасак, исси-*

тишга бало борми?). 14) *Кўл тормози*. 15) *Ўнг тарафида учига қизил думалоқ тутқич ўрнатилган мурват – радиоэшиттиришлар учун*. 16) *Соат, табиийки, Швейцарияда ишлаб чиқарилган*. 17) *Қуввати зўр, немислар ишлаган радиоприйёмник*. 18) *Айнан бриллиант тақинчоқлар қутисига ўхшаган қўлқоп соладиган қутича*.

Викторинонинг ғалабасида Онажоннинг ҳиссаси бебаҳо эди. Авваллари Онажон бир умр бунақа ишларга аралашмас, доим бетараф қоларди, бу сафар эса, аксинча, одатдагидек лимонли чой ичиб ўтиришганда, у дафъатан отасига юзланиб: “Архимиро, ўғлингнинг туғилган кунига “Мазерати” ҳадя қилсанг айни муддао бўлармиди”, – деб қолди.

Оч кулранг, кумуш ҳалли – мен ўшанақасини орзу қилардим, уни ҳайдаганда (ўнг томонда, пастроқдаги спидометр 220 ни кўрсатарди) соатига икки юз йигирма километргача газ босиш мумкин. Қани, энди мен билан пойга ўйнанглар, ялоқхўрлар!

Шу бугун эрталабки Онажоннинг кўриниши таърифига тил ожизлик қилади. У тўр жиякли тунги кўйлак либосига бурканганча гулгул очилиб Викторинонинг хонасига оҳиста солланиб кириб келди ва тўғри тепасига бориб манглайдан меҳр билан ўпиб кўйди-да, туғилган кун билан табриклади, бахт тилади, сўнг назари илмагандек: “Ойнадан бир қарагин, ўғлим, отанг балоғат ёшига етганинг шарафига нима совға қилганини кўрасан”, – деди. Гарчи Викторино отаси нима тайёрлаб кўйганини олдинроқ эшитган, шу сабабли билса ҳам (тринидадлик хайдовчиларининг сабри чидамай унга айтиб кўйганди), дарвозахонадан бериқоқдаги пальма остида манаман деб ярақлаб турган, яна асосийси, ўзи орзу қилганидек оч кулранг кумуш ҳалли автомобилга кўзи тушиб, қувонганидан бўкириб юборди.

Албатта, қалин дўсти, шерюрак Рамунчо биринчи бўлиб ўтиришга, унинг ёнида ўтириб, “Мазерати”да “катайса” қилишга маънавий ҳаққи бор. Италия автомобиль саноатининг фахри, тумшуғига уч айрили қизил нишон босилган бунақа тойчоқ Колумбияда ҳеч кимда йўқ; ягона унда бор – бахт эмасми бу?! “Мазерати”ни кўриб боши кўкка етиб мияси ғовлаб кетган Рамунчо мовий чарм қопланган ўриндикда ялпайиб ўтириб олади, пойинтар-сойинтар гаплар, хитобларни сақичдай чайнашга тушади (*Яшасин, қойил, оламга татийдиган техника, Жеймс Бонднинг орзуси-ку! Брижит Бардонинг сийнапўшидан ҳам, Суперменнинг ёпинчигидан ҳам зўр, ҳали очилмаган фазо кемаси!*), кейин эса тахтачага ўрнатилган анжомларга черков ходимига ўхшаб энгашганча таъзим бажо келтиради, уларга бурни теккудек бўлади. “Мазерати” катта кўчада диний байрам чоғида намоийишчилар қанақа юрса, худди шундай виқор билан ўзини кўз-кўз қилаётгандек секин юради, муюлишларда фиръавн филлари сингари дабдабаю асъаса билан шошилмасдан бурилади, кўриб оғзи очилиб қолган жонон қизларнинг ёнидан ғолибона ўтиб боради. Викторинонинг кутилмаган қаҳқаҳасидан маросимнинг дабдабали улуғворлигига путур етади. Рамунчо ўрин-ноўрин кулокни тешиб юборгудек чинқириб кулганча унга жўр бўлади.

– Бедаволигини кўрдинг-а, анови чолнинг!

Уларни кулдираётган жасорат кеча кечқурун Викторинонинг таваллуд айёми, ўн етти ёшга тўлгани муносабати билан ўтказилиб, тонгга қадар давом этган зиёфат чоғида рўй берганди. Викторинонинг одати,

кўрқоқлик ҳақида гап очишса (коллежда муаллима енгилмас Гекторнинг Ахилл найзасига дучор бўлгандан кўра хуркак оху сингари қочишни лозим топгани ҳақида гапириб бергани туфайли, ўша бемаза китобни ўқишга мажбур қилишолмаганди), қачонки кўрқоқлик одамнинг руҳий таназзулга тушганидан дарак беради, лекин бу касаллик вақтинчалик, ўтиб кетади деб донолик қилишса, ёмон тутақиб кетарди. Отаси инженер Архимиро Перальта Эредия тушликдан кейин ўқимаган оила аъзолари олдида ўзини гўё Бертран Рассель фаҳмлаб, кўркув туйғуси ҳар қандай диний таълимотнинг биринчи ва асосий манбаи (ортиқ ҳам эмас, кам ҳам эмас, буни худо яратган), тарих ва уни ҳар жиҳатдан ҳаракатга келтирувчи куч, илмий тараққиётнинг бош омили, мавҳум санъатнинг илҳом чашмаси ва негизи, деган ғояни илгари суриб, уларнинг бошини қотирарди. На ўнгида, на тушида кўркув деб аталган васвасага бир марта ҳам дучор бўлмаган Викторино эса, буни ҳис қилолмас, омади гапни айтганда, умрбод бунга дучор бўлишни истамас эди. Тўғри, гоҳ-гоҳ у кўркувнинг ўзи нимадан иборат – билгиси, оламга номаълум микробларни микроскопда катталаштириб кўришганидек, ўша кўркувнинг ўзини кўргиси келар, уни кўпинча кўқарган башаралар, қотиб қолган, нурсиз кўзлар ва кимнингдир зуғуми ҳамда қутқусидан ҳосил бўлган титроқлардан изларди.

Рамунчо уни мотоциклига ўтқазиб кимсасиз, биттагина, у ҳам бўлса, хира чироқ ёниб турган кўчага олиб борди. Аллақандай телвакезик бир киши тўғри буларнинг олдига кела бошлади. Бу одам маст эмас, кўнглидан ўтказди Рамунчо, эҳтимол, қарта-парта ўйнаб юрадиган киши-ю, бугун кечроқ қолиб кетганга ўхшайди – бола-чақали, диёнатли одам бунақа пайтда кўчада юрмайди. Йўловчининг қиёфаси пайпоқдаги тешиқлардан аниқ кўрингани заҳоти (қоронғилик бу хангомани аниқ-тиниқ кўришга ҳалал берарди) Викторино яшириниб турган еридан отилиб чиқди-да, унинг кўксига залворли, отасининг ёзув столи тортмасида кераксиз тошдек ётаверганидан сиқилиб кетган “қолът”ни тиради:

– Кўтар кўлингни, нобакор! Жонингдан умидинг бўлса!

Хотинларнинг қора пайпоғидаги бир жуфт тешиқдан бу сўтакнинг кўркувдан бўшашиб кетганини Викторино кўриб турарди: у аввал дир-дир титрай бошлади, негадир ҳиқиллаб йиғлашга тушди, кўлини кўтарай деса мажоли қолмаган, кўркқанидан иштонини хўллаб кўйди.

– Сенга айтаяпман, тентак чол! Кўрмаяпсанми, ўзингдан кўр! – деди Рамунчо қоронғилик кўйнидан бу томошани кузатиб турар экан.

Чолнинг калтирашини кўрган Викторинонинг афти буришди, кўнгли айниб кетди, бу кўрқоқ ўтиниб ялина бошлаганда, башарасига тупургиси, кетига тепиб-тепиб юборгиси келди. “Ўтинаман, сеньорлар, мени ўлдирманг, бешта болам, иккита неварам бор, ўлдирманглар!...” Унинг кўзларидаги кўркув кўришга арзимаёди.

Уларга теккани терлаган қўллар ва исқирт чўнтақларда юраверганидан қорайиб кетган ислиқи кармон бўлди. Унинг ичида иккита йигирма боливарлик қоғоз пул ҳамда чолнинг оиласи билан тушган расм чиқди. Викторино мамнуният билан пулни Рамунчога берди, кармонни буталар орасига улоқтирди, фотосуратни эса эсдалик сифатида ўзига олиб қолди.

– Вой, башарасини кўрдингми?

“Мазерати” салобат билан икки қатор қилиб экилган хаби дарахтлари оралаб борар, Рамунчонинг қаҳқаҳаси саксофоннинг ўткир чийиллаши остида кўмилиб кетарди. “Ойга ишқибоз бўпти, эси паст бука”, – дея кўшиқ оҳанги тараларди радио орқали.

Ўйин қоидасига кўра, бир қанча фурсатга тириклар дунёсини тарк этиш лозим эди. Викторино бир ўзи ўйнайдиган бўлди – монастир қоллежидаги паҳ-паҳлаб ўстирилган ойимчалар у ёқда турсин, кўни-қўшни болалардан биронтасининг у билан беллашишга юраги дов бермади. Ораларида ундан бошқа ҳеч кимнинг ўзини бунча пайт муздек, мовий лаҳадга дафн этишга, балиқ сингари шўнғиб сув остида сузишга, сувнинг қаттиқ қадалувчи босимига қарамай кўрқмасдан кўзини очиб қарашга чоғи келмади. У сув остида узоқ турди. Бирдан шалопплаб боши сув юзига чиққанда – оқ сариқ кокиллари пешонасига чиппа ёпишиб, кўзлари қонга тўлгандек қизариб, пир-пир учарди.

Тринидадлик ҳайдовчи Жонни боядан бери ҳовуз атрофида бирор қор-қол рўй бериб биров чўкиб қолса, ёрдам қўлини чўзиш учун эмас – бунақа ёрдамни хоҳлашмасди ҳам, қабул қилишмасди ҳам – балки зинапояннинг тепасидан янграб қолиш эҳтимоли бўлган топширикни етказиш учун ўралашиб юрарди.

– Викторино, сеньора бўлди энди, деяптилар, чунки...

У Отажон нима дейиши мумкинлигини тахминан биларди. Бугун фаришта Глэдис таваллуд топган кун (Викторино шунақа бемаъни, яна инглизча исмли фаришта мавжуд бўлиши мумкин эканига мутлақо ишонмас, лекин минг қилганда ҳам сингисининг туғилган куни – бориши керак эди), фаришта сингиси Глэдиснинг туғилган куни эдики, эсдан чиқариш, бормаслик одобдан эмасди. Глэдисдан кейин Бетти туғилди, сўнг Маргарет дунёга келди. Агар бувиси аралашмаса – тўнғич фарзандлари, кўчқордек ўғиллари исмини, яъни ўзини ҳам (дон Аделаида неварасининг таваллуд айёми тўғри келиб қолган жафокаш авлиёга назр-ниёз атаб қўйганди) аллақандай Ричард, Рикки дея аташлари муқаррар эди – нақадар даҳшат! Глэдис, Бетти, Маргарет, қанд кукунига беланган учта сўзанақ, бошдан-оёғига қадар нафис дарпарда билан мовий тасмаларга – баъзан пушти, баъзан сарғиш ранга – бурканганча уззукун, кечкурун кўғирчоқларини бағриларига босиб, уввос солиб ухлаб қолмагунларича сўник, ҳазин оҳангдаям, кўтаринки авж пардаларда ҳам дийдиё қилиб ҳикиллаб юришарди.

“Бугун Глэдиснинг туғилган куни бўлса, сен бир соатдан бери ҳавзадан келмайсан, шамоллаб, иш орттириб юрмагин яна, вақт бўлди, бор, кийимингни ўзгартириб ол, меҳмонлар келиб қолишади ҳозир...” Викторинони диққинафас, зерикарли ва бачкана оқшом кутарди. Глэдиснинг бир талай дугоналари – оппоқ туфлилар, этаги муслин бурма кўйлақлар, гард юқмаган топ-тоза фартуклар кийган қоратанли хизматкорлар – шоввоз ўт ўчирувчилар ва ипак пайпоқларга шайдо энагалари билан қўл ушлашиб кириб келишади. Люси деган ўртоғи ҳам, албатта, келади ва ниначиникидек нозик “ғунажин” унга зорикқан юрагидан огоҳ қилувчи ҳаданглар отади, унинг қанот боғлаган хўрсинишлари Викторинонинг кўнгил боғига саҳархез кушлар сингари парвоз қилади, бу то Викторино унинг ёнига бориб, музқаймоқ билан сийлагунга

кадар давом этади, ана шунда Люси: “Раҳмат сенга, Викторино”, дейди беўхшов овозда, унинг бу миннатдорчилиги худди “сенисеваманжис-мужонимсеники” деганга ўхшаб чиқади. Бу кулгили туғилган кун италияликларнинг мижғов опералари ёки Уолт Диснейнинг юмалоққина жониворчаларига ўхшайди.

Онажоннинг дугоналари – ёши улуғ меҳмонлар ҳам келишади, француз атирларининг таровати ҳамда тутуруқсиз романларининг ҳиди таралади. Онажоннинг дугоналари аллақандай узук-юлуқ ё шартли белгилар билан ё жумбоқли шевада сўзлашадилар: Анча бўлдим беркинганига? – дейди бири; Билган бўлсам тил тортмай ўлай шу ерда, – дейди иккинчиси; Бир куни кечқурунмиди, – дейди учинчиси; Қанақанги оила эди-я, – дейди тўртинчиси; Болалари-чи, – дейди бешинчиси; Қўрққанидан, ҳа, фақат қўрққанидан шунақа бўлган, – дейди олтинчиси; *Honni soit qui mal у pense*¹, – дейди еттинчиси, Лондонда тарбия топгани. Бир куни кечки пайт мен уларни дўконда кўриб қолдим, тўхтаганим сабаби фуагра² қанча туради, деб сўрамоқчи эдим, нархи кутисида кўринарли қилиб ёзиб қўйилганди, у ёнимга келиб мен билан саломлашди, янглишмасам, душанба куни эди, ҳа, душанба, у эсида қолгани ўша куни Альфредо хизматдан чарчаб, руҳи сўник келганди, энг ёмони ёмғир челақлаб куярди, – дейди саккизинчиси. Умуман олганда, важиқари ватарихи, пиццекато. Мартини ичарсизлар балки? – дейди Онажон. Зиёфат давомида узлуксиз Люсининг ялинчоқ, зориққан нигоҳларига чидаб ўтириш жуда қийин эди, Викторинонинг пешонасида маржон-маржон тер пайдо бўлди ва у ўзининг “Сент-Онорэ” тортига айланиб қолаётганини ҳис қилди. Унинг бу аҳволдан норозилиги – остида ҳалқасимон тўғралган ананас бўлақлари, пўртахол парчалари, Галипана кулупнайи сузиб юрган мексиканинг кумушидан ишланган баҳайбат шарбат идишига ўз пешобини аралаштириб қўйишдан бошланди (бўйрақларининг шўртангина маҳсули аралаштирилган шарбатнинг таъми янада латиф бўлиши табиий, қизлар, деб ўйлади у ва лабларини чапиллатиб ичишларини тасаввур қилиб кўрди). Нафратининг иккинчи пардасида ясантусанни қотирган иккита занжи энагаларнинг ялтироқ сумкасига солиб қўйилган бир жуфт бақалар унга яқиндан кўмак берди, териси ғиж-ғиж сўгал бақалар озодлик қасдида сумкадан сакраб чиқишганда африкача оҳангда чинкириб юборишганини кўриб Викторино қотиб-қотиб кулади. Аммо кўп ўтмай буларнинг бари жонига тегиб, у аранг кийган, онаси совға қилган бахмал камзулда уйни хомуш айланиб кезиб чиқа бошлади, дарҳақиқат, бу бачкана камзул бўлғуси фазогирга ярашмайдиган камзул эди.

Чироқлар порлади, Викторино манго ва лимон бутазорлари орасига яшириниб олди. Табиат бағридаги эмин-эркинлик кўнглига чинакамига дохиёна фикр солди. Унинг қаршисида деразасига қат-қат парда осилган хонада совға-саломлар бор эди. Бир қўл мана шу хонага суқулиб киради ва ёмғир ёғаётгандек, софага, дарпарда ва гиламга бензин пуркаб сепеди. Кейин худди ана шу қўллари билан тарвақайлаган шохлари деворга тақалган пўртахол дарахтига чиқиб гугурт чақиб, дераза кўзидан ичкарига отади. Ўт-олов, маълумки, материядаги барча ўзгаришларнинг

¹ “Ким бу ҳақда ёмон хаёлга борса, ўзи уялиб қолади” – француз мақоли, инглизларнинг Подвязки жамоаси шиори.

² Фуагра – Foie gras – ғоз жигаридан тайёрланган паштет (франц.).

бирламчи (Гераклит бўйича) омилидир, унинг биланглаб ўйнаётган алангалари ипак софани қамраб олади, ўт-олов муқаддас руҳ рамзидир, пировардида, унинг мудҳиш алангаси совғалар ўраб қўйилган чойшабга ҳам етиб келади. Совғалар ўраладиган қоғозлар эса ёмон ёнмайди.

Глэдиснинг муборак айёми гўё Қадимий Аҳд саҳифаларига айланди. Иегованинг жазоловчи ғзаби саросима уруғини сочди, ўтакаси ёрилган бир талай нозанин қизлар қий-чув кўтарганча патиога қараб югуришди; уларнинг ортидан каркидонлар сингари ҳарсиллаб ва тўпиллатиб чопганча занжи энагалари чиқиб келишди. Эпчил ва удабурро Жон бир зумда хизматкорлардан ўт ўчирувчилар командаси тузди, улар бўш челақларни кўтариб ҳовуз тарафга югуриб бориб, челақларини сувга ботириб илондек буралиб ўйнаётган аланганинг тилига келтириб сепишар, йўлда жониқиб, нафаслари бўғизларига тикилиб: “Эй худойим-ей”, деб қўйишарди. Кимдир ўт ўчирувчилар маҳкамасига кўнғироқ қилди ва кўп ўтмай ярим кечаси худди кинолардагидек кўнғироқлар садоси қоронғи тун қўйинини тутиб кетди. Бирон ерига шикаст етмаган, соғсаломат Глэдис, Бетти ҳамда Маргаретлар гаражда, темир-терсақлар ва автомобиль покришқалари орасида хўнг-хўнг йиғлашарди. Помпеянинг сўнги кунларини нимаси биландир эслатаётган манзаранинг марказида нафаси тикилиб, энтиқиб, гангиб қолган маъбуда, рангпар Медея сингари Онажон пайдо бўлади ва ўғлига қилмиши учун чексиз қувонч ва ифтихор бахш этувчи ҳаяжон ичида қичқиради:

– Викторино! Викторино қани?

Нуридийдасининг шу ердалигини пайқаганда ҳар томонга тўзиган кушлар сингари осойишталик ва ҳаловат яна Онажон борлиғига қайтиб келади. Табассум чехрасига баҳор тароватини бахш этади гўё. Ҳарбий ҳаракатлар чоғидаги Наполеонга муносиб амру фармонлар янгради ва беш дақиқа ўтар-ўтмас уйда тинчлик, тартиб тикланди.

2

Ҳар қандай аёл, у қанақа бўлишидан қатъи назар – айна гул-гул очилган соҳибжамол бўладими, оппоқ нилуфар каби маъсума ёки кўҳликкина, ҳуснига нон ботириб егулик ёки настарин гулининг тароватини ўғирлаган бева бўладими, фарқи йўқ – Викторинонинг отаси Архимиро Перальта Эредиянинг эътиборига тушса, бас, у бамисли а-ля Чаттерлей хонимга дуч келгандек ҳеч нарсадан юзхотир қилмай, уни ўша заҳоти, бир амаллаб илинтириш пайига тушади. Викторино қараб туриб ажабланар, нима учун шундай нозанин қиз-жувонларнинг эрларими, ака-укаларими ёки ошику беқарор бўлиб юрганлар отасини инсоф юзасидан огоҳлантириб қўйишга ҳаракат ҳам қилмасликлари ёки кулоқ чаккасига тарсаки туширмасликларига сира тушунолмас эди. Онажон эса бу осий банданинг риёкорона ҳийла-найрангларига учиб чарчамасди.

– Вой, Онажоним-эй (у онаси билан бемалол шунақа оҳангда гаплашар, зеро, бунақа муомала ёлғиз унга йўл қўйиларди), бизни ёшимизда рашк қилиш одоб ҳисобланади; қирқ бешга чиқибсиз-у, ўқувчи қиздан фарқингиз йўқ; наҳотки сиз ҳурмат, эътиборни бошқача тушунсангиз... – Шундай суҳбатдан кейин эртасига эрталабоқ Онажонга номаълум бир

жанобдан орхидея келар ва у гулларни мамнуният билан қабул қилиб оларди; ўз ташаккурини изҳор этаётганда эса, маъюсгина кулимсираб қўярди, чунки у қирқ беш яшар эмас, қирқ саккиз ёш.

Викторино спорт кийимларини кийиб олиш учун ечинади, кийиниш хонасидаги ўриндикда ўтириб оёғидаги тирноқларни хомушгина кўздан кечиради ва хаёлан отасидан ўпкалайди. Хотинбоз, яна қанақаси, учига чиққани, деб ўйлайди у. Ўнг оёғининг бошмалдоғидаги тирноғи уни ташвишга соларди: туғилганидан бери ўсмаган – жимитдеккина – лекин эти орасига ўсади – доктор Шоллнинг дори-дармонлари ҳам қор қилмаяпти шу майиб-мажруҳ бармоғига, олчанинг данагига монанд, боши думалок рухоний ёки банкирга ўхшаш, лекин қолган узун-узун, текис, бежирим, худди бир даста сарсабилга ўхшаган тўққизта бармоғига сира ўхшамайди. Викторино ух тортиб қўяди ва кўнгилсиз хаёлларини бир чеккага суриб, тез-тез кийина бошлайди.

Мовий свитеридан кейин оппоқ жун пайпоғини, сўнг спорт пойабзалини кийгач, боксчиларга ўхшаб енгилгина югурганча спорт залидаги тахта супага қўтарилади. Мураббийи Луи Бретон унга одатдагидек елкаси оша “bonjour”, деб қўйиш учун бажараётган машқини тўхтатади. Луи Бретон қачонлардир “пашша” оғирлигида Жазоир чемпиони – буни исботлаш учун далил сифатида у газетадан қирқиб олинган парчани чўнтагида олиб юрарди – бўлган эди. Бироқ вақти келиб Лотин Америкаси ошхонаси унинг семириб кетишига йўл очиб берди; яқинни яхши кўрсатадиган кўз ойнаги чакчайган кўзларидаги ифодани бироз юмшатар, олдидаги иккита тишига қопланган платина унинг табассумига жилва бағишларди.

Рамунчо, Эсекьель ҳамда Уильям – Викторинонинг уч нафар дўсти аллақачон канош қопланган гиламда чалқанча ётганча оёқ-қўлларини букиб, узатиб Луи Бретон бошчилигида, унинг буйруғига итоат этиб бир маромда ҳаракат қилиш билан машғулотни бошлаб юборишган эди. “Қўллар бошингиз ортида, оёқлар узатилган, қани, болалар, қўтаринг, энди эса елкангизни ўнгга, чапга буриб, тез-тез биргаликда, ғайрат билан, ўтириб оёқ учини ушлашга ҳаракат қиламиз: бўшашиш йўқ, Эсекьель, сариеғ эмассан-ку”, бу кўрсатмалар унинг оғзидан худди эркалаган, аста насиҳат қилаётгандек гоҳо ҳазил аралаш чиқарди.

Машғулот давом этарди, энди улар оёқларини ҳавода худди велосипед учаётганга тақлидан ҳаракатлантира бошлашди.

Викторино хаёлан ҳаводаги йўллардан кетаётгандек бўлар ва иложи борица бир дам тўхтамасликка ҳаракат қилар, то ғарақ-ғарақ терга ботиб, юзи, бўйни қизариб кетмагунча, ўша хаёлий велосипедни ҳайдаб кетаверар, ора-сира мушакларига қўшилиб, томирлари ҳам ўйнаб кетган бўйнини буриб Луи Бретонга “bonjour” деб, ёнида худди шу ҳаракатни бажараётган дўстларига эса кўз қисиб қўярди, сўнгга ўрнидан туриб тахта супанинг нариги бурчагида турган штанга тепасига борди ва чарм билан қопланган ўриндикқа ётиб олиб оғирлик елка мушакларига тушиши учун мўлжалланган алоҳида машқлар бажаришга киришди. Унинг бармоқлари икки томонига темир гардишлар осилган штанганинг грифини маҳкам қисади ва даст қўтарганда бўйин томирлари ўқлоқдек бўлиб шишади, елкасининг ошиқ-мошиғи қирсиллайди, лаблари қийшайиб, ихтиёрий равишда ўзини қийнаб шу машқни яна такрорлайди.

– Мен чидамли, бақувват боламан, Мальвина. Бизнинг мушакларимиз тўқимаси нимадан ҳосил бўлса, унинг манбаи инсон тафаккурини ташкил қилади. Чунки қачонлардир айтилган ва ҳали-ҳануз биров инкор этиш тугул буни асрлар давомида ўйлаб ҳам кўрмаган – “соғлом танда – соғ ақл” деган нақл бежиз эмас, шу сабабли ўйламагинки, нимжон, қўлидан китоб тушмайдиганларнинг мияси туфайли эмас, биз каби кўп нарсаларни ҳал қилишга қодир одамларнинг ғайрати туфайли дунё ўзгаради, тараққиётга юз тутаяди, мана шу ҳақиқат, мана шу эзгуликнинг ибтидоси, мана шу тафаккур оламининг меҳвари; мункайиб юрадиган Фаустларнинг қонаб турадиган милклари, нимжон билаклари ва узокни кўра олмайдиган хира кўзлари билан дунёни тараққиёт чорраҳасига етказиб боришларига одамнинг ишонгиси келмайди, агар биронтасига Мефистофель мутолаа қилган ўнлаб китобларини, университет профессорларининг оқ фотиҳалари билан мақтовларини унинг, Викторинонинг куч-қуввати ҳамда саломатлигини, ғурур билан ўзига, яланғоч баданлари билан мушакларига алмаштириш тўғрисида таклиф қилса, сўкишни эшитардики улардан... онасини танимай қоларди (кечирасиз, Мальвина, кўполлигимиз учун узр), ахлоқ муҳиблари ҳамда шахвоний ҳирсини қондиришдан бошқасини ўйламайдиганлар яратган бу аҳмоқона ва бир-бирига зид, телба-тескари назарияларнинг кимга фойдаси бор?! Викторино – бақувват йигит, Мальвина, ўзини мамнун ва бахтиёр сезиши учун унга куч-қувватини ҳис қилишнинг ўзигина кифоя. Эрталаб, уйқудан кўзини очганда кашанда сингари йўталиб қийналмайди, балки ёш буқачалар ҳамда дарахтлар сингари кўксини тўлдириб эркин нафас олади. У бош оғриғи ёки пиёниста сингари юракни зиқ қиладиган ғамандух билан уйғонмайди. У жисмини яксон қиладиган ҳар қандай разолатдан – у никотин бўладими, алкоголь – оғу, қартабозлик, касаллик, ғам-ғусса ҳамда бори ёшлигини созуриш ва органик химия билан курук муҳокамага асосланган фалсафа сотиш туфайли элбурутдан зерикиш, ранги синиқиш – хуллас калом, кавш қайтарувчи қорамоллар ва кутубхона охурларига михлаб қўйилганларнинг панд-насихатларидан ҳазар қилади.

Худди мана шу паллада у чалқанча ётганича қирқ килоли тошни кўтаради, Мальвина, агар зарурат туғилса, ундан икки ҳисса ортиқ кўтариши мумкин, чунки у бақувват йигитча ҳамда мушакларини идора қила билади. Викторинодан сўранг шу пайтда, у ўша заҳоти бу қалъа, аниқроғи, қатта оғирликни қандайдир мўъжиза рўй бериб эмас, балки чеккан заҳматлари ва узок йил тер тўққанлари эвазига ишғол қилаётганини тушунтириб қўяди. Ҳар бир одам, албатта қилтириқ ва туғма нимжон одамлардан ташқари, дунёга ўзининг қўрғонини кура олиш қувватига эга бўлган ҳолда келади, қачонки сен бирор соат бекор ўтказмай ғишт теришдан тўхтамасанг мақсадингга етасан. Викторинонинг неча пуллик иши борки, унинг рақибини шеър ёзишга, мусиқа яратишга ёки тенгламани бир зумда ечишга қобилу уста бўлса, нима бўпти, асосийси бошқа нарсада: агар уч киши – Викторино ҳам, яна бир киши – у ҳам ва сиз ҳам, Мальвина – бир кимсасиз оролга тушиб қолдингиз дейлик, Викторино ўша рақибидан халос бўлгиси келди, дейлик, нима бўлиши мумкин, албатта, хотирингиз жам бўлаверсинки ўша бечора, ишонаверинг, юнон шеърятига хос ямб ҳақидаги билими ҳамда ошқозонидаги гастри-

ти билан ўзини сувда кўрарди, Викторино ёлғиз сиз билан, Мальвина, биргаликда ҳаёт лаззатини тотган бўларди. Майли, ваъз-насихатни ва ҳар хил гапларни тарқатаверсинлар, бу ваъзхонлар билан журналистларнинг иши, руҳонийлар ўзларининг баланд рутбаси туфайли, олимлар ўзларининг тадқиқотлари ҳамда битган рисоаларида шу фаолиятларини давом эттираверсинлар. Холбуки, журналистлар, нотиклар, олимлар ва руҳонийлар ҳалига қадар инсонга фойдаси тегадиган арзигулик бир иш қилишмаган, ҳамон жисмонан кучсиз, заиф одамни кучли одам билан таққослаб, ўша калласи катта, оёқ-қўллари чилликка ўхшаган кимсани курул ҳамда ҳуқуқий нуфузлар билан таъминлаб, шу тариқа уларнинг бирини иккинчисига қайрашдан бошқасини билмайдиганлар ва ҳоказо, ва ҳоказо... ўз фикрларини шу йўсин баён қилган бўларди Викторино, башарти уни фикрлашга ўқитган бўлишса, *Мен бақувват боламан, Мальвина*, штангани кўксига оларкан, шундан бошқасига ақли етмайди; унинг энгил ва соғлом ўпкаси намунавий тарзда ишлашга одатланган.

Тўртта оға-ини чўмилиш хонасида тўпланишади. Викторино жўмракни охиригача очади, сув шариллаб унинг елкаларига урилади ва атрофга сачрайди, кейин кураклари ва тўшини тутади, бу резина шлангдан сепилаётгандек – куч билан отилиб тушаётган сувда, қорнини ичига тортиб, у қатор олти нафар дўмпайиб турган таранг мушакларни ювади.

Чап томонидан Уильямнинг овози сув шовқини аро эшитилади унга:

– Янгиликни эшитдингизми? Бугун кечқурун Пибе Лондоньоникада зиёфат. Бизни таклиф этишмаган лекин.

Викторино душни ўчирди ва илгакдаги сочиғини тортиб олди. Шу пайт ўнг тарафда шариллаб тушаётган сув шовқини аро уҳ-уҳлаётган Эсекьелнинг шу хабарни шарҳлаган овози келади:

– Пибегга кўнғироқ қилиб аниғини биламиз, у яширяпти бир нима-ни, туғилган куни ҳақида бир оғиз эсламади ҳам, нима эмиш, бугун кечқурун алгебрадан сабоқ олишга боришим керак, дейди – ёлғон гапиряпти, иккиюзламачи паразит, алгебрасига ўйнаб кўйдим-а...

Тўртовни ювиниш хонасидан чиқиб, бамисли адолатни қарор топтириш иштиёкида йиғилган Рим сенаторлари сингари елкаларига того ўрнига оқ сочикни ташлаб ўзаро кенгашиб олиш учун йўлакда тўпланадилар. Воқеа аниқ: обрў-эътиборли Лондоньолар оиласи Ненанинг таваллуд айёминини нишонлашмоқчи. Шу муносабат билан бугун кечқурун уларнинг данғиллама уйида зиёфат бўлиб ўтади, унга деярли бутун Каракас таклиф этилган. Хулоса: Лондоньолар хонадони диққат билан вазиятни атрофлича ўрганиб чиқиб, “юз бериши” эҳтимоли бўлган муаммолар ҳамда жанжал-тўполонларни ҳисобга олиб, Пибе Лондоньонинг энг яқин дўстлари, яъни бизни таклиф қилмасликни лозим топишган, азбаройи ўзларини кўнгилсиз асоратлар (муштлашиш, моматалоқ юзлар, малхам, латта хўллаб босиш)дан сақлаш учун. Бечорагина Пибе Лондоньо, жанговар ўрток бўла туриб, ғиринг демай қардошларининг бундай ҳақоратомуз қисти-бастига чидаб берган. Лекин Эсекьелнинг адлия факультети талабаси эканини унутмаслик керак.

– Биз барибир у ерга борамиз ва хурсандчилик киламиз, – дея донадона қилиб таъкидлайди Викторино.

Бу сўнги қарор қораловчи Эсекьель Устариснинг турли оҳангдаги сурбетларча кулгисини кўзгайди – у дам паст овозда хиринглайди, дам

хохолайди, дам маъноли қилиб бир меъёрда кулади ва охири бир қадам наридаги дераза ойнасини зириллатгудек қахқаҳа уради.

– Биз бу тантаналарда албатта қатнашамиз ва у ерга ўзимиз билан Мона Лизани олиб борамиз, – дейди қатъий қилиб Викторино.

– Мона Лизани?! – Эсекьель Устариснинг завқланиб кулгани жуда таъсирли чиқади. Уч нафар ошнаси унга жўр бўлишади, Леонардо да Винчи яратган асар улар орасида ҳеч қачон бунақа шовқинга сабаб бўлмаган эди. Хўп, албатта, Мона Лиза бўлса Мона Лиза-да! Жазоирнинг собиқ чемпиони, “пашша” вазнида рингга чиққан Луи Бретон бу кулгининг сабабини билмаса ҳам лабини йиғиштиролмай турарди.

Мана шу тўрт нафар алпдек йигит, Уильям, Рамунчо, Эсекьель ва Викторино, кўриб турганингиздек, ораларидан қил ўтмайдиган дўст эдилар. Унда Викторино ўн тўрт яшар бола бўлиб, отаси билан илк тўқнашувда у ғалаба қозонган, шунингдек, унинг серкатнов кўчалардан бу дўзахий машинада юришига қарши илтижолар ва таъна-дашномлари ила қаҳрамонларча кураш олиб борган Онажонни ҳам ютиб чиққан эди. Ҳар қандай ирим-сиримлар, бехосият фол очишлар, иссиқ-совуқни жиндан баттар ёмон кўрадиган Онажони кўнглида пайдо бўлган, яъни аён қилинган – ўзи ўйлаб-ўйлаб топган бир-биридан кўнгилисиз, ваҳимали, лекин ёлғон башоратларни айтиб бераётганида киприк қоқмаганди:

– Бир неча кундан буён, қайта-қайта тушимга сен машина ҳалокатига учрагининг киради. Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, ҳаммаёғинг қонга беланиб жон бераётганингда тепангга турган бўлармишман-у, бир йиғлаб, бир осмонни кўрсатармишман. Қон дарё бўлиб оқармиш, ҳаммаёқ тутун, одамлар чопган, югурган, даҳшат... Бўғилиб, уйғониб кетаман... – Шундан кейин у тўқиган ёлғонлари таъсир этиши, ишончлироқ чиқиши учун кўз ёшларини артиб олади.

– Сиздек маданиятли, ўқимишли аёл, Онажон, қаёқдаги бўлмағур тушларга ишониб юрса, энди дардини кимга айтишни ҳам билмай қоларкан одам. Ахир, биз йигирманчи асрнинг ўрталарида яшаётган бўлсак, бунақа тушларга қанақа қилиб ишониш мумкин, – деди она-сига Викторино отаси Архимиро Перальта Эредия конидан ўтган мулоҳазакорлик билан.

– Бола тўғри гапираёпти, – деди отаси, – лекин шунга қарамай, мен ўла қолсам ҳам унга мотоцикл олиб бермайман, ажалнинг уруғи бўлса. Лекин туш – ғирт ёлғон, у одамни алдайди, мана масалан, ҳар ҳафта Софи Лорен билан ётганим тушимга киради, лекин ҳаётимда бунақа воқеа бўлиши у ёқда турсин, биз у актриса билан таниш ҳам эмасмиз.

Айтмаганмидим, ўтакетган ҳаёсиз деб? Викторино шу гаплардан кейин Уильямнинг мотоциклида ҳайдашни ўрганишга аҳд қилди, уларнинг оиласи бир томондан, келиб чиқиши ва ҳаёт тарзи бўйича – ғирт намунавий инглиз оиласи, иккинчи томондан, бунақа асоссиз ваҳималардан йироқ, билъакс, замонавий тараққиёт самараларидан, боз устига, Буюк Британия шухратини оламга ёйиш билан бирга мўмайгина даромад келтираётган воситалардан фахрланишади. Бир куни қоқ туш пайтида Викторино тўғри ҳовлиларига Уильямнинг мотоциклини ҳайдаб кириб келди ва рулни кўйиб юборди-да, қўлларини акробатлардек икки томонга кенг ёйиб бетон ётқизилган энсиз йўлқадан учириб кетди. Балконда

турган Онажони қичқириб юбормаслик учун кафти билан оғзини ёпиб олди. Шундан кейингина отаси ўғли билан сулҳ тузиб, унга қондек қизил, шаҳардаги жамики мотоцикллардан ўлса ўлиги ортиқ, учкур ва бағоят шиддатли “Триумф” мотоциклини олиб беришга мажбур бўлди.

Бунақа қирмизи “Триумф” ҳайдаш тугул, унинг эгасига айланиш болалик билан умрбод хайрлашиш, дегани эди. Ўн тўрт ёшида бамисли янги бир одам, от минган, механик Қоплонни эгаллаган Прометей дунёга келди. Ҳатто тоғаси Анастасио зодагонларга хос одатига содиқ ҳолда уни ўзи билан бирга Чакао борделига (исловотхонасига) олиб борганди ва у ана ўшанда (унга мотоцикл совға қилишгандан бир йил кейин) биринчи марта аёл зотининг нималар эвазига эркаклар юрагига олов солиб, қўлига ханжар тутказишганидан воқиф бўлганда ҳам ўзини ҳозиргидай мустақил, вояга етган деб ҳис қилмаганди. У илгари бир марта ҳам “Хусусий мулк” деган ёрлиқ билан зийнатланган ҳамда миллатнинг ижтимоий тарихи ва одамларнинг шахсий ҳаётига бунақа чуқур таъсир ўтказган туйғуни татиб кўрмаганди. Болалигида ўзига тегишли бўлган ўйинчоқлар хусусий мулк бўлолмасди, у бор-йўғи тенгдошлари билан ўзининг орасида ота-онаси барпо қилган ғов-девор вазифасини ўтарди, холос. Кўришга тоқати йўқ мактаб ўқув қуролларини ҳам Викторино хусусий мулк деб ҳисобламасди – улар ота-онасининг ташвиши ва ғамхўрлигининг маҳсули эди, худди шу тахлит жазирама иссиқда бемалол юришга халақит беришдан бошқасига ярамайдиган кийим-боши ҳам шундай вазифани бажарарди, холос. Ҳаттоки тош билан уриб ёки жаҳлини чиқарганда тепиб қоладиган, думини ликиллашиб яна қачон мени жазолашаркан ёки ҳеч бўлмаганда ботинка билан уриб қолишармикан, дегандек бадхоҳлик билан кутишини қўймайдиган уйдаги кучуги Ягуар ҳам мутлақо хусусий мулки бўлолмасди. У, қўйингчи, ҳар битта дорихона малайига буюртмани элтиб беришда хизмат қилади, деб олиб беришганидек ўз велосипедини ҳам шахсан меники, дейишга ор қиларди.

Мотоцикл эса аксинча, ҳақиқий эркак кишининг ғурури ва эркига ўхшаган, бирини-биридан ажратиб бўлмайдиган бир бутун нарса. Мотоцикл – айтайлик, канарейка ёки мушукка нисбатан унга яқинроқ. Севиклиси сингари уни нигоҳлари билан ардоқлайди, умр йўлдоши сингари унга ғамхўрлик қилади, ёш боласи сингари ювади, артиб-тозалайди. Бутун дунёга донғи кетган бу хазина – Викторининг қирмизи “Триумф”и томоша қилишга арзигулик эди, руль чамбарагини ўраб чиққан тимсоҳ териси-чи; бирон ерига томчидек ёғ тушмаган бу “тойчоқ”қа ҳавас қилса арзийди. Унинг Авиланинг тик ёнбағридаги кўчалардан салобат ва тантана билан тушиб келишини томоша қилишга арзирди. Бамисли ер бағирлаб қанот қоқаётган қалдирғоч бирдан бурилганидек, Викторининг арзандаси кескин бурилганида иккита ғилдираги ердан узилар ва ўн метрча қиялаб кетишини кўрганлар бор, кўрмаганлар зор. Қуюқ, оппоқ булутлар бағрида чакнаган яшиндек учиб ўтганида кўчанинг нариги беткайида кетаётганларнинг юраги бир қалқиб тушар, ёшлик жўшқинлиги билан хайқирса, кекса йўловчиларнинг юрагини ўйнатиб юборарди: ҳа, машина ҳайдамай балога учрагур, деган қарғишлар таъсир этмас, нари борса қонини жўштирар эди, холос.

Уни бирга томоша қилсак қани эди, Мальвина, унинг орқа тарафида ўтириб бўйнимдан қучиб олган, Мальвина, менинг куракларимга атай свитерининг остида диркиллаётган лимонларингни ботирганинда юрагимда от ўйнарди, Мальвина; илтимос, ўтинаман, тўхтат, деб нега нола қилаётганингни биламан, Мальвина, яхши биламанки, сен ҳеч нарсадан қўрқмаяпсан, балки мени қаттиқроқ бағрингга босиш мақсадида шундай қиласан, Мальвина.

– Бир отишма уюштирмаймизми, шунқорлар, – деб қолди бир куни Уильям ғира-шира жазирама оқшом маҳал, ҳаво дим: биз эълон бўйича ваъда қилинган момақалдирикни кутар, лекин у номард ҳадеганда гулдирай демасди; кайноқ гармсел ҳар ерда ташлаб кетилган газеталар ва курук япроқларни чирпирак қилиб учириб юрарди.

Олти шоввоз анчадан бери жала куйишини кутиб, эснаб, бир оёқлари мотоцикллари педалида, бир оёқларини ерга тираб ўтирар эканлар, ёғмаётганлиги учун хуноб бўлишар, алланималарни ёзғиришар эди. Охири тоқатлари тоқ бўлиб Уильямнинг жанговар фильмлардан олган таклифига рози бўлишди. Бу “отишма” Шарқий туманда анча вақт гап-сўз бўлиши, бу спортга хос ўйин, эрмак католик хонимларнинг шафқатсиз қарғишларига ҳамда ахлоқ муҳиблари саналган такводор йигитларнинг, гарчи полиция маҳкамасида шумтакаларга заррача айб кўйишолмаган бўлсалар-да, нафратларига сазовор бўлишлари мумкинлигини ўйлаб ҳам ўтиришмаган эди. Полковник Арельяно эса юзингда кўзинг борми демасдан уларни идорага судраб юрибди. Мана оқибати нима бўлди? Уларни айблаётган қолиб, йигитларга ишонишди. Ғазабдан кўкариб кетган полковникнинг жамоатни ўйлаб уларнинг бўйнига қўймоқчи бўлган айбларига ҳеч ким ишонмади ёки у ҳеч кимни ишонтиролмади, аксинча, юз берган ҳодисани ўз кўзи билан кўрган гувоҳлар – Рамунчо билан Пибе Лондоньоларнинг кўрсатмаларини инобатга олишди. Гувоҳларнинг айтишлари бўйича, мотоциклчилар (биз уларни ўз кўзимиз билан кўрдик), шаллаки қора танлилар (уларнинг турқи курсин) Кантри ва Ла-Кастельян майсазориди қон тўкишди, сабаби жиддий, ўзларининг асрлардан бери давом этиб келаётган ирқий ва синфий аламлари учун ўч олишган.

Айтишларига қараганда, ярим тунга бориб кўлами бўйича жанг даражасига қадар кенгайган бу отишма куёш заволга юз тутган маҳал оддий бемаънилиқ, эрмакдан бошланган. Олти нафар корсар аввалига уймау-уй юриб, хонадонларда сақланаётган қуролларни мусодара қилишган. Қайтиб келишгач, уларнинг ҳисоб-китоби бўйича: бири ўша атрофдаги “тир”да тунукадан ясалган йўлбарсларгагина отишга ярайдиган, иккинчиси Уильям билан Эсекьелнинг аждодларига тегишли иккита ов милтиғи бор экан; учинчи милтиқни Пибе Лондоньо ўзининг катта акаси – заминдорнинг ертўласидан топиб келтирди; Рамунчо бир замонлар буваси Канделярияда фуқаролик бўйича бошқарувчи бўлиб юрган пайтларда белбоғининг зийнати бўлган қувури бир қаричча келадиган ялтироқ тўппончани қовлаштириб топди; Викторино отасининг қўлқоп чиқарувчи фабрикасидан ижарага янги “Мерседес-бенц” браунинг олди. Турк Хулианга келсак (ўша пайтлари бу муттаҳам ҳали улар билан бирга юрарди), у куён билан ёввойи каптардан бошқа ҳар қандай илвасин кўрса мириқиб куладиган сочма милтиқ топишга эришди, холос. Энди

орадан тўрт йил ўтгач, ўша сочма милтиқ тасодифан келиб қолганмиди ёки ҳаммаларига ташланиб безор қилиб юборган опа-сингилларнинг фокстеръери қуролли ҳужум қилишларига сабаб бўлганмиди, Викторино ҳозир яхши эслолмайди, лекин битта нарсани унутмайдики, можаро майда паррандаларни отишдан бошланганди. Кучукчани Шадоу¹ деб аташарди; йўғонлигидан ўзининг наслига хос бўлган характерли белгилардан маҳрум эди у, бироқ уни дунёга келтирган фокстеръерга хос гердайиш ва ўзини бошқа зотларни менсимагандек тутиши сингари одатлари сақланиб қолганди.

Тўғриси айтганда, ҳамма бало шундай эдики, улфатдагиларнинг бари опа-сингилларни севарди (ким кўпроқ, ким озроқ): бир хиллари қизларнинг каттасига – қиррабурун, тим қора сочлисига; бошқалари оқ-сарикдан келган, ясмин гулидек оппоқ билакли кичкинасига кўнгил кўйишганди. Иккинчи ҳақиқат, янаям очикроғи, шундан иборат эдики, бу икки нафар нозанин – Альтамир кўчасида истиқомат қилувчи кибру ҳавоси баланд қизлар шоввоз йигитларнинг биронтасига қайрилиб қарамасди. Каттаси сэр Лоуренс Оливье деса ўлиб қолар, нуқул унинг одамнинг бош чаноғини кўтариб олганча ҳозирга қадар, тўрт юз йилдан буён одамларни қалтис ва шубҳали хаёлларга ошно қилишини кўймаётган мотам монологини ўқиётган сувратига қараб оҳ тортишдан ортмас, сингисининг эса фикру хаёли фортепьянода бўлиб, эхтиросли бир муҳаббат билан севган бу чолғу асбобидан бир дақиқа ажралгиси келмас, ўтюрак болаларнинг муносабати ҳақида заррача ўйлаш тугул, хаёлига ҳам келтирмас, зеро, мижғов, боши-кети йўқ оҳанглар ва тинимсиз машқлардан уни дунёда ҳеч нарса ажратиб ололмасди. Бироқ кучукчаси Шадоуни эркалаш, қўлдан овқат бериб соатлаб ўтиришга эса (бу тахлит тафовутдан ҳар якшанба куни уларнинг фиғони фалакка кўтариларди) вақт топарди: момикқинам, Шадик, эркатойим менинг. Опа-сингиллар кучукчанинг учбурчак кулоқчаларини бармоқлари орасига олиб, ҳамирдек эзгилашар, бундан Шадоу роҳатлангандай кўзларини юмиб оларди, қизлар бу азамат йигитчаларнинг севгисини кучукчанинг кўзларидаги доғчалик кўришмасди. Шадоу эса опа-сингилларни скотланд-ярдлик зийрак ва топқир изкуварга ўхшаб узоқдан туриб кўриқларди, яъни калта думини антеннага монанд кўтарса, хавф яқинлашганидан дарак берарди. Фокстеръерни йўқ қилиш Турк Хулианга топширилган эди; бу унинг сочма милтиғи устидан масҳара қилиб кулмоқчи бўлишгани учун эмас, балки, Викторино худди кечагидек эслайди, бундай вазифа Туркка топширилганининг сабаби у Рамиресларнинг каттасига ҳаддан зиёд эхтиром билан қарар, кўпинча буюк бир сабр-тоқат билан соатлаб уларнинг гир айлана панжара билан ихоталанган боғи атрофида айланиб юрар, тақдирнинг ўйинини қаранг, худди ана шу пайтда кўрнамак қиз шеърий тўпламни кўлидан кўймай (ёки пазандалар китобини) акация соясида ўқиб ўтирар ва дунёда Турк Хулиан деган йигитнинг бор-йўқлиги мутлақо хаёлига ҳам келмасди. Опа-сингиллар тез-тез кино ва концертга бориб туришарди, бошқача айтганда, демак, Хулиан ўзининг сурияликларга хос айёрлиги ва ливанликлар сингари сабр-тоқатли эканидан зиғирча фойдаланмади. Аждодларидан мерос бўлиб келган бу фазилатни ҳар кимга ишонавермайдиган эҳтиёткор Шадоуни ўзига ўргатиб

¹ Луғавий маъноси – кўланка, соя (ингл.).

олиш учун ишга солди – назарида, омад кулиб бокди унга – ва кучукчанинг ишончини қозонди-ю, охири уни алдаб-сулдаб сайхонликка олиб борди-да, сочма милтиғидан фойдаланиб отиб ташлади. Биринчи ўқ кўппакнинг ов итларига ярашмайдиган катта қорнига тегди, кейингиси эса унинг терисини илма-тешик қилиб юборди. Оғир яраланган Шадоу чайқала-чайқала базўр кошин қопланган девор ёнига борди-да, бу нота-ниш ва кутилмаган тажовузкорга лаънат ўқигандек чўзиб-чўзиб ангиллади, сўнгги ўқ чап кўзига келиб, худди доғ бўлиб кўринган ерига тегди; Шадоу бир халта жун ва сўнгакдан фарқи қолмай ер тишлаб ётди. Опа-сингил Рамиреслар киногами, концерт томоша қилганими кетишган, ҳовлининг узоқ қунжагидаги ошхонада хизматкорлар ивирсиб юришарди; Шадоунинг ўзи яшаётган уй остонасида бунақа аҳволда ўлиб кетганини эгаси тугул, биронта тирик жон сезмади, ачиниб тепасида кўз ёши тўкувчи кимса ҳам топилмади.

Доктор Фортикнинг доberman-пинчерлари билан бўлиб ўтган жанг бутунлай ўзгача, жангари фильмларда ҳам учрамайдиган вазиятда рўй берди. Бу итлар бир-биридан заррача фарқ қилмас, учови бир-бирига шунақаям ўхшар эдики, уларга лақаб, исм қўйишни биров хаёлига келтирмаган эди. Аҳил ва тийрак итлар доктор Фортикнинг кўшки олдида тик этган товушни сезса борми, ўша заҳоти буталар орасидан учиб чиқишарди. Агар жонли кўзларининг ўйноқлаб туриши бўлмаса, буларни обсидиан ёки базальтдан ясалган деб ўйлаш мумкин эди. Ўша куни кечаси яхшилаб ўргатилган итлар хавф-хатарни сезиб дунёни бошига кўтаргудек акиллашга тушишди; улар ўзлари топган куролларини ўқлаб дарахтзорда пойлаб ўтирган Уильям, Эсекьель ва Пибе Лондоньолар тарафга елиб қолишди. Уларнинг сезгиси алдамаган, даҳшатли зулмат оғушида учта итнинг калласи, олтита қулоғи, олти нафар бодом кўзларини ҳалокат кутаётганидан огоҳ этганди. Уильямнинг милтиғидан отилган биринчи ўқ энг олдинда шамолдек елиб келаётган итнинг темирдек кўксига тегди. Қолган иккитаси бундан хулоса чиқариб заррача хавотирга тушмади, кўркмасдан елиб келаверишди – ҳақиқий доberman жангда ҳеч қачон орқага чекинмайди, шунда Эсекьель тепкини босди. Унинг отган ўқи хато кетди. Бу ваҳшиёна итларнинг етиб келишига беш қадамча қолганда Пибе Лондоньо таҳсинга сазовор мўлжал билан итлардан бирининг бошини парча-парча қилиб ташлади. Ана шундагина ҳовлидаги уйларнинг чироғи кетма-кет ёнди. Учинчи доberman болаларга чунонам яқин келиб қолганидан битта сакраб, кўпик қоплаган ўткир сўйлоқ тишини Уильямнинг кўксига ботирарди, лекин Рамунчонинг эски револьвери бу вазиятга сўнгги нуқтани қўйди – у отган ўқ товушидан теварак-атроф ларзага келди. Баҳайбат ит оғзидан сўлакларини сачратганича ёронгуллар узра думалаб кетди ва товуши ўчди. *Менга тўппончамни ишлатишимга ҳожат қолмади, Мальвина, чунки навбат келмади; чунки ёмғир остида қисқагина давом этган жанг тафсилотларини бир дақиқа ҳам кўздан қочирини истамас эдим.* Ёмғир севалаб ёға бошлади. Учта локланган пўлатдек доberman абгорлигидан қора-кўкиш, ўлганлигидан кўкиш-қора аҳволда курбонликка сўйилган буқалардек жикқа хўл ўт узра чўзилиб ётарди.

Энди Викторинога полковник Арельанонинг немис овчаркаси билан жангга чиқиш қолди. Унинг гарданидаги тим қора жуни бир текисда

очариб бориб биқинига етганда сарғиш рангга кирган, думи эгри қилич сингари ергача тушиб турар, чойшабдай тили сўйлоқ тишлари орасидан чиқиб соат кафтгири янглиғ тебранар, бу итнинг номи ўзига ўхшаш ва ўзича жарангдор – Кайзер эди. Ит ўз эгасининг буйруқларига тақдирдан мамнун қуллардек итоат этар, полковник эса Кайзерни кифтини келтириб мақтагани мақтаган эди. Қўл остимда хизмат қилган солдатлардан биронтаси Кайзерчалик тартиб-интизомга риоя қилмаган, дерди полковник, ҳайратланарли ери шундаки, мана шу итоаткор ит, полковникнинг ёш болалари пони сингари устига чиқиб ўйнашса ёки дўмбоқ кўлчалари билан нон, суяк берсалар-да ёлғондан бир марта бўлсин ириллаб тишини кўрсатмайдиган Кайзер, пўртахол буталари остида шитир этган товушни сезиб қолса, бир зумда кўзларида ўт ёнаётган дахшатли церберга айланарди-қоларди. Викторино панжара ортидан ёғоч ўқталиб итнинг жиғига тега бошлади. Викторино қоронғида итнинг пайдор, баҳайбат гавдасини, сакрашга чоғланиб ерга тираб турган орқа оёқларининг букилишини, бўриникига ўхшаб қулоқлари тикка кўтарилиши, ириллаши, ўткир сўйлоқ тишларининг ялтираши – ахир, у бўри наслдан бўлса – кўз олдига келтирди. Викторино унинг ваҳшиёна бўқириши, кум тўшалган йўлкадан тобора шарпасиз яқинлашиб келаётгани, ўзи браунинг ўқталиб тайёр турган панжаранинг нариги – ички томонидан шундоққина ёнига келиб олганини сезиб улгурди. Викторино чинакам шер овловчи каби итнинг дўнг пешонасини мўлжаллаб тепкини босди, ўқнинг алангаси чақмоқ чақинига кўшилиб кетди. Викторино зафар кучди, Викторино югуриб келиб, тўхтамасдан мотоциклга тирмашди, эгарга ўтираётиб, моторни ўт олдирди. Унинг беш нафар улфати мотоциклларини тариллатиб пальмалар ва саманлар экилган хиёбон орасидан олға елиб боришарди. Полковникнинг хавотирли овози келди. “Кайзер!” деб чақирди у. Дастлаб Кайзерни кўриб, дарвоза олдидаги фонус осилган симёғоч остида зийраккина ухлаб ётибди, дея ўйлади. “Кайзер!” У фақатгина итнинг тепасига бориб, қўлидаги фонарни ёқиб, унинг арслонникидек келадиган каттакон калласидан жилдираб оқаётган ва чим устида қуюлиб қотиб қолаётган қонни кўргандагина фожиа юз берганини тушунди.

Бунақаси бўлмаганди ҳали:

улар бўёқлари кўчиб тушган эски машинада энг ашаддий, бутун Каракасда отнинг қашқасидек машҳур баччалардан учтасини айлантириб келиш учун таклиф этишганда ҳам, бу ярамас ҳаромилар Симон Боливар аркини булғаб, уст-бошларини ечиб ташлашганда ҳам. Ярим кеча эди, уларни Валье Арриба клубига олиб боришди, ёмғир остида орқаларига ва сузма халтага ўхшаб осилиб турган қоринларига бўёқ суркаб ташлаб кетишганда ҳам;

доктор Эченагусия жамиятнинг юқори табақасига мансуб жиноятчилар йиғилиб бриж ўйнаётганда ҳамманинг олдида уларни ёмонотликка чиқаргани майли, лекин жирканиб, нодонлар, учига чиққан ваҳшийлар, дегани учун қилмишига яраша яп-янги “Роллс-ройс”ини кўлга ташлаб юборишганида (эртасига уни сувнинг остидан кўтариб олиш учун портадаги кранни келтиришганиди) ҳам;

Кантрини ичимлик суви билан таъминлаб берадиган сув омборига азбаройи ўн икки банка қизил бўёқ тўқишганда, ўшанда барча данғиллама

уйлардаги водопровод кранларидан қондек қизил сув оқиб тушиб, улар эса сувни экстремистлар захарлашган, дея миш-миш тарқатишганда ва бир неча кун мобайнида ҳеч ким бу сувдан ичишга, ювинишга ва ҳожатхонада ишлатишга юраги дов бермаганда ҳам;

жуҳуд зодагонларнинг тантанали зиёфатига бостириб кириб, қадимий урф-одатга кўра тайёрланган таомни табарруклуб бериш учун синагогадан бир талай раввинлар ташриф буюришганда дастурхоннинг бир учидан ушлаб кўчага қараб югуриб қолишганда, самараликларнинг қадимий кўзалари, оширилган хамирдан тайёрланган нон, ёғда қовурилган тухумлар, товук бўйинлари, ёнғоқли торт – шуларнинг бари-бари Иезакиил ва Иеремиянинг дуоларига аралашиб ер билан битта бўлганда ҳам;

Бехаранодаги такводор одамнинг уйда базму жамшид ташкил этишганда ҳам, ўшанда ота-онаси болалари билан бирга Юнонистондаги антик маданият ёдгорликларини зиёрат қилиб келгани кетишганди, уйда ёлғиз португалиялик дарбон чол назорат остида қолганди. Улар 80 яшар мункиллаган қария ихчамгина жойлашиб яшаётган уйни устидан кулфлаб, ертўладан яшиқ-яшиқ шампань виноси олиб чиқишган, Мона Лиза иккита дугонаси билан “Юҳаннони қўмсаб” деган мусиқа садолари остида ўйнашган. Эрталаб эса форс гиламларини ахлат билан безаб-бежаб қочиб кетишганда ҳам;

ёки “Альтамир” кинотеатрида Фрэнк Синатра “Тунги дарвешлар” ёки бошқа бир кўшиқни айтаётганда улар концерт бошланишидан олдинроқ балконни эгаллаб олишган ва қийқириб сигнал бергач, Эсекьель билан Пибе Лондоньо партерда ўтирганлар устига қоқолаётган товукларни ирғитиб, қўланса ювиндини қуйиб юборишган эди. Зилзила, ер силкиняпти, қочинлар, ташқарига қочинлар, – дея Рамунчо овози борича хайқирган, Викторино эса ўт ўчириш баллонини олиб, жоннинг роҳати, деб ўша ювинди билан ваҳима аралаш югураётган одамларнинг боши узра куйганда ҳам;

Америка коллежида таҳсил оладиган икки нафар ўқувчи қизни Эл-Хункито истироҳат боғининг хилват кунжагига олиб бориб, ҳар қандай забардаст одамни йиқитадиган кучли ром билан текила аралашган коктейль ичишга мажбур қилиб, кейин маст ҳолда икковини шармандаи шармисор қилиб катта кўчага ташлаб кетишганда ҳам;

бошида Уильямнинг севгилиси бўлиб уларнинг ёнида юрган, пировардида, ҳеч бир сабабсиз художўй бўлиб кетган Далила Монтекатини деган қиздан ўч олишганида ҳам – чунки Далила Монтекатини танишбилишларига уларнинг орқасидан шунақа даҳшатли гапларни тарқатиб юрганки, унинг адабини бериб қўймаса бўлмайди, деган фикрга келишганди. Художўй қиз улар безори, қаерга боришса, ишқал чиқаришади, туғилган кунларга уларни таклиф қилманглар, деган. Ана шундан кейин, бир куни “Фольксваген”идан тушириб, ўша пайт телевидениеда кўрсатилаётган сериал воқеаларига монанд ташландиқ бир уйга олиб кириб, ҳаммаёғингни тишлаб ташлаймиз деб, шайтонвачча Рамунчо эса инквизиторларга ўхшаб тумшуғи остида боғбоннинг қайчисини шарақа-шуруқ очиб-ёпиб ўтақасини ёрганди: “Тиз чўкиб кечирим сўра! Оёқларимизни ўпиб тавалло қил! Уильямдан ҳам кечирим сўра!” Бечора Далила Монтекатини жонини азобга қўймай улардан кечирим сўраганди.

– Алло, алло, Хиомара, ўзингмисан, сира ичимга сиғмаяпти, сиғдиролмаёпман, ўлсин, кеча Лондоньо ўн бир ёшга кирди, ўшаларникида эдим, қара, кечагина синфда мишиғини оқизиб ўтирган бола бугун капкатта йигит бўлиб меҳмон кутаяпти, кийими башанг, қиз боладек юзлари қип-қизил – ҳали шоирлар ёзади-ю лолагун, деб, худди ўшанақа. Шошмай тур, шунақа стол ясатишган, одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор, бир чеккадан гапирсам, кун кеч бўлади, зерикмасдинг, бир дақиқа, саҳбо ичишгани-чи қизларнинг, вой-бў, бу ансамбллар, ҳовузга тушиб вальс чалишгани-чи, бунақасини кўрмагансан, дастурхонда, ҳозиргина айтдим, ўли-иб қоласан, нималар йўк, ҳаммасини санаб беролмайман, асосийларини айтмай, жилла қурса, бўлмаса, ичимга сиғмаяпман. Хуллас, яхна курка гўшти, ундан кейин қип-қизил қилиб қовурилган бутун-бутун курка қўйилган столнинг тўрт чеккасига, кейин, каттакон чўчка калласи, яна куйдирилган, ишшайиб ётибди, тунука лаганда, сўнг ростбиф, менинг жонудилим, жуда тотли, пиширган одамнинг қўли ширин экан, раҳмат; шампиньондан тайёрланган қайла, майонез қўшилган қизил балиқ, чўчка тўши, хил-хил салатлар, парранда жигари, тўхта, лангуста эсимдан чиқай дебди, оқ қайла билан... вой-бў! Хуллас, майли, ракс, куй-кўшиқлар авжигга чиққан маҳал, Хиомара, кулоқ сол, яхши эшитяпсанми ўзи, ҳа, хўп-хўп, уларнинг ҳовлисидаги ҳавза бору, ичида кўк, сарик, қизил лампочкалар ўрнатилган, бирдан порлаб ёнса дегин, бунинг устига гир айланиб ўраб турган қизил ва кўк рангли чироқлар барабар ёниб шунақа чиройли, рангдор бир манзара юзага келдики, асти қўяверасан, Хорун ар-Рашиднинг саройида бўлмаган бунақа ранглар жилоси, ҳовузда худди Япониядагига ўхшаб оппоқ нилуфар қалқиб-қалқиб сузади... Эҳ-ҳе. Контильон ракси тугартугамас, қанақадир, бир бемаза куй янгради, худди тоғдан майда-майда тошлар ёппасига тўкилиб тушаётгандек бир куй тинғирлаб турди-да, бирдан кулоқни қоматга келтиргудек Венесуэла миллий созлари нечта бўлса жўр овозда янграб қолса-чи, қиёмат қойим бўлиб кетди, кимга керак экан бунақа шовқин-суронли куй, меҳмонлар кулоқларини беркитиб олди, бу ҳам майли, Хиомара, бунақасини етти ухлаб тушингда ҳам кўрмайсан, кўролмайсан, биласанми, нима, нима деётгандим, хуллас, ҳа, хуллас, тепалиқдан кум тўшалган пастга қараб яримяланғоч бир аёл чопқиллаганча тушиб келяпти, яримяланғоч, ички кийими ҳам йўк, ёлғиз қизил хошияли қора панталонда, вой ўлмасам, эсинг оғиб қолади. У Мона Лиза деган аёл экан, эшитмаганмисан уни, менга кейин Тита айтиб берди кимлигини, ҳамма буни кўриб ханг-манг қотиб қолди. Ҳовуз ёнига келгач, Пибе Лондоньо фоҳишахонаси шу ердами, деса бўладими? Бу ҳам ҳолва. У бир ўзи эмасди. Унинг ортидан кимлар пайдо бўлди, биласанми? Битта трустикда Викторино Перальта, кейин анави инглиз бола бор-ку, Уильям, кейин анави жинни-санғи бору, Рамунчо – ҳаммаси калта иштонда. Уларни яхши биласан. Мен нима қилишимни билмай қолдим. Белигача яланғоч баданларида мушакларини ўйнатиб туришибди, бақувват, Геракл дейсан, лекин юз-кўзларига қарасанг – қароқчиларга ўхшашади, бу шайкани лаънатлаган одам барака топади. Бу тантанали кечани бузишди. Улар ўзларини аллаким, деб

билишади. Ҳаммаси ғирт каззоб, учига чиққан муттаҳамлар, мана ким. Бу ёғини эшит, уларни зиёфатга таклиф қилишмаган экан, шунинг учун ўч олиш мақсадида шу номаъқулчиликни ўйлаб топишган, шекилли, Хиомара. Кишини ғазаблантирадигани шуки, меҳмонларнинг биронтаси гапирмади, ғинг демасдан томоша қилиб туришдан нарига ўтишмади. Бир хиллар бундай қабоҳатга қизиксиниб қараб туришди, бошқалар кўрққанларидан лом-мим дейишолмади. Шунда ичкаридан доктор Лондоньо чиқиб келди. Уларни безорилар, қароқчилар деб сўка бошлади, йўқолларинг менинг уйимдан, деб хайдади, охири бу ифлосларга мушт ўқталиб ташланди. Вой, Хиомара-ей, нима бўлганини кўрганингда эди, ха майли, кўрма ҳам, куйма ҳам! Викторино Ненанинг отасини, доктор Лондоньони кўтариб ҳавзага қараб улоқтирса бўладими? Боёқиш доктор, ўғлининг туғилган кунини шундай чиройли ўтказаетганидан мамнун ота кийим-пийими билан нилуфарлар ва оққушлар орасига шалоп этиб тушди. Сувда бутун меҳмонлар кўз ўнгида худди пингвин ёки оқ айиқ сингари типирчилади. Нақадар аянчли, Хиомара, сен кулма, қараб туриб кўксингни бир алам куйдиргандек бўлади. Чина Гордиельс тўсатдан ўкраб йиғлаб юборса-чи, у жазавага тушиб дод сола бошлади, Рамунчо бору, эшшак, тўнғиз, уни елкасидан олиб бир силтаган эди, бечора, у ҳам шалоп этиб сувга тушди, кулмагин, куладиган жойи йўқ. Мен қотиб қолдим, бечора Чина нилуфарлар орасида ҳарир оқ кўйлақда худди Офелияга ўхшайди. Офелия кимлигини биласанми ўзи? Яна битта кекса одамни сувга улоқтиришди, биласанми у ким эди, йигирма саккизинчилар авлодига мансуб киши эди. Жаноб Вильсоннинг оғзига бус-бутун ананасни куч билан тикишдики, жағи ажралиб кетишига сал қолди, кейин меҳмон кутишаётган залга бостириб киришдида, қўлларига тушган нарсани полга ота бошлашди, вазалар, чинни тақсимчалар, стуллар, пардалар ер билан битта бўлди, энг олдинда Мона-Лиза, унинг ортида Викторино – ваҳший ҳайвондан фарқлари борми? Йўғ-а, Хиомара, содда бўлма, полициячилар аралашмай томошабин бўлиб туришди. Қизларнинг оталари эса, Викторинолар қочиб кетишгач, итдан тарқаганлар, ҳали бу қилмишларингиз учун жавоб берасиз, деганча ортларидан қичқириб қолишди. Қораси ўчиб кетгандан кейин хинани бошқа жойингга қўй, боя бақиринг керак эди уларга. Ҳали ҳеч нарса қилишмаслиги, қилолмасликлари аниқ, биласан, ўша итларнинг оталари билан бу қизларнинг оталари қалин дўст, уларнинг юзидан ўтиб шикоят қилишармиди? Ўйлайсанки, Архимиро Перальта Эредия билан дон Филиберто Усторис жанжалга борадими? Ҳеч қачон! Эсекьель Устарис ўша ерда, битта шикоят аризаси билан адлия факультетидан ҳайдаб юборишлари мумкин. Лекин отаси билан юзкўрмас бўлиб кетишмайди-ми? Мен улардан нафратланаман, кучим бор, деб кўнглига келганларини қилаверади, итваччалар, ҳаммаси шунақа, бир тийинга қиммат, бунчалар ори йўқ, худосизлар, лекин барибир, барибир жазосини олишади, унда кеч бўлади, бўпти, майли, бақалоқ, бошингни ҳам оғритиб юбордим, чао. Жуда сиқилиб ўтиргандим, юрагимни бўшатдим сенга, чао!

Нена Лондоньо туғилган куни шарафига уюштирилган байрам тантаналари шу тариқа тугади ва Викторино ҳамма дўстлари билан хайрлашди. Моно-Лиза кийиниб Рамунчонинг мотоциклида Кантри кўчаси бўйлаб жўнади. Викторино бир нимадан кўнгли тўлмаган одамдек,

тўғри уйига бормай “Мазерати”сида Панамерика шоҳкўчасидан юкорига, туманларни ортда қолдириб, Лос-Текесдан ҳам, Лос-Колорадосдан ҳам узокроққа, Гуайяс тарафга, одатда Арагуа дараларида ёлғиз кезиб юрадиган алвастилар макони – Гуайяс дараси томон йўл олди. Эҳтимол, уни алвастилар эмас-у, шунчаки тоғлар нидоси ўзига чорлаётгандир. “Мазерати” пастликка туша бошлайди, Викторино томдан тараша тушгандек радиони қўяди – ногаҳон темир кутичадан Берлин оркестри ижросида куй янграйди, ногаҳон ёғочдан ясалган кутичадан “Хаёлий симфония” садолари отилиб чиқади. Бунақа куй Викторинога нотаниш, бироқ скрипканинг ёлворувчи оҳанглари ўчириб қўйишга йўл қўймайди. Скрипкаларнинг овози тугагач, битта битта валторнанинг мунгли ноласи таралади. *Бас, бу тубанлик аро толиқдим кезиб*, дея кўнглидан ўтказди Викторино. Бу бахтиқаро мамлакатдан Викторино кетмаса бўлмайди, Мальвина, бу ҳали муртак ҳолига ҳам келмаган, ҳатто ҳали ҳосил бўлмаган алақдек, энди сиркалаб консерванланган сингари Ватанни тарк этиб кетмоғи шарт. У ўзи билан фақатгина сиз ҳақингиздаги хотираларни олиб кетади, холос, у Мальвина исмли уммонлар узра парвоз қилгувчи самолётда, Мальвинанинг таровати барқ уриб таралган денгизлардан ошиб ўтади, Мальвинанинг рангирўйи сингари порлаётган уммон остида учиб боради ва сокин кўрфаз соҳилида, ярим кечаси унинг кимлиги ва қаердан келганини ҳеч кимса билмайдиган, соат кафтгири кетма-кет ўн икки мартаба Мальвинанинг табаррук исмини айтиб занг урадиган заминга қўнади. Сиз мамлакат бўлиб шаклланмаган мана шу зиндонда тириклайин дафн этилганча қоласиз – сиз тонгги ибодатнинг ёрқин гуллари чирой очган гладиолуси, теннис майдонида барқ урган лилия, хушманзара ғовнинг ортидаги чиннигул, тўгарак шаклдаги идишда униб-ўсган гуллола, радиола ёнидаги якдона бўтакўз, *virgo potens, virgo clemens, virgo prudentissima*¹ токи турмушга чикқунингизча то ё отангиз ё амакингизнинг қирқ яшар улфати, ҳуқуқ докторими ёки инженер ёхуд биржа корчалонига эрга теккунингизга қадар шундай бўлиб қоласиз. Шу чоққача Каракас бунақа тўйнинг шоҳиди бўлмаган. Викторино бунақа телба-тескари, бачкана мамлакатдан жўнаб кетиши даркор, Мальвина. Черков мусиқа билан чароғон чироқлар оғушида, келин нақадар сулув, бамисли фаришта дейсиз; сиз кампирлар шивир-шивирию орган садолари аро қадам ташлайсиз, уни умр йўлдошим, дейишга розимисиз? Викторино бу янгиликни Копенгагенда, тасодифан ким қаердадир, элчихонада, эски газеталардан, декабрь сонидан эълон қилингани бўйича хабардор бўлади ва сизни ва сочларингизга тақилган атиргуллару мўътабар меҳмонларнинг сувратларини кўриб қолади. Викторино сеньорита Мальвина Перальта Ульоанинг кўкқисдан вафот этгани ҳақида ҳам хабардор бўлишни истаган бўларди. Нақадар оғир мусибат, нақадар оғир зарба, бунчалар ситамкор фалак! Бунга чидаш мумкин... лекин... Бу мамлакатдан у бош олиб кетмоғи керак, Мальвина. Мальвинаранг денгизлар оша, аллақандай кўримсиз портга етиб олса бўлгани, у ерда қора ишчи бўлиб ишлашни таклиф этишади, у матрослар ва саёқ хотинлар билан кучоқлашганча қипиқ ва чирмой ҳиди анқиган қовоқхоналарда жин ичади, уларга ўзи яхши кўриб қолган холаваччаси ҳақида гапириб бера-

¹ Ҳар нарсага қодир, гуноҳларни кечувчи, ҳар нарсани кўра билувчи, бокира (*лот.*).

ди, улар унинг ҳасрат тўла қиссаларини тинглаб қўрслик билан хохолаб кулишади, Викторино мис қопланган ялтироқ пештахтага жиндан бўшаган стаканини тарақлатиб уради. Бу ваҳимали мамлакатдан у жўнаб кетиши шарт, Мальвина, фақат сиз ҳақингиздаги ёрқин хотираларни ўзи билан олиб кетгани маъқул, Мальвина, скрипка товуши орасидан ёмғир остида ошиёнсиз қолган кабутарнинг зорланиши каби арфанинг гувиллаши сизиб чиқади. Караяннинг дирижёрлик таёқчаси ишорати ила вальс садолари кўкка ўрлайди ва унинг оҳанглирига монанд “Мазерати” тоғ сўқмоқлари бўйлаб оҳиста бурилиб боради. *Ҳамма, шулар қатори мен ҳам гўндан баттарман*, деб ўйлайди Викторино. Унинг телбалиги сиз туғилган кунингизни нишонлаётган куни ўзидан огоҳ этди, Мальвина. Викторино зиёфат давомида сабабини ўзи ҳам билмаган ҳолда, ёлғиз сиз билан рақс тушди. Унинг Люси деган таниши бор эди, сизлар рақс тушаётганда нажотсиз бўзлар, ич-ичидан хўрлиги келарди: холаваччалар ўзини бунақа тутиши яхшимас. Бир замонлар унинг мотоцикли орқасига мингашиб учишни яхши кўрардингиз, эсингиздами, у куракларига ботган свитер остидаги дўппайган сийналарингиз ҳароратини ҳис қиларди; бир замонлар сиз ҳавзада бирга чўмилар эдингиз, Викторино сув остидан билинтирмай сузиб келарди-да, вулқондек отилиб ёнингизда пайдо бўларди, эсингиздами; бир пайтлар ҳаммага ўхшаб уни Викторино эмас, Ҳиндулар Сардори деб атардингиз, нима учун Ҳиндулар Сардори дердингиз?! Лекин унинг телбаларча сизни жонидан ортиқ севиши ўша таваллуд топган айёмингиз нишонланган тантаналарда тўла намоён бўлган эди. Ўшанда Люси боғда пальмалар остида ўкраб-ўкраб йиғлаган, худодан ўзига ўлим тилаган эди. Викторино фақат сиз билан рақс тушган, атрофдагиларни тамомила унутиб, бағрига босиб, дунёда икковингиздан ўзга ҳеч ким йўқдек сизга термилар, кўзларингиз нури остида эриб, эриган сари шуълалар сочиб борарди. Холаваччалар бу даражада бир-бирини севиши ақл бовар қилмайдиган ҳодиса эди... Викторино бу шафқатсизлик ҳукм сурган бемехр ва заҳарланган, ҳамма бир-бирини ёмон кўрадиган, одамлари худди судхўр сингари бир-бирига ола қарайдиган диёрдан, кимки бир қадам қўйса нафрат ботқоғига ботадиган, нафрат чирмовуқгуллари, нафрат қамишзорлари ўсиб ётадиган заминдан тезроқ жўнаб кетмоғи лозим, Мальвина. У сиз билан рақс туша туриб ёноқларингиз, ёнар кўзларингиз ва нафис лабларингиздан ўпарди, атрофдагилар қараб туришганига тупурарди. Онажон столда сизлардан фаромуш нигоҳини узмай ўтирарди: ака-сингиллар бўлса! Онажон ранги оппоқ, эсанкираганча шампань шишалари ва шамдонлар ортида маъюсгина ўтирарди; Люси ғойиб бўлди. Викторино сизни илк бор “менинг мунисам, вафодорим”, деб атади, унинг ёниб, чўғ бўлиб турган юраги оёқларингиз остида бизбизак сингари чириллаб айланарди, у сизнинг жисмингиз бўлмаса яшай олмайди, Мальвина. Бу мамлакатдан қочиш керак, Мальвина, унинг юраги киприкларингиз соясида бетартиб равишда уради, нима қилиб бўлса ҳам бу мамлакатда, бу бахтиқаро ўлкада қолмаслиги лозим. Бу мамлакатдан, бу гўзал, шабнамдан исирға такқан майсазорлардан, одамзодга итоат этишга шай жарликлар, тик қояларга эътибор қилмай қочмаса бўлмайди. *Ҳамма таслим бўлади, мен эса йўқ*, деб ўйлайди Викторино, сиз ҳам, сизнинг қоматингизни кўз-кўз қилаётган

белгилар ҳам шундай деса керак, Мальвина. Викторино бу мамлакатдан бир умрга кетиб, сиз ҳақингиздаги хотиралар билан яшашни истайди. Агар Викторино сиз билан бу мамлакатда қолса, агар ўзининг ҳеч ким, ҳеч нарса даҳл қилмайдиган эркинлигидан воз кечса, агар бошқалар сингари яшашга йўл қўймайдиган ҳаёт тарзига чек қўйса; агар у аллақандай лайча ёки қулоқлари узун ва сержун спаниелга ўхшаб сизнинг паноҳингизда, сояи давлатингиз остида тинчгина яшашга рози бўлиб тинчгина яшашга кўнса, Викторинонинг отаси ёш келин-куёвга тўрт тарафидан қулф уриб ўсган ям-яшил дов-дарахтлар, буталар ўраб олган кўшк совға қилар, Мальвина, сизнинг отангиз эса National City Банкда номингизга ҳисоб очиб, мўмайгина пул ўтказиб қўйган бўларди. Дон Викторино Перальта асл отларни етказиб беради, дон Викторино Перальта зотдор бузоқлар билан, сертухум оқ товуклар билан таъминловчи – бу унинг ўзи, унинг соҳибжамол умр йўлдоши – Мальвина Перальта де Перальта ёш қора саман отда юрадиган хоним эса – бу сиз. Нақадар қашшоқ бахт, нақадар нотавон саодат! Викторино бу юртдан бош олиб кетиши зарур, сизнинг хаёлларингиз билан дунё бўйлаб саёҳат қилгани яхши, аллақандай Роттердам деган шаҳарда битта-яримтасига пичоқ уришни афзал, деб билади. У, ахир, кимсан, ғамгин тўполончи бўлса, Мальвина, ёшлик ғам-андуҳ чекишни яхши кўради, у сизни фақат машинасининг мотори туфайли халос бўлиши мумкин бўлган хазин танҳолик бағридан туриб чорлайди, сиз унга жавоб бермайсиз. Унга олисларда осмонни қоплаган қора булутлар жавоб қайтаради. У яна қайта-қайта чақиради Сизни, чунки сизнинг мармар баданингиз керак унга, Мальвина, бироқ унга олисларда ноғора янглиғ янграган момақалдироқ жавоб қайтаради, у сизни чақиради, сизни пойдевори омонат бўлиб қолган минорасидан туриб чорлайди, Мальвина, бироқ ҳозир ҳаттоки қорамтир булутлар ҳам унга жавоб қайтармай қўйди. Викторино бу сукунат бағридан қочмоғи керак. Викторино газни босади, “Мазерати” бир силтаниб олдинга қанот чиқариб учади. Ўзига жалб этган скрипка камончасидан чиқаётган “Қатл маросими” куйи остида “Мазерати” ҳавони кесиб учади, унинг ёнбошдаги ойнасига икки дона сарғиш капалаклар урилиб нобуд бўлади. “Мазерати” – тоғ йўлларидан пастга ўқдек отилиб тушаётган ҳайқириқ тимсолига айланади. *Мен, ахир, улфатларимиз ичида энг диловари ва абжюри эмасмидим*, дея ўйлайди Викторино. Ҳа, дарҳақиқат, Мальвина, Викторино Перальта ўзидаги фалсафа бакалаври донолигини гулхан ёқиб куйдирган, Викторино Перальта онасининг эркатойи бўлган болаларнинг итоаткорлигидан ижирғанарди, Викторино Перальта инқилобий кайфиятдаги ёшларнинг фаолияти ҳақида эшитгиси ҳам келмасди, Викторино нимжон, серзавқ шоирларни хуш кўрмас, уларнинг илҳомбахш шеърларига тупурарди, Викторино Перальта учун мукамал нарсанинг ўзи йўқ эди, бу билан у фахрланарди, лекин унинг кўкрак мушаклари ривожланган ва бакувват, Мальвина, билаклари темирдек, жағи мустаҳкам, юрагида дови бор, керак бўлса осмондаги ойни олиб бера олади, Мальвина, машинани қалтис бурилишда шунақаям тез, бенуқсон ҳайдадики, спидометр юз, юз ўнни кўрсатади. “Бьюик”ни кувиб ўтаётганда спидометр юз ўнни кўрсатаётган бўлса, эски, оч сариқ “Дож”ни ортда қолдирганда бир юз йигирмани кўрсатарди, Викторино жуда аниқ-пухта ҳайдайди, юк машинаси ёни-

дан ғувиллаб ўтиб кетаётганда ҳайдовчи ортида сўкиниб қолади. *Мен ҳар қандай одамни руль чамбарагига ўхшаб айлантириб ташлайман*, деб ўйлайди Викторино, соатига бир юз қирқ километда юришга ҳаққи бор, Мальвина. Тоғ йўлларида соатига юз эллик километрда пастликка тушиб кетиш унга чўт эмас, ўрганиб кетган, Викторино қачон бўлмасин бу мамлакатдан қочиб кетади, Мальвина, кутилмаганда ёмғир томчилай бошлади, майсалар ва катта асфальт кўчалар ёмғирда ялтирайди, Викторино олисларда шамол учуриб кетаётган қора булутларни кувиб етмоқчидек тезликни камайтирмайди. Сел куйиш эҳтимоли тобора кучайган сари “Мазерати” гижинглаган тойчоқдек олдинга интилади. “Фаррошлар” машинанинг олд ойнасидаги томчилар ясаган тўрни артишга улгурмай қолади. Берлин филармониясининг оркестри зил чалишга ўтади, унинг товушига монанд чакмоқ қақиб машина кабинасини ёритиб юборади, Викторино тезликни камайтириш ниятида эмас, шекилли. У жуда яхши биладики, бунақа йўлларда тормоз бериш мумкин эмас, бунақа ҳавода ёки машинани бир томонга тортиб кетганида тўхтатишга уриниш хавфли. Бунинг устига ўнг томонида жарлик. Асфаласофилинга кетиши мумкин. Жала қуйиб юборди, ана шу лаҳза муюлишдан одамлар ва товуклар, болалар ва қўшиқлар билан тўла сиёҳранг автобус отилиб чиқди-ю, Викторино жон-жаҳди билан руль чамбарагини буриб юборди, “Мазерати” жуда катта тезликда жарликка сакради, йўқ, Викторино эмас, у сакрагани йўқ: *Мальвина, менинг вафодорим, оҳ, таги паст, ифлос, Онажон...* деб ўйлайди Викторино. Серрайиб қотиб қолган сиёҳранг автобуснинг йўловчилари темирнинг қаттик урилганини эшитишга улгуришди, холос. Карахт болалар болғанинг қоятошга урилганини эшитишади, тошларга урилган тромбоннинг овозини, сўнг охири шовқинли, шовуллаган ва шафқатсиз яқунни бошқа овозлардан ажрата олишди.

Бироқ симфония бу билан тугамайди, Мальвина. Аполлоннинг фарзанди, Орфейнинг амрига биноан ёки авлиё Цецилиянинг, эр-хотин Валерианларнинг менсимаслигига қарамай Берлин филармонияси ижро этаётган куй тубсиз жарлик қаъридан эшитиларди. Ҳамон жала куяр, шунчалик шовқин солиб ёғар эдики, сув қайнаптими ёки алвастилар ўсмир жасади узра базм қилишяптими, билиб бўлмасди...





138

JAHON ADABIYOTI 2016/8

Ўтқир ҲОШИМОВ
(1941–2013)

ЎТКИР ТАРЖИМОН

Ҳар қандай жамиятнинг эзгу ғояси, муайян тараққиёт йўли бўлганидек, ҳар бир инсоннинг ўз ҳаётидан излаган мазмуни бўлади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов асарлари эса инсон ҳаётининг мазмуни нимадан иборат, деган саволга жавоб қидириш эди.

Халқ ҳаёти ва қалбини мукамал билиш, қаҳрамонлар характери-ни ёрқин тасвирлаш, ҳар нарсани халқ ичидан олиб халққа қайтариш, тасвир, услуб, тилдаги ўзига хос жозиба, самимийлик, раволик каби хусусиятлар Ўткир Ҳошимов ижодининг етакчи белгилари сифатида эътироф этилади.

Ёзувчи чин маънода халқ ёзувчиси эди, у нимаики қидирса, халқ ичидан қидирар, нимаики ёзган бўлса, ҳамма-ҳаммасини халқ қалбидан топганди. Ёзувчининг машҳур бўлиши, асарлари эл ичида қўлма-қўл бўлишининг асосий омилларидан бири ҳам шу, албатта.

1941 йил 5 августда Тошкент шаҳри Дўмбиробод даҳасида туғилган адибнинг юрагида адабиётга меҳр анча эрта уйғонди. У дастлабки шеърини 5-синфда ўқиб юрганида ёзган эди. У 1964 йилда ТошДУ-нинг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тугаллаб, дастлаб “Тошкент оқшоми” газетасида фаолиятини бошлади. 1966 йили адибнинг ижод қозонида қайнаш, устозлар ва тажрибали муҳаррирлар қўлида ижодкор сифатида камолга етиш палласи бошланди. Шу кезлар у миллий ва жаҳон адабиёти намуналарини тинмай мутолаа қилди, улар тажрибасини ўрганди, жаҳон насридаги ижодий-услубий янгиликлар билан танишди. Адиб 1966 йилдан 1982 йилгача “Тошкент оқшоми” газетасининг адабиёт бўлими бошлиғи, 1982–1985 йилларда Гафур Ғулوم номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари, 1985–1995 йилларда “Шарқ юлдузи” журна-ли бош муҳаррири вазифасида ишлади. 1995 йилдан 2005 йилгача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Матбуот ва ахборот кўмитасини бошқарди. 2005 йилдан 2013 йилгача “Театр” журналида бош муҳаррир сифатида фаолият юритди.

Ўткир Ҳошимов ижоди публицистикадан бошланган бўлиб, биринчи китоби 1962 йилда “Пўлат чавандоз” номи билан босилиб чиққан. Унинг илк ҳикояси эса 1963 йили “Тўрт мактуб” номи билан чоп этилган. Кейинчалик мазкур ҳикоя асосида “Чўл ҳавоси” (1963) қиссаси яратилган. Шундан сўнг унинг “Одамлар нима деркин”, “Шамол эсаверади” қиссалари майдонга келди. Айниқса, адибнинг “Баҳор қайтмайди” (1970), “Қалбингга қулоқ сол” (1973) каби қиссалари ёзув-чига шухрат келтирди.

Адибнинг қаламидан нимадир чиқса, у ўша захотиёқ эл орасида тарқалар, миллион-миллион ўзбек халқининг маънавий дастурхонига тортиқ этиларди. “Ўзим ишонган, ягона ҳақиқат деб билган нарсани ёзишга ҳаракат қилдим. Ўқувчи анойи эмас, жиндай ёлғонни дарҳол сезади. Китобхон назаридан қолиш эса оғир фожа”, (“Саккизинчи мўъжиза”, 21-бет), деган эди адиб. Мана шу масъулият уни халқ ичида азиз қилди, номини шарафга буркади.

Алимардон Тўраев, Ҳасан дума, Мунаввар, Музаффар, Комиссар, Шерзод, Рустам, Далавой налогчи, Умар закунчи, Комиссар каби ўнлаб

кахрамонлари тақдири акс этган машхур роман ва қиссалар, қатор публицистик мақолалар, ўзбекнинг мунис ва меҳрибон онаси сиймоси гавдалантирилган “Дунёнинг ишлари” қиссаси ҳамда бошқа асарлари билан ҳисоблаганда, ёзувчининг китоблари икки миллиондан ортиқ нусхада чоп этилди. Ўқувчи бу асарларни нима учун орзиқиб кутди, суйиб мутолаа қилди, бир-бирига илинди, бир-биридан қизғанди, бир-бирига совға қилди? Сабаби – қоғозга ростини айтиш, қаламга хиёнат қилмаслик, маслак, эътиқод ва виждоннинг йўриғидан чиқмаслик... Унинг асарларида китобхоннинг қалби, сирлари, изтироблари ва муҳаббати яширинганди. Ёзувчи четдан туриб, улар қалбига кўзгу тутган, бу кўзгуда нимаики кўринса, ҳамма-ҳаммасини рўйи-рост тасвирлаганди. “Баҳор қайтмайди”, “Қалбингга кулоқ сол”, “Нур борки, соя бор”, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар”, “Икки қарра икки беш”, “Дунёнинг ишлари”, “Муҳаббат”, “Деҳқоннинг бир куни”, “Урушнинг сўнги қурбони”, “Дафтар хошиясидаги битиклар” каби роман, қисса, ҳикоя ва қатралар, “Инсон садоқати”, “Виждон дориси”, “Тўйлар муборак”, “Баланд дорга осилма”, “Қатағон” каби қатор драматик асарлар фикримиз далилидир.

“Ўқинг ва ўрганинг. Жиддий китобларни ўқинг. Қолганини ҳаётнинг ўзи беради”, дейди атоқли рус ёзувчиси Ф.М.Достоевский. Ўткир Ҳошимов жиддий китоблар ичида тарбияланди, жиддий устозлардан сабоқ олди. У 22 ёшлигидаёқ устоз адиб Абдулла Қаҳҳор назарига тушди, Саид Аҳмаднинг шогирди, Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидовларнинг ижодий маслақдоши, Умарали Норматов, Иброҳим Гафуров, Абдуғафур Расуловларнинг дўстига айланди. Ўзбек ва жаҳон адабиёти билимдони, таниқли олима Муҳаббат Шарафиддинова унинг ижодини дунё адабиёти контекстида ўрганиб, Н.В.Гогол, У.Фолкнер, В.Распутинлар ижодига ҳамоҳанглигини исботлади.

Ўткир Ҳошимов ижодининг эътирофга лойиқ йўналишларидан бири, бу – бадиий таржимадир. Мана, кўлимизда ёзувчининг машхур австриялик ёзувчи Стефан Цвейгнинг “Бир юракнинг сўниши” (кейинчалик “Куйган кўнгил фарёди” дея таҳрир қилинган) ҳикояси таржимаси. Адиб ундан олдинроқ О.Берггольс, М.Карим, В.Шукшин каби жаҳон ёзувчилари асарларини она тилимизга маҳорат билан ўгирган.

“Бир юракнинг сўниши” новелласини ўқидиму, ҳақиқий “адабиёт атомдан кучли” эканлиги, чин истеъдодлар қалби чегара билмаслиги, бутун инсониятни ягона дард бирлаштириб туришига иқрор бўлдим. Бунинг сабабчиси эса яна Ўткир Ҳошимов бўлди.

Мутолаага киришар экансан, Ўткир Ҳошимов таъбири билан айтганда, асарнинг охиригача бош кўтаролмайсан. Тузум ва макон, дину эътиқод жиҳатидан бир-биридан фарқли ёзувчиларнинг ҳаётга, ахлоқий идеалларга, маънавий қадриятларга муносабатидаги уйғунликни кўриб ҳайратга тушасан. Новеллада орият, номус, ғурур каби туйғуларнинг ифодаси, ўз умри давомида эзгуликка хизмат қиламан деб, бутун умрини оиласининг бахти учун қурбон қилган чолнинг интиҳосиз изтиробларини ҳис қилиб, қалбинг жунбушга келади. Зеро, унинг моҳиятида, инсонга нисбатан, ҳаттоки фарзандингга берилган ортиқча меҳр ҳам оғуға айланиши ва у алалоқибат жигарбандинг қалбини заҳарлаши тўғрисидаги тушунча ётади. Бу ҳақиқатни

англаган адиб, асар таржимасига қалб кўрини тўқади, гўёки Стефан Цвейг сюжетини айтгану, Ўткир Ҳошимов асарни қоғозга туширганга ўхшайди.

Мазкур ўринда Соломонсон қалбидаги оғриқ ва изтироблар акс эттирилган рус тилидаги қуйидаги парчани келтирсак:

«Но почему же я все это терпел?.. Почему я лежу здесь и мучаюсь, а она, распутница, спокойно спит? Почему я сразу не ворвался к ней в комнату и не сказал, что знаю об ее позоре?.. Почему я не переломал ей все кости?... Потому что я слаб... Потому что я трус. Я всегда был слишком слаб с ними... во всем им уступал... я ведь так гордился тем, что могу дать им легкую жизнь, пусть я сам жил как каторжный... Ногтями я выцарапывал для них пфенинг за пфенингом... я готов был содрать кожу со своих рук, лишь бы они были довольны... Но как только я создал для них богатство богатство, они стали стыдятся меня... и неизящен-то я... и необразован...»

А откуда у меня могло быть образование? Двенадцати лет меня уже взяли из школы, и я должен был зарабатывать, зарабатывать, зарабатывать... скитался собразцами сначала из деревни в деревню, потом из города в город, пока не открыл свое дело... и едва они разбогатели и стали жить в собственном доме, как мое честное, доброе имя стало им не к лицу... Заставили меня купить званий тайного коммерции советника... для того, чтобы ее больше не называли фрау Соломонсон, чтобы корчить из себя аристократок... Аристократки!... Они смеялись надо мной, когда я спорил против их претензий, против из «хорошего общества» когда я рассказывал им, как моя покойница мать вела дом, – тихо, скромно, жила только для отца и для нас... называли меня отсталым, старомодным... «Ты слишком старомоден, папочка», – посмеивалась она... Да, я старомоден... а она ложится в чужую постель с чужими мужчинами... мое дитя, мое единственное дитя... Ох, какой позор, какой позор!»

Ўткир Ҳошимов таржимага ижодий ёндашади, қария қалбидаги оғриқлар ифодасида бадий-эмоционал таъсирчанликни оширади:

“Шундоқ-ку, лекин мен буларнинг ҳаммасига нима учун чидаб келдим? Нимага энди мен бу ёқда ўз ёғимга ўзим қоврилиб ётаман-у, анави беҳаё хотиржам ухлаши керак? Нимага ўшандаёқ олдига кириб, шундоқ-шундоқ, сенинг шармандалигингни ўз кўзим билан кўрдим, демардим? Нега суяк-суягига майдалаб ташламардим? Нега деганда, мен ожизман. Мен кўрқоқман... Мен ҳамиша уларнинг олдида ожиз бўлиб келдим. Нима дейишса кўндим... Лекин... ахир, мен ўзим ит азобида яшасам ҳам, шуларнинг ҳаётини енгиллаштириб берганимдан фахрлардим-ку! Ҳар бир пфеннигга тиш-тирноғим билан тирма-шардим. Шулар хурсанд бўлса, кўлимнинг терисигача шилиб беришга тайёр эдим. Лекин уларни бадавлат қилиб қўйганимдан кейин она-бола мендан ҳазар қиладиган бўлиб қолишди. Хунукман, саводсизман... Қаёқдан саводхон бўлай? Ўн икки ёшимдан мактабдан тортиб олиб ишга солдилар. Мен пул ишлашим керак эди. Пул, пул, пул ишлашим... Намуналар солинган чемаданни қўлтиқлаб аввал қишлоқма-қишлоқ, кейин шаҳарма-шаҳар кездим. Ўзим идора очмагунча озмунча дай-дидимми? Сал жир битиб, ўз уйига эга бўлгандан кейин, менинг пок

номим, яхши отим ёмонга чикди. Мендан уяладиган бўлиб қолишди. Она-бола яширин коммерция маслаҳатчиси деган унвонни сотиб оласан, деб мажбур қилишди. Фрау Соломонсон деган ном уларга ярашмасмиш, кибор бўлгилари кеп қопти. Киборлар эмиш! Уларнинг даъволарига қарши, “яхши давраси”га қарши гапирганимда, раҳматли онам уй ишларини тинчгина, соддагина бошқарганини, ёлғиз отамизу биз учун яшаганини айтганимда масхара қилиб қулишди, дадажон, қоқоқсан, эски одамсан, дейишди... Сен жудаям қоқоқсан, деди анавуниси ҳам... Ҳа, мен эскиман, қоқоқман... Ўзи бўлса бегона эркакнинг тўшагида... Қизалоғим, менинг ягона, биттаю битта болагинам... Оҳ қандоқ шармандалик, қандоқ шармандалик!”

Стефан Цвейг қаламига мансуб бу новелланинг икки таржимасини киёсласак, Ўткир Ҳошимов варианты рус таржимони П.Бернштейн таржимасига қараганда, самимийроқ, жонлироқ чиққанини айтиш мумкин. Бунинг сабаби, Ўткир Ҳошимов асар қаҳрамонига бўлган муносабати, ўзбекона меҳри, умр шомиди азоб чекаётган қария дардини туб моҳияти билан ҳис қилиши, асарнинг бадиий юки, жозибаторлигини ошириш мақсадида “ўз ёғимга ўзим қоврилиб”, “ит азобида яшасам”, “сал жир битиб” каби ибора ва бадиий тасвир воситаларидан моҳирона фойдаланганлигида кўринади. Бернштейн тиниш белгиларини такрор қўллаш орқали қаҳрамон қалбидаги ғалаёнлар талотўмини ифодалашга ҳаракат қилса, Ўткир Ҳошимов инсон қалбидаги фожиани тасвирлаш йўлидан боради. Муаллиф тили, услуби ва асар ғоясини англаб, кайфият ва руҳиятдаги ўзгаришларни нозик ҳис қилиб, уни содда, тушунарли ва таъсирчан ҳолда ўқувчига етказиш учун адиб тенг тошли таржимонга айланади. Бу новелла мутолааси пировардида, ҳозирги етук носирларимиз таржимага қўл урмай, ўзбек таржимачилиги ривожини учун қанча зарар келтираётганлари ҳақидаги ўйлар кечди хаёлдан.

Шу ўринда кичик бир эпизод. Ў.Ҳошимовнинг болалиги уруш даврига тўғри келган. Шу сабабли у ўсган ҳовли яқинидаги болалар оромгоҳига кўплаб бошқа миллат болалари келтирилган. Қолаверса, маҳаллага эвакуация қилинган рус оилалари болалари билан тил топишган бўлажак адиб рус тилини жуда яхши ўзлаштиради. Ёзувчининг қизи Юлдуз Ҳошимовага айтиб беришича, ўша пайтлар адиб ўқиган мактабга русийзабон комиссия аъзолари келишади. Табиийки, уларнинг кўнглига йўл топиш ёш Ўткир зиммасига тушади. Унинг рус тилидаги бийрон-бийрон сўзлари, ҳаяжонли, айна дамда салмоқли мулоҳазаларини эшитган комиссиядаги ёши катта бир аёл: “Он будет поэтом”, деган экан.

Қуйида Стефан Цвейг новелласининг бир қисми атоқли ёзувчи ва таржимон Ўткир Ҳошимов таржимонлик маҳоратидан намуна сифатида эътиборингизга ҳавола этилмоқда. Заррада қуёш акс этади, деганларидек, адибнинг истеъдодига мана шу мўъжаз далил ҳам кифоя қилади.

Алимурод ТОЖИЕВ

Стефан ЦВЕЙГ

БИР ЮРАКНИНГ СЎНИШИ

Новелла

*Рус тилидан
Ўтқир ҲОШИМОВ
таржимаси*

Инсон юрагини абгор қилиш учун қисмат ҳар доим бор кучи ва қудрати билан зарб беравермайди. Арзимас баҳоналар туфайли кишини ўлимга маҳкум қилиш – тақдирнинг енгилмас иродасидир. Биз ўзимизнинг оддий тилимизда тақдирнинг дастлабки ожизгина шарпасини шунчаки баҳона деб атаймиз. Кейин эса қисматнинг илк зарбаси нақадар қудратли оқибатларга олиб келганини кўриб, ҳайрон қоламиз. Лекин касаллик зоҳир бўлишидан анча илгарироқ пайдо бўлгани сингари инсон қисмати ҳам кўзга яққол ташланган дақиқадан бошлаб эмас, анча олдинроқ туғилади. Тақдиримиз кўз ўнгимизда рўбарў келишидан илгари вужудимизнинг энг чуқур жойларида, конимизда яшириниб ётади. Кейин киши бирдан ўз-ўзини таниб қолади. Бу – ўз-ўзига қарши курашиш билан баравардир. Ўз-ўзига қарши курашиш эса ҳамиша кўнгилсиз бўлади.

* * *

Қария Соломонсон (ўз ватанида уни коммерция маслаҳатчиси Соломонсон деб аташарди) кунлардан бирида Гард кўли соҳилидаги мусофирхона хужрасида кечаси уйғониб кетди. У бу ерга пасха байрамини ўтказиш учун ўз оиласи билан келган эди. Шундай қилиб, чол каттиқ оғриққа чидолмай уйғониб кетди: гўё кимдир унинг қорнини мижиғлаётгандай бўлар, кўкраги қисилиб, аранг нафас оларди. Чол кўрқиб кетди: унинг жигари касал, ўқтин-ўқтин санчиб турарди. Бунинг устига врачларнинг Карлсбатга бориб шифоланинг деб маслаҳат беришига қарамай, у оиласи билан жанубга келишини афзал кўрган эди. Чол яна жигар касалим кўзгаб қолдимиз, деган хаёлга бориб, кўрқиб кетди. Даҳшат ичида каттакон қорнини пайпаслаб кўрди. Аммо оғриқ ҳарчанд азоб беришига қарамай, бир мунча таскин топди. Бикини буралиб оғрир эди. Чамаси, бу ернинг овқатлари зўрлик қилган бўлса ажабмас. Балки ошқозони бироз захарлангандир. Италияга келадиган туристлар тез-тез шундай оғриб туришади-ку. У хийла тинчланиб, титроқ қўлларини қорнидан олди. Аммо оғриқ ҳамон сусаймас, нафас олишга қўймай чангаллаб олганга ўхшарди. Шунда у туриб юрсам босилар, деган умидда инқиллаб-синқиллаб ўрнидан турди. Чиндан ҳам оёққа туриб, бир неча қадам юрганидан кейин дарров аҳволи енгиллашди. Лекин қоронғи хужра тор эди. Чол иккинчи каровотда ухлаб ётган хотинини уйғотиб юборишдан ийманди. Агар уйғониб қолса, бекорга хавотирлана бошлайди. Шунинг учун у елкасига халатини ташлаб, сарпойчан оёғига

тунлик шиппагини илди-да, бироз айланиб келиш мақсадида секингина йўлакка чикди.

У эшикни очган пайтда йўлакнинг ланг очик дарвозаларидан черков қуббасида жаранглаган соат зангининг садолари ёпирилиб кирди. Тўрт марта янграган занг овози кўлнинг нариги соҳилига урилиб, юмшоқкина акс-садо берди-ю, сукунат қўйнига сингиб кетди: тонг соат тўрт бўлган эди.

Йўлак қоп-қороғи эди. Аммо чол унинг тўппа-тўғри ва узиндан-узок эканлигини аниқ эсларди. Атроф қоронғи бўлса ҳам чол йўлакнинг у бошидан бу бошига бориб келар, чуқур-чуқур нафас олар, оғриғи аста-секин пасаяётганидан қувонарди. У эндигина ўз хужрасига қайтиб кирмоқчи бўлиб турган эди, тўсатдан сезилар-сезилмас шовқинни эшитиб тўхтаб қолди. Қаердадир, яқингина жойда бир нима ғийқиллади, алланима шитирлаб кетди, кимларнингдир пичир-пичир гаплашгани эшитилди. Қия очилган эшикдан тушган ингичка нур бир лаҳза зулматни кесиб ўтди. Бу нима бўлди? Чол беихтиёр бурчакка қисилиб олди. Албатта, у нима бўлаётганини билишга қизиқиб қолганидан эмас, биров унинг уйқусизлик касалига мубтало одамдек ярим кечада йўлакда тентираб юрганини кўриб, гап қилишдан чўчигани учун шундай қилди. Лекин йўлакка нур тушган пайтда у очилган эшикдан оппоқ қўйлак кийган бир аёл чикқанини, йўлакнинг нариги бошига шўнғиб кетганини кўриб қолди. Ё унга шундай туюлдими, билолмади. Чиндан ҳам йўлак охиридаги эшиклардан бирининг тутқичи шиқирлади. Кейин яна ҳаммаёқ зулмат қўйнида сукутга чўмди.

Чол юрагига биров найза санчгандек бирдан қалқиб кетди. Ахир, йўлак бошида эшик тутқич хоинона шарақлаган жойда унинг, ўзининг хужралари жойлашган-ку. Уч хонали ўша хонани оиласи учун ижарага олган унинг ўзи эмасмиди? Хотини ўликдек ухлаб ётибди. Ўзи хозиргина унинг ёнидан чикди. Демак бу... Йўқ, адашиши мумкин эмас, бу – бировнинг хужрасидан яширинча чиқиб кетган аёл унинг қизи Эрна экан-да. Эндигина ўн тўққизга тўлган Эрна!

Чол даҳшатдан музлади-ю, бутун вужуди қалтираб кетди. Бу – Эрна – унинг қизалоғи, шўх-шабада, эркагина қизалоғи. Йўғ-е, адашди. Бундай бўлиши ақлга сиғмаган гап. Адашди, албатта адашди! Ундай деса, нимага у бировнинг хужрасига кириб юрибди. Чол бу фикрни елкасига миниб олган кутурган итни итқитиб юборгандек хаёлидан ҳайдади. Лекин ўша эшикка кириб кетган аёл унинг миясига маҳкам ўрнашиб олди. Йўқ, бу хаёлни юлиб ташлаб бўлмайди. У билиши керак. Адашдими, йўқми? У нафаси бўғзига текилиб, деворни пайпаслаганча қизининг хужрасига – ўз хонаси билан ёнма-ён хужра эшигига етиб борди. Етиб борди-ю, фақат шу эшик тирқишидан ингичкагина нур тушиб турганини, эшик зулфидан хоинларча зиё таралаётганини кўриб аламидан додлаб юборай деди. Соат тўртда қизининг хонасида чироқ ёниб турибди! Мана, тагин бир далил: включатель шиқирлади, ингичка нур зулмат қўйнида эриб кетди. Йўқ, йўқ, энди ўз-ўзини алдаш бефойда: Эрна, унинг қизи Эрна ярим кечаси бегона хужрадан яширинча чиқиб, ўз хонасига кириб кетди.


Чол безгак тутгандек қалтирар, негадир совқотар, бутун баданидан совуқ тер чиқиб кетган эди. Эшикни бузиб кираман, уриб, пачақлаб таш-

лайман шармандани! Аввало у шундай хаёлга борди. Лекин бир қадам ҳам юролмади, оёқлари чалишиб кетди. У ўз хужрасига бир амаллаб етиб олди-да, ўлар ҳолатда яраланган жонивор сингари ҳушидан кетгудай бўлиб тўшакка йиқилиб тушди.

* * *

Чол қимир этмай ётар, кўзларини катта-катта очганча зулматга тикилиб қолган эди. Шундоққина ёнида ухлаб ётган хотинининг чуқур-чуқур нафас олиши эшитилади. Аввалига у хотинини туртиб уйғотгиси, ҳозир ўзи кўрган даҳшатли воқеани айтиб бергиси, бақириб-чақириб, бутун ғазабини тўкиб солгиси келди. Лекин бундоқ даҳшатни қай юз билан, қай тил билан гапирсин? Йўқ, асло, асло гапиролмайди. Лекин нима қилади? Нима қилсин?

У фикрини бир ерга тўплаб олишга уринар, хаёллари эса кўрша-палаклар сингари миясида тўхтовсиз чарх урарди. Ахир, ахир, бу даҳшат-ку! Эрна, меҳрибон кўзлари порлаб турган, нозиккина, эркагина қизалоғи... Кунни кеча эмасмиди, алифбе варағидаги ҳарфларни тушунолмай жажжи, қизғиш бармоқлари билан сўзларни хижжалаб ўқиб ўтиргани. Кунни кеча эмасмиди, у мактабдан олиб келиш учун борганида қизалоғи зангори кўйлагининг этагини ҳилпиратиб истиқболига югуриб чикқанлари. Ўшанда у йўл-йўлакай қандолатчининг дўконига кириб қизига пирожний олиб берарди. Шира теккан гўдак лабининг бўсасини ҳамон унутгани йўқ, ахир. Буларнинг ҳаммаси кунни кеча бўлмаганмиди? Йўқ, орадан анча йиллар ўтиб кетди. Анча йил... Йўғ-е, кунни кечанинг ўзгинасида қизи болаларча эркалик билан витринада турган, олдида зарли ука тутилган зангори свитерни олиб берасан, деб хархаша қилмадимми! “Дадажон, жон дада, хўп дей қол”, деганча, қафтларини жипслаштириб, қувонч билан жилмайиб турган эди-ку. Ҳар сафар қизи шундай ишонч билан кулиб турганида унинг юзидан ўта олармиди! Энди бўлса, қизи унинг хужрасидан икки қадам наридаги бегона эркак хонасига кирди, унинг тўшагида ётди...






КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ

Сўзлашувда, норасмий ёзишмаларда аксарият ҳолларда “Жанубий Корея” деб аталадиган, Шарқий Осиёда – Корея яриморолининг бир қисмида жойлашган ушбу мамлакат бугун дунёнинг иқтисоди тараққий этган давлатлари сафида саналади. Бироқ бу даражага эришгунга қадар Жанубий Корея Республикаси узоқ тарихни бошдан кечирди.

Корея халқи ўтмиши озодлик ва эрк учун курашлар тарихига бой. Милоддан аввалги V–IV асрларда яриморолда ташкил топган Чосон биринчи корейс давлати хитойлар томонидан босиб олинади. Боскинчиликка қарши курашлар давомида бу ерда Когурё, Пэкче, Силла каби давлатлар пайдо бўлди. Кейинчалик мўғуллар (XIII аср), хитойлар (XIV аср), япон ва манжурлар (XVI аср охири – XVII аср бошлари) корейликлар юртини мустамлакага айлантиришга уринди. Бундай боскинчилик юришлари натижасида мамлакат анча вайрон бўлди. XX аср бошида Япония империясининг хомашё макони ва бозорига айлантирилган Кореяда доимий равишда озодлик ҳаракатлари, намоишлар бўлиб ўтди. Иккинчи жаҳон урушида Япониянинг мағлубиятга учраши натижасида Корея собиқ Совет армияси ва АҚШ кўшинлари томонидан озод қилинди. Айни чоғда шу вақтга қадар битта мамлакат бўлиб келган яриморол худуди иккита давлатга ажралиб кетди: 1948 йил 15 августда Сеулда Корея Республикаси, 9 сентябрда Пхеньянда Корея Халқ Де-



Мустақиллик санаси –
1948 йил 15 август

Пойтахти – Сеул

Майдони – 100 210 км²

Аҳолиси – 51 413 925 киши

Давлат тили – корейс тили


мократик Республикаси тузилганлиги расмий равишда эълон қилинди.

Жанубий Корея халқи урушдан кейинги йилларда ҳам ҳарбийлаштирилган тузум шароитида яшади. Аввалига Ли Син Ман (1960 йили ағдариб ташланди), сўнг Пак Чжон Хи (1979 йили ўлдирилди) режими ҳукм сурди. 1980–1987 йилларда Чон Ду Хван президент лавозимида бўлди. 1987 йили ўтказилган референдум янги конституцияни тасдиқлади. 1988 йил 25 февралда кучга кирган мазкур конституция кўп босқичли сайлов ўрнига тўғридан-тўғри президент сайловини жорий этди, парламентнинг ҳуқуқларини кенгайтди, армиянинг сиёсатда қатнашмаслиги ҳақидаги низомни конституцияга киритди, матбуот эркинлигини мустаҳкамлади. 1992 йил декабрда ўтказилган президент сайловида Демократик либерал партия номзоди Ким Ен Сам ғалаба қозонди. Унинг шиори “барқарорлик шароитидаги ислохотлар” эди. Ҳарбийларнинг неча ўн йиллик ҳукмронлигидан сўнг биринчи марта оддий фуқаро сиёсатчи олий лавозимига сайланди.

Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Мамлакатимизда автомобилсозлик саноатининг ривожланиши, миллий автомобиллар ишлаб чиқарилишида ҳам жанубий корейлик ҳамкорларнинг муносиб ҳиссаси бор. Бугун самарали фаолият юритаётган Тошкент шаҳридаги Инха университети халқаро стандартлар даражасидаги ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрламоқда.

15 август Корея Республикасида Озодлик куни сифатида байрам қилинади. Шу муносабат билан журнализмнинг август сонида Корея адабиёти ва санъатига кенгроқ тўхталишга қарор қилдик.

Адабиёт



Кореяда илк ёзма ёдгорлик VIII асрда Силла қироллиги ҳукмронлик қилган даврда яратилган. Хитой иероглифида ёзилган ёдгорликдан бугунги кунгача ханга номли йигирма беш назмий асар сақланиб қолган. Корё сулоласи даврида корё каё (“Каё” қўшиқлари) шеърӣ жанри урф бўлган. Сулола ҳукмронлигининг сўнгги даврларида янги лирик поэтик жанр – сижода ижод қилинди. Сижо уч мисрадан иборат бўлиб, бошқа тилларга ўгирилганда кўпинча олти сатрга айланади. Хангил алифбоси вужудга келгач, шоирлар ишқ-муҳаббат мавзуида ижод қила бошладилар. Ли сулоласи даврида эса тасвирий лирика ривожланди. Тасвирий лирика “коса” деб номланиб, шоирлар ўз шеърларида она табиатни мадҳ этишган. XVII–XVIII асрларда мамлакатда Сирхак ҳаракати (табиӣ фанлар мактаби)нинг вужудга келиши Корея маданиятида катта ўзгаришлар рўй беришига сабаб бўлди. Адабиётда Ғарб мамлакатларининг, жумладан, христианлик динининг таъсири яққол сезила бошлади. Анъанавӣ жамият учун янгилик саналган тенглик ғояси кенг тарғиб

килина бошланди. Мамлакатда ҳамма хангилда ёзишга ўтди, нафақат шоирлар балки, оддий халқ ҳам ўз ёзганларини эълон қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Насрий асарлар асосан хитой иероглифида ёзилди. Насрда тарихий асарлар етакчилик қилган. Ким Бусикнинг “Самгук Саги” (“Уч қироллик тарихий ёдгорликлари”, XII аср), Ким Иреннинг “Самгук юса” (“Уч қироллик давридан қолган воқеалар”, XIII аср) асарлари шулар жумласидан. Ким Си-сипнинг (1435–1493) “Олтин тошбақа тоғидан янги ҳикоялар” асари Корея бадий адабиётининг тамал тоши сифатида тан олинади. Афсуски, фақат бешта новеллани камраб олган биринчи китоб сақланган, холос. XVII асрда илк роман Хо Гюннинг “Хон Гил Дон ҳақида қисса”си эълон қилинди. Романда ижтимоий тенглик ғояси илгари сурилган.

1910 йили мамлакатни японлар босиб олгач, халқни ўз она тилида сўзлашишини ман қилди, Ғарб тилларини ўрганиш ҳам тақиқланди. Бадий асарлар жиддий цензурадан ўтгач, эълон қилинар ёки умуман йўқ қилиб юбориларди. Кўпгина ижодкорлар “Жамият тинчлигини сақлаш” қонунига “хилоф иш” қилгани учун озодликдан маҳрум қилинди. Аммо шундай кучли босим остида ҳам иродали корейс ижодкорлари озодлик, хурлик ҳақида куйлашдан тўхташмади. Мустамлакачиларнинг таъсир доираси камая борган сари корейлик ёзувчилар халққа тушунарли ва яқин бўлиши учун ўз она тилида ижод қилдилар. Таржимонлар бадий асарларни ўзга тиллардан она тилига ўгира бошладилар.

Япония босқинидан сўнг мамлакатда “синмунхак” (янги адабиёт) ривожланди. Бунда асосан мустамлакачилар зулми остида эзилаётган халқ дарди куйланган.

1908 йили “Сонён” (“Фарзанд”) журналида чоп этилган Чхве Намсоннинг “Фарзандимга денгиздан мактублар” номли поэмаси Кореяда замонавий поэзия (верлибр) туғилишига туртки бўлди. 1914 йили ёзувчи Ли Гвансу “Чхончхун” (“Ёшлик”) журналида ўз романларини пешма-пеш эълон қила бошлади. Роман жанри Корея адабиётида бугунги кунгача асосий жанр сифатида тан олинади. Ёзувчилар ижтимоий тенглик, жамиятнинг маънавий-маданий ҳаёти мавзуларига доимий муносабат қилади.

Жанубий Кореянинг таниқли адабиётшунослари Квон Ён Мин, Ким Юн Сик, Ли Жон Сук, Чо Дон Илнинг фикрича, Корея замонавий адабиёти 1894 йилдан бошлаб шаклланган. Аммо 1945 йилдан сўнг ягона миллий адабиёт ривожланди. XX асрнинг бошларидан Кореяда “Тонгги нур” (Согван), “Даврнинг боши” (Кебёк), “Талабалар дунёси” (Хаксен кэ), “Шарқ ёғдуси” (Тонгван), “Харобалар” (Пхехо), “Атиргуллар қишлоғи” (Чанми чхон), “Олтин юлдуз” (Кимсон), “Ижод” (Чханжо) каби турли адабий журналлар чоп этила бошланди. Ҳар бир журнал атрофида турли адабий йўналишларда ижод қилувчи ёзувчиларнинг кичик-кичик уюшмалари пайдо бўлди. Бу пайтга келиб, шоирлар ҳам эскича услубдан воз кечиб, янги – эркин (чжаюси) услубда ижод қила бошлади. Масалан, Жу Ё Ханнинг “Ўтли ўйинлар” асари чжаюси услубида битилган. Ким Ок, Ким Со Вол, И Санг Хва, Хонг Са Ёнг каби шоирлар эса анъанавий минё (халқ кўшиғи) услубида шеърлар битишган. Адабиётда, айниқса, прозада асосий эътибор персонажларнинг руҳиятига қаратилди. Конфуций таълимотига, анъаналарига таянган

дидактик адабиёт ривожланди. Конфуцийлик ва буддавийлик таъсири остида мамлакат адабиётида ҳикоянинг бадиий ва композицион воситаларини мужассамлаштирган новелла жанри шаклланди. Ютуқ ва камчиликларни ўзида жамлаган севимли қаҳрамонлар фольклордан новеллага кўчди.

1923 йили “Янги ғоявий адабиёт” деб номланувчи адабий йўналиш пайдо бўлди. Йўналишга Японияда таҳсил олган Ким Ги Жин асос солди. Асосий мақсад адабиётни турли ўткинчи ғоялардан тозалаб, ҳаёт билан ҳамнафас, реалистик руҳда ривожлантириш эди. Ким Ги Жиннинг фикрича, адабиёт ҳаётни ҳеч қандай бўёқларсиз кўрсата олиши даркор. Янги ғоявий адабиёт тарғиботчиларидан бири Ли Гвансунинг реалистик асарлари бир зумда оммалашиб кетди. Ёзувчи ўз асарлари орқали япон босқинчилиги даврида эзилган халқ кечинмаларини баён қилди. Уларни руҳий бирдамликка, хурлик учун курашга чорлади.

Ли Гвансудан фарқли ўлароқ ҳикоянавис Ким Донъин “Санъат – санъат учун” ғоясини илгари сурди. Ёзувчи адабиётнинг қиммати турли таъсирлардан холи гўзалликда деб билди. У асосан ҳикоя жанрида ижод қилди. Замонавий корейс адабиётида Ким Донъин ҳикоя жанри ривожланишига ўз ҳиссасини қўшди.

Ёзувчи Японияда ўқиб юрган кезлари 1919 йили илк корейс адабий журнали – “Ижод”га асос солди. Журналнинг биринчи сонидан ўзининг биринчи “Мадорсиз инсон ғами” ҳикоясини эълон қилди.

Ким Донъиннинг реалистик йўналишда битган асарлари ҳам тезда оммалашиб кетди. Мамлакат адабиёти тарихида у биринчилардан бўлиб “ҳикоя ичида ҳикоя” ёзди. “Хайрлашув кўшиғи” ҳикояси айни шу йўналишда ёзилган.

Унинг “Картошка” ҳикояси ҳам реалистик йўналишда бўлиб, асарда япон босқинчилиги пайтида очликдан силласи қуриган оила фожияси ҳикоя қилинади. Болаларининг қийналишига дош бераолмаган она қорин ғамида хиёнатга қўл уради.


Анъанавий мавзу доирасидан четга чиққан, дидактика ва ўқувчига ўз фикрини уқтиришдан воз кечган Ким Донъин асарлари орқали китобхонни ҳаётга янгича қарашга мажбур қилди.

Ёзувчилар Хён Жингон ва Ём Сансон ҳам асарларида халқнинг оғир ҳаёти, анъаналарнинг бузилиши, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг инсон тақдирига таъсири ҳақида ёзади. Хён Жингон ижодида романтизм таъсири яққол сезилади. Ҳикояларида жамият ва инсон ўртасидаги муқаррар тўқнашувлар мавзусига қайта-қайта мурожаат қилади. Барча қаҳрамонлари жамиятда ўз ўрнини топишга, эркинликка эришишга интилади. Масалан, “Муваффақиятли кун” ҳикоясида ёзувчи эски аравасида кетаётган, дунёнинг ортидан бесамар югураётган ҳаммолнинг аянчли ҳаёти ҳақида ёзади. Ҳаммолнинг хотини оғир бетоб. Бир дақиқа бўлса-да, у буни ҳаёлидан чиқаролмайди. Аравасини кечгача судраса-да, дори-дармонга, озиқ-овқатга етарли пул тополмайди. Кунларнинг бирида ҳаммолга омад кулиб боқади. Мижозларнинг кети узилмайди. Пул топиш имконияти пайдо бўлганидан қувонган бахтиқаро ҳаммол ярим тунгача ишлайди. Уйга келиб, не кўз билан кўрсинки, хотини оламдан ўтган. Қаҳрамон ҳаёт синовларига бардош беради. Аммо пул ортидан қувиб хотинини асролмайди, ҳаётда ютқазади.

Ёзувчи Ём Сансоп эса корейс адабиёти тарихида илк марта жиддий психологик таҳлилга эътибор қаратади. “Тажрибахонадаги қурбақа” ҳикоясида биологик лабораторияда тажрибага тайёрланаётган қурбақанинг азоб-уқубатларини ёзади. Ҳикоя орқали муаллиф мустамлака давридаги корейс халқининг кечмишини таҳлил қилади. Охириги йилларда Жанубий Кореяда ёзувчилар Ли Мунёл ва Хан Мусуканинг асарлари оммалашиб, бир неча тилларга таржима қилинди.

Мамлакат замонавий адабиётида ёзувчи Пак Мингюнинг ҳам алоҳида ўрни бор. 1969 йили дунёга келган Пак Мингю XXI асрнинг таниқли ёзувчилари сирасига киради. 2011 йили танқидчилар Пак Мингюни “XXI аср адабиётининг юзи” сифатида тан олишди. Асарлари бир неча тилларга таржима қилинган. 1986 йили Пак Мингю Чун-Ан университетининг Адабиёт ва санъат факультетини тамомлайди. Турли компанияларда фаолият юритади. 2003 йили “Сайёраамиз қахрамонлари ҳақида афсоналар” номли илк романи чоп этилади. Ўша йили “Самми” суперюлдузининг охириги фан-клуби” романи ва “Бисквит”, “Раҳмат, бўрсик” номли ҳикоялари эълон қилинади. Мана шу икки роман ва ҳикоялари учун ёзувчи турли нуфузли адабий мукофотлар билан тақдирланди. Ўз ижоди давомида Пак Мингю иккита ҳикоялар тўплами ва тўрт романини омма эътиборига тақдим этди. Унинг асарлари турли йўналиш ва услубларда, асосан, постмодернистик руҳда ёзилган.

Гулжаҳон НАМОЗОВА тайёрлади.



Тасвирий санъат

Кореяда илк деворий суратлар Жанубий Манжурия ва Пхеньян остидаги (III–IV асрлар) Когурё тобутхона деворларида, шунингдек Кёнжу, Сила пойтахтида (VI аср) топилган. Когурё рангтасвири шакллар динамикаси ва сезиларли ритми билан ажралиб туради. Бу даврда Силла рангтасвирида ҳар бир деталга алоҳида эътибор берилган.

Корё даврида буддизм гуллаб-яшнади. Корейс тасвирий санъатида ушбу давр “олтин аср” деб номланган. Бу давр рассомлари ибодатхоналарда ажойиб фрескалар ва буддизм кўлэзма китобларига суратлар, замондошлар портретлари, шунингдек “тўрт маъбуд” (олхўри, орхидея, хризантема ва қамиш гулларини шундай аташган) каби тасвирлар иш-лашган.

Янги нишона намояндаси рассом Чон Сон (1676–1769) бўлиб, миллий-маиший корейс рангтасвирини жонажон юртининг табиати билан боғлаб акс эттиради. Унинг услубидаги ўзига хосликни “Инван тоғида ёмғирдан сўнг”, “Олмосли тоғлар” ва “Тоза шамол водийси” асарларида кўриш мумкин.

XVIII аср иккинчи ярмида Корея Ғарб санъати таъсири остида ривожлана бошлади. Маҳаллий рассомлар жамиятнинг ижтимоий муаммоларига эътибор қаратиб, корейсларнинг оддий турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар яратадилар. Ёрқин ва ранг-баранг ушбу асарлар нафақат Кореяда, балки Ғарбий мамлакатларда ҳам машҳур.

XX асрда корейслар мойбўёқ техникасидан фойдалана бошлаганлар, янги услуб ва замонавий ғарбий санъат оқимлари билан танишиб, миллий анъанани сақлаган ҳолда асарлар яратганлар.

Анъанавий рангтасвирда Хитой оҳанглари ва хаттотлик элементлари кучлидир. Унда асосий кирра мўйқаламда чизилган чизиклар ҳисобланади.

Анъанавий ҳайкалтарошликда асосан буддизм ҳайкаллари ва безаклар ҳозирга қадар бор. Будданинг энг яхши ҳайкали Соккурамеда сақланади. Шомонистлар ёғоч ўймакорлигининг ажойиб намуналарини яратишган. Сеулда бир неча бадиий ҳайкалтарошлик боғлари мавжуд бўлиб, замонавий ҳайкалтарошлар ўз ишларини намойиш этадилар. Сеулда шунингдек замонавий ва анъанавий меъморчилик ҳам ривожланган. Шаҳар дарвозалари ва Чосун давридаги Жеонгбокгунг саройи анъанавий меъморчиликда яратилган асарлар сирасига мансуб.

Жанубий Корея рассомларининг ижоди нафақат ҳаққонийлиги ва гўзал тасвирлари билан, балки турли усуллар ва услубларнинг рангтасвирда қўлланилиши билан ҳам ажралиб туради. Тасвирланган манзаралар нафислиги билан ҳар қандай нозик дидли томошабинни ўзига ром этади. Ёрқин ранглар, аниқлик ва майда деталларнинг нозик тасвирлари Корея рассомларининг серқирра ижодидан далолат беради.

Баъзи бир манбаларда айтилишича, Кореялик рассом Соль 1200 йил илгари ибодатхона деворларига қарағай дарахтини чизган. Рассом қарағайни шу даражада табиий ва ёрқин бажарган эканки, суратга кушлар келиб, кўнишга ҳаракат қилар ва деворга урилиб ерга тушар экан.

Бугунги кунда Корея тасвирий санъати миллий колорит ва замонавий маданиятни уйғун этган ҳолда жадал ривожланмоқда. 1980 йиллар корейс ёш рассоми – Син Бон Хва “Посокхва” номли янги услуб яратди ва “Пекин – 88” Халқаро кашфиёт кўргазмасида олтин медаль билан тақдирланди. Ушбу услуб шуниси билан ажабланарки, оддий кукун ёрдамида ҳар хил рангдаги тошлардан бўёқларсиз тасвир яратилади. Бундай тасвирлар узоқ вақт мобайнида сақланиб, таъмирлаш ҳам талаб этилмайди. Шу боис кукунлардан Корея рангтасвирида кенг фойдаланилади. Улардан гулдон, мебель, қутича ва бошқа маиший жиҳозларнинг устки қисмига ишлов берилади. Охириги йилларда Жанубий Кореяда чиғаноқдан ва майда малюскалардан турли гулдонлар, ўйинчоқлар ва портретлар яратиш урфга айланган.

Чарос ҒАНИЕВА тайёрлади.



Меъморчилик

Қадимги Кореяда ёғоч уйларни қуришда устунларнинг бир-бирига горизонтал тахлаш услуби қўлланилган ва елвизакларни олдини олиш учун уларнинг орасини лойсувоқ қилишган.

Бундай услубда қурилган уйлар Жанубий Кореянинг Канвондо тоғли ўлкаларида ҳозиргача сақланиб қолган.

Кореянинг Кочхан, Хвасун яримороллари ва Канхвадо оролида юзлаб дольменлар, яъни гигант тошқурилмалар топилган. Одатда дольменлар деб юритувчи мегалитлар Мумун сопол даврида (мил.ав. 1500–300 йиллар)даги зодагон ва амалдорларни дафн этиш маросимида макбара вазифасини бажарган. Мазкур иншоотлар Мумун даврининг меъморий намунаси сифатида тош дахмалар билан биргаликда топилган. Улардан энг қадимгиси III асрга оид ҳисобланади ва ЮНЕСКО рўйхатига киририлган.

Мегалитларнинг уч тури мавжуд: 1) жанубий тур (паст, кўпинча тошларни ушлаб турувчи оддий плита); 2) шимолий тур (устунсимон катта мегалитлар); 3) юқори тур (қопламали).

Когурё – Кореянинг учта қадимий давлатларидан энг йириги ҳисобланиб, ўзининг тоғли қалъалари билан машҳур. Когурё давлатининг бизгача яхши сақланиб келинган обидаси – Пэгам қалъаси, ҳозирги Жануби-Ғарбий Манчжурия ҳудудида VI асрдан олдин қурилган. Хитой ёзма манбааларига кўра, Когурё давлатининг аҳолиси бир-биридан маҳобатли саройлар қуришни яхши кўришган экан. Нақшли сопол черепицалар ва турли декоратив тизимлар Пхеньяннинг кўпгина саройларида, шунингдек ҳозирги Манжурия ҳудудидаги шаҳар-қалъаларида ишлатилган.

Хваннёнса – Силла давлатининг энг қадимий ибодатхоналаридан бири сифатида 1976 йилда ўтказилган археологик қазилмалар натижасида маълум бўлган. Мазкур ибодатхона 288 метрли тўғрибурчак девор билан ўралган, 19 040 м²ни ташкил этувчи майдонда жойлашган. “Самгук саги” (уч қироллик ҳақида хотиралар) китобида мазкур жой ўрнида, 645 йилда қурилган, бўйи 80 метрли тўққиз қаватдан иборат ибодатхона жойлашганлиги тилга олинади. Ибодатхонанинг марказий залида Будда Шакьямунининг улкан тасвири ўрин олган. VI асрнинг ўрталарида қурилган Хваннёнса ибодатхонасининг заллари турли даврларда қайта-қайта қурилди ва 680 йил мобайнида гуллаб-яшнади. Яриморолнинг ягона Силла давлатига бирлаштиргунга қадар, 668 йилда Хваннёнса ибодатхонаси “уч зал – уч ибодатхона” услубида бўлиб, Пэкче давридаги “Битта зал – битта ибодатхона” услубида қурилган Мирукса ибодатхонасидан кескин фарқ қилади.

Анъанавий корейс меъморчилигида иккита асосий йўналиш мавжуд. Улар Хитой канонлари таъсири остидаги сарой-ибодатхона услуби ва оддий одамлар учун маиший халқона услуб. Сарой ва ибодатхоналарни

курған қадимги меъморлар хитойликлардан тўсин ва тиргак системасини ўзлаштиришган. Тураржой қурилишида эса сомон билан том ёпиш ва пол остидан ондол иситиш тизими ўрнатилган. Бадавлат инсонлар катта ҳашаматли уйларни эгилган ҳолда, тепа қисмини бироз юқорига қаратиб, томини черепицадан ёпишган.

Меъморчиликда табиий ландшафтга катта эътибор қаратилган. Шу сабабдан ҳам катта буддавийлик ибодатхоналари асосан тоғли жойда қурилган. Танланган жойда “тоғ ва сув” уйғун ҳолда бўлиши талаб этилган.

XIX аср охирларида хорижий миссияларининг кириб келиши натижа-сида ғарб меъморчилиги унсурлари черков ва бинолар қурилишида ўз аксини топади. Аста-секин Япониянинг сиёсий таъсири кучайиши билан қурилишда асосий ўринни японлар эгаллайди. 30-йиллар архитек-турасининг асосий намоёндаси сифатида Пак Тонжин эътироф этилади.

Замонавий Жанубий Корея меъморчилигида “Dream Центр” (“Орзулар маркази”) кўнгилочар маркази янгича ва ўзига хос архитектура ансамбли сифатида эътироф этилади. Зотан, ушбу ҳудуд Ғарб мамлакатлари ҳамкорлигида тижорат, савдо-сотик билан шуғулланишга мўлжалланган замонавий бино ва иншоотларга бой.

*Шоҳсанам НИШОНОВА,
Аъзам МУСТАЕВ тайёрлади.*

Муסיқа



Корейсча муסיқанинг ўтмишдоши сифатида ибтидоий қабилаларнинг муסיқаси “аккаму” (корейсчадан сўз-ма-сўз таржимаси муסיқа, қўшиқ ва рақс деган маъноларни билдиради) эътироф этилади. Мазкур муסיқа Осмон ва Ерга сиғиниш маросимлари ҳамда сеҳргарлик амаллари билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Уч корейс давлати – Когурё, Пекче ва Силла ҳукмронлиги даврида ҳар бир давлат ҳудудига хос бўлган муסיқа анъаналари шаклланган. Қолган икки давлатдан фарқли равишда Силла давлати ҳудудида илк маҳаллий муסיқа Шимолий Хитой ва Марказий Осиё муסיқаси таъсирида пайдо бўлди.

Когурё муסיқали ансамбли ўз чиқишларини Хитойнинг Суй сулоласи саройида бошлаб, кейинчалик Тан сулоласи саройига кўчган. Хитой солномаларида Когурё ансамблининг муסיқий созлари, чиқишлари ҳамда ижрочиларнинг либосларига берилган тўлиқ таърифлар сақланиб қолган. Пекче давлатида ҳам муסיқа Когурёдаги каби Жанубий Хитой сулолалари саройидаги муסיқага мослашган ҳолда шаклланган. Аммо Силла давлатининг ҳудуди Хитойдан олис бўлганлиги сабабли бу давлат муסיқаси бошқа маданиятлар таъсирида ривожланган ҳамда ўзига хос анъаналарни қолган икки давлат муסיқасига нисбатан кўпроқ ўзида мужассамлаштирган.

Пекче мусиқа маданияти Жанубий Хитой мусиқа созларидан конху, чжен, чи хамда Когурёдан эса комунго мусиқа асбобини ўзлаштирган. VI асрда Пекче давлати япон саройига ўзининг элчиларини жўнатади. Элчиларга тўрт нафар мусиқачи ҳамроҳ бўлгани хамда улар ўзлари билан хвенжок, комунго, при ва бошқа мусиқа созларини олишганлиги хақида маълумотлар бизгача етиб келган.

Силла давлатида Хитой мусиқасининг таъсирига учрамаган ўзига хос мусиқа санъати шаклланди. Силла мусиқа санъатидаги кучли ривожланиш қирол Чинхином кай қабиласини ўзига бўйсундиргач содир бўлди. Кай қабиласидан бўлган иқтидорли мусиқачи У Рик кўшиқ, рақсларнинг янги турларига асос солди.

Шимолий (Бирлашган Силла) ва Жанубий (Пархе) подшоликлар даврида мусиқа санъати ўзига хос тарзда ривожланди. Бу даврда “хянак” ва “танак” мусиқалари шаклланди. “Хянак” уч торли (тегим, чонгим ва согим) ва уч бамбукдан ишланган найсимон (комунго, каягим ва хянбиб) чолғулар ёрдамида ижро этилади. Бирлашган Силла давлати мусиқаси ўзининг ранг-баранглиги билан ажралиб турган. Бирлашган Силла подшолиги даврида “танак” бир неча турларга бўлинган: кочхвиак (харбий мусиқа), танакчо (най учун асарлар) ва помпхэ (будда дини билан боғлиқ қасидалар) .

1392 йилда Кореяда ҳокимият Чосон сулоласи қўлига ўтди. Сарой институтлари Тэаксо ва Ааксо ўз ишини давом эттирди, яна учта мусиқа бошқармаси тузилди. 1457 йилда ўтказилган ислоҳот натижасида мусиқа бошқармаларининг сони қисқартирилади. Фақатгина Чанаксо ва Акхактогам сақланиб қолинган, бир қанча вақтдан сўнг бу икки бошқарма ягона Чанагвон уюшмасига бирлашади. Чосон давлатида мусиқачи лавозими наслдан-наслга ўтган: созанданинг ўғли туғилган вақтида рўйхатга олинган ва 10 йил давомида давлат муассасида мусиқадан таълим олган.

Буюк қирол Седжон даврида аак учун кўплаб янги созлар яратилди. Бу даврда аак йўналишида яратилган мусиқалар ўзининг тарихий илдизи ҳисобланган Хитой мусиқасидан мустақил тарзда ривожлана бошлайди. Чосон даврига оид хянак жанрида яратилган “Потхэпён” ва “Чондэоп” асарлари бизгача етиб келган бўлиб, ҳар йили “Чонмё-череак” байрамида ижро этилади. Бу даврга оид “Ёнсан-хвесан”, “Мандэёп”, “Ёмиллак” каби кўплаб кўшиқлар “Осмонга учаётган аждар хақида қасида” ва бошқа асарларда сақланиб қолган.

Япон ва мўғул босқинидан сўнг XV–XVI асрларда кўплаб иқтидорли мусиқачилар урушларда қирилиб, қолганлари эса мамлакатдан чиқиб кетиши натижасида сарой мусиқасида ўсиш секинлашди, аммо халқ мусиқаси ҳеч қандай зарар кўрмади. Сарой мусиқа бошқармасида мусиқачилар ва ансамбллар сони қисқартирилди. Халқ мусиқасида эса аксинча ўсиш кузатилди. Классик-лирик кўшиқ ҳисобланган “Кагок”, инструментал сюита “Ёнсан-хвесан”, драматик кўшиқ “Пхансори”, юқори темпда ижро этиладиган инструментал композиция “Санджо” гуллаб-яшнади. “Кагок” ва “Ёнсан-хвесан” кўнгилочар клубларда ижро этила бошлади ва омма орасида кенг тарқалди. XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб, дуолар мусиқа асбоблари ёрдамида ижро этила бошлади.

1894 йилдан сўнг муסיқа давлат томонидан бир тизимга солинди. Бу вақтга қадар муסיқачилар Чанагвон рўйхатидан ўтишлари лозим бўлган. Муסיқачи оиласида туғилган ўғил бола дарҳол рўйхатга олинган ҳамда уни парваришlash учун нафақа тўланган. Болалар 10 ёшида Аданбанда таълим олишни бошлаган, бу ердаги ўқишни якунлаб, олий маълумот олиш учун Чаннэбанга кирган. Имтиҳонлардан мувафакқиятли ўтган киши таълим бериш имкониятини қўлга киритган, шунингдек Чхамсанбанга кириш ҳамда томошаларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган. Чанагвон ислохотидан сўнг илгари Маросимлар Вазирлиги бошқарган бўлим эндиликда қирол саройига ўтказилади. 1910 йилгача бу бошқарманинг номи бир неча марта ўзгаради ва ниҳоят “Аактэ” номини олади ҳамда муסיқачилар сони доимий 305 та ижро-чидан вақтинчалик ишловчи 189 та муסיқачига қисқартирилади.

Кореяни Япония истило қилгандан сўнг анъанавий муסיқа, асосан, маросим муסיқаси йўқолиб кетди. Бу муסיқанинг бир нечаси Миллий анъанавий муסיқа маркази ишчилари томонидан сақлаб қолинди. Фольклор муסיқаси эса Чосон муסיқа бўлими – Кореядаги биринчи хусусий муסיқа бошқармаси томонидан сақлаб қолинган. Бу даврда Чосон муסיқа бўлимида каягим, комунго, янгим, цитра, тансо ва сенхван чолғуларида муסיқа ижро этиш ўргатилган бўлса, ғарб бўлими муסיқасида эса вокал, муסיқа назарияси, орган ва скрипка созларида муסיқа чалиш ўқитилган. 1930 йилдан бошлаб, Кореяда муסיқага ихтисослашган мактаблар ташкил этилди.

Корея мустақилликка эришгач, мамлакатда Ғарб муסיқасини ўрганиш жадал суръатларда ривожлана бошлади. 1960 йилларда кўплаб ёш композиторлар авлоди ғарб муסיқасини ўрганишди. 1980 йилларга келиб эса муסיқачилар ўз асарларида кагок анъаналарини кўллаб маҳаллий эшитувчиларга манзур асарлар ярата бошлашди. Ўз асарлари билан Европада машхурликка эришган композитор Юн Исан ижодида корейс муסיқасининг миллий анъаналарини мувафакқиятли кўллаганини кўриш мумкин.

Гулираъно ОРИФЖОНОВА тайёрлади.

Рақс

Корея рақс томошалари қадимий анъаналарга бой бўлиб, ўз тараққиёти жараёнида Хитой ва Япония мамлакати халқлари рақси маданияти таъсирида бойиган. Рақс кўринишларида асосан меҳнат, турмуш, диний маросимлар жараёнлари акс эттирилган. Милоддан аввалги III асрда мавжуд бўлган ибтидоий театрларда табиат ҳодисалари ва меҳнат жараёнини тасвирловчи рақслар намоиш этила бошлади. Когурё қироллиги давридаги ибодатхона фрескаларида (мил.ав. 57 йил – милодий 676 йиллар) аниқ бир дафн



маросимларини умумлаштирилган гуруҳли рақс тасвирлари топилган. Ушбу тасвирларда асосан оёқ ҳаракатлари муҳим бўлиб, қўл ва тана ҳаракатлари унга жўр бўлган. Либослар ҳам ёрқин ранглар ечимида, соч ва юз пардозлари махсус атрибутлар асосида берилган.

Ўрта асрларда Корё ва Чосон сулолари ҳукмронлиги даврида қирол саройининг қўллаб-қувватлаши билан Корея рақслари расман “миллий рақс мактаби” асосида ўргатила бошланди. Барча рақслар халқона шакллар асосида ривожланишига қарамай сарой рақслари сифатида “елпиғич рақси”, “монах рақси”, “масхарабоз рақси” каби кўринишлар юқори мавқега эга бўлди. Ушбу рақсларда раққосларнинг гармоник тана ҳарорати ва ҳолатлари, пластик ифодавийлиги ва юз имо-ишоралари, ритм, темп ва композиция орқали образлар бирлиги моҳирона очиб берилган.

Япония мустамлакачилиги даврида кўплаб миллий рақс мактаблари ёпилди, рақс кўринишлари мажбуран ўзгартирилди. Фақатгина, Корея миллий рақс мактаби асосчиларидан бири Чхве Син Хи томонидан кўплаб миллий рақс унсурлари ва анъаналари сақлаб қолинди ҳамда қисман замонавий рақслар билан уйғунлаштирилди. Бугунги кунда Кореянинг бир қанча университетларида миллий рақслар академик фан сифатида ўргатиляпти.

Кореянинг анъанавий рақслари

Комму (Қиличлар билан ижро этилади). Раққослар бир-бирига қарама-қарши ҳолда жуфт бўлиб, қўлларида узун қилич билан рақсга тушадилар. Рақс жуда тез ва шиддат билан ижро этилади.

Тхалчхум (Никоблар рақси). Рақс ижрочилари юзларига турли никобларни кийган ҳолда рақсга тушадилар. Никобли рақсларнинг бир нечта тури мавжуд.

Синму (Монах рақси). Рақсда буддизм элементлари яққол акс этирилади. Ижрочилар либослари мовий юбка, оқ кўйлак ва конуссимон оқ бош кийимидан иборат.

Тхэпхёнму (Фаровонлик рақси). Ушбу рақс Кореянинг фаровонлиги ва тинчлигини акс эттирган бўлиб, мураккаб, ритмлардан иборат.

Чангучхум (Барабанлар рақси). Рақс ижроси яқка ёки гуруҳли тарзда бўлиши мумкин. Ижрочилар елкасидаги барабан орқали ҳаракат ва оҳангнинг турли ритмларига мослашади.

Пучхэчхум (Елпиғичлар рақси). Раққосалар миллий “ханбок” либосида қўлларида қуш патларидан ясалган елпиғичларда “тўлқин”, “гул” шакллари ҳосил қилиб рақсга тушадилар.

Муниса МУҲАМЕДОВА тайёрлади.

Театр



Кореяда театр санъати мусика ва рақс билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланган. Милоддан аввалги 1-минг йилликка тўғри келадиган манбаларда самовий кучлар тўғрисида ашулалар айтган ва

рақсга тушган шомонлар ва уларнинг либослари тасвирланган қайдлар учрайди. Бу ўша даврда шомонлар асотир ва афсоналарни санъат орқали кенг оммага етказганлигидан дарак беради. Шу тариқа олам ва одам ҳақидаги қарашлар, эътиқод тарзи корейс анъанавий театри шаклланишини таъминлади.

Корейс маданиятида уч подшолик даври муҳим роль ўйнаган. Подшоликлардан бири – Пекчеда буддавийлик эътиқоди кучайиши рақс санъатига “ниқоб”ни олиб кирди. Бундай рақслар Кореяда “киак” деб аталади.

Когурё подшолигидаги ниқобли рақслар унсурлари эса Хитойнинг Тан давридан сарой мусика ва рақс тизимига корейс тилида киритилган. Шунингдек, улар VII асрдан Японияга ҳам кириб бориб, Бугакунинг (сарой ниқоблари рақси) асосини ташкил этди.

Шундай қилиб киак рақси Хитой ва Японияга ўтиши, ўз навбатида айрим ниқобларда қадимги Ҳиндистон ҳудудидаги орийларга хос хусусиятлар мавжудлиги Корея бошқа маданиятлардан таъсирланиб, уларни ўзаро бойишида ҳам қатнашганлигини кўрсатади.

Корейс миллий маданиятида эса ниқобли рақслар – Талчум (тал – ниқоб, чум – рақс) мустаҳкам ўрин эгаллади. Қирол Мунжонг давридан бошлаб бу рақсларда кўшиқ айтишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Профессионал ижрочилар саройдан ташқарида ҳам фаолият юрита бошлади, шаҳарларда уларнинг алоҳида труппалари пайдо бўлди. Бу эса томоша санъатида ҳажв қарор топишига замин яратди. XII асрга келиб, ҳажвий диалог томошаларнинг асосини ташкил қила бошлади.

Чосон сулоласи даврида пьансори (пхансори, пьан – одамлар тўпладиган жой, сўри) юзага келди. Унда барабан жўрлигида аёл ё эркак ижрочи қиссахонлик қилган, ўрнида рақсга ҳам тушган. Одатда улар шомонлар бўлган. Унинг келиб чиқишини айрим тадқиқотчилар халқ ҳикоятларига, бошқа олимлар эса халқ ашулалари билан боғлиқ, деб ҳисоблашади. Дарҳақиқат, п’ансори – анири, яъни узун ҳикоятдан ташкил топган. У 8–10 соат (ҳозир ўртача 5–8 соат) давом этган. Бунинг сабабларидан бири п’ансори устоз-шогирдлик асосида бир авлоддан кейингисига ўтиб келгани ва анири бойитиб борганлиги билан изоҳланади.

Бошқа томондан ижрочи доим хатти-ҳаракатда бўлади. Ашула давомида йиғи, қайикни эшиш ва бошқа хатти-ҳаракатлар, хиссиётлар оҳанг орқали берилади. Шу сабабдан у мусикий спектакль деб ҳам юритилади.

Кейинчалик, п'ансори ижрочиларини бошқа санъаткорлардан фарқлаш учун “сорикун” (кўшиқ айтаётган киши) деган атама қўлланила бошланди. Мазкур анъанавий моноспектаклда сорикун анири суръатини тезлаштира ё тушириб юборса госу (барабанчи) дирижёрдек уни тўғрилаб туради.

XIX асрда Шин Же-Хё (1812–1884) томонидан п'ансори репертуари олти узун ҳикоялардан ташкил топиши мустақамлаб қўйилди.

1902 йил декабридан Сеул шаҳрида кироллик театри – Хёпрюльс биниси иш бошлади. Унда асосан п'ансори ижро қилинди. П'ансори бўйича олиб борилган изланишлар натижасида Чанггеук (Changgeuk) номи билан мусиқали драма жанри қарор топди. У корейсларнинг миллий операси деб ҳам юритилади.

Театрда рақсга тушиш ва ашула айтишни билган кис-энлар, яъни энгил табиатли аёллар фаолият юритди. Бу эса конфуцийчилик руҳонийларининг эътирозига сабаб бўлди ва театр 1906 йили ёпилди.

Кейинчалик, аниқроғи 1908 йили айна шу саҳнада дастлабки спектакллар қўйила бошланди. Ушбу йилдан бошлаб Корея маданиятида асосан Ғарб муаллифларининг таржима асарларини қўядиган “янги театр” (“янги мактаб”, “янги тўлқин” деб ҳам юритилади) ходисаси юзага келди. Унинг бошида Японияда ўқиб келган И Ин-Жик туради.

1923 йили Японияда таҳсил олиб қайтган бир гуруҳ ёшлар Товолхве (Ер – Ой жамияти)га асос солишади. Гарчи унинг аъзолари ҳаваскор бўлса-да, ўн йил давомида маданий ҳаётда муҳим ўрин тутади. Бу таржима асарларни қўйиш баробарида аъзолар томонидан ёзилган пьесалар ҳам саҳналаштирилиши билан белгиланади.

1931 йили актёр Хонг Хэ Сонг ва бошқалар Кореяда биринчи драма ва кино кўргазмасини ташкил қилди. Шу йили Драматик санъатларни ўрганиш бўйича Жамият иш бошлади ва у замонавий Европа пьесаларининг таржимаси билан шуғулланди. Бу Жамият 1939 йили япон ҳукумати томонидан ёпилди. Шунга қарамай юзга яқин ҳаваскорлик жамоалари реалистик “янги драма” устида изланишни тўхтатгани йўқ.

Хорижий драмалар қўйилишида дастлаб, асосан Шекспир, Ибсен ва Стриндберг асарларига мурожаат қилинган бўлса, кейинчалик Метерлинк ва О'Нил асарлари саҳналаштирилди.

1948 йили Миллий театрни ташкил қилиш ҳақида фармойиш эълон қилинди. Амалда театр Сеулда 1950 йил апрелида фаолиятини бошлади. Театр очилишидан 57 кун ўтгач, икки Корея давлатлари ўртасида биродарқушлик уруши бошланиши муносабати билан жамоа фаолиятини тўхтатиб қўйди. 1952 йилдан театр ишини Тэгу шаҳрида давом эттиради. 1957 йилда Сеулга қайтиб келади.

XX асрнинг 60-йилларида Кореяда миллий маданий меросни тиклашга эътибор қаратилди. Анъанавий ижрочилик санъатининг барча шакллари “Миллий маданий хазина” сифатида эълон қилинди.

1962 йил мартида Миллий театр кўп тармоқли ташкилотга айланди. Асосан Ғарб асарларини саҳналаштирадиган “Миллий драма компанияси” қаторида миллий рақс, Чанггеук компаниялари тузилди.

60-йиллардан бошлаб Ғарб асарларини анъанавий театр шакллари билан уйғунлаштирган ҳолда изланишлар олиб борилди. 90-йилларга келиб бу жараён Корея театрининг етакчи тамойилларидан бирига айланди.

90-йиллар театр санъати ривожланишида янги даврни бошлаб берди. Бу 1987 йил октябрдаги референдумдан кейин цензура бекор қилиниши натижасида ижод эркинлиги берилгани билан изоҳланади. Айни дамда кўплаб ёш ижодкорларнинг кириб келиши ва ўз навбатида сахна санъатига молиявий кўмакнинг кенгайиши унинг ривожланишига қулай шарт-шароит яратди. 1991 йили мамлакатда “Кино ва театр йили” деб эълон қилинди.

Бу имкониятлар театрларни турли оқим ва йўналишларда ижод қилишига, қисқа фурсатда сахна санъати шиддат билан ривожланиб кетишига замин бўлди. Албатта, бу изланишларнинг аксарияти шакл ранг-баранглигига интилишда кўринади, мусиқа, рақс, кино ифода воситаларидан ҳам кенг фойдаланила бошланди. Таржима асарларини миллий анъаналарга мослаштирган ҳолда талқин этишга мойиллик кучайди.

Кореянинг етакчи драматургларида Юн Дэ Сунг инсоннинг ички дунёсига, жамиятдаги устувор қарашларга кўпроқ эътибор қаратади. У “Яна бир бор инсонни сева олсам...” (2010) пьесасида глобаллашув жараёнида ёлғизлик, замонавий корейс жамиятида қариялар ҳаёти каби муаммоларни кўтаради. Инсон ёлғизлиги – Юн Ёнг Сэн драматургиясининг ҳам асосий мавзуси ҳисобланади.

Тарихий мавзу Жонг Бок Гин, Ча Гин-Хо ижодида етакчилик қилади. Ча Гин-Хо эпик драма қоидалари асосида ижод қилади. Унинг “Чосон сулоласи қироллари” (1999), “Ғамгин афсона қахрамони” (2000) каби асарлари машхур.

Таъкидлаш керакки, драматургияда мамлакат тарихига оид воқеаларни ёритишда ўша ҳодисаларнинг иштирокчиси бўлган шахслар ҳаёти ва фаолиятини акс эттиришга урғу берилади. Масалан, Жонг Бок Гиннинг “Мен–сен демакдир” (2010) пьесаси Япония мустамлакачилик даврида (1910–1945) ўз Ватани учун курашганларга бағишланган. Ўша вақтнинг тарихий шахслардан бири, ватанпарвар Ан Жунг Гин ва унинг ўғли Ан Жунг Сэнг асарнинг бош қахрамонларидир. Муаллиф Ан Жунг Сэнгни мустамлакачиларга хизмат қилгани масаласини асар марказига қўйиб, бунга қандай муносабат кўрсатиш лозимлигидан баҳс очади.

Ро Кёнг Шикнинг 1995 йили ёзилган “Сеулга йўл” пьесаси эса француз сахнасида 2008 йили “Сеул поездиди” номи билан қўйилди. Шекспирнинг “Қирол Лир”и ва шомонларнинг эпик қўшиғи уйғунлаштирилган Хонг Вон Гининг “Қирол ота” асари Япония, Венгрия, Литва каби давлатларда ҳам сахналаштирилди.

Фаолиятини 60-йилларда бошлаган драматург ва режиссёр О Тэ Сок қахрамон ички дунёсига урғу бериш орқали томошабинни ўз қилмишларини, ижтимоий жараёнларни мушоҳада қилишга чорлайди. Унинг машхур спектакллари орасида “Сув сачраши”, “Ромео ва Жульетта” асарлари бор.

Сон Жин Чэк миллий театр яратиш устида фаол изланишлар олиб борди. Бунинг учун у ўзи ва Минэ театри жамоаси учун анъанавий театр шакллариини ўрганишни ташкил этди, хориж режиссёрлиги асосларини ҳам ўзлаштирди. 1988 йилга келиб Мичу театрига асос солди. У “Маданг-Нори”, “Асровчи”, “Девордаги фаришта” каби спектакллارни сахналаштирди.

Авангардчи режиссёрлардан Канг Рянг Вон Б.Шчукин номидаги Москва театр институтида таҳсил олиб, Станиславский системаси ва Мей-

ерхольд назариясига ижодий ёндашиб, “жисмоний хатти-ҳаракатлар назарияси”ни ишлаб чиқди. Унинг 2010 йили Гоголнинг “Ревизор”и асосида постмодернистик йўналишда сахналаштирган “Махфий полиция” спектакли шуҳрат қозонди.

Ҳозирда Хангук, Сежонг томоша санъатлари маркази, Намсан, Сеул санъат маркази, Мюнгдонг ва Корея Миллий театри мамлакатдаги етакчи муассасалар ҳисобланади. Буларнинг аксариятида тадбирлар ўтказиш қаторида бадиий таълим ҳам йўлга қўйилган. Миллий театр мамлакат ва халқаро миқёсда фестиваллар ҳам ташкил этади, турли лойиҳалар ва дастурларни амалга оширади.

Шунингдек, Кореяда Миллий театр уюшмаси, Мусикали театр, кичик театрлар, Сеул театр уюшмалари, Пьеса ёзувчилар ташкилоти, актёрлар, режиссёрлар, менежерлар, танқидчилар, театр ўқитувчилари уюшмалари каби ташкилотлар фаолият юритади. Ҳар йили элликка яқин театр фестиваллари ташкил этилади.

Козимхон САЪДУЛЛАЕВ тайёрлади.



Кино

Кореяда илк фильм 1903 йилдаёқ суратга олинган деган тахминлар бор. Бироқ бу фильм сақланиб қолинмаганлиги сабаб, у ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Кореянинг мустамлакачилик даври кўп санъат турлари қаторида кино санъатининг ривожига ҳам тўсқинлик қилди. Шундай бўлса-да, фильм яратиш ҳаракатлари давом этади. 1919 йилда “Эзгу қасос” кинодрамаси пайдо бўлди. Мазкур кинодрама кино ва театр хусусиятларини уйғунлаштирган бўлиб, актёр ролни сахнада ижро этади. Корея театр арбоблари томонидан муҳокама қилинган мазкур кинодрама танқид остига олинади. 1923 йилда эса биринчи овозсиз фильм “Ой нури остидаги қасам” Юн Баэк-Нам режиссёрлиги остида суратга олинди. Мана шу қадамдан сўнг Корея кино санъатида ўзига хос бурилишлар рўй бера бошлади. Ўтган беш йил давомида жами еттита киностудия очилди. 20-йилларнинг 2-ярмида халқнинг оғир аҳволини акс эттирувчи “Саёқ”, “Ним қоронғи кўча” каби кинофильмлар яратилди. Миллий илғор кино санъатининг ривожланишида режиссёр, сценарийнавис ва актёр На Ун Гюнинг ҳиссаси катта. У “Ариранг” (1926), “Муҳаббат излаб” (1928), “Эгасиз паром” (1932) ва бошқа фильмларида мустамлакачилар зулмига, ижтимоий тенгсизликка қарши курашни акс эттиради.

1935 йилда биринчи овозли фильм “Чунгхянг Жеон” режиссёр Ли Мюнг Ву томонидан суратга олинди. Мазкур фильм машҳур халқ қиссалари мотивлари асосида яратилган бўлиб, Чунгхянг Жеон исмли тўқима миллий қаҳрамон ҳақида ҳикоя қилади.

40-йилларда Корея кинематографияси Япония назорати остида бўлди, асосан, немис, италян ва япон фильмлари намойиш қилинди. Кореядаги ижтимоий тузумни оғирлашуви, иккинчи жаҳон урушининг талофатлари натижасида Кореяда кино саноати ривожига тўхтаб қолди. Корейс халқи Иккинчи жаҳон урушидан сўнг иккига бўлингани оқибатида бу икки давлатнинг кино санъати йўли ҳам икки йўлдан кетди. 40-йиллар охирида Жанубий Корея кинематографияси пайдо бўлди. Бу даврда фильмлар, асосан, Ватанни япон босқинчиларидан озод қилишга бағишланди (“Мудҳиш тун”, “Ортиқча одам”). КХДР ҳам ўзига хос тарзда миллий кинематографиясига асос солиб, қатор киностудиялар, киноматографлар уюшмаси, кино институти ташкил этди. Кейинги йилларда ҳам асосан, икки давлат кинематографиясида уруш ва ватанни бирлаштириш мавзулари асосий ўринларни эгаллади.

Жанубий Кореяда дастлабки рангли фильм 1949 йилда яратилди. “Аёллар кундалиги” номли мазкур фильмга Хонг Сеонг-Ги режиссёрлик қилди.

Илк ҳужжатли фильмлар 50-йилларнинг бошида суратга олина бошланди. Дастлаб ҳужжатли фильмлар Кореянинг тарихи, уруш ва унинг оқибатлари ҳамда тарихий шахслар ҳақида бўлган. “Корея жинояти” (1950), “Корея урушдан сўнг...” (1954) каби фильмлар илк корейс ҳужжатли фильм намуналаридир.

50-йиллардаги фуқаролар уруши ва мамлакатдаги нотинчликлар эвазига кино санъатига бўлган эътибор тушиб кетди. 1960–1961 йиллардаги қисқа эркинлик даврида “Оқсоч”, “Нишонга олинган ўк” каби бир қанча бадиий фильмлар суратга олинди. Кейинчалик Корея кинематографиясига анимацион фильмлар ҳам кириб кела бошлади. Бундай фильмлар ривожига асосан, Япония ва Американинг анимацион тажрибалари ўз таъсирини ўтказди. Корея анимацион фильмларида асосан, тарихий ва халқ ижодиётининг тўқима қаҳрамонлари, замонавий ва фантастик образлар ҳамда ҳайвон ва қушлар иштирок этишади. Дастлабки намуналардан “Хонг Гилдонг” (1967), “Олтидан ясалган эркак” (1968) каби анимацион фильмларни мисол қилиш мумкин.

70-йилларга келиб Жанубий Кореяда қатъий эътибор ва ҳукумат қарорлари билан мустаҳкам кинематография йўли барпо этила бошланди. 1973 йил “Korean Motion Picture Promotion Corporation” (KMPPC) йирик кинокомпанияси ўз фаолиятини бошлади. Кўплаб кинотеатрлар қурилди. Корея фильмлари архиви яратилди. 1988 йилда Жанубий Кореяда Голливуднинг биринчи филиали очилди. 1992 йил мазкур филиал томонидан “Никоҳ ҳикояси” номли кинокомедия суратга олинди. Мазкур фильм машҳур “Самсунг” фирмаси томонидан молиялаштирилган бўлиб, Ким Ио Сеокнинг режиссёрлик иши ҳисобланади. 90-йилларда фильмларнинг ички тижорати ривожлана бошланди. Им Квон Таэк томонидан суратга олинган “Мандала”, “Сопёнже” каби фильмлар фильм ижодкорларига юқори даромад келтирди. “Мандала” фильми “Hawai Film Festival” гран-присига созовор бўлди. 1997 йилда Сеулга яқин Намянгжу шаҳрида йирик Кино мажмуаси бунёд этилди. Кўплаб давлат ва хусусий киностудияларда турфа фильмлар суратга олина бошланди. Йилдан-йилга корейс халқининг фильмлар борасидаги диди ўсиб борди. 1999 йилда суратга олинган “Шири” фильми энг катта бюджетли

фильм сифатида эътибор қозонди ва оз вақт ўтиб фильмнинг даромади маҳаллий бозорда биринчи ўринга чиқиб олди. 2000 йилдан бошлаб, Жанубий Корея фильмларининг чет мамлакатларга сотилиши тез суръатларда ўсиб борди.

Жанубий Кореяда кўп қисмли бадиий фильмлар – сериаллар яратиш ҳам самарали кечаётганини эътироф этиш ўринли. Сериаллар асосан, мамлакат телеканаллари буюртмасига биноан тайёрланмоқда. Корейс сериаллари тарихий ва замонавий жанрлардаги икки йирик гуруҳга бўлинади. Сериаллар чет элдан кириб келувчи йирик даромад манбаига айланмоқда. Масалан, корейс кино санъатида энг кўп даромад келтирган кўп қисмли фильмлар қаторида биринчи ўринни “Сарой жавоҳири” (2004–2005), иккинчи ўринни “Жумонг” фильми (2006–2007) эгаллаган. (“Сарой жавоҳири” бадиий фильми ўзбек томошабинларининг ҳам эътиборини қозонганини таъкидламоқ жоиз).

Миллий корейс фильмлари халқаро фестивалларда ҳам юксак эътироф этилмоқда. 2002 йил “Оазис” фильми “Venice Film Festival”да иккинчи даражали мукофотга, 2004 йил “Кекса бола” номли кинофильм Халқаро Канн кинофестивали Гран-присида, 2010 йил “Шеърят” фильми Халқаро Канн кинофестивалида “Энг яхши сценарий”, Жеонг-хи Юн “Los Angeles Film Critics Association Award”да “Энг яхши актриса” номинацияларига лойиқ деб топилди. 2004 йил Ким-ки Дук “Самартан кизи” фильми учун “Berlin Films Festival” да “Энг яхши режиссёр” номинациясини, 2012 йил “Пиэта” фильми учун “Олтин шер” халқаро мукофотини қўлга киритди. Шу тариқа, Корея киносанъатининг ютуқлари муттасил ўсиб бормоқда.

Жанубий Корея бадиий фильмларида жанрлар борасида ранг-баранглик кўзга ташланади. Драма, мелодрама, комедия, фантастика каби жанрларда яратилган асарларда халқнинг миллий қадриятлари, жамиятдаги ижтимоий муаммолар, инсонийлик, оилавий ва шахсий ҳиссиётлар психологик теранлик ҳамда кучли реалистик ва романтик усулларда очиб берилади.

Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасида кино соҳасини ривожлантириш юзасидан қатор ҳамкорликлар йўлга қўйилган. Халқимиз корейс фильмларини севиб томоша қилади. Бизнинг қатор миллий фильмларимиз ҳам корейс томошабинлари эътиборига ҳавола этилмоқда. Киномутахассисларни тайёрлаш борасида ҳам давлатларимиз ўртасида кадрлар ва ўқув дастурлари юзасидан тажрибавий алмашинувлар рўй бермоқда. Ижодий ҳамкорликларни янада мустаҳкамлаш мақсадида ўтган йили Алишер Навоий киносаройида “Korean week – 2015” маданият ҳафталиги бўлиб ўтди. Ҳафталик Жанубий Кореялик ижодкорлар томонидан суратга олинган “Мисс бувижон” фильми намоиши билан бошланди. Ҳафта давомида “Архитектурада янгилик”, “Донмакголга хуш келибсиз!”, “Менинг севгим, менинг қайлигим”, “Синчков” номли фильмлар намоиш этилди.

Сирожддин РУСТАМОВ тайёрлади.



ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ШЕЪРИЯТИ

Чон Чхоль

(1536–1594)

*Рус тилидан
Даврон ЖАББОР ўгли
таржимаси*

Чон Чхоль корейс адабиётида “Сонган” (“Қарағайли дарё”) тахаллуси билан танилган. Чосон сулоласи саройида хизмат қилган. Шоир вафотидан сўнг, 1632 йили невараси унинг етти жилдли “Сонган асарлари”ни тўплаб нашр қилган. 1685 йилда Сонган Корейнинг бошқа машҳур шоир ва ёзувчилари қатори “Мунчхон” – “Ёрқин адиб” унвони билан тақдирланган. Бугунги кунда Чон Чхоль корейс миллий шеърияти асосчиларидан бири сифатида ҳурмат билан тилга олинади.

* * *

* * *

*Комунгонинг¹ бир торин чертиб
Ором топди пажмурда кўнглим.*

*Нигоҳимда бир-бир акс этар
Шафақрангли осмон ва дарё.*

*Бошқасини чертдим сўнг аста –
Андуҳ ила бўзлай кетди тор.*

*Қамишзорлар узра ёлғиз гоз
Фарёд тортиб сокин учмоқда.*

*Ер юзида яшаркан ҳижрон,
Қандай қилиб йўқ бўлсин ҳасрат?²*

*Мана, куз ҳам охирлаб қолди...
Бироқ йўқдир дўстимдан хабар!*

163

ЖАҲОН АДАБИЙОТИ 2016/8

* Манба: Чхоль Ч. Одинокий журавль. –М.: Худож. лит., 1975; “Иностранная литература”, 2014. № 6.

¹ Комунго – олти торли корейс халқ чолғу асбоби.

² Чон Чхольнинг ушбу шеърлари сижо жанрида ёзилган. Сижо – Корей шеъриятининг ўзига хос жанри, қадимда танга (сўзма-сўз таржима қилинганда, “қисқа кўшиқ” маъносини англатади). Сижо япон хайкулари билан оҳанг жиҳатидан яқиндир. Сижонинг ҳар бир сатри 14-16 иероглиф (ёки ҳижо)дан ташкил топган бўлиб, шеър атиги 44-46 иероглиф, яъни уч сатрдан иборат бўлади. Ҳар бир сатрнинг ўртасида тўхтаб бор, шунинг учун ҳам бошқа тилларга ўғирилганда кўпинча олти сатрга айланади (аслидагидек уч сатр эмас). Сижо мусиқа билан чамбарчас боғлиқдир, шунинг учун бу жанрда ёзилган шеърлар ўқилмаган, балки қуйланган.

* * *

* * *

*Бекорчи яшадим ва саёқ кездим,
Хавога совурдим кўп йилларимни.*

*Нилуфар барглари узра уззукун
Тинмай савалади кузак ёмгири.*

*Мақсадим йўқ эди ҳаётда чунон
Ва қила олмадим муносиб юмуш.*

*Бироқ бирортаям из қолмас эди
Унинг камалакваш нафис сиртида...*

*Демак, фурсатим ҳам қолмади энди,
Фақат ўйин бўлар қолган умрим ҳам!*

*Сен ҳам шундай гардсиз бўлиб қол,
Шу гулга ўхшагин, эй, менинг кўнглим!*

* * *

*Нега келиб қолдинг, хушқад қарагай,
Тог сўқмоғи узра жар ёқасига?*

*Инонмассан, вақту соатинг яқин,
Қачон айриласан ўз осмонингдан?*

*Балки сен одамлар тоғдан тушириб
Чопиб ташлашларин кутаётгандирсан?*

* * *

* * *

*Мен балки буюк Цзя И¹ учун
Эси наст бўлиб кўринармидим:*

*Токи тирик экан отанг ва онанг
Хурмат қил уларни, таомилдир шу.*

*Бунда гўё ёлғиз — бир ўзим
Олам дардин олиб кетяпман.*

*Не наф надоматдан оламдан ўтгач —
Асло сўзларингни эшитмас улар!*

*Ёхуд инсон ҳақида тинсиз
Ҳасрат тўкиб йиғламоқдаман!*

*Ота-онанг учун фарзандлик қарзин
Қайтариб бўлмас ҳеч кўз ёши билан!*

* * *

* * *

*Эр қазо қилди — ҳасрат ёшлари
Оқиб келар кўкраклар узра.*

*Топилмас дўст у каби содиқ
Қариндошлар ичра ҳам ҳатто.*

*Биламан, бугун она сутида
Аччиқ таъм бор — инграр чақалоқ.*

*Ва фақат у менга айта олар
Номуносиб иш қилсам агар.*

*Кичкинтой, аёл каби тутма ўзингни —
Чунки эркак бўлиб ўсишинг керак!*

*Мабодо у дунёга келмаганда,
Инсон бўлиб қолармидим мен?!*

¹ Цзя И (мил. авв. 201–169) Хитойда яшаб ўтган давлат арбоби, шоир ва олим. Императорнинг ўғли ҳалокат туфайли вафот этганида Цзя И бир йилгача мотам тутиб, ўзи ҳам қазо қилган экан. Шоир бу шеърда ўз кечинмаларини Цзя И тақдирига менгашга ҳаракат қилган.

*Ҳеч вақонг бўлмаса кийишига,
Тортиб олма яқинингдан қабосини.*

*Ҳеч вақонг бўлмаса ейишига,
Кун ўтказма зорланиб асло!*

*Булганиш осондир ҳар бошига,
Сўнгида тозариш мушкулдир!*

Хан Ёнун

(1879–1944)

*Рус тилидан
Шермурод СУБҲОН
таржимаси*

Кореялик таниқли шоир. Япониядаги Комаява коллежида таҳсил олиб, буддавийлик ва Ғарб фалсафасини ўрганади. Шеърлари “Рух”, “Ижод”, “Дунёнинг яралиши” каби журналларда чоп этилади. 1926 йили шоирнинг “Севги сукунати” шеърий тўплами нашрдан чиқади. Хан Ёнун йигирма олти ёшида роҳибликни зиммасига олиб, ўзига Манхе дея исм қўяди.

СЕВГИ СУКУТИ

*Севги тарк этди, тарк этди севгим.
Сўқмоқлардан кечиб, кўм-кўк қир оша
Заранг ўрмонзор сари.
Собит ва ёрқин тилла гул каби туюлган аҳд
Бир нафасда муздек эриди-кетди.
Илк ўпичнинг оғир хотиралари
Кечиб ўтди тақдир чизигин, чекинди ва эриди.
Мени кар айлади севгилимнинг ширин овози,
Сўқир қилди мени чирой очган юзин ёғдуси.
Севгим учратиб, қўрқаёздим фироқдан, айрилиққа тайёр эмасдим.
Зеро, ҳайрат тўла юрак
ёрилади согинчдан.
Кўрқиб, беҳуда кўзёш шашқаторининг
севгини пайҳон этишидан,
қайғунинг, бедаво дарднинг бутун кучин –
янги умид тўлқинига топширдим.
Фироққа дуч келганда қўрқамиз,
айрилганда умид қиламиз висолга.
Севги тарк этди – улгурмадим видо айтмоққа.
Ажиб қўшиқ куйин тўхтатишига етмайди кучи,
атрофда эсаркан севги сукути.*

* * *

Вақт судранар, ёлгизликдан қўрқиб,
 Энди бизга айрилмоқ қолар.
 Тинглаяпман, шамолнинг эсишидан
 қулайди шиша,
 Эски шоиранинг кўзларига боқмоқ керак.
 ...Маёқда...
 Кўринмас ёғду,
 Нурсиз келажак ониди ёху,
 Ҳеч бўлмаса найнинг ёлгиз куйин эсламоқ.
 Майли барча тарк этсин, видо айтсин ҳаётга,
 Кўнгилда қолган мавҳум туйғулар аро,
 Виржиния Вулф ҳақида қайғули ҳикояни
 тингламоқ лозим.
 Илон қоя сари ўрмалар ёшлигин излаган мисол,
 Бир стакан май ичамиз, кўзни кенг очиб,
 Ҳаёт ёлгиз эмас, бироқ
 галат, худди жимжимадор журнал муқоваси каби,
 Балки шунинг учун кетамиз биз, ачинишдан қўрқиб.
 Тахаюлдаги от,
 Қулоқларда най садоси,
 Баҳор ели
 шивирлаб қўяр қулаган шишага.

И Санг Хва

(1901–1943)

И Санг Хва атоқли корейс шоири. Ўрта мактабни тугатиб, Японияда икки йил давомида француз тили ва адабиётини ўрганади. Ватанига қайтгач, романтизм тарафдорлари бўлган “Оқ оқим” (“Пекчо”) адабий уюшмасига аъзо бўлади. 1923–1930 йиллар орасида эълон қилган шеърларининг бош ғояси тенглик ва эркинлик ҳисобланади. Шоирнинг “Ўғирланган дала-ларга баҳор қайтармикан” шеъри япон мустамлакачиларига қарши энг яхши шеърлар сирасига киради.

Ажойиб ва собит ҳақиқат фақат орзуларда мавжуд бўлади.

ШОИРГА

Пайти келар, янги дунё яратиб,
 Биргина сатринг ила уйготасан барчани.
 Шоир, ҳаётинг мазмуни шундаки,
 Сен Дунёдан ўтгач-да

Унутмасин инсонлар.
 Сенинг овозинг
 қурғоқчиликда ер сугорилганда
 ариқ бўйидаги кўк бақанинг товушидек,
 Бор бўлсин мудом.
 Майли, ушбу дунё туфайли
 жон ва тан айри яшаган,
 муסיқа асбоблари янгрисин фақат,
 Шоир, ҳаётинг мазмуни шундаки,
 Нақадар қийин бўлмасин, сен ўз ишингни давом эттирдинг.
 Қуёш ботиб, чўкканда ер узра қоронгулик,
 Сўнганми ҳеч яратиш иштиёқинг?
 Шоир, шуҳратинг шундаки сенинг,
 Бола руҳи тарк этмас сени,
 муҳим тўсиқларни енгган.
 Кечами ёки кундуз,
 Шеърлар катта одимлар-ла илдамлаган дам,
 майли, сенга насиб этсин
 ўлаётиб ёруғлик томон учган
 заройиб капалакни кўриши.

ҚУЙИ ҚИШЛОҚДА КЕЧГАН БИР КЕЧА

Дераза ёригидан
 оқиб кирар қалбимга
 мойчироқнинг хира ёғдуси.
 Эслатганча чолнинг
 қуёшни соғинган нурсиз кўзларин.

Бу ерда ўзга нарса йўқ,
 Йўқ ўзга бисот.
 Эй, менинг қалбим!
 Сен инсон кабисан,
 Қуёшга зор инсон кабисан.
 Шу дам деворсиз,
 Кимсасиз, бўм-бўш ҳовлига кираман.
 Отилиб чиқар шунда
 юракдан нола.

Ким Со Вол

(1902–1934)

Шоир Ким Со Вол Сеулдаги Америка коллежи ва Токиодаги тижорат институтида ўқиган. Дастлабки ижодида француз символистларининг таъсири сезилади. “Со Вол” (“Тоza ой”) тахаллуси билан битган шеърлари корейликлар кўнглидан чуқур жой олган. 1925 йили шоирнинг шеърий тўплами

чоп этилган. Со Вол ижодида инсон умрининг қисқалиги, ортга қайтариб бўлмас вақт каби фалсафий тушунчалар билан бирга айрилиқ, ҳижрон, табиат мавзулари ифодаси етакчилик қилади. Шоир 1934 йили ўз жонига қасд қилган.

АЗАЛИЯ¹

*Мендан толиқиб
кетар онингда
қўйиб юбораман жим.*

*Тўшалган йўл
гуллар,
Кета туриб босиб ўтасан енгил.*

*Яксан тоғлари, Ёнбон қирлари аро
бир қучоқ азаля
тераман – пойингга сочмоқ учун.*

*Мендан толиқиб
кетар онингда,
Нақадар қийин бўлса-да,
Йиғламасман ортингдан бироқ.*

АНЧА КУН ЎТИБ

*Гарчи неча кун ўтиб, келарсан ёнимга тагин,
Шунда сенга бир сўз дейман: “Унутдим”.*

*Балки мени койирсан қалбингда узоқ,
Такрорлайман: “Қайгу чекдим, бироқ унутдим”.*

*Ва гиналаринг санчилса-да ханжардек яна.
Мен учинчи бор дейман: “Ишонмайман – унутдим”.*

*Хоҳ кеча, хоҳ бугун – эслайман сен-ла кечган кунларни,
Бироқ анча кун ўтиб дейман: “Унутдим кўндан”.*

Ко Ин

(1933 йилда туғилган)

Шоир, носир ва драматург Ко Иннинг “Шимол ва Жануб” (2000), “Ўн минглаб инсон шажараси” (2010), “Пэктусан тоғлари” (1987–1991, 7 жилдли) сингаари шеърий тўпламлари нашрдан чиққан, асарлари инглиз, немис, француз, испан, рус тилларига ўғирилган. Қатор миллий мукофотлар, халқаро “Олтин тож” (2014) мукофоти соғиндорди.

ШЕЪР

*Кунлардан бир кун
мен уни меҳмон деб ўйладим.*

*Бошқа бир кун
соҳиб деб билдим уни.*

¹ Азаля – гул номи.

*Ҳа, айтгандай,
Ҳар қайси мўри
тутун чиқаришни истайди.*

*Бугун эса билмайман ким у
ёки нима?
Шеърми?!*

Син Генг Рим

(1935 йилда туғилган)

“Қишлоқ деҳқонлари рақси” (1975), “Йўл” (1991) ва бошқа шеърӣй тўппамлар муаллифи. Бир қатор миллий мукофотларга сазовор бўлган.

ҚАМИШ

*Анчадан буён қамиш
йиғлар жимгина.
Тунлардан бир тун қамиш
танида титроқ туйди.*

*Ва бунга на ел, на ой нури эди айбдор.
Қамиш билмасди бироқ, бу тан титроғи
сассиз йиғи эканин
ҳамда
ҳаёт – аслида беун
ўз ҳолига йиғламоқлигин.*

Пак И До

(1938 йилда туғилган)

Шоир ва адабиётшунос, филология фанлари доктори. “Кучли қор ёғини” (1975), “Олов ўйинлари” (1983) каби шеърӣй тўппамлар муаллифи. “Бошловчининг санъати” (1963) адабий мукофоти совриндори.

ИЛК МАКТУБ

*Титраган қўл билан
илк мактуб ёзган кун...
Ёзолмадим исмингни,
Айниқса, “севаман” сўзини
ва ёқдим у кеча бутун
бошлаган мактубларни.*

*Жуда огир бўлди дастлаб яра...
Сенинг исминг ёзолмадим барибир.
Севги – бебаҳо, нодир тош,
Ранги қизғиндир унинг,
Шафаққа ўхшар мудом.
Вақт ўтиши билан ўчириб бўлмас,
Ёрқин хаёл бўлди сенинг исминг.*

*Айни кун битилган илк мактубнинг икки қатори
бир шоирнинг туғилиши бўлди...*

Ли Сонъсон

(1941 йилда туғилган)

Шоир Ли Сонъсон 1970 йилдан шеърлари билан танила бошлаган. Шундан сўнг шеърхонлар ва адабиётшунослар томонидан унинг ижоди юқори баҳоланиб, бир неча китоблари чоп қилинган.

ЮЛДУЗЛАРГА ТИКИЛИБ

*Узоқ тикиламан юлдузларга,
Нега улар бундай нур сочар?*

*Мен узоқ термиламан кўкка,
Нега кўк бунчалар мусаффо?*

*Юлдузлар, мен не қилай?
Ер узра
боқай нимага?*

*Кўча кўз ўнгимда юзади,
Азанаб тушди тор кўчада маст.*

*Қарайман сизнинг кўзёш каби мусаффо юзингизга,
Юракдан губорларни ювгучи. Эҳ, қандай йўқсулман!
Менда йўқ ҳатто сиздаги соф беғуборлик.*

Ким Жи Ха

(1941 йилда туғилган)

“Сариқ ер” (1970), “Халқ овози” (1974) каби шеъррий тўпламлар муаллифи. Бир қатор миллий мукофотлар совриндори, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари бирлашмаси ва бошқа нуфузли ташкилотлар аъзоси.

ЯНГИ БАҲОР

Далада гул сўлганин кўриб,
Англайман кўк қайинни яшии кўришим.
Қайин севгиси билан уйғонар
дала гулига хос севги...

КУЧ МАРКАЗИ

Баҳорда
пайқадим
гул новдасин титрашин.

Ер остидан
отилиб
кўтарилар шиддат билан
марказ кучи.
Гул очилиб,
ёйилади ҳар томон:
озор чекади,
титрайди.
Титрайман мен ҳам.

Эртага
йўл оламан қишлоққа.
Йўл оларкан
янгича тус оламан – гуллайман.

ҚЎШНИГА МЕХР

Чекка бир жойда тураман,
Чекка бир жойда.
Имкони йўқ у ерга боршининг,
Борса келмас тор кўча...
Қуш бўлиб учсаммикан,
Балиққа айлансамми ё?
Ё бир шамол,
Ё булут,
Ё хаёлга дўнсамми?
Ҳали инсон қадами етмаган чекка бир жойда,
Турибман ёлғиз ва чорламоқдаман,
Чорламоқдаман...
Нимадир руҳимда аста,
Очилмоқдадир.
Бу денгиз,
Бу осмон каби,
Қора тоида порламоқдадир.
Бирозгина илиқ туйғу,
Нозиккина бу учқун –
Қўшнига бўлган меҳр.



Ли МУНЁЛ

(1948 йили туғилган)

ОЛТИН ҚАНОТЛИ ҚУШ

Қисса

*Рус тилидан
Эркин ЭРНАЗАРОВ
таржимаси*

Ли Мунёл – замонавий Жанубий Корея адабиётининг машҳур вакилларидан бири. У “Инсон ўғли”, “Император ҳақи”, “Император табриғи”, “Шоир” каби романлар, кўплаб қисса ва ҳикоялар муаллифи. Ли Мунёл муҳаррирлигида ўн бир жилдли “Уч подшолик” хитой мумтоз романлар туркуми ўн бир миллион нусхада чоп этилган. Адибнинг қатор роман ва қиссалари бошқа тилларга таржима қилинган, театрларда саҳналаштирилган, улар асосида бадиий фильмлар яратилган. “Олтин қанотли қуш” қиссаси 1982 йили Жанубий Кореянинг адабиёт соҳасидаги нуфузли Ким Тонин мукофотига лойиқ топилган.

Ко Жук юзида илиқ шуълани сезиб, кўзини очди.

Ҳозиргина уйи ёнидаги черковда тонгги кўнғироқ чалинди. Деразининг қора панжаралари офтоб нурида янада бўриб кўринди. Ко Жук хонани тутган қора сиёҳ исини туйди. Эҳтимол, қадимда олхўризорлар шундай хид таратгандир? Балки тепасида аждаҳо ва қақнус ўйноқлаган эртакнамо майсазорлар шу исга буркангандир?

Бу, кўп саёҳат қиладиган ва ўзини марҳум Сок Тамнинг шогирди деб ҳисобловчи табаррук ёшли Пак ўтган йил баҳорда Ко Жук учун харид қилган қора сиёҳ эди. Лекин ўшанда Ко Жук мўйқаламни кўлига олиш тугул ўрнидан кўзғатолмасди ҳам; шу сабаб бу совгадан ғамга ботиб қолганди. Хушбўй ис Чху Сунинг хонани эндигина тарк этганини англатарди.

“Мени уйғотиб юборган, деразага урилаётган ҳароратли ёғду қуёш шуълалари эканлиги аниқ”, – деган хаёлга борди Ко Жук ва қатъиятсизлик билан ўрнидан туришга уриниб кўрди. Эпложмади. Кимнидир ёрдамга чақириш ўйи миясидан лоп этиб ўтди-ю, бироқ бу фикрдан дарҳол воз кечиб, яна чўзилиб олди. Оила аъзоларининг мўъжиза кутгандай ахволини сўрашлари, тоқатни тоқ қилиб юборувчи ғамхўрликлари билан эрталаб-

* Асар жузъий қисқартириш билан берилмоқда. Манба: “Нева” журнали, 2010 йил, 3-сон.

ки сокинликни, эндиликда азоб ҳам, оғриқ ҳам бермай қўйган маъюсликни бузишни хоҳламаётганди.

“Ҳа... – шифтдаги нақшларга термилиб мушоҳада қиларди у, – умрим бўйи бугунгидек тонглар кўп бўлди... Ҳаммаси ёлғизликда ўтди, ҳаммаси...”

Болаликнинг хира даврларида бундай уйғонишлар неча бор рўй берган. Ўшанда беш яшармиди, ё олти ёшга тўлганмиди?.. Каравотда ёлғиз ўзи ётар, тонгги куёш шуълалари хонани ёритиб турарди. Дафъатан хонага оқ либосли, сочлари тўзғиган онаси кириб, уни бағрига босди ва хушидан кетиб йиқилди. Шундан кейин у узок вақт онасини кўрмади, кераксизлик ҳисси тобора эзаверди. Унинг тинимсиз хўнграб, дод солгиси келарди. Етти ёки саккиз ёшга кирганида бир куни ёлғиз уйғонди: шунгача ҳамма вақт онаси билан ухларди. Ўшанда хонага бувиси кириб, уни қўлига олган ва мархумнинг руҳини чақираётган афсунгар кампирдек марсия айтиб, йиғлашга тушганди. Бундан сокин хона шу қадар даҳшатли тус олгандики, қочиб кетишни астойдил истаганди. “Оҳ, бўталоғим, энди сени нима қиламиз, сира ақлим етмаяпти. Оҳ, юзсиз хотин, мотам тугагунча ҳам чидамади-я...”

Сўнг амакисининг уйига келганида ҳам ёлғиз ўзи уйғонди. Амакисининг хотини доим бошқа хонада бетоб ётар, эри эса кўпинча тунагани келмасди. Ко Жук китоб хидига тўла хонада уйқуга кетар ва ҳар тонг танҳо уйғонарди.

Болалик хотиралари уйғониши билан амакиси уни, ўн яшар болани қўлидан ушлаганича мўътабар устоз Сок Тамнинг уйига етаклаб келгани кўз олдида гавдаланади. Ундан бери эллик йил ўтдимиз, ё олтмиш йил? Аниқ эсида йўқ.

Бу – э йўқ-бе йўқ аллақачонги, буткул нутилгандек туюлган хотираларнинг тўсатдан бунчалик аниқ жонланиши – ҳақиқатан ҳам қарилик белгиси. Ко Жукнинг ёши улғайгани сари биринчи устози Сок Тамнинг киёфаси кўз олдидан кетмаяпти. Ўша пайтлар устоз Сок Там қирққа яқинлашиб қолган, лекин кўринишидан анча қартайган, бечора сонбисифат¹ одам эди.

– Ҳурматли Сок Там, болани қабул қилсанг. Йўқлигимда унинг ҳолидан хабар олувчи киши йўқ, – деганди амакиси. – Касал хотинимни қолдириб, чет элга кетаяпман, болани ҳам ташлаб кетсам, хотинимнинг оиласига ортиқча даҳмаза бўлади. Қадрдон дўстлигимиз ҳаққи, болани ол. У акамнинг ёлғиз ёдгори.

Устоз Сок Там амакисининг гапларини совуққина тинглаб, жавоб бериш ўрнига сўради:

– Сен нукул “Шанхай-Шанхай” дейсан. У ерда нима бўлаётганидан сира хабаринг борми ўзи? Муваққат ҳукумат² деганлари – олифта гап, амалда бошпана учун ҳам чақалари йўқ. Тураржойдан қувиб чиқаришмасмикан, деб титрашадию, арзимаган нарсага юмдалашишади. Умуман, устоз Чхун Ган ҳали ҳам ўша ердалигига ким кафолат бера олади?

– Бу ернинг нимаси яхши? Болани оласанми-йўқми, ўзи?

– Уни боқиш, кийинтириш бир гап бўлар. Аммо болани тарбиялаш фақат бу билан бўлмайди.

¹ Сонби – конфуцийчи олим.

² Гап мамлакат японлар томонидан босиб олинган пайтда Шанхайда ташкил этилган Кореянинг Муваққат ҳукумати тўғрисида кетмоқда.

– Раҳмат-эй, оғиримни енгил қилдинг. Таълим бериш тўғрисида ташвишланма. Бола катта бўлса, ким бўлишини худо билади, сен нимани ҳам ўқитардинг. Учта иероглифни, отини ёдда сақлаб қолса бўлгани. – Шундай деб, амакиси унга ўғирилди: – Қани, жанобингга таъзим қил-чи. У устоз Сок Там. Сени йўқлаб келмагунимча уни ота ўрнида кўрасан.

Аммо амакиси бошқа келмади. Тўғри, анча кейин, йигирма йиллар чамаси ўтгач, унинг ватанга Муваққат ҳукуматнинг бошқа аъзолари билан қайтиб келганлиги ҳақида овоза тарқалди. Бироқ Ко Жук ўшандан бир йил кейингина пойтахтга боролди. Бу вақтда амакисини қидириб топишнинг иложи бўлмади.

Амакисининг синфдоши ва кўп йиллик қадрдон ошнаси устоз Сок Там Тхвегенинг¹ ўзидан сабоқ олган машҳур конфуцийчилардан² бўлган Ённаманнинг издошларидан эди. Хаттотликда ақл бовар қилмайдиган қобилият ва бенуксон услубга эга бўлган, сўнгги сулоладаги³ энг машҳур конфуцийчи уч олимдан бири ҳисобланган Сок Там устози Чхун Ган таъзим қиладиган Чху Садан⁴ ҳам кўпроқ китобий билимларга ёпишиб олган олим эди.

– Саводинг борми? – бу Сок Тамнинг унга берган биринчи саволи эди.

– “Болалар учун дастлабки қўлланма”ни ўзлаштирганман.

– Унда “Кичик таълимот”ни⁵ ўқи. Уни ўқиб олмагунингча, бирор нарсага эриша олмайсан.

Шу билан суҳбат ниҳоясига етди. У устознинг санокли шоғирдлари билан бирга “Кичик таълимот”ни қайта-қайта мутолаа қилар, бироқ Сок Там ўзини худди Ко Жукни пайқамаётгандек тутарди. Ўн уч ёшга кирганида эса, кутилмаганда устоз уни шу яқин орадаги бошланғич мактабга олиб борди.

– Ҳозир замон ўзгарган. Ҳали ҳаммаси олдинда, замонавий фанлар билан таниш.

Қисқагина танишувдан Сок Тамнинг Ко Жукни шоғирдликка олиш нияти йўқлигини англаса бўларди.

Ко Жукнинг нигоҳи одатдагидек бир вақтлар Сок Тамнинг ўзи ёзган, деворга осилган турган ҳикматли сўзига қадалди. Бу битик аллақачонлар ёзилган ва узоқ вақтдан буён рамкага солинмай сақланарди, шу сабабли қоғознинг айрим жойлари йиртилган, устоз шахсий муҳрининг қизил бўёғи чаплашган, хира сариқ тус олганди. Шунга қарамай, гўё қоғоз устида сузаётгандек кўринадиган харфлар юксак истеъдод билан битилгани сезилиб турарди.

*Олтин қуш денгизни тешиб ўтмоқда.
Хушбўй иси анқиган фил дарё кечмоқда.*

¹ Тхвеге – ўз даврининг таниқли олими ва сиёсий арбоби, машҳур конфуцийчилар мактабининг асосчиларидан бири Ли Хваннинг (1501–1570) тахаллуси.

² Конфуций (мил. ав. 551–479) – қадимги хитой мутафаккири ва файласуфи, конфуцийчилик фалсафа тизимининг асосчиси.

³ Мамлакатнинг Япония томонидан босиб олиниши оқибатида беш юз йиллик ҳукронлигига барҳам берилган Кореянинг Чосон қироллар сулоласи назарда тутилмоқда.

⁴ Чху Са – машҳур рассом-хаттот Ким Чон Хининг (1786–1856) тахаллуси.

⁵ “Болалар учун дастлабки қўлланма” (“Тонмон сонсип”) ва “Кичик таълимот” (“Сохақ”) – болаларни хитойча савод ва конфуцийча ахлоқ асосларига ўргатадиган дарсликлар.

Бахтга қарши устознинг ёлғиз ўгли вабодан вафот этди, шогирдлари орасидан эса, Сок Тамнинг буддийча¹ таъбири билан айтганда, роҳиб кийими ва гуруч солинадиган япақи идишни мерос қилиб олишни хоҳлайдигани топилмади. Шунинг учун устознинг вафотидан сўнг уйини кўриқлаб қолган Ко Жукка унинг баъзи буюмлари ўтди. Бирок унинг мамлакат бўйлаб узоқ вақт тентирашига тўғри келди; кейин яна уруш, алғов-далғов йиллар – ўша орада бу буюмларнинг кўпи йўқолиб кетди. У ҳар гал шу ҳақда ўйлаганида, ўзининг эҳтиётсизлиги ва масъулиятсизлигидан пушаймон бўлади. Биргина шу битикни сақлаб қололди. Бу ҳикмат устознинг энг севимли ўғитларидан бири эди. Худди ана шу ҳикмат Ко Жукка бир умр маломат бўлди: у доим бу иероглифлар олдида хаяжондан титрар, унинг маъносини англашга интиларди. Ҳатто Сок Там мўйқаламини қўлга олишга ҳоли бўлмаган сўнгги дамларида ҳам қаҳрли боқишини шу чизиқларга жойлаб кетганди.

Йигирма етти ёшда эди. У муваффақият қозонишга ташна, ўша кунни интиқиб кутарди ва устозига ҳеч нарса демай унинг уйини тарк этди. Бу иш баландпарвоз айтилса, ўзликни намоён қилиш, жўнроқ ифодаланганда, ўзини кўрсатишга имконият излаш эди.

Бироз вақт у зафар кетидан зафар кучди. Чокпхадаги адабиёт танловида ғолиб чиқди, қаерлардадир ҳали ҳам тароватини сақлаб қолган ва жамият сараларининг лаззатланиши учун тобора камёб бўлиб бораётган соданларда² ардоқли меҳмонга айланди; маҳаллий бойларнинг хонадонларида ҳам яшади. Уч ойдан сўнг аъло кайфиятда, ўзига совға қилинган кўплаб расму битиклар ва бир қоп гуруч билан устозидан олган қоғоз ҳамда мўйқаламлар кийматини қоплаш мақсадида қайтиб келди. Лекин устознинг муносабати кутилмаган бўлди.

– Мўйқаламларни қутидан олиб, қопнинг устига қўй.

Унга эътироз билдирилмасди. Ко Жук гап нимадалигини тушунмаса ҳам айтилганини бажарди. Устоз енгидан бир қути гугуртни чиқариб, мўйқалам қутиси билан бирга қопга ўт қўйди.

– Нима қиялпсиз, устоз?!

Сок Там қаҳрли овозда деди:

– Дўстимга сўз берганим учун уйимда яшашинг мумкин. Аммо бундан буён мени устоз деб атама. Сен эрталаб қўлингга мўйқалам ушлаб, кечқурун истеъдодинг билан мақтана бошладинг. Менинг бундай шогирдим бўлмаган, бўлмайди ҳам.

Ко Жук ғазаб отига минган устозига ўзини кечиршини сўраб икки йил ёлворди. Ўша йиллар илгари сира дуч келмаган ғоят оғир синов даври бўлди. Ко Жук ҳозир қараб турган битикни у ниҳоят кечирилган, худо марҳамат қилган кунда устознинг ўзи қоғозга туширганди.

Ҳикматнинг маъноси эса бундай эди:

Мовий денгизга отилиб, аждаҳони юлиб оладиган ва кўкка ўқдай отиладиган олтин қанотли қуш каби шижоатли бўл;

Хушбўй ҳид анқитиб, денгиздан шошмай кечиб ўтаётган филдек қатъий бўл.

¹ Буддизм – милоддан аввалги VI асрда қадимий Ҳиндистонда пайдо бўлган диний-фалсафий таълимот. Унинг асосчиси кейинчалик Будда Шакьямуни номини олган Сиддхартха Гаутама ҳисобланади.

² Содан – адабий мунозаралар, мусобақалар ўтказиб туриладиган конфуцийчилар мактаби.

Ко Жук учун машаққат ва тушкунликда ўтган бошланғич таълим даври аламли хотираларга тўла эди. Сок Там қандайдир сабабга кўра, аввалбошдан, Ко Жукни амакисидан олиб қолган кундан эътиборан, унга совуқ муомалада бўларди. Сок Тамнинг аждодлари авлоддан-авлодга Конфуций таълимотини ўтказиб келиши билан машҳур эди, бироқ Сок Тамнинг мол-мулки кўп эмас, ўзи йил сайин сони тобора камайиб бораётган шогирдлари баҳор ва кузда олиб келадиган гуруч ҳисобига кун кечирарди. Лекин бола Сок Тамга ортиқча юк эмасди. Бироз вақт ўтгач, Ко Жук улғайгач, ҳатто хўжаликни юритишни ўз зиммасига олганди. Шунга қарамай, устознинг совуққонлиги қолмаган, аксинча, йил сайин кучайиб борарди. Демак, бунинг бошқа жиддий сабаби бор эди.

Сок Там одатда бир-икки йилда ўзлаштириладиган “Кичик таълимот”ни Ко Жукка чўзи-иб, йиллар мобайнида ўқитгани, ўн уч ёшли болани машғулотларидан нари қилиш учун бирдагина тўртинчи синфга юборгани – буларнинг ҳаммаси унинг ўша ғалати муносабати билан боғлиқ эди. Боз устига, шогирднинг устозга муносабати ҳам нотабийй ва тушуниксиз эди. Сок Там ҳаётлигида бу ҳис чексиз ҳурмат ва аламзада нафратнинг қоришмаси ўлароқ намоён бўларди. Бундай чалкашлик ғалати, албатта, бироқ бу ҳолат ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Ко Жук бошланғич мактабни тугаллаган чоғи, яъни ўн олти ёшидан расман устознинг шогирдига айланган ўн саккиз ёшигача шаклланганди бу муносабат. Ўша вақтда Ко Жук амакисининг бундан буён ўқиш пулини тўлашидан воз кечган, янгича – европача услубда дарс бериладиган мактабдаги ўқишини ташлаган ва ўтмиш билан яшайдиган, китобий билимларга ёпишиб олган олим, рассом ва хаттот устозининг уй хўжалиги ташвишларини ўз зиммасига олишга қарор қилганди. Шогирдлар олиб келадиган гуруч етмай қолганди. Шу сабаб Ко Жукнинг кичикроқ ерни ижарага олиб ишлашига, бир боғлам ўтин учун йигирма-ўттиз ли¹ яёв йўл босишига тўғри келарди.

Бу одамларда ҳурмат уйғотди, аммо худди шу вақтдан бошлаб Ко Жукнинг қалбидан устозга нисбатан жазавали мухаббат-нафрат ўрин олди. Устоз Сок Тамнинг ҳаёти гўё тоғ бағирлаб вазнсиз сирпанаётган баҳорги булут сояси каби, тентираган ёз шамолларининг изи қолган ҳовли сингари, овлоқ тоғ дарасидаги кузги ирмоқлар сувидек, қор ёғиб ўтгандан кейинги очиқ ва сарҳадсиз қишки осмондек тиниқ, беинтиқ, сокин, маъюс ва ёлғиз эди. Ана шу ҳаётнинг ўзи Ко Жук дилида кулфат ҳиссига айқашуйқаш бўлиб кетган чексиз ҳурмат уйғотарди. Устози лабида майин, сирли табассум билан қўлига китоб олганида, унинг қалби ўтмишнинг буюк инсонлари яшаган ва ўтмиш шон-шухрати хотиралари жонланадиган дунёга парвоз қилганида, устоз руҳланган нигоҳ, тўфондек жазавабилан катта мўйқаламни қўлга олганида, бу дунёдан холи бўлган орқа ҳовлида атиргуллар соясида шошилмасдан орхидея² гулини узган ва цитра³ оҳанглиридан роҳатланаётганида – ана шу пайтларда тақводор турмуш тимсолига ўхшаб кетарди. Бироқ фақат Ко Жукнинг саъй-ҳаракатлари туфайлигина ҳозирча ҳеч ким очликдан ўлмаётганлиги, лекин агар у жон куйдирмаса, ярим йилдан кейин танг аҳволда қолишлари аниқлиги, бир-иккита шогирдни айтмаса, бошқа ҳеч ким қадам босмайдиган уй,

¹ Ли – корейсча узунлик ўлчови, 1 ли тахминан эллик метрга тенг.

² Орхидея – бир паллали, қизил гулли манзарали ўсимлик.

³ Цитра – XVIII асрда Австрия ва Германияда кенг тарқалган, торли мусиқа асбоби.

хўжаликдаги юмушларни бажариб қайтаётган шогирдларни қарши оладиган устознинг ҳолсиз боқиши – буларнинг ҳаммаси лаънатлангандек ёқимсиз кўринарди.

Лекин пировардида Ко Жукнинг ҳаёти устозга таъзимни ва чексиз ҳурматни белгиларди. Ко Жук ўзида дунё васвасасини туяр экан, беихтиёр, лекин жўшқинлик билан устози Сок Тамга таклид этарди. Устози дастхатининг турли намуналари: шогирдлари кетаётганларида ёддан чиқарганлари, устозининг ўзи ташлаб юборган ё дўстларига совға қилганларини сақлаб қўйганди. Уларнинг орасида Ко Жук ўғирлаб олганлари ҳам бор эди. Аввалига устозининг дастхатларини шунчаки тилга олишнинг ўзи Ко Жукнинг қалбида титроқли эҳтиромни пайдо қиларди. Ко Жук кичик иероглифларни хаттотлар машқ қилиши учун ясалган, кум ёки оқ бўёқ қопланган қўлбола тахтачаларга ёзиб ўрганарди. Катта иероглифларни эса итнинг думига ўхшаш катта мўйқаламларда қабртошларга ёзиб машқ қиларди, кейин ёзганларини ювиб юборарди. Ўзининг шахсий мўйқалам ва қоғози устозидан яширинча идора моллари дўконида кун бўйи оғир қопларни ташиб ҳаммоллик қилган куни пайдо бўлди. Ко Жук Сок Тамдан ўзини шогирдлари сафига қўшишни илтимос қилиш у ёқда турсин, ҳатто бу жўшқин хоҳишига бирор марта шама қилмаганлиги таажжубланарли эди. Бу нимани англатади? Ижодкорнинг нафсонияти? Ё буюкликдан ғурурланишми?

Бир куни устоз уйда Ко Жукнинг ёлғиз ўзини қолдириб, оила аъзолари билан қаергадир жўнаб кетди. Ко Жук устозининг хонасини йиғиштирар экан, дафъатан ғалати ички ҳисни туйди: устоз Сок Там шогирдларига нималарни ўқитишини билгиси келди.

Ко Жук ёзув столини сурди ва устозининг асл дуаньци тошидан ясалган сиёҳдонида қора сиёҳни аралаштира бошлади. Ўргатилганига бирмабир амал қилган ҳолда сиёҳдонни қора сиёҳ билан бир томчисини ҳам томизмасдан тўлдирди, кейин мўйқаламни, расмлар ва битиклар учун мўлжалланган қимматбаҳо қоғозни олди. Биринчи бўлиб низом битиги билан “лайлак” “иккилама” иероглифининг ўқитувчи намунасини кўчирди.

Чху Са ҳаммасидан ҳам Оуян Сюнинг “Ибодатхона олдидаги мусаффо чашма” бандини ёқтирганидек, устоз Сок Там шогирдларига “иккилама лайлак”ни машқ қилдиришни хуш кўрарди. Афтидан, у қоғоз ва мўйқалам билан ишлаш ҳадисини олганди: иероглифнинг ҳамма чизиклари худди ўқитувчи намунасидагидек чикди. Кейин у Ян Жэн-цин¹ услубида “Одоб-ахлоқ қоидаларини эгаллашга тиришиш ёдгор тошлари” матнидан бир неча иероглифларни ёзди. Жуда берилиб ишлаётганлигидан атрофдаги ҳамма нарсани буткул унутганди. Тўсатдан ғазабли жеркиш уни воқеликка қайтарди. У энди “Орхидеялар ўртасидаги шийпонча” муқаддимасининг биринчи сатрини ниҳоясига етказаетганди: “Юн-хэ шиори остида ҳукмдорликнинг тўққизинчи йилида – буқа йилидаги Мангу Уйғунлик...”

– Шунақами! Қоғозни чаплаштириш етарли эмасми?

Ларзага тушган Ко Жукнинг нигоҳи ғира-шира хонада Сок Тамнинг қаҳрли ғўддайган гавдасига тушди. Бироқ устозининг юзида ғазабдан кўра маъюслик ва умидсизлик ифодаси кўпроқ эди. Ёнида етти санъатда:

¹ Ян Жэн-цин (709–785) – машҳур Хитой давлат арбоби ва Тан даври хаттоти.

шеърият, наср, хаттотлик, рангтасвир, шашка ўйини, фол очиш ва тиббиётда мукамал деб тан олинган мўътабар Чхве Ун Гок турарди. Эзилиб кетган Ко Жук шошилиб ўз шижоати маҳсуллари йиғиштиришга тушди. Сок Там чурқ этмас, фақат тунд қараб турарди. Ун Гок вазиятни юмшатди:

– Буларни қўйгин-да, борақол!

Ко Жук қоғозларни ғайриихтиёрий равишда тез жойига қўйди ва орқасига тисарилиб чиқиб кетди. Лекин қизиқиш ва ташвиш уни қўшни хонада бекиниб олиб, ичкарида нима бўлаётганига қулоқ тутишга мажбур қилди.

Аввалига фақат қоғознинг шитирлаши эшитилди, хонада чирокни ёқишга улгуришганди. Кейин Ун Гокнинг овози қулоққа чалинди.

– Сен уни ҳатто ўқитмаганга ҳам ўхшайсан.

– Билмадим, балки у шогирдларим билан валақлашгандир, улардан нималарнидир ўргангандир. Мен ҳеч нарсага ўқитмаганман, – устознинг овози паст ва маънос эди.

– Жуда қизик! Ҳақиқатан ҳам Осмоннинг инъоми экан-да!

Устоз “ҳм”, деди.

– Барибир нега уни шогирдликка олишни хоҳламайсан?

– Сен Ван Си-жининг¹: “Инсон эмасга таълим бермайман”, деганини унутдингми?

– Демак, сен уни инсон деб тан олмайсан, шундайми?

– У ўта иқтидорли... Уни ҳеч ким ўқитгани йўқ, лекин иероглифининг шакли ажойиб; хаттотликнинг ўн икки қоидасини билмайди, бироқ ҳарф оралиқлари, нисбатларини, мўйқаламни айлантириш услубларини ҳис қилади. У туғма уста, аммо қобилиятлари биқинидан тешиб чиқади. Азоб-уқубатсиз иқтидор қалбнинг Ҳақиқатни англашига тўсиқ бўлади.

– Сен, Сок Там, мўмин, самимий одамсан. Бунақа гаплар сенга ярашмайди. Нима учун ана шу англашга йўлни ўзинг очиб бермайсан?

– Айтишга осон... У ёзувнинг исини, китобийлик руҳини мутлақо ҳис қилмайди... Аммо ўша “орхидея” жуда соз!.. У “шамол”нинг шиддати ва “оқим”нинг оқувчанлигига нақадар мос!

– Агар у шогирдинг бўлганида ёзувнинг исини, китобийлик руҳини ҳис этмасмиди?

– У шогирдим эмас. Уни фақат кийинтираман ва боқаман... У замонавий илмларни эгаллаб, ўз келажагини ўзи танлашини истайман.

– Қўйсанг-чи! Агар қўчадан кимдир келиб, ўзини ўқитишни сўраса, уни қувиб юборасанми? Шундай экан, бу йигитчага нега бу қадар совуққонсан! Мана, неча йилдирки, сенинг еб-ичишинг ғамида эканлиги қулоғимга чалинади, наҳотки у совуқ муносабатга лойиқ бўлса?

Ун Гокнинг овозида ғижиниш сезилди.

– Айблашга шошилма. Ростини айтсам, ўзим ҳам нима учун Ко Жук мени бунчалик ташвишлантиришини билмайман. Лекин бу яхшиликка олиб бормайдигандек...

Устознинг овози хиёл титрарди.

– Ундай бўлса... Ҳақиқатан ҳам, иккиланаётган бўлсанг, йигитчани олдимга, ҳеч бўлмаса, уч кунда бир марта юбор, шу етади. Ундан умидни узиш кераклигига ишонмаяпман.

¹ Ван Си-жи (321–379) – “Мутлақ донишманд хаттот” номига сазовор бўлган Шарқий Жин давридаги машҳур хаттот.

Хонага жимлик чўкди. Бироздан кейин Сок Тамнинг паст, лекин катъий овози эшитилди:

– Сен ўзингни уринтирма. У билан ўзим шуғулланиб кўраман.

Сок Тамни нима безовта қилди экан? Ва нима охир-оқибат Ко Жукни шогирдликка олишга мажбурлади? Чунки эртаси кун Ко Жук расмий равишда устоз Сок Тамнинг шогирди деб эълон қилинди.

Аммо бу қандайдир тантанали маросим ўтказилди дегани эмас. Шунчаки устоз далага кетмоқчи бўлиб турган Ко Жукни ёнига чақирди ва шундай деди:

– Бугундан бошлаб ишлагани борма, – бу гаплар йўл-йўлакай айтилди, холос.

Ко Жук ўзини йўқотиб қўйди. Устоз унга кўз қирини ташлаб, бироз овозини баландлатиб шоширди:

– Ҳамма нарсани жойига қўй-да, уйга бор.

Шу тариқа улар устоз-шогирд бўлдилар, шу билан муносабатлари ҳам ойдинлашди.

Ко Жук кимдир эшикни очганини эшитди; ўтган кунлар булутида сузиб юрган фикрлари воқеликка қайтди. Паришонхотир хира нигоҳи билан эшикка қаради: хонага Мэ Хян кириб келаётганди. Ко Жукнинг умуртқаси бўйлаб ях суркалгандек бўлди, нигоҳи ойдинлашди. Ко Жук гўё тавба қилаётгандек яқинлашиб келаётган Мэ Хянга боқарди. Йўк, у эмас экан.

– Уйғондингизми, отажон?

Бу Чху Су эди. У Ко Жукнинг юзига қараб, унинг аҳволини аниқлашга уриниб яқин келди. Ко Жук оддийгина ҳаракатлар кечагига қараганда анча кўп куч талаб қилганини сизди.

– Шарбат ичишни истайсизми, отажон?

Ко Жук жавоб бериш ўрнига қизининг юзига қараб, тўсатдан ожиз, синиқ овоз билан сўради:

– Сен... онангни эслайсанми?

Чху Су ҳайрон бўлганича унга қаради.

Уйда аёллар қолмаганидан бери етти, балки саккиз йил ўтган, Ко Жук кизини ўзи билан олиб қолганди. Қизи рўзғор ишлари билан банд, қартайган отасини парвариш қилар ва бирор марта бу каби саволни эшитмаганди.

– Йўк, фақат суратлари орқали биламан.

Бечора... Она кизини ҳали жажжилигида қишлоқдаги қариндошиникида қолдириб, яна ўз ҳунарини бошлади. Аммо икки йил ўтмасданоқ жонига қасд қилди.

– Нимани назарда тутяпсиз?

– Хонага сен эмас, онанг кирганга ўхшаб туюлди.

– ...

– Пешонасига қариб-қартайиб ўлиш ёзилмаган бўлса ҳам қаёққа бунчалик шошилди...

Шундай деб, у яна ғамгин бўлиб қолди. Чху Су секингина унинг билагига туртди.

– Шарбат олиб келайми, ота?

Отаси эшитмагандек узоқ вақт жавоб бермади, кейин охистагина деди:

– Мен, яхшиси, чой ичсам бўларди.

Чху Су хонани шамоллатиш учун деразани қия қилиб, секингина чиқиб кетди.

“Ўшанда нима мени шунчалик кучли жазб этган экан?” – совиган чойни хўплаганча ўйларди Ко Жук, ўзи Мэ Хян билан учрашиб юрган пайтларни эсларкан. Уни устози Сок Там уйини иккинчи бор тарк этган ўттиз беш ёшида учратган эди; ўшанда у мамлакат бўйлаб изғиб, ўн йилини ўтказганди.

У вақтлар нотинч замонлар эди, лекин конфуцийчи олимлар ўзларининг соданлари билан ҳали сақлаиб турар, вақти-вақти билан хаттотлик, шеърият бўйича мусобақалар уюштириларди... Ўша йиллардаги тушкунлик ва саросималик ичра Ко Жукнинг дарбадарлиги шукуҳли ўтди, дейиш мумкин. Бунга Ко Жукка шеърият, хаттотлик ва рангтасвирдаги истеъдоди учун “уч соҳада мукамал устоз” деб улуғланадиган Сок Тамнинг фавкулудда қобилиятли шогирди деб қарашлари ё бўлмаса, унинг аввал ҳам Сок Тамнинг таъналарига учраган муваффақиятли чиқишлар қилганлиги сабаб бўлганми – буни биз билмаймиз. Ҳар ойда камида бир марта қаердадир албатта йиғилиш уюштирилар, Ко Жук унда фахрли ўринни эгалларди. Боз устига ўша пайтларда исталган вилоятда мойбўёкли расм ёки хаттотлик ўрама учун анчагина ҳақ тўлайдиган бойваччани ҳали учратиш мумкин эди.

Ўша дарбадарликда Ко Жук Чинжуга келиб қолганди. Навбатдаги хаттотлик мусобақаси бахона ўн кун узлуксиз зиёфатлар билан ўтди. У меҳмондорчиликни яна давом эттириш ниятида эди, бироқ қаердандир пайдо бўлган рикша¹ мусобақа ўтказилаётган уй олдида тўхтаб, Ко Жукни чақириб беришларини сўради. Бу каби ҳолатлар авваллари ҳам бўларди: навбатдаги бойвучча қўшнисидан қолишмаслик учун машҳур меҳмонни уйига таклиф қилиб, файтон жўнатарди, лекин одатда Ко Жук бу таклифни рад этарди. Бу сафар у негадир рози бўлди ва ўзини маҳаллий конфуцийчи маориф идорасига элтган аравага ўтирди. Идорада шу қадар тўкин дастурхон ёзилган эдики, столнинг оёқлари букилиб қолганди. Дастурхон атрофида, қанчалик ажабланарли бўлмасин, Ко Жукни кутиб беш-олти япон ва икки-уч корейс ўтирарди. Улар хаттотлик ва рангтасвирнинг қадрига етадиган маҳаллий идора раҳбарлари эди. Мэ Хян меҳмонларнинг кўнглини хуш қилаётган кисэнлардан² бири эди. Зиёфат авжига чикқанда корейс амалдор, афтидан, меҳмондорчиликни уюштирган мезбон – кисэнга мурожаат қилар экан, тиржайиб деди:

– Хўш, қайси бирингиз кечкурун меҳмонимизнинг хизматида бўласиз?

Қизлар кулиб юборишди. Сўнг улардан бири майда қадамлар билан Ко Жукка яқинлашди ва қизил юбкасининг этагини кўтарди. Шунда рангтасвир учун ҳам, хаттотлик учун ҳам жуда боп, катта ҳажмли хитой қоғозига ўхшаш оқ шойидан тикилган ички юбка кўринди. Йигирма икки ёшли бу кисэн жуда гўзал бўлмаса ҳам, ўзини тутишида касбга айланган ишвагарлик сезилмаса ҳам, унда тушунтириш мушкул бўлган нозанинлик ва жозиба бор эди. Ко Жук сархуш қиёфада мўйқаламлар кутисини очди.

– Исминг нима?

– Мэ Хян.

¹ Рикша – Жанубий ва Шарқий Осиё мамлакатларида икки гилдиракли аравада одам ва юк ташийдиган ҳаммол.

² Кисэн (кинё) – Кореяда юқори табақага мансуб эркакларга зиёфатларда хизмат кўрсатадиган, мусиқа, рақс, ижро ва шеъриятни билувчи енгилтак аёл.

Қиз деярли ғашни келтирадиган тарзда жавоб берди. Ко Жук илжайди: – Мэ Хян дейсанми, “Олхўри ҳиди”ми? Хўп, қани, биз олхўри суратини чизиб кўрайлик-чи...

У ўзини хотиржам ва бамайлихотир кўрсатишга уринса ҳам, мўйқалам тутган кўли титрар, уни идора эта олмаётганди. Сурат ғалати чикди. Сабабини аниқ айтиш қийин бўлса ҳам, устози олдидаги айбдорлик ҳисси таъсир қилган бўлиши мумкин. Ҳарҳолда мўйқаламни ички юбка узра юргизаётган Ко Жукнинг хаёлига келгани кисэн исмининг рамзи эмас, балки қачонлардир Сок Там томонидан ишланган олхўри – қуриган қийшиқ дарахт, ингичка синган шохлардаги икки-учта аянчли ғунча бўлди. Ва худди устози услубидагидек тагсўз: “Олхўри бутун умри бўйи совқотса ҳам, хидини сотмайди”.

Бир қарашда бу тасвирнинг Мэ Хян исми билан ҳеч қандай боғлиқлиги йўқ эди. Ўз хидини сотгандан кўра музлашга тайёр олхўрининг сўлий бошлаган энгилтак аёл ички юбкасига қандай алоқаси бўлиши мумкин? Бироқ шундан сўнг дарҳол ҳозиргача эслашга уяладиган ишлар бошланди.

– Сизнинг олхўрингиз нега бунча дийдираган ва ёлғиз? – истехзо билан сўради кисэн.

У қизнинг этагига муҳрини босди ва секин, худди фақат Мэ Хян учунгина деди:

– Сен ҳеч қачон Жен Си-сяо орхидеяларининг илдизлари кўринмаслиги ҳақида эшитганмисан?

Японларга гап фақат қишда музлайдиган олхўри дарахти тўғрисида кетаётганлигини тушунтирди, лекин Мэ Хян, афтидан, уни тўғри англаганга ўхшайди. Жен Си-сяо орхидеяларининг яланғоч илдизлари ҳалок бўлган мамлакатга мотам рамзидир...

Тунда Мэ Хян унга деди:

– Жаноб, шундай аёзли тунда ички юбкамни ҳўллаган экансиз, балки энди танамни иситарсиз?

У Мэ Хян билан тўрт ой бирга бўлди; Ко Жук маст эди. Унда мафтункор баҳор гулларига бурканган тоғ ўрқачлари каби хотиралар бир умр сақланиб қолди. Аммо ошиб ўтилган ўрқач ортда қолади. У ишларида ҳалок бўлган мамлакатни қўмсаб азобланадиган сонби, қиз эса Нон Гэ¹ каби бағрида душман саркардасини кучганча, ўзини дарёга отишга тайёр кисэн эмасди.

У атиги ноаниқ, бироқ қайноқ шижоат билан мамлакат бўйлаб изғийётган рассом, қиз эса бор-йўғи оиласини боқиш учун японларнинг кўнглини хушлаётган хонанда ва раққоса эди. Улар ғазаб-нафратсиз, қайғусиз ажралдилар. Мэ Хян кисэнлар гуруҳига қайтиб келди, Ко Жук эса синфдошларидан бири уюштираётган Чончжудаги кўргазмага йўл олди. Шундан кейин бошқа учрашмадилар.

Келгуси йилнинг кузида эса Ко Жукка Мэ Хян, ҳамманинг ўйлашича, ундан бўлган қиз кўрганини хабар қилишди. Ўша пайтда у Сорак тоғларидаги дарвешхоналарда эди. Узоқ ўйлаб ўтирмасдан чақалокқа Чху Су – “Кузак суви” исмини қўйди. Ўзининг шаффофлиги ва мусаффолиги билан юракни зиркиратадиган тоғ ирмоқларининг суви....

¹ Нон Гэ – Чинжу шаҳридан бўлган машҳур кисэн. Япония билан уруш пайтида душман қўшинлари шаҳарни қўлга киритганида Намган дарёси тепасидаги Чхоксонну минорасида зиёфат уюштирилган. Ана шу зиёфат вақтида Нон Гэ япон ҳарбий кўмондонини ўзига жалб этиб ва уни маҳкам қучоқлаб, баланд жардан у билан бирга ўзини дарёга отган. Кейинчалик ушбу жойда ибодатхона қурилган.

Бу, худо билади, қаердан пайдо бўлган, қизчанинг келажаги башорати эмасмиди?

Бир неча йил ўтгач, у Мэ Хян вафот этганидан хабар топди. Мэ Хян қайсидир бойнинг сурайёси бўлган, хўжайиннинг қатта хотини зуғум қилавергач, чидай олмай захар ичиб, ёш умрини хазон қилган экан.

Эҳтимол, буни ҳиссиётсизлик ҳам дейиш мумкин, бироқ у ҳатто Мэ Хяннинг фожиали ўлимини эшитиб ҳам ортиқча қайғуриб ўтирмади. Фақат йўл-йўлакай Мэ Хян ундан қиз кўрганлиги ёдига тушиб, бир лаҳзагина кўнглида етимча қаерда экан, нима қилаётган экан каби ўйлар ўтди, холос. Бошқа ҳеч нарса.

У Чху Суни биринчи бор мактабга қатнай бошлаганида кўрди. Маълум бўлишича, Мэ Хян умрига зомин бўлган касби-коридан бироз пул тўплаб, укасига қолдирган экан. Шу сабаб укаси етим қолган жияни тўғрисида ғамхўрлик қилишни ўз бурчи деб ҳисоблаб, Чху Суни нуфузли мактабга берибди. Ко Жук баъзан қизини кўргани борарди.

Ко Жук бемаза гуруч қайнатмасини ичди ва ўзини мажбурлаб ўрнидан турди. Чху Су унинг идишини олиб, отасининг қўлтиғидан тутганча сўради:

– Бугун ҳам айланиб келасизми?

– Шундай қилишга тўғри келади.

– Ахир, кеча вақтингизни зое кетказдингиз! Бугун ҳам, афтидан, ўша Кимдан бошқа ҳеч ким бўлмайди.

– Барибир.

Ко Жук ўтган йил ёзда касалхонадан чиққанидан бери ҳар куни сурат галереяларига боришни одат қилди. Қаердадир ўзининг асарлари пайдо бўлиши билан, аввалига нега бундай қилаётганини тушунмаса ҳам, чиқимларга қарамасдан, уларни сотиб оларди. Аммо энди аста-секин бир қарорга келаётганди.

Бу ўлимни аниқроқ ҳис қилаётганлиги билан боғлиқ эди. Уни даволовчи врач, доктор Чон Ко Жукни соппа-соғлигига ишонтирган бўлса ҳам касалхона хулосасидан кўчирма сўнгги ҳукм эди. Бундан ўз ҳамдарадлигини изҳор қилгани келаётганларнинг кети узилмаётганлиги ва отасининг орқасидан соядек эргашиб юрган Чху Сунинг кўзларидаги қайғу ҳам далолат берарди. Касалхонадаги каби қаттиқ оғриқлар бўлмаса ҳам танасининг хужайралари бирин-кетин ўлаётганини ҳис этарди.

– Чхо Хондан дарак бўлмадими? – Чхо Хон тахаллусидан ҳозиргина Чху Су тилга олган Ким фойдаланарди. У Ко Жукнинг ўзи тахаллус кўйиб берган шогирдларининг сўнггиси эди; йигитча уларнинг уйда овқатланарди.

– Ярим соатдан кейин келишини айтди. Аммо бугун сиз...

– Йўк, барибир бир айланиб келиш керак. Бўл, отланайлик.

У ўзини тўхтатмоқчи бўлган Чху Суга ғазаб билан қаради ва юриб кўрмоқчи бўлди. Лекин бир неча қадам қўйишга ҳам улгурмасдан кўз олди қоронғилашиб кетди, гавдаси қулаётгандек туюлди. Чху Су безовталаниб кузатиб турди ва отаси тўшагига ўтириши билан сездирмай хонадан чиқди. Ко Жукнинг кўз ўнгида яна ўтмиш манзаралари лип-лип ўта бошлади.

Уларнинг устоз билан учрашганлиги ҳақиқатан ҳам тақдирмикан? Ко Жук ҳатто Сок Там шогирдлари сафига кирганидан кейин ҳам уларнинг

аломат муносабатларида ҳеч нарса ўзгармади. Ко Жук аллақачон улғайган, бироқ устози унга ҳамон қандайдир ички ёқтирмаслик ва ғижиниш билан муносабатда бўларди. Улар низом дастхатини ўрганишдан бошладилар. Ко Жук кўлига мўйқалам олишдан аввал устозининг буйруғи бўйича машхур Чху Са томонидан тузилган “Хаттотлик маҳорати сирлари”ни ёд олди.

“Ёзув шаклида биринчи қоида қуйидагича: аввалига қалбингни барча безовталиқдан халос қил, кейингина қўлингга мўйқалам ушла. Сенинг ҳаракатларинг фалакнинг айланиши каби бўлиши керак: самонинг ўртасида осмоннинг ўқи жойлашган ва унинг атрофида айланадиган жанубий қутб ва шимолий қутб бўлгани каби, мўйқаламнинг ҳаракати қўл панжалари билан, қўл панжалари ҳаракати бармоқлар билан, бармоқларнинг ҳаракати билан, биланнинг ҳаракати қўл билан, қўлнинг ҳаракати елка билан амалга оширилади – тана бутун ўнг ярмининг ҳаракати шу тарзда содир бўлади...”

Унча катта бўлмаган, тўрт юзтача иероглифдан иборат “Хаттотлик маҳорати сирлари” шу жумлалар билан бошланган. Уни бирор белгини тушириб қолдирмаган ҳолда гапириб бериш керак эди. Кейин Ко Жук устозидан яширин равишда бир неча марта кўчириб олишга улгурган Таннинг буюк хаттоти Янь Жен-циннинг хуснихатини ўзлаштириб олиш талаб этилди.

– Буни юз марта ёзиб чиқсанг, хуснихатинг бошқаларга намуна бўлади; минг марта ёзиб чиқсанг, мақтов эшитасан; ўн минг марта ёзиб чиқсанг, сени машхур хаттот деб аташади.

Шу билан йўл-йўриқ тугади. Буларни ҳаётининг аввалги даври, Сок Тамга шогирд бўлгунча ўтган пайт билан таққослаб кўрилса, фарқи катта эмас: очиқ-ойдин машқ қилиш мумкин ва икки кун устоз Ун Гук олдига бориб, қадимги классиклар асарларини ўқийсан. Уч йил ўтгандан кейингина устоз яна сабоқ берди:

– Нафас олишингни ушлаб тур!

Бу пайтга келиб Ко Жук хуснихатларни камида уч минг марта қайта ёзиб чиққан, лекин ҳамон белгилар сафга текис тизилмасди. Ко Жук умидсизлана ва тақдиридан ўкина бошлади.

Рассомчиликда ҳам аҳвол шундай эди. Ко Жук кора сиёҳ билан тошлар орасидаги тўртта асл ўсимлик – олхўри, орхидея, хризантема ва ғаровни тасвирлашга ҳаракат қилганида, Сок Там унга машхур тэвонгун¹ Хин Сон² ишлаган қимматбаҳо ўрамдан нусха кўчирилган расмлар тўпламини берди.

– Будда ҳолатида ўтириш Будда бўлишни англамайди, бирор воситасиз аждаҳони тута олмайсан. Фақат кўп марта уринишлардан кейингина бирор нарсани эшлай оласан.

Шу билан сабоқ тугади.

Устоз шогирди мўйқалами остида яралаётган орхидеяга Ко Жукнинг елкаси орқали қараб турган пайтлар ҳам бўлган, лекин ўшанда ҳам бир оғиз сўз айтмас, ҳеч нарсани тўғриламас, раҳмдиллик кўрсатиб, бирор нарса ўргатмасди. Фақатгина Ко Жукка расми орхидеяга ўхшай бошлагандек туюлганида устоз аввалги кўрсатмаларига биргина жумлани кўшди:

¹ Тэвонгун – фахрий унвон.

² Хин Сон (1820–1898) – сўнги Чосон сулоласи давридаги машхур сиёсий арбоб. У рангтасвир ва хаттотликдаги истеъдоди билан ҳам ном қозонган.

– Бошқатдан бошла. Тошни чизаётганингда эса мўйқалам чапдан ўнгга сурилади.

Умуман олганда, Сок Там шогирдининг муваффақиятларидан унчалик қувонмасди. Ко Жук шогирдликка қабул қилингандан кейин ўн йил чамаси ўтганида унинг қобилияти синфдошларининг самимий таҳсинларига сазовор бўлди. Бироқ устоз олқишларга совуққонлик билан барҳам берди:

– Ҳозирча у атиги намуналарга тақлид қилишни ўрганди.

Ко Жук йигирма етти ёшида устозининг уйини тарк этиши Сок Тамнинг совуққонлигига жавоби бўлганди. Аммо ажабланарлисиси шундаки, уни бошқалар кўпроқ олқишлагани сари у устози оғзидан мақтов эшитишга янада ташна бўлаётганди. Бу уни яна қайтиб келишга ва кечирилишни ўтинишга, яна икки йилча сабот билан ҳақоратланиш ва жирканишларга тоқат қилишга мажбурлади.

Ўша йилларда у аввалгидек хизматкор ишини бажарарди: ер хайдар, экин экар, ҳосилни йиғиштириб олар, ўтин майдаларди. Сок Там эса ҳатто у билан тўкнаш келиб қолишдан ўзини олиб қочарди. Бир сафар сабри тугаб, Ко Жук мўйқаламни кўлга олишга жазм этди. У буни сир сақлаш ниятида бўлса ҳам устоз ҳаммасидан воқиф бўлди ва жирканиб деди:

– Бор, кўлларингни юв. Сиёҳингдан фоҳишанинг упаси ва бўёқларидан ҳам қўлансароқ ис келяпти.

Кейинроқ устоз Ко Жукни кечирди ва яна машқ қилишига изн берди, бироқ шундан сўнг ҳам Сок Тамнинг шогирдига муносабати ўзгармади. Аксинча, Ко Жукнинг дастхати чархланиб, тобора нафис бўлиб боргани сари устозининг тунд нигоҳида тушунарсиз безовталиқ орта бошлади. Бироқ Ко Жук умидини узмади. У деярли ярим умр устозининг совуққонлиги ва бепарволигидан азият чекди ва шу давр ичида бунга кўникибгина қолмасдан, жўрттага, унда беҳаловатлик ва алам уйғотишни ўрганиб олди. Ҳатто устознинг ғазаби қайнаши ва хўрсинишларидан қандайдир мамнуният ҳосил қиладиган бўлди. Шунга қарамасдан, устоз ва шогирднинг бундай бахтсиз муносабатларига узил-кесил барҳам бериладиган кун келиши муқаррар эди. Сок Тамнинг ташвишланиши кучайиб борар, Ко Жукнинг эса ўзига ишончи ортаётганди.

Моҳият жиҳатидан, уларнинг ижодга қарашлари мос келмасди. Сок Тамнинг асарларида шижоатни қадрлаши акс этар, у асосий эътиборини буюмларнинг руҳи ва ички табиатига қаратарди. Ко Жук эса, аввало, гўзалликни севарди ва ўз ишларида ҳиссиёт ва моҳиятни ифода этишга интиларди. Сок Тамнинг назарида сурат руҳнинг ифодаси, Ко Жук учун буюмнинг тасвири эди.

Бошқа сафар улар санъат ва дао¹ тўғрисида гаплашдилар. Ко Жук:

– Санъатда асосийси нима: туғма қобилиятми, эгалланган кўникмами ёки даога амал қилишми? – деб сўради.

– Даога амал қилиш.

– Нима учун ёзиш қобилияти ва ёзиш кўникмаси тўғрисида гапиришади?

– Қобилият даонинг нурланиши, кўникма эса унинг пўстлоғидир. Агар даога амал қилинмаса, қобилият ўз ифодасини топмайди ва кўникма эгалланмайди.

¹ Дао – милодий II асрда шаклланган, диний ва фалсафий қарашларни қамраб олган, борлик, коинот, дунё яхлитлигининг ўзига хос қонунларини мужассамлаштирган анъанавий хитойча таълимот.

– Айтишларича, агар қобилият такомиллаштирилса, даога эришиш мумкин. Шундай бўлса, эҳтимол, қобилият нурланиш эмас, балки даога элтувчи йўлдир?

– Қосиблар шундай дейишади. Дао ҳамма нарсани қамраб олади.

– Шундай экан, шогирд, энг аввало, қалбини поклаши керакми?

– Ҳа. Шунинг учун ҳам Ван Си-чжи инсон эмасга таълим бермайман деган. Энди сен, балки, бунинг маъносини тушунгандирсан?

Сок Там шогирдининг юзига ташвиш билан боқарди. Лекин Ко Жук ҳечам унинг умидларини оқламоқчи эмас.

– Сиз аввал одам бўлиш керак деяпсиз, ундай бўлса, нега мишиқиларга мўйқалам тутқазиб ва уларни иероглиф белгиларини чизишга мажбурлаш керак? Агар, сиз айтганингиздек, даога амал қилиш ёзиш кўникмасини эгаллашдан аввал бошланиши керак бўлса, кўпчилик ҳаёти мобайнида кўлига мўйқалам ушлашга улгурадими?

– Қобилиятни такомиллаштириб ва кўникма ҳосил қилиб, қачон дао билан бирлашиб кета олишларини кутишади. Агар бутун умр машқ қилинса, маҳорат ва кўникмага эга бўласан ва шунда даога амал қилиб биргина қадам кўйсанг, ҳақиқий рассом бўласан. Дао билан бирлашиб ижод қилиш санъатда ўз йўлингни топишни англатади.

– Аммо бунда кўникма барибир даодан олдин пайдо бўлишини билдиради. Ахир, бу аравани отнинг олдига кўйиб эгарлаш билан баробар-ку.

Ко Жукда таълим олишга киришгандан бери кучайиб бораётган эътироз отилиб чиқди. Бироқ устознинг жавоби ҳам қатъий бўлди, зеро, унинг қалбида биринчи кундан жой олган ташвиш ниҳоят ўзини оқлаган эди.

– Сен, аҳмоқ, китобийлик руҳини ҳис этиш, битикларнинг муаттар ҳидини англаб етишни ўрганиш учун асло қайғурмайсан! Бунинг ўрнига валдираганинг-валдираган! Сен мумтоз қонунлар ва ҳикматлар моҳиятини тушунмайсан, ахир! Сен назм ва насрдан лаззатни туймайсан. Нақадар шармандалик! Кўлни машқ қилиб, аянчли тақлид қилишдан нарига ўта олмаслик. Ҳеч бўлмаганда уялишинг керак эди, йўқ, унинг ўрнига буюқларни муҳокама қилмоқчи бўласан.

Кўп ўтмай эса улар муносабатларида туб бурилиш юз берди. Ўшанда Ко Жук ўттиз олти ёшда эди.

Бу вақтга келиб унинг паймонаси тўлганди. Ко Жук яна Сок Там олдига қайтиб келгандан кейин ўтган саккиз йил давомида у жон куйдириб, лекин деярли руҳий тушқунликда таҳсил олди. Сабот ва қунт билан узоқ соатлар давомида жойидан кўзгалмасдан рангтасвир ва хаттотликда шундай берилиб машқ қилардики, ёзда кўп ўтиришдан қизариб кетадиган думбаси чидаб бўлмас даражада ачир, қишда эса совуққотган оёқлари ниҳоятда увушарди. Устозининг нафратланишидан асло таъсирланмас, рангтасвир ва хаттотликка боғлиқ бўлмаган нарсаларга эътибор бермасди. Бунга қадар ҳам ўн йил Сок Тамнинг шогирди сифатида кун кечирган бўлса-да, бевосита ана шу саккиз йил Ко Жук хотирасида ҳаётининг энг сермазмун даври сифатида сақланиб қолди. Ўша ўн йил устозга яқинлашиш учун кетди; ундан кетиш, халос бўлиш, эркинликка чиқиш учун саккиз йил талаб қилинди.

Бу даврда Ко Жукнинг рангтасвир ва хаттотликдаги маҳорати етуклик даражасига етди, шунинг учун у аста-секин ном қозона бошлади. Тўғри, турлича фикрлар мавжуд, аммо кўпчилик ҳозирга қадар Ко Жукнинг бе-

восита ўша даврдаги истеъдод ва илҳом уфуриб турган ишларини унинг энг юксак ютуғи деб ҳисоблайдилар. Бироқ Ко Жукнинг ўзи бу ишларда қандайдир сохталликни ҳис қила бошлади: бу уйига ўт тушган одамнинг бошпанасизлик ва тушкунлик туйғусига ўхшаб кетарди.

Бундай ҳиснинг, афтидан, икки сабаби бор эди. Биринчидан, Ко Жукнинг ёшлик йиллари, ўз таърифича, қайсидир қора сиёҳ ва қоғозлар дунёсига маънисиз оқиб кетганди. Ун Гок кейин унга иккита бола туғиб берган хотинни никоҳлаб берган бўлса ҳам, бу аёл унинг учун севги ва эҳтирос маҳбубаси эмас, балки худди жавон ёки ёзув столи каби зарур ашё бўлганди. Унинг ёшлиги, унинг орзулари, унинг муҳаббати, унинг интилишлари – ҳамма-ҳаммаси таълимга ва яна таълимга кетди... Энди эса унинг ҳаёти кеч кузда шамол ва ёмғир остида шохда ёлғиз аянчли титраб ва қалтираб турган сарғайган япроққа ўхшарди; ўзи кўзлаган, унинг учун ҳамма нарсани қурбон қилган мақсади эса тоғ чўққилари занжири узра кўприкдек эгилган камалак сингари олисда қолганди.

Иккинчидан, Ко Жук аста-секин йирик рассом ва хаттотга айлангани сари сохталлик туйғуси олдида тобора кўпроқ кўндаланг бўлаётганди. Шу заминда эркак бўлиб туғилиб, бутун умр қора сиёҳни суриш ва мўйқалам билан овуниш... Бу вақтда эса кимдир ватанини озод қилиши учун жонини жабборга бермоқда; кимдир тинимсиз ташвишлар билан ватандошларига илм нурини тарқатмоқда; кимдир амалий билимларни эгаллаб, ўзини жамиятга хизмат қилишга бахшида этмоқда. Ко Жук умрининг ярми қандай ўтди? Ахир, у ҳар доим ўзи ҳақида ўйларди, тер тўкиб ишлаши фақат ночор ва зерикарли турмушдан қочиш бўлди. Бу меҳнат кимга керак эди?

Маънос куз куни сўниб бораётганди... Жуда қартайиб қолган Сок Там қоғоз ва мўйқаламни кўлга олиш учун бордондан аранг кўтарилди. Катта мўйқалам, қирқилмаган, бутун варақ – ўша пайтда булардан деярли фойдаланишмасди. Бу вақтга келиб, бир неча ойдан бери ишга киришмаган Ко Жук устозининг ўжарлиги ўзида тушуниб бўлмайдиган ғижиниш уйғотишини ҳис этди ва қора сиёҳни аралаштириш кераклигини айтиб, хонадан чиқди. Унга устози Сок Тамнинг хаттотликка ўтакетган даражада берилиши кўнглида кулги уйғотаётгандек туюлди. Бироқ у изтиробда ҳовлида сайр қилар экан, қалбида қизиқиш ғимирлаб қолди.

У хонага кирди ва устозининг мўйқалами сиёҳдон четида ётганлигини кўрди. Устознинг ўзи эса кўзини юмиб, аранг нафас оларди. Қоғозга “Сон-саноксиз сочлар биргалиқда – куч” ҳикматининг дастлабки уч иероглифи битиб бўлинганди. Сўнгги иероглиф – “куч” ёзилмаганди: устоз уларни ёзишга улгурмаганди.

– Айтишларича, Со Же етмиш саккиз ёшида кунжут дониға тўрт иероглиф: “Осмон остидаги буюк дунё”ни битишга муваффақ бўлган. Мен ҳали етмишга тўлмасам ҳам бир уринишда тўрт иероглифни ёзиш учун қувватим етмай қолди.

Устознинг ожиз овози ҳозир нақадар мунгли эшитиларди! Лекин Ко Жук бу сўзларни эшитганида босиб турган ғазаби миясига урилди. Сок Тамнинг беҳоллиги Ко Жукда ҳамдардлик уйғотмади, аксинча, у ғайриодатий енгилликни ҳис этди.

– Агар сиз уларни бир ўтиришда бита олганингизда-чи? Агар Олтин қанотли куш сизнинг столингиздан тўппа-тўғри осмонга парвоз қилган

бўлса-чи, агар хонангизга тўсатдан хушбўй фил кириб келса-чи? Хўш, буларнинг сизга нима дахли бор?

Мутлақо кучдан қолган Сок Там аввалига шогирдининг гапларидан гангиб қолди. Лекин бир лаҳзадан сўнг бу сўзларнинг асл маъносини тушуниб, унга қаҳр билан боқди.

– Бундай дейишга қандай ҳаддинг сиғди? Ҳақиқий рассом руҳининг ана шундай юксак ҳолатга эришишини орзу қилади. Ҳеч бўлмаса бир марта!

– Майли, бунга эришдингиз ҳам дейлик, аммо у одамларга нима беради? – тилини тиймасди Ко Жук.

– Ҳали Тиёншон¹ тоғига чиқмасдан туриб Осмон остидаги ўлкада баландроқ тоғ йўқми деб ҳовлиқяпсанми? Сенингча, чўққини забт этганлар ва исмларини абадулабад шон-шуҳратга буркаганлар бефойда иш қилишганми?

– Улар ўзларини ва бошқаларни алдаб келганлар. Майли, даода қоғозни сиёҳ билан булғаш бўлақолсин, шунга нима бўпти? Бунда қандайдир сирлилик борми, бу жуда улкан воқеами! Ҳатто ўғрилар ва қассоблар ҳам ўз даоларига амал қилишади. Ҳатто кулоллар ва темирчилар ҳам ўз даоларига риоя қиладилар. Ўз исмингни мангуликка муҳрладинг, деб хоҳлаганча гапиравер, майли, мендан кейин иероглифлар битилган қоғозлар қолсин, авлодлар кўз ўнгида ўралашиб, жонга тегсин, бунинг қандай нафи бор? Ҳатто қабр тошларини ҳам шамол ва ёмғир емиради. Шундай экан қоғоз билан қора сиёҳ қанчага чидайди? Бундай мерос ҳеч кимнинг турмушини яхшиламайди, ҳеч кимни тўйдирмайди, иситмайди ҳам. Сиз эса бу маънисизликни бекитиш учун гўёки ўзингиз эришган руҳнинг қандайдир таърифлаб бўлмайдиган, ақл бовар қилмас даражаси ҳақида гапирасиз.

Кескин зарбдан Ко Жук пешонасини ушлаб, чалқанчасига йиқилди: қазабланган устози унга сиёҳдоннинг тошдан ясалган қопқоғини отганди. Ко Жук қон босган кўзини артар, қулоғини эса қари ўқитувчисининг телбанома бақириси ёрай дерди.

– Аввалбошдан сенинг разилсуяклигингни сезардим! Йўқол! Сенинг жойинг бозорда, лавҳаларни чаплашдан бошқасига ярамайсан. Сен ўзингни рассом қилиб кўрсатмоқчи бўлиб, шунча йил қўлимда ўқидинг. Энди ҳар қандай бўёқ суркашингга, балки бир қопдан гуруч беришар!..

Улар бошқа кўришишмади. Ко Жук устозининг уйини тарк этганидан кейин бу ерга Сок Там тобутга тушгандан сўнггина келди.

У ўзининг ажинлар чуқур из қолдирган пешонасини ушлаб кўрди. Чандиқ деярли сезилмасди. Хотирасида устозининг чехраси гавдаланди: нафрат ҳам, қўрқув ҳам йўқ, фақат қайғу...

– Ота, Ким келди.

Чху Сунинг товуши уни яна хотираларнинг чексиз оламидан суғуриб олди. Эшикдан Чхо Хоннинг боши кўринди.

Ко Жук Чхо Хонга одатда кеч туғилган фарзандга нисбатан бўладиган алоҳида меҳрибонлик кўрсатарди. Бунинг сабаби шогирдининг юмшоқ, кўнгилчан феъли эдими? Ёки ўзининг самимий ғамхўрлигимми? Лекин ҳаммаси, афтидан, Чхо Хоннинг дастхати билан боғлиқ эди. Бу шогирди ҳали мўйқаламни тўғри ушлаш олмасдан туриб, ярим тез ёзувни эгаллаб олди. Кейин низом бўйича ёзувнинг уддасидан чиқмасдан тез ёзув ва

¹ Тиёншон – Хитойдаги бешта муқаддас тоғдан биттаси.

харфлари чирмашган усулда ёзишни ўрганди. Ҳозирги ёшлардан фарқли равишда, Чхо Хон ўз дастхатини яратишга роса уч йил сарфлади. Завқ-шавқ, ҳавас қилса бўладган сабот ва муқимлик билан етти йил давомида мумтоз китобларни ўрганди. Шу билан бирга у камтарин, ўзига талабчан эди, ҳовлиқмасди. Шу баҳорда Ко Жук шогирдлари ишларининг кўргазмасига торгиниб, фақат иккитагина хаттотлик ўрамини таклиф қилди. Чхо Хоннинг дастхати бироз нотекис, аммо қандайдир ғалати куч билан тўлиб тошганди. Бу дастхат Ко Жукка ўзи ёшлигида рад этган, лекин йиллар ўтиши билан тобора чуқур маъноли касб этаётган Сок Там ёзув услубини эслатарди.

– Бугун ҳам айланиб келишни хоҳлайсизми? Чху Су хонимдан эшитишимча, сизга ҳаракат қилиш бироз ноқулай экан...

Чхо Хон эргалаб қартайган устозининг соғлиғидан хабар олиш учун уни безовта қилишга жазм эта олмади ва ҳозир ўзини ноқулай ҳис этарди. У шундоқ ҳам дудуқланарди, ҳозир эса хижолатдан жуда тушунарсиз гапирарди. Ко Жук хушмуомала бўлиш учун, юмшоққина қилиб деди:

– Ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Лекин барибир бугун дўконларни айланиб келамиз. Ҳа, айтгандек, кутубхона нима бўлди?

– Гапларига қараганда, ҳеч нарса қилиб бўлмайди, ҳаммаси каталогга киритилибди.

– Қанча пул тўланса ҳамми?

– Жаноб директор, асло иложи йўқ, деди.

– Ўзбилармонлик қилишяпти. Директор билан шахсан ўзим гаплашишимга тўғри келади, шекилли.

– Бугун шарт эмасди...

– Бекор гап. Яхшиси, машинани келтир.

Чхо Хон индамай чиқиб кетди. Унинг юзидан ажабланиш ифодаси сезилиб турарди, аммо бугун ҳам устози нега қатъият билан ҳамма жойдан ўз ишларини сотиб олаётганлигини сўрай олмади.

Кун илик, ёқимли эди. Ко Жук шогирдининг қўлига суяниб, бадий буюмлар сотиладиган дўконлар жойлашган мавзеда машинадан тушди. У бу ерга бир неча ойдан бери келарди.

– Э, мухтарам Ко Жук келибдилар. Сизни қойитишга мажбурмиз, ҳозирча бирор янги нарса йўқ. Мазангиз қочибди, деган овоза тарқалди, шунинг учун ҳамма асарларингизни ушлаб турибди, ҳеч ким ҳеч нарсангизни келтирмаяпти.

Ко Жук йўлида давом этди.

Ко Жукни яхши танийдиган дўкон эгалари уни ҳурмат билан қарши олардилар. Бироқ излашлари ҳозирча бесамар эди. Фақат бешинчи ёки олтинчи дўкончада унинг нигоҳи тўсатдан таниш ўрамга тушди. Ярим тез ёзув. Ко Жукнинг имзосида “ко” бўғини одатдагидек “қадимий” иероглифи билан эмас, балки худди шундай эшитиладиган “ёлғизлик” иероглифи билан ифодаланганига қараганда ўрам Ко Жук иккинчи бор Сок Тамни тарқ этган вақтга тааллуқли эди.

– Бунинг учун сенга Ун Гок мўйқаламига мансуб орхидеяни бераман. Розимисан?

Дўконча хўжайини бундай таклифдан хурсанд бўлди. Исмнинг биринчи иероглифи “ёлғизлик” бўлган ўрамлар умуман у қадар юқори баҳоланмаслиги, мазкур ҳолатда биринчи қарашданок асар унчалик

муҳим аҳамиятга эга эмаслиги сезилиб турарди. Ко Жук назарда тутган Ун Гокнинг орхидеяси қандайлигини дўконча хўжайини билмасди, лекин бошқа дўкондорлар анчадан бери Ко Жук билан бундай айрибошлашлардан зарар кўрмасликларини гапириб юардилар.

– Муҳтарам Ко Жукка хизмат кўрсатишдан мамнунмиз, – деди дўконча хўжайини суҳбатдошидан очиқ миннатдорчилик кутиб.

– Раҳмат. Суратни кейинроқ мана шу йигит орқали юбораман, – Ко Жук Чхо Сонга имо қилди.

– Ташвишланмай қўя қолинг. Ўзим олдингизга бораман. Кечкурун борсам, сизга маъқулми?

– Ҳа.

Дўконча хўжайини ўрамни олиб, уни қутига жойламоқчи бўлди.

– Ҳожати йўқ. Қандай бўлса, шундайлигича беравер.

– Бироз дам олиб, яна йўлга тушамиз, – деди у, аслида ҳеч кимга му-рожаат қилмасдан.

Аммо кўп ўтмасдан Ко Жук ҳаётини остин-устун қилиб юборган воқеа содир бўлди.

Ўша пайтда у ўғли Сеулдаги япон генерал губернаторлигида юқори лавозимни эгаллаб турган японпараст катта ер эгаси жаноб Хоникида меҳмонда эди. Хо санъатни кадрлар, рангтасвир ва хаттотликни яхши тушунар ва вақти-вақти билан уйида “мўйқалам соҳиблари”ни тўплаш билан ўзини овунтирарди. Бу даврда Ко Жукнинг ҳатто ёрма бўтқаси, соя кунжараси ҳам йўқ эди, шунинг учун сахий меҳмондорчилик ва “йўл харажатларини қоплаш” деб аталадиган чойчақа меҳмонни дастурхони очиқ хўжайинга самимий миннатдорчилигини билдиришга мажбур қиларди. Бунинг устига у япон маъмурлари билан алоқаларига қарамай японларни чорламаган эди-ку!

Лекин бир неча кундан сўнг Ко Жук олдига устози Ун Гок келди. Ко Жук хурсанд бўлди: ўзини ҳаммадан ҳам яхши тушунадиган Ун Гок Сок Тамнинг энг яқин дўсти бўлишдан ташқари, Ко Жукнинг ҳам устози бўлиб, у ўзи бир неча йил Ун Гок қўлида таҳсил олганди. Бевосита Ун Гок Ко Жукни уйлантирди. Бевосита Ун Гок Ко Жук Сок Тамни тарк этганида бошқалардан яхшироқ тушунди. Бироқ Ко Жукнинг қувончи ҳавода осилиб қолди.

– Қойил! Ота-онасиз, устозсиз, оиласиз ёлғиз ғаров Ко Жук ҳақир қарияни танишни лозим топди.

Ун Гок Ко Жук исмининг иероглифлари маъноси ва у қачонлардир ёшлигида ишлатган таҳаллуси – Учта Йўқли Одамни эслатиб, унга оғир зарба берди. Ун Гок кадрли меҳмонни олиб қолишга уринган жаноб Хонинг илтимосларига эътибор бермасдан ҳатто дастурхонга ҳам ўтирмади.

– Сок Там ўладиган вақт келганга ўхшайди. У сенинг қайтиб боришингга умид қилади, ҳар ҳолда шогирдсан. Сен эса бу ерда!..

Одатда юмшоққўнғил, хайрихоҳ Ун Гокдан бундай таъналарни эшитган Ко Жук ўзини таёқ билан тарсиллатиб солишгандек ларзага тушди.

Аслида дайди ҳаёт Ко Жукнинг жонига текканди. Бошпанасизлик ва бўшлиқ ношудларнинг тасаннолари билан ҳам, нозик дидли бойваччаларнинг садақалари билан ҳам таскин топмаётганди. Аёллар ҳам, май ҳам бу бўшлиқни тўлдирмасди. Йиллар сездирмасдан ўтиб кетаётганди: мана, қирқ ёшни ҳам уриб қўйди.

Эҳтимол, Одэ тоғига саёҳат унинг қайноқ ҳиссиётига гўё ўчиб бораётган гулхандаги бир лаҳза ялт этган чўғдек туртки бергандир.

Эртасига эрталаб Ко Жук жаноб Хонинг меҳмоннавоз уйини тарк этди ва Одэ тоғига, яқинда қалин дўсти бошлиқ бўлган эркаклар дарвешхонасига йўл олди. Ко Жук устози Сок Тамнинг олдига қайтиши кераклигини биларди. Буни орқага қолдирмаслик зарурлигини ҳам фаҳмлар, ҳаётидаги энг муҳим қарорлардан бири бўсағасида турганлигини яхши тушунарди. У қайтиб боришни истарди ва қайтиб боришдан кўрқарди. Шунча нарсани бошидан ўтказган уйга яна киришдан аввал қалбини поклаши зарурлигини ҳис этарди.

Ко Жук дарвешхонага омон-эсон етиб бориб, деярли ярим йил дарвешнинг ҳаёлотга берилувчан турмуш тарзида яшади. Бироқ Ко Жукнинг саёқ юрган йилларида қалбини қоплаган дунёвий кирнинг қалин қатлами, эски дилсиёҳликлар... буларнинг баридан халос бўлиш осон эмасди. Баҳор эшик қокди, лекин Ко Жук ҳеч рухан ором ололмаётганди.

Ана шундай кунларнинг бирида Ко Жук эрталабдан бери оқсочга қарағай пўстлоғини шилишда ёрдам бериб, хордиқ чиқариш учун ибодатхона орқасида тиз чўкди. Шунда девордаги ранги ўчган безакка кўзи тушди. Даставвал у буни ўн икки ҳомий арвоҳлардан бирининг тасвирига ўхшатди. Дикқат билан разм солди: калласи худди лочинникидек, танаси – одамникидек, қанотлари тилла тусда...

– Бу нима? – сўради у дарвешхона бошлиғидан.

– Олтин қанотли куш. Унинг бошида – “Истаклар ижроси дури”. У олов пуркайди ва аждаҳоларни ейди. У ҳамма томонидан денгизлар билан қуршалган Сумеру тоғида яшайди. Бу куш Будда қонунини кўриқлайдиган саккизта илоҳнинг бешинчисидир. Уни яна Олтин куш ёки Ажойиб қанотли куш ҳам деб аташади.

Буни эшитиши билан “Олтин қанотли куш денгизни тешиб ўтмоқда” байти ёдига тушди. Шу пайтгача унинг учун Олтин қанотли куш фақат мажоз, устозининг қатъиятли, ораси катта-катта очиб ёзиладиган дастхати билан боғлиқ қандайдир куч рамзи эди. Энди мана шу ранги ўчган безакни кўрганидан кейин Олтин қанотли куш ўзи учун тирилди. Бир лаҳза унга ҳатто улуғвор куш олтин қанотларини силкитиб, юксак осмонга парвоз қилганини ва тўсатдан пастга тошдек отилиб, денгиз тўлқинларини тешиб ўтиб, типирчилаётган аждаҳони чангаллаб олганини кўргандек ҳам туюлди. Ва шу онда устозининг: “Агар сен ҳеч бўлмаса бир марта мўйқаламинг остидан чиқаётган битикда ҳаётни кўра олсанг, мақсадингга эришган бўласан”, деган сўзларини ниҳоят тушунди.

Эртасига Ко Жук лаш-лушини йиғиштирди ва тоғдаги дарвешхонани тарк этди. Урушнинг сўнгги йили кетаётган эди.

Ко Жук кечикди. Шунинг учун у ўзининг қайтиб келган кунини хотирлар экан, ҳамиша аччиқ ўқиниш ҳиссини туяди. Одатда кимсасиз бўладиган ҳовлида ҳозир марҳумнинг шогирдлари ва дўстлари тўпланганди. Ҳеч ким Ко Жукнинг қайтиб келганига хурсанд бўлмади, ҳеч ким унга бир оғиз гапирмади. Фақат Ун Гоккина совуққонлик билан гижиниб ғўлдиради:

– Мёнчжондаги, мотам матосидаги ёзувни сен ёзасан. Сок Тамнинг сўнгги иродаси шундай. Марҳумнинг лавозими ва илмий даражасини ёзиш керак эмас. Оддийгина қилиб: “Кимлар уруғидан бўлган олийжа-

ноб Сок Там, конфуцийчи олимнинг тобути”, деб ёзасан... – Устоз энди кўз ёшини тўхтата олмай, кўшиб қўйди: – Сен ҳеч бўлмаса энди тушун-япсанми? Агар Сок Там Мёнчжондаги ёзувни бевосита сен битишингни хоҳлаган экан, у сенинг қўлинг билан ёзилган иероглифларни ўзи билан олиб кетмоқчи бўлган. У иктидорингни шунчалик кадрларди! Эҳ, аҳмоксан, аҳмоқ...

Ва шунда Ко Жукнинг азоб тортиб келган қалби ағдар-тўнтар бўлди. Гўё эски озорлар унутилганди! Эҳтимол, ҳаётида биринчи марта устозининг кўзига тик қарагиси келди... Аммо ҳатто тобутнинг қопқоғи ҳам миҳланиб бўлинганди.

– У ёғига бормаймизми, устоз? – эҳтиёткорлик билан сўради Чхо Хон ёйилган ўрам устида қайғули ўйларга чўмган Ко Жукдан.

У вокеликка қайтди ва оҳиста ўрнидан турди.

– Йўқ, борамиз.

Улар яна бир нечта дўконларни айланиб чиқишди. Бирдан Ко Жукнинг кўз ўнги қоронғилашди, оёқлари ҳолсизланди.

– Сизга нима бўлди, устоз? – Чхо Хон шалпайган Ко Жукни аранг ушлаб қолди, устози шогирдининг қўлига ўзини ташлаб юборганди.

– Ҳеч нарса. Ҳозир йўлга тушамиз.

Қандайдир ғалати нарса худди электр токи ургандек бўлди, пешонасини совуқ тер босди. Чхо Хон Ко Жукнинг ўтиришига ёрдамлашди.

– Уйга қайтсак яхши эмасми, устоз? Бугун ҳеч нарса тополмасак керак.

Лекин Ко Жук қатъият билан деди:

– Бошқа дўконларни қараб чик. Мен шу ерда бўламан. Бирор нарса топсанг, айтасан.

Чхо Хон устозининг аҳволини билишга ҳаракат қилиб, бир неча сония унинг юзига синчиклаб тикилиб турди, кейин индамасдан чиқиб кетди.

– Ҳозир ҳаммаёқдан сотиб олаётган ишларингизни нима қилмоқчисиз? – тулкилик билан сўради дўкон хўжайини Ко Жук нафасини ростлаб олганидан кейин. Бу савол бир неча ойлардан бери дўкондорларни қизиқтираётган эди. Бироқ Ко Жук ҳеч кимга ўз ниятини ошкор қилмасди. Бугун ҳам ҳеч нарса демоқчи эмасди.

– Нима қилишни биламан.

– Демак, тўғри экан-да? Сиз ўз музейингизни очмоқчимисиз?

“Музей? – захархандалик билан тиржайди Ко Жук ва унинг юраги ифода-далаб бўлмайдиган маъюслик билан зирқиради. – Билишганида эди...”

– Омон бўлсак кўрамиз, – мавҳум жавоб қайтарди Ко Жук ва гапни бошқа томонга бурди. – Бу аслиятими?

Бу аслият бўлиши мумкин эмаслигини жуда яхши билгани ҳолда у бармоғи билан ўрамга – Чху Са услубига яққол тақлид: “Рассомнинг санъати Буюк дарё сувлари кабидир. Хаттотнинг маҳорати ёлғиз қарағай кабидир” битигига ишора қилди.

– Йўғ-э, қўйсангиз-чи, муҳтарам жаноб. Бу бир таниш йигитнинг кўчирган нусхаси, уни Ун Бон деб аташади. Ўйлашимча, битикда дунё ғала-ғовуридан паришонлик ҳисси бордай, шунинг учун олдим.

– Ҳа, шундайми...

Ко Жук хаёли қочган ҳолда ўрамга боқар экан, буюк Чху Са ҳақида ўйларди. Қачонлардир у қалбини забт этганди!

Дафндан кейин Ко Жук яна ўн йилча устозининг етим уйида тарки

дунё қилиб яшади. У устозининг қариб қолган беваси, асраб олган ўғлига ғамхўрлик қилар ва яна сабот билан ишларди. У ўзига аввалроқ “ёшини яшаб бўлган” сифатида кўринган услублар ва дастхатларни ўрганарди.

У яна Хитойнинг қадимий эпиграфикасини ўзлаштиришга киришди. Бронза уч оёқлари ва тош барабанлардаги ёзувлардан, Цин ва Хан, Уч салтанатлик ва Ғарбий Жин матнларидан нусха кўчирарди. У яна Жанубий мактабнинг Чжун Яо, Вэй Вань, Ван Си-жи ва унинг ўғли Ван сян-жи, Жи Юн ва унинг шогирдлари, Шимолий мактабнинг Со Цзин, Цуй Юэ ва Яо Юан-бяодан Оуян Сюн ва Чу Суй-лянгача бўлган хаттотликларини ўрганарди. Шундай қилиб, Ко Жук етук ижодкор даражасига етганида асарларига Сок Там кўп марта тилга олган китобийлик руҳини сингдирарди. Каерлардадир инқилобий бухронлар гулдурадди, фукаролик уруши аланга олаётганди, бироқ ҳеч қандай ғала-ғовурлар Ко Жукни устозининг уйини ташлаб кетишга мажбурлай олмасди.

Бевосита ана шу пайтда Ко Жук хаттотлик сирларини эгаллаб, йўлнинг туб бурилишларида неча бор бўлганидек, ўзида ҳамиша ҳақиқий завқшавқ ҳиссини уйғотадиган Чху Санинг ижодига яна мурожаат қилди. У мархум устози, ўзи бу тўғрисида очиқ гапирмаган бўлса ҳам, амалда буюк ижодкорнинг ҳақиқий, эҳтимол, ягона меросхўри эканлигини тушуна бошлади.

Лекин ҳатто Чху Са ҳам Ко Жук қалбини тўла забт эта олмасди. Устози вафотидан кейин Сок Там уни шогирдликка олишга иккилангани, бутун умр ундан эҳтиёт бўлиб юргани, ўзининг иродасини букканлиги тўғрисидаги аччиқ хотиралари биров юмшаган бўлса ҳам Ко Жукка вақти-вақти билан барибир азоб берарди. Бундан ташқари Ко Жук Чху Санинг қарашларини сўзсиз қабул қила олмади. Ко Жук санъатни нафосат деб тушунар ва унинг фикрича Чху Са ижодида фалсафа жуда кўп эди. Ёзувларнинг муаттар ҳиди ва китобийлик руҳи гўзалликни яратишнинг кўшимча воситалари, ҳатто гўзаллик турларидан бири бўлиши мумкин, аммо улар моҳият жиҳатидан гўзалликнинг унсури бўлишга кодир эмаслар. Айни чоғда Чху Санинг рангтасвирдаги ютуқлари бевосита ижодкор сифатидаги шахсий даҳолигининг оқибатидан бошқа ҳеч нарса эмас. Бундан ташқари Чху Са қарашларининг асосига қурилган Цин янги конфуцийчилиги йиллар ўтиши билан энди ниш ураётган “манбаларга қайтиш” ҳаракати учун росмана фалокат бўлди ва тақлидгўйлар орасида бевосита Цин натура фалсафасининг таъсири ўша пайтдаги Корея санъатининг иккинчи навли Хитой намуналари маъносини тузукроқ англамасдан, улардан нусха кўчирилишига олиб келди. Шунинг учун Чху Са устози Сок Там каби ҳурматга ва таъзим қилишга муносиб инсон бўлса ҳам, Ко Жук санъатда унинг йўлидан бора олмасди.

Бирор соатлардан сўнг Чхо Хон қўли куп-қурук қайтиб келди. У қолган барча дўконларни айланиб чиққан бўлса ҳам Ко Жукнинг ишларини топа олмаганлигини айтди.

Ко Жук Чхо Хоннинг қўлига суяниб, шаҳар кутубхонаси томон йўл олди. Унинг ўша ердаги бир нечта ўрамни қайтариб олиш умиди сўнмаган эди. Аммо бу аянчли тугади. Ко Жук бўш келмайдиган директор билан гаплашаётганда овозини кўтарди ва хушидан кетди.

Ко Жук куннинг иккинчи ярмидагина ўзига келди. У ўз хонасида ётар, атрофида одамлар тўпланганди. Ко Жук секин уларнинг юзларига бирма-

бир кўз югуртирди. Мана Чхо Хон, унинг бети ўликсирга бўлиб қолганди. Ёнида иккита собиқ шогирди, йиғи-сиғи қилаётган Чху Су...

– Отажон, тузукмисиз? – сўради қизи.

Ко Жук жавоб ўрнига бошини кимирлатди.

Чху Су ёнида яна бир таниш башара. Бу Нан Жўн, Ко Жук ўзи адабий тахаллус қўйган биринчи шогирди. Сурбет, шилқим... Ко Жук унга совук, еб қўйгудай қаради.

Нан Жўн унинг қўлида ўн йил – Ко Жук Сок Там уйининг тўрт девори ичида қамалиб олган пайтидан ўзининг шахсий хаттотлик мактабини очгунича ўқиган. Уларнинг ёшлари ўртасидаги фарқ нари борса ўн-ўн икки йилни ташкил этарди. Нан Жўн қирқ ёшга тўлай деганда хаттотликка жиддий ўқишга киришди, у барибир муносиб шогирд эди, Ко Жук унга ҳатто тахаллус ҳам топиб берди. Бироқ бироз вақт ўтиб Нан Жўннинг олға юриши тўхтаб қолди, бир неча йилдан кейин эса у ўзининг хаттотлик мактабини очди. Шогирди у билан тузукроқ хайрлашмасдан ҳам кетиб қолганидан Ко Жукнинг кўнгли ранжиганди, бироқ энг хунуги олдинда экан. Нан Жўн у ҳам гўёки устоз Сок Тамнинг шогирди ва Ко Жук унинг учун атиги каттароқ ёшдаги ҳамкасби эканлиги, гўёки улар ўн йил хаттотлик ва рангтасвирни Сок Тамдан ўрганликлари тўғрисидаги мишмишларни тарқата бошлади. Бундан хабар топиб ғазабланган Ко Жук шу заҳотиёқ Нан Жўннинг мактабига борди.

– Кираверинг, кираверинг хурматли ҳамкасб, – дарров майин кулимсирай бошлади Нан Жўн. Унинг мунофиқлиги, биринчи навбатда, атрофга тўпланган шогирдлари учун мўлжалланган эди. Ва у бунга муваффақ ҳам бўлди. Аввалига Нан Жўн Ко Жукка биргаликда ўқиган йилларини хотирлашни таклиф этди, бироқ бу гувоҳлар олдида унинг шаъни ва кадрқимматини ҳақорат қилганлик учун судга бериш таҳдиди билан тугади. Бу гапларга ўн йил бўлди.

– Отажон, бу жаноб сизнинг ғаров тасвири туширилган иккита рангтасвирингизни олиб келди, – шошилиб тушунтиришга тушди Чху Су Ко Жукнинг Нан Жўнга нафрат билан тикилганлигини пайқагач.

– Сиз, устоз, чизган суратларингизни тўплаётганингиздан хабар топдим... Нима бўлса, ҳаммасини олиб келдим...

Афтидан, у самимий гапираётган эди. Ўзи олтмиш ёшга яқинлашиб қолган ва улар кўришмаганларидан бери ўтган ўн йил ичида Нан Жўннинг юзидаги ажинлари кўпайганди. Ко Жук қовоқларини уйди. Қалб жароҳатлари дарров бита қолмайди.

– Яхши. Борақол, – деди бир неча дақиқадан сўнг Ко Жук зардаси қайнаганини аранг босиб.

– Ҳозир суратни қўяман-да кетаман, – Нан Жўннинг афти қорайиб кетди, бироқ у итоаткорлик билан хонани тарк этди.

Ўртага оғир сукунат чўмди. Уни биринчи бўлиб Чху Су бузди.

– Чэ Сик кўнғироқ қилди.

– Қачон келаркан?

– Эҳтимол, кечкурун. Юн Сикка кўнғироқ қилайми?

– Қилақол, – оҳиста жавоб худди хўрсинишдек эшитилди.

Чэ Сик қонуний хотинидан бўлган катта ўғли эди. Хотини ўғил ва қиз кўрганди, лекин қизи уруш пайтида вафот этганди. Юн Сик Ко Жукнинг сўнги жазманидан бўлган ўғли эди. Че Сик қирқ ёшдан ошган, Пусанда

ўз бизнеси бор эди. Кичик ўғли Юн Сик энди йигирма ёшга кирган, пойтахт университетларидан бирида ўқирди.

Ко Жук меҳрибон ота эмасди, аммо ҳар гал ўғиллари ҳақида ўйлаганида кенжаси хусусида ташвишланарди. Юн Сик ўн уч ёшга тўлмасидан онасидан ажралган, уни Чху Су тарбияларди. Бугун эса бевосита Чэ Сик тўғрисидаги фикр юрагини зирқиратди. Кўзининг олдида ҳамиша шошиладиган, тинкаси куриб ишлайдиган ўрта яшар эркак эмас, йўқ, балки биринчи марта дайди, деярли қашшоқ отаси билан юз кўришган ўн олти ёшли ўспириннинг чехраси гавдаланди. Ва хотинининг бир неча ўн йил эздан чиқарган юзи тушда эмас, ўнгдагидек намоён бўлди.

Ко Жук устози Ун Гокнинг ҳомийлигида йигирма икки ёшида уйланди. Рафикаси кёнжулик Чхве уруғидан, Ун Гокнинг жияни эди. У гўзал эмасди, лекин юмшоқ кўнгил бўлиб, Ко Жукнинг хотирасида ундан бирор марта аччиқланмаган, сира баҳслашмаган аёл сифатида қолганди. Бирок уларнинг никоҳи Ко Жукнинг ёшлигини ютиб юборган рангтасвир ва хат-тотликка ашаддий эҳтироси туфайли бахтсиз бўлганди. Қисқагина асал ойларидан кейин Ко Жук яна ўз машғулотларига калласи билан шўнғиб кетди ва тонг саҳардан ярим тунгача устозиникида ишлар, уйда ухларди, холос. Ҳатто рўзғорни тебратиш ҳам хотинининг гарданида эди. Ко Жукнинг даромади ахён-ахёнда сотиладиган суратлари ва ўрамларидан тушадиган арзимас пул ҳамда Сок Там баъзан шогирдига берадиган гурчдан иборат эди.

Тўғри, Ко Жук Сок Тамнинг шогирди бўлган пайтида ҳаммаси жойида эди. Яхши-ёмон кунларда бир том остида яшардилар, фарзанд кўраётгандилар...

Ко Жук Сок Тамни тарк этганидан кейин эса бу ҳам барҳам топди. Оиласига индамасдан, ҳатто хайрлашмасдан жўнаб қолган Ко Жук ўн йил давомида хотинини бутунлай ёддан чиқарди. Аммо у ўзини ҳечам айбдор ҳис этмасди. Ко Жук учун хотини ва фарзандлари нобоп пойабзалдек эди, оёғини сикса ҳам чидаши ва кийиб юриши керак эди.

Рафикаси одамлардан суриштириб, бир неча бор Ко Жукни излаб топганди. Лекин у кейинчалик ўзи ҳам англай олмаган совуққонлик билан аёлини олис масофада ушлаб турди. У ёлғизликда, машаққат билан болаларини катта қилаётган хотинига ачиниш эмас, ўзига хос уят, гўё аёли ҳали ҳам унинг турмуш тарзига дахлдор эмасдек ғалати ғазаб ҳиссини туярди. Фақат бир мартагина – хотини уни меҳмонхонада излаб топганида бир неча чақа ва кийиб тўзитилган оёқ кийим берганди. Унинг бу муомаласи кўпроқ юпун ва очларга одатий ачинишга ўхшаб кетарди. Онасини опичиб олган қизининг иситмаси баланд, юзи шишган, хотинининг яланғоч оёғи эскириб кетган пойабзалидан ҳадеб чиқиб кетаётганди. Бу уларнинг сўнги учрашишлари эди.

Ко Жук оилани тарк этганидан кейин беш йилча ўтгач, хотини барига қўл силтаб ота-онасининг уйига қайтиб келди. Худди шу йилда Ко Жук Мэ Хян билан қўшилишган эди. Сўнг хотини акаси яшайдиган Осакага жўнаб кетди ва Кореяга қайтиб қадам босмади. Гап-сўзларга қараганда акаси уни яна унаштирган экан. Бу миш-мишлар тўғрига ўхшайди: ҳар ҳолда, у ота-онасининг уйида қолган фарзандларининг олдига бошқа келмади. Ко Жук Сок Тамникига қайтиб келганидан бир неча йил ўтгач, болаларни ўзи билан олиб кетди. Ўшанда Чэ Сик ўн олти, қизи эса ўн бир ёшда эди.

Ко Жукни виждон азоби қийнамасди. Бироқ у эри ва болаларини ташлаб кетган хотинини ҳам айбламасди. У ҳаёт тўқнаш келтирган бошқа барча аёлларга ҳам ана шундай лоқайд муносабатда бўларди. Унинг кексая бошлаганини сездирмаётган Мэ Хян каби бир нечта кисэнлар тўғрисида гапирмаса ҳам бўларди, ҳатто санъат тўқнаш келтираётган аёллар ҳам ўзида доимий эҳтирос уйғотмаётганди.

“Ҳаётимда чинакамига севган бирор нарсам бўлганми?” – Ко Жук шундай ўй сураётган экан, ҳозир фақат Чхо Хоннинг бир ўзи бут каби тошқотиб ўтирган хонага шалвираб назар ташлади ва яна чексиз ғамандухли хотираларига шўнғиди. Ҳа, санъат бор эди, албатта. Аввал бошдан у оиласи, турмуши ҳақида ўйлашни билмасди. “Мол-мулк”, “жамғарма” каби сўзлар унинг учун бекорчи гап эди, ўзи мансаб ёки шон-шухрат кетидан қувмасди. Бир қараганда унинг ҳаёти сермазмун ва турфа кўриниши мумкин эди, амалда эса ниҳоятда жўн ва қатъий эди. Ўзини чулғаб олаётган жуда кўп қизиқишлар орасида у умум қабул қилган меъёрлар ва тор фикрли танқидларга парво қилмасдан биттасига, энг кучлисига содиқ бўлди – бу ҳаётий йўлини узил-кесил ва батамом белгилаб берди.

“Пировард натижада бу менга нима берди? – заҳархандалик билан ўзини-ўзи сўроққа тутарди Ко Жук. – Нима бериши мумкин эди?”

Ко Жук қандайдир ғалати югур-югурдан уйғониб, яна кўзини очганида қош қорайганди.

– Ҳозир биров оғритаман, – деди кимдир адёлни сураётган экан.

Бу доктор Чон эди. Игна худди аёз шамоли эсгандек танани увуштириб, терига санчилди. Хонадаги одамлар кўпайди. Ко Жук бу нимани англатишини дархол тушунди.

– Дада, бу мен Чэ Сикман.

Ўғли кўзи жикқа ёш ҳолда Ко Жукнинг кўлини ушлади.

Ко Жук Чэ Сикни уйига олиб келганида ўн олти ёшда эди, бироқ улар бир-бирларига бегоналардек бўлиб қолишаверди. Ко Жук йигитча биринчи бор уйдан қандай кетиб қолганлигини ёдга олди. Бу Ко Жук ўғли ҳеч бўлмаса ёзишни ўрганиб олишини хоҳлаб, унга мўйқалам ва қора сиёҳдон сотиб олган куннинг эртасига рўй берганди. Чил-чил қилиб синдирилган сиёҳдон, тилка-пора қилинган мўйқалам... Палид ўғил эса ном-нишонсиз ғойиб бўлганди. Йигитчани армияга олишмагунча Ко Жук ҳаловатини йўқотди. Ўғли баъзан уйдан отасининг сурати ёки имзо қўйилмаган ва муҳр босилмаган ўрамини, айрим пайтда пулини ҳам ўмариб кетарди. Бироқ ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, қуйилиб қолди, ўз бизнесини йўлга қўйгач эса қорасини кўрсатмай қўйди. Фақат икки йилча муқаддам отасини йўқлай бошлади.

– Юн Сик ҳам келди, – Чху Су хўрсинаётган Юн Сикнинг кўлини олиб, Ко Жукнинг бошқа кифтига қўйди. Чху Сунинг кўзлари йиғидан шишиб кетган эди.

“Ҳа, оталарингиз бир чақага қиммат, – ўйларди Ко Жук, – ахир, ҳаммангиз турли оналардан туғилгансиз. Ҳа, майли, сизларга ҳарқалай баъзи лаш-лушлар қолади, бу бироз бўлса ҳам сизни отангизнинг камчиликлари билан мурасага келтирар”.

Ко Жук меросини тақсимлаб бўлганди. Мевазор Чэ Сикка, мактаб биноси Юн Сикка, уй Чху Сига тегади. Ва у яна, яхшиямки, адабий му-

кофот таъсис этиш режасидан воз кечганлиги ҳақида ўйлади. Умрининг охирида бегоналарга бундай хушомад қилишга не ҳожат?

– Тинчлансангиз-чи, ахир. Одамни сўнгги йўлга бундай кузатишмайди, – қандайдир хотин Ко Жукнинг фарзандлари йиғи-сиғисини тўхтатишга уринарди. У ўғиллардан Ко Жукнинг қўлларини тортиб олиб, уларни қаттиқ қисди ва сўради:

– Мени танидингизми?

Афтидан, дори таъсир қилишга улгурганди. Ко Жук аранг қовоғини кўтариб, унга боқди. У Ок Кё – хаттот аёл эди. Ўз вақтида бу аёлнинг Кон Жук билан дон олишишлари тўғрисида гап-сўз юрарди. Ҳозир унинг яқин атрофда ўз хаттотлик мактаби бор эди. Таниди, албатта, таниди. Аммо Ко Жук тилга кирмасидан уни ҳорғин уйқунинг қора тўлкини қоплади.

Олтин қанотли қуш учаётганди. У улкан қанотларини бир меъёрда силкитиб, мовий денгиз узра учарди. Лекин унда ғазабга миниш ҳам, хусумат ҳам йўқ эди. Бу шунчаки заминдагидан ёрқинроқ ва гўзалроқ дунёга талпинаётган улуғвор парвоз эди. Унинг қойилмақом пешонасида “Истаклар ижроси дури” кўзни қамаштирадиган даражада ярқирарди, у оловга ўхшаш гулнинг қип-қизил япроқлари исини ҳидлар ва бу япроқлар денгиз устида ажойиб булутлардек ёйилганди. Қушнинг кенг орқасида эса Ко Жук ўтирарди. У сирғалиб тушиб кетмаслик учун бутун кучи билан қуш патларига ёпишарди. Қуш юқорига отилди; Ко Жукни тўнтармоқчи бўлгандек, шамол ёпирилди ва у олтин патни ушлаганича осилиб қолди. Қўллари бўшашаётганди. У бақирмоқчи бўлди ва ўйғонди.

Девордаги соат тонгги тўртга бонг урди. У анчайин узоқ ухлаганди. Дорининг таъсири тугаганга ўхшайди: даҳшатли оғриқ танасини зирқиратаётганди. Аммо, қанчалик ажабланарли бўлмасин, онги тиниқ эди.

Хонада фақат деворга суянган ўғиллари ва китоб сандиғининг устида ўтирган Чхо Хон қолганди. Ко Жук оҳистагина тўшагига ўтириб олмоқчи бўлди. Осонгина уддасидан чиққани ўзини ҳам хайрон қолдирди. Белдаги оғриқ сусайди. Ва шу онда ёдига тушди.

– Сан Чхол! – Ко Жук шогирдини ҳақиқий оти билан чақирди. Чхо Хон сергак ухлаётганди.

– Устоз, нима керак? – дарров жавоб берди у.

– Барча суратлар ва ўрамларни олиб кел.

– Нима учун?

– Айтганимни қил. Ҳаммасини олиб келиб, бу ёққа қўй.

Чхо Хон тез қайтди. Асарлар икки юзтадан кўпроқ экан, улар хонанинг бутун бурчагини тўлдирди.

– Ота, нима қилмоқчисиз? – қизиқди Чэ Сик уйқусираб кўзларини уқалар экан.

Ко Жук жавоб бермади, фақат Чхо Хонга ишора қилди:

– Хонани ёруғроқ қилиш керак.

– Ҳозир торшерни олиб келаман.

Чхо Хон устозининг хоҳишини муҳокама қилмасдан бажаришга одатланганди. Бироз вақтдан сўнг у торшерни кўтариб келди. Хона жуда ёришиб кетди.

– Энди ўрамларни бирма-бир оч ва менга кўрсат.

Чхо Хон аввалдагидек сукут сақлаган ҳолда ишга киришди. Биринчи ўрам Ко Жук томонидан эллигинчи йилларда Юй Ши-нань услубида битилганди.

– Юй услубида битдим, аммо ундан беш ҳикмат ибратини олишга муваффақ бўлмадим. Чап томонга олиб қўй.

Кейин орхидеяли ўрам турганди.

– Ўша пайтда Жен Си-сяо йўлидан четга чиқиб бўлгандим, бироқ аксинча, Тэвогуннинг таъсиридан кутула олмадим. Натижа униси ҳам эмас, буниси ҳам. Чапга олиб қўй.

Ко Жук ўрам кетидан ўрамларга шу қўйи ҳукм чиқарарди. Хукмлар, гўё ашаддий душманига нисбатан чиқарилаётгандек, шафқатсиз ва илтифотсиз эди.

Ко Жук ўзганинг дастхати намуна бўлган белгилардан нусха кўчиришдаги ва уйғунликдаги ноаниқликларни қайд этарди. Ўзи ижод қилганларида эса шахсан бемаънилиги ва нўноклигини айбларди. Шунинг учун ўрамлар чап томондан жой олаётганди. Суратлар билан ҳам худди шундай бўлди. Қадимий қодаларнинг бераҳмлигига ўзининг совуқ муносабати қўшилди – Ко Жукка ҳеч нарса ёқмаётганди.

Ко Жук ўз ишларини салкам тушгача кўздан ўтказди. Бунга қандай қувват топди?! Эрталаб ташриф буюрувчилар турнақатор бўлишди, бироқ ҳеч ким устознинг дарғазаб шиддатини тўхтатишга журъат эта олмади. Ко Жук эса ҳеч нарсани пайқамаётганди.

Ҳаммаси охирига етганида ўнг тарафда фақат биттагина ўрам ётарди.

– Яна борми? – сўради Ко Жук титроқ овоз билан.

– Йўқ, ҳаммаси шу, – хотиржамлик билан жавоб берди Чхо Хон.

Ко Жукнинг бети қорайиб кетди, боши ҳолсиз кўксига тиралди, танаси шалвираб, секин ёнбошга букила бошлади. Ён-атрофда тўпланиб турганлар бирор даҳшатли нарса содир бўлди деган ўйга боришганди. Аммо шундай дақиқаларда ҳам Ко Жук тиниқ онг ила ўзи билан ўзи гаплашаётганди:

“Сира кўра олмадим. Ҳаётимда ҳеч бўлмаса бир марта кўришни орзу қилгандим, ҳолбуки, ич-ичимдан умидимга, эҳтимол, ета олмаслигимни билардим. Балки шунинг учун сўнгги дақиқагача буни орқага сурдим...”

Ко Жук нимани қидираётганди? Ҳа, тонготарда тушига кирган ўша Олтин қанотли қушни.

Устози Сок Там учун Олтин қанотли қуш қудратли нафосат ва равшан онгнинг анъанавий рамзи ҳисобланарди. Лекин Ко Жук Кху Са фалсафий анъаналарининг сўнгги давомчиси бўлган Сок Тамни тарк этганидан кейин унинг онгида Олтин қанотли қушнинг маъноси ўзгарди. У Ко Жук учун бадий мукамаллик рамзига айланди.

Шунинг учун ҳам Ко Жукнинг Олтин қанотли қуши эстетика денгизида парвоз қилар ва кўкка, мукамал гўзалликка талпинарди. Ко Жук ўлими ҳақида ўйлай бошлаганидан буён ана шу қушни кўришга интизор эди. Зеро, бу изланишларига маъно бахш этар ва ҳамма-ҳаммаси учун мукофот бўларди.

Бироқ у Олтин қанотли қушни кўра олмади.

Ҳозир бўлганлар Ко Жук энди ўзига келмаса керак, деган ўйда эдилар, бироқ беш дақиқа ҳам ўтмасдан чол кўзини очди ва яна Чхо Хонни чақирди.

– Ҳаммасини ол ва ҳовлига олиб чиқ. Айвон ёнидаги гулзорга.

Чхо Хон бу буйрукни қайта сўроқлаб ўтирмаса ҳам, афтидан, бироз таажжубланди.

– Бутун умрим давомида ўзимни ҳам, бошқаларни ҳам алдаб келдим. Ўзим ҳам бирор қимматли нарса қиляпман деб янглишарканман. Олқишу хурмат-эхтиромга лойиқман деб ўйларканман.

– Устоз, нима деяпсиз?

– Кимдир, эхтимол, буларга арзир. Аммо мен эмас. Атиги бир неча дақиқа олдин осмонга парвоз қилаётган Олтин қанотли кушни чин қалбдан, зориқиб кўришни хоҳлаган эдим. Бу умримга маъно беради деб ўйловдим. Лекин ҳозир, ҳатто, бу кушни кўрсам ҳам – нима ўзгарарди?

Чон Хон гангиган кўйи сукут сақларди.

– Энди эса айтганларимни бажар. Бу нарсаларни сақлаб қолсам, фалокат юз бериб, яна авлодларни ҳам алдаган бўламан.

Ва Чхо Хон ўрамларни кучоқлаб, ховлига чикди. Ҳеч ким уни тўхтатиб қолишга уринмади.

– Ёлма! – Ко Жук кимдир Чхо Хон орқасидан эшикни бекитмоқчи бўлганини кўриб, уни тўхтатди. Ва шу заҳотиёқ жон таслим қилаётганининг овозига сира ўхшамайдиган баланд ва тиниқ товуш билан шогирди кетидан бақирди: – Анави жойга тахла. Ҳаммасини ўша ерга!

Гулзор хонадан кўриниб турарди. Чхо Хон ўрамларни сўлий бошлаган гуллар ўртасига қўйиши биланоқ, Ко Жук баланд овоз билан буюрди:

– Ўт кўй!

Ҳамма типирчилаб қолди. Кимдир Ко Жукни аврашга тушди, бошқа бировлар Чхо Хонни тўхтатиш учун чопиб кетди. Аммо бари беҳуда эди. Ко Жук ҳеч кимга эътибор бермасдан момақалдиروق овози билан бақирди:


– Кимга айтяпман, ўт кўй!

Бирдан Чхо Хоннинг афти ғазабдан буришиб кетди: бир неча лаҳза у Ко Жукка синчиклаб қараб турди, ўзига халакит бермоқчи бўлганларни кўполлик билан итариб ташлади ва ўт кўйди. Кейинчалик баъзан у Ко Жукни “сохта устоз” деб аташида қалбининг тубида, балки Сок Там ўқитган анъанага хурмат ва ўзни муросасиз инкор этиш сабаб бўлгандир. Кўз очиб-юмгунча олов ўрамларни ўз қаърига олди. Кимдир қичкириб юборди, кимдир йиғлашга тушди.

Айримлар учун Ко Жукнинг барча ажойиб санъати, бутун ҳаётининг мевалари ёниб кетди. Бошқалар учун ёрқин аланга даҳшатли ҳақиқатни ёритди. Яна баъзи бировлар учун Ко Жук умрининг ўзи кул бўлди. Яна бир тоифа одамларга, тўғри, улар кам сонли эди, бир қоп пул ёнаётганди. Деярли ярим аср ҳақли равишда шон-шуҳратга бурканган, асарларини бошқалар қатори икки президент харид қилган, ҳамма томонидан эътироф этилган моҳир рассом ва устоз, бир сафар Умумкорёя кўрғазмаси ҳайъатига бошчилик қилишдек фахрли таклифни назарига илмаган Ко Жук ёнарди, санокли дақиқаларда кулга айланаётганди... ва у томонидан яратилган, аслини олганда каравотда ётган қартайган бемор танасидан анча муҳим ҳамма нарса чиқиндидек тўпланиб, ўт кўйилган ва уларни олов ямлаётганди.

Ва шу онда Ко Жук кўрди. Аланганинг қоқ ўртасида бир лаҳзагина у кўкка отилган улкан кушни пайқади, тилла тусда ярқираётган қанотларни ва қудратли парвозни кўра олди.

Ко Жук ўша кун кеч соат саккизга яқин, етмиш икки ёшида вафот этди.



“АРИРАН” – КОРЕЙСЧА ҚЎШИҚ

ёхуд кинорежиссёр Ким Ки-Дук иқрори

2011 йил Канн халқаро кинофестивалида бадий фильмлари билан жаҳонга машҳур бўлган корейлик кинорежиссёр Ким Ки-Дук “Ариран” ҳужжатли фильми учун бош соврин – “Ўзгача нигоҳ” номинацияси билан тақдирланди.

Ўзбек киномухлисларига “Баҳор, ёз, куз, қиш ва яна баҳор” фильми орқали яхши таниш бўлган Ким Ки-Дук 1960 йилнинг 20 декабрида Жанубий Корейнинг Кёнсан вилоятига қаршли Бонва қишлоғида таваллуд топган.

Унинг илк дебют фильми “Тимсоҳ” (1996) деб номланган эди. Кино оламида сценарий муаллифи ва режиссёр сифатида фаолият бошлаган Ким Ки-Дукнинг бирин-кетин яратилган фильмлари унинг моҳир режиссёр бўлиб етишишида маълум бир босқичларни ўтагач, биринчи халқаро муваффақият 2003 йилда “Баҳор, ёз, куз, қиш ва яна баҳор” фильми билан келди.

2004 йилда яратилган “Самарилик қиз” фильми ҳам Берлин халқаро кинофестивалида “Энг яхши режиссёрлик иши учун” номинацияси билан тақдирланди. Худди шу йили яратилган яна бир “Кимсасиз уй” фильми ҳам Венеция кинофестивалида бош совринга эга бўлди.

Шу тариқа 2008 йилгача кетма-кет суратга олинган барча фильмлари Ким Ки-Дукнинг номини жаҳонга танитиб келди. Унинг “Вақт”, “Чиройли қиз”, “Орзу”, “Нафас” каби фильмлари жаҳон кино майдонида алоҳида ҳодиса сифатида юқори баҳоланди.

2009–2011 йилларда Ким Ки-Дукнинг ижоддан узоқлашгани, ижодий турғунликка юз тутгани маълум бўлиб қолди. Режиссёрнинг умуман ижоддан тўхтагани, тарки дунё қилгани тўғрисидаги миш-мишлар Жанубий Корея кинематографиясида чарақлаган куёшнинг эрта ботганидан дарак бергандек эди. Бироқ бирданига 2011 йилда Ким Ки-Дукнинг “Ариран” фильми халқаро кинофестивалларда намойиш этила бошлади. Мазкур ҳужжатли фильм режиссёрнинг нега тарки дунё

истаб кинодан узоқлашгани, нега якка ўзи шаҳар ташқарисида, тоғлар бағрида узоқ муддат яшагани ва умуман рухий тушкунликни бошдан кечириш ва енгиш жараёни ҳақида ҳикоя қилади.

“Ариран”

“Менинг фильмларимда фожиавий унсурлар кўп. Қаҳрамонларим азоб чекади, бахтсизлик билан тўкнашади, ҳалок бўлиши ҳам мумкин. Агарда бирор фильмимда қаҳрамон вафот этиб қолса, бу унинг умуман ёруғ оламини тарк этганини билдирмайди. У шунчаки ўзини қайтадан кашф этади, холос”. Бу фикр Ким Ки-Дукнинг ўзига кўпроқ тегишли, дейиш мумкин. Чунки деярли барча фильмларида асосий ролларни ижро этадиган актёр Ким Ки-Дукнинг экрандаги ҳаракати сценарийнавис ва режиссёр Ким Ки-Дук яратган сюжет чизигида содир бўлади. Бу эса фильмлардаги қаҳрамонларнинг азоби, изтиробларини актёр Ким Ки-Дук бошдан ўтказади деганидир.

Тоғли қишлоқнинг кимсасиз бир чеккасида чайла қуриб замонавий қулайлик ва шинамлиқдан холи бўлган маконда яшаётган инсоннинг нигоҳларида яшаш учун кураш ва бориға қаноат қилиш ҳисси эмас, ўз-ўзидан қониқмаслик ва рухий азобдан қутулиш истаги акс этади. Бу нигоҳлар камераға ўйчан боқади, хотирасида нималарнидир тикламоқчидек узоқ сукут қилади. Жимжитлик ҳукм сураётган масканда инсоннинг ҳаётий эҳтиёжлари учун зарур бўлган ҳаракатигина унинг соғлом эканлигини билдиради.

Тунда сокинликни ниманингдир тиқиллагани бузади: худди эшикни биров чертгандек. Қулба эгаси ўрнидан туриб, ташқарига чоғланади – ҳеч ким йўқ. Бу ҳол уч кун давом этади. Ниҳоят бу товуш Ким Ки-Дукни гапиришға, камера қаршисида ўз-ўзини суд қилишға, ижодий фаолиятини тафтиш қилишға мажбур этади...

Муҳаббат ва қаҳрамонлик мотиви асосида яратилган халқ қўшиғи “Ариран” корейс миллатининг тимсоли сифатида эътироф этилди. Ким Ки-Дук аксарият фильмларида мазкур қўшиқнинг гоҳ оҳангидан, гоҳ афсона сюжетида, гоҳ мазмунидан фойдаланишға ҳаракат қилиб келган. “Ариран” ҳужжатли фильмида эса қўшиқни хиргойи қилади. Худди кўнгилда йиғилиб қолган дардлар маънос қўшиқ оҳангида кўз ёш билан сизиб чиққандек, Ким Ки-Дук ҳам қўшиқни йиғлаб айтади. Қизиги шундаки, унинг қиёфасида, нигоҳларида, титраган товушида биз Ким Ки-Дукни эмас, бутун бир корейс миллатининг қиёфасини кўрамыз. Шунинг учун ҳам фильми режиссёр Ким Ки-Дукнинг иқрорномаси эмас, корейсча дунёқарашнинг акси, дейиш тўғрироқ бўлади.

*Ариран, Ариран, Ариран доवони,
Севгилим, сен ундан кетмоқ истадинг,
Мени ёлғиз қолдиришға қарор қилдинг.
Аммо, билки, ўн чақирим ҳам йўл босолмайсан,
Оёқларинг қақшайди менсиз...
Ариран, Ариран, ишонаман келур ўша кун,
Она юртим бўлади, албатта, эркин...*

Шоҳида ЭШОНБОБОЕВА тайёрлади.

СУНГ КИМ



Сунг Ким – дунё тасвирий санъатида сержило суратлари билан шуҳрат қозонган корейлик мўйқалам устаси. Унинг асарларида корейс рангтасвир санъати анъаналари ва европача услублар уйғунлашиб кетган.


Сунг Ким 1940 йили Сэулда туғилган. Унда расм чизишга бўлган қизиқиш болаликдан уйғонган, мактабдаги тасвирий санъат мусобақаларида фаол қатнашган. Мактабни тамомлаган Сунг Сеулдаги санъат коллежига ўқишга киради. Сўнг ёш рассом Европага саёҳат қилади, 1980 йилда АҚШга кўчиб келади. XXI аср бошига қадар Сунг Ким тўрт юздан зиёд асар яратди, картиналари кўплаб санъат галереяларида намоиш қилинди. Рассом болалар китоблари ва журналларига ишлаган иллюстрациялари билан ҳам шуҳрат қозонган.

Сунг картиналари корейсча эртақларга ўхшайди, баҳраманд бўлган томошабин суратдаги эртақнамо оламга шўнғиб кетганини билмай қолади. Мисол учун, “Маккажўхори даласи”, “Бағор ҳовлиси” картиналарида сеҳрли муҳит, жозиба ва жўшқинлик “ялт” этиб кўзга ташланади, айниқса, маҳорат билан танланган ёрқин ранглар уйғунлиги томошабин эътиборидан четда қолмайди.

Дарвоқе, ҳар қандай мусаввирнинг оламни англаши асарларида акс этганидек, Сунг Кимнинг дунёқараши, гўзалликка муносабатини картиналарида кўрамиз. Шу маънода Сунг асарларида гўзалликни тарғиб қилади, дейиш мумкин. “Денгиз остонаси”, “Қаҳвахона”, “Қанот қоқаётган бургут”, “Қишлоқдаги уй”, “Антикварлар дўкони”, “Қишлоқдаги узумзор” суратлари фикримиз далилидир.

Журналимиз муқовасини безаб турган “Боғ” сурати рассомнинг ноёб асарларидан бири. Картинада боғ манзараси бор гўзаллиги билан намоён бўлади. Азим дарахтлару шиғил гуллаган шохлар, йўлак бўйлаб ястанган сариқ, қизил, кўм-кўк гуллар чиройи кўзни камаштиради. Орқа фондаги мовий кўл, қизил кўприк ва узокда кад кўтариб турган баланд минора ҳам боғнинг манзарасига ўзгача ҳусн бериб турибди. Йўлак четида ям-яшил ўтда сариқ соябонли аёл тасвирланган. Аёл ҳам боғнинг фусункор манзарасини завқ билан томоша қиляптики, суратдаги бу узвларнинг бари бир-бирини тўлдиради, бойитади.

Аброр УМАРОВ тайёрлади.



ЖАҲОННИ ЛОЛ ҚИЛДИ ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ

“Тўрўғли” туркумидаги дostonларнинг бирида султон эл руҳиятини синаш учун “Гиркўкни сотаман”, деганида халқ бунга йўл қўймайди. Одамлар сўнгги чақасигача бериб бўлса-да, отни саклаб қолишни истайди. Чинакам алп раҳнамолигида янгитдан туғилиб, кучга кирган улус ўз тулпорининг қадрини билади, эъозлайди. Ҳеч кимдан кам бўлмаган, маънан ва жисмонан баркамол миллатнинг ори ҳам қоядай улуғвор. Ўша халқ Ватан шарафини юксалтирадиган асл қаҳрамонларни севиб ардоқлайди.

Бетакрор достонимиз – “Алпомиш”да эса мухлислик ҳисси:

*Бойчибор деб ўзбек хуррам бўлади,
Кўкдўнан деб жами қалмоқ қаради, –*

дея куйланади.










Бу айтимлар ор-номус талашиб майдонга чиққан ўғлонлар елкасидаги масъулиятнинг тажассуми, ўз вакилини оғасидай яхши кўрадиган ихлосмандлар қалбидаги муҳаббатнинг инъикоси эди, аслида.

Бугунгидай глобаллашган ахборот асрида ҳам дахлдорлик, миллатдошлик туйғуларининг аҳамияти заррача пасаймади, аксинча, янгича шакл ва мазмун билан бойиди.

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган XXXI ёзги олимпиада ўйинлари қарийб 20 кун давомида бутун дунёни ҳаяжонда ушлаб турди. Дунёнинг 200 дан ортиқ давлатидан келган атлет ишқибозлари ўз вакилини қалбан қўллашга, кўмаклашмоққа интилди. Энг қувонарлиси, мамлакатимиз спортчилари кўнглимиздаги умид ва ишонч ҳурмати бизни уялтириб қўйишмади. 13 та соврин – 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза медали бир-биридан мураккаб, мурасасиз курашларда қўлга киритилди.

Бу ютуқлар, аввало, ўзбек спортининг, кенг маънода Ўзбекистон халқининг – юртимиз мухлисларининг ғалабасидир. Энди биз узок

вақт шу шукух, шу завқ билан яшаймиз. Бу кўтаринкилик оиламизда, фаолиятимизда, умуман, ҳаётимизда акс этади! Зотан, вакилларимиз кўксини безаган барча медаллар миллатимизники, бизники! Ахир, мусобақалар давом этаётган бир пайтда ҳақиқий ишқибоз кўнглидаги ҳаяжон аренадаги спортчининг эҳтиросларидан ортиқ бўлса бўлдики, асло кам бўлмади. Айтайлик, чарм қўлқоп устаси Ҳасанбой Дўстматов туйган ғолиблик нашидаси, миллий ғурур сизга бегонами? Финал учрашувида Бектемир Мелиқўзиев қабул қилган зарбалар қалбингизни оғритди-ку, тўғрими? Байроғимиз баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янграганида яна бир чемпион боксчимиз Фазлиддин Ғойибназаровга қўшилиб йиғлаганимиз ҳам рост.

Медальный зачет: Бокс				
Страна				
1  Узбекистан	3	2	2	7
2  Куба	3	0	3	6
3  Франция	2	2	2	6
4  Қазақстан	1	2	2	5
5  Россия	1	1	3	5

Оғир атлетикачимиз Руслан Нуриддинов бу вазн тоифасида ҳали ҳеч ким забт этолмаган оғирлик – 237 килограмлик тошни ўзига бўйсундиргани бошқаларни қанчалик ҳайратга солган бўлса, бизни шунчалик фахрлантирди. Бу Ватанга, миллатга, унинг асл ўғлонларига бўлган муҳаббатнинг тимсоли бўлса не ажаб!

Албатта, спорт фақат ғалабалардан иборат эмас, у тинимсиз меҳнат, машаққатларга тўла сўқмоқ. Узоқ йиллар қилган заҳматингга бериладиган мукофот эса баъзан аламли мағлубият бўлишини ҳам ҳаммага тушунарли. Шу сабаб эркин курашчимиз Ихтиёр Наврўзовдан енгилган мўғилистонлик атлет ва унинг мураббийлари кўрсатган “томоша” ҳеч кимга эриш туюлмади. Ахир, уларнинг вакили ҳам ўз Ватани ва миллати шаъни учун гиламга чиққан, ортларида миллионлаб одамлар кўз тикиб турганларини билар эди-да.



Шундай қилиб, XXXI ёзги олимпиада ўйинлари тарих саҳифаларига битилди. Тўртта олтин, иккита кумуш ҳамда еттита бронза медалига сазовор бўлган Ўзбекистон делегацияси умумжамоа ҳисобида 21-ўринни эгаллади. Умумжамоа ҳисобида ҳамюртларимиз бокс бўйича дунёда биринчи ўринга сазовор бўлди, шу вақтга қадар етакчи саналган Куба, Франция, Буюк Британия спортчиларини ҳам ортда қолдирди. Қўлга киритилган натижалар бўйича ҳамюртларимиз Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи, МДХ давлатлари орасида иккинчи, Осиёда Хитой, Япония ва Жанубий Корея давлатларидан кейин тўртинчи ўринни эгаллашди.

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, Истиқлол йилларида олти бор ёзги олимпиада ўйинларида иштирок этган Ватанимиз вакилларининг жами қўлга киритган медаллари эндиликда 33 тани ташкил этади. Шундан 9 таси олтин, 7 таси кумуш ва 17 таси бронза медалидир.

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, Истиқлол йилларида олти бор ёзги олимпиада ўйинларида иштирок этган Ватанимиз вакилларининг жами қўлга киритган медаллари эндиликда 33 тани ташкил этади. Шундан 9 таси олтин, 7 таси кумуш ва 17 таси бронза медалидир.

Элбек ЭРКИН

УЛАР ҲАМ ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАНЛАР...

1 АВГУСТ

1819–1891 йиллар. ГЕРМАН МЕЛВИЛЛ, америкалик машҳур ёзувчи. Романтизм оқими вакили. Унинг биринчи романи “Чодир” 1845 йил эълон қилинган ва муаллифга катта шухрат келтирган. 1851 йилда чоп этилган “Моби Дик ёхуд оқ кит” туркумида денгиз ҳаётига бағишланган сара асарлари жамланган. “Оқ бушлат”, “Исроил Поттер”, “Редберн: биринчи денгиз сафари”, “Марди” каби роман ва қиссалари мавжуд. Мелвилл асарлари саргузашт йўналишида бўлса-да, у оддий денгизчи мисолида фалсафий, ижтимоий муаммоларга ечим излайди.

3 АВГУСТ

1924 йил. АНАТОЛИЙ АЛЕКСИН, рус ёзувчиси ва драматурги. У асосан болалар ва ўсмирларга мўлжаллаб асарлар ёзган. “Ақлсиз Евдокия”, “Хонаки маслаҳат”, “Эски уйдаги сир” каби қиссалари, “Ёш гвардия”, “Ўнинчи синф болалари”, “Мақтов ва шикоятлар китоби” сингари драматик асарлар шулар жумласидан.

5 АВГУСТ

1850–1893 йиллар. ГИ де МОПАСАН, атоқли француз ёзувчиси. Реализм йўлида ижод қилган. Адибнинг “Ҳаёт”, “Азизим” каби романларида, шунингдек, “Дўндик”, “Портда”, “Мерос”, “Оила даврасида” ва бошқа новелларида ижтимоий ҳаёт манзараси реал, шу билан бирга бадиий таъсирчан акс эттирилган.

1893–1919 йиллар. ВЕРА ХОЛОДНАЯ, атоқли рус актрисаси. Кино оламига “Анна Каренина”даги кичик роли билан кириб келган. “Сароб”, “Жим бўл, қайгу... жим бўл...”, “Сўнгги танго”, “Дунёни гўзаллик бошқарсин” каби фильмларда роллар ижро этган.

9 АВГУСТ

1895–1958 йиллар. МИХАИЛ ЗОШЧЕНКО, таниқли рус сатирик ёзувчиси. Адиб “Тарас Шевченко”, “Ортга қайтган ёшлик”, “Қуёш чиқишидан олдин” каби қисса ва очерклари билан шухрат қозонган. Ҳикоялари Н.Аминов, С.Сиёев ва бошқалар томонидан ўзбек тилига ўғирилган.

1931 йил. ИСАЙ КАЛАШНИКОВ, атоқли бурят адиби. Илк романи – “Сўнгги чекиниш”да она юртида кечган фуқаролар уруши мавзусини қаламга олган. Ёзувчи Чингизхонга бағишланган икки китобдан иборат “Қаттол аср” тарихий романи билан танилган (Журналимизнинг жорий йил сонларида чоп этилмоқда). “Сеҳрли гиёҳ”, “Тергов” каби асарлари ҳам адиб қаламига мансуб.

1963–2012 йиллар. УИТНИ ХЬЮСТОН, машҳур америкалик эстрада хонандаси, актриса ва продюсер. Уитни мусиқа санъатида машҳурликка эриш-

ган илк аёл хонандалардан. Унинг дастлабки “Уитни Хьюстон” ва иккинчи “Уитни” альбомлари рекорд даражасида сотилган. Хонандани 1992 йил (ўзи роль ижро этган ва соундтрекини куйлаган) “Тансоқчи” фильми яна бир карра шуҳрат чўққисига олиб чиққан. Унинг еттита альбоми бўлиб, охиргиси “Сенга қараяпман” 2009 йил сотувга чиқарилган.

17 АВГУСТ

1935 йил. ОЛЕГ ТАБАКОВ, рус актёри ва режиссёри. Фаолиятини Москва Бадиий театрининг ўқув студиясида бошлаган Олег Табаков ҳозирда шу театр раҳбари. У театр саҳнасида турфа характерли роллар устаси сифатида шуҳрат қозонди Ўз театр ўқув-студиясини очган. Шунингдек, актёр “Уруш ва тинчлик”, “Тиниқ осмон”, “Д’Артаньян ва уч мушкетёр”, “Москва кўзёшларга ишонмайди” каби юздан ортик фильмларда турли роллар ижро этган.

19 АВГУСТ

1937–1972 йиллар. АЛЕКСАНДР ВАМПИЛОВ, машҳур рус ёзувчиси ва драматурги. Илк пьесаси “Тўнғич ўғил” 1967 йил саҳна юзини кўрган. Шундан сўнг у “Деразалари ўтлоққа қараган уй”, “Чекка қишлоқ хандалари”, “Метранпаж”, “Йигирма дақиқа фаришта билан”, “Ўрдак ови”, “Чулимскдаги сўнги ёз” каби пьесалари, “Ёзмалар”, “Хат” сингари насрий асарлари билан танилган.

21 АВГУСТ

1929–2008 йиллар. ВИЯ АРТМАНЕ, латиш кино ва театр актрисаси. 1950–2003 йилларда Латвия бадиий академик театрида ижод қилган. Актриса “Пигмалион”да Элиза, “Рамео ва Жульетта”да Жульетта, “Гамлет”да Офелия, “Уруш ва тинчлик”да Элен, “Дон Жуан”да Донна Анна, “Телба”да Настасья Филипповна, “Чайка”да Аркадина, “Беҳуда шов-шув”да Беатриче ролларини ижро этган. “Емильян Пугачёв”, “Ҳеч ким ўлишни хоҳламайди”, “Эдгар ва Кристина” каби фильмларда суратга тушган.

29 АВГУСТ

1958–2009 йиллар. МАЙКЛ ЖЕКсон, машҳур америкалик хонанда, поп мусикаси намояндаси. У ўн беш карра “Грэмми” мукофотини қўлга киритган. Биринчи альбоми 1972 йил сотувга чиқарилган. “Бен”, “Тўхтама”, “Рок сен билан”, “Билли Жейн”, “Юрак урмоқда”, “Айт, айт, айт”, “Дунё, бу – биз” (Африкага бағишланган), “Сени севишдан тўхтаёлмайман”, “Кўзгудаги одам”, “Ирkit Диана”, “Оқ ёки қора”, “Сен ёлғиз эмассан” каби кўшиқлари Майкл Жексоннинг номини дунёгага танитган.

31 АВГУСТ

1912–1962 йиллар. Ҳабиб АБДУЛЛАЕВ, атоқли геолог олим, давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон ФА академиги, геология-минералогия фанлари доктори. 130 дан ортик илмий асар ёзган, тадқиқотлари қатор хорижий тилларга таржима қилинган. Олим Ўрта Осиёда биринчи – “Ўзбекистон геология журнали”ни ташкил қилган ва унинг масъул муҳаррири бўлган.

Гулиона ШОДИЕВА тайёрлади.



●● С 1945 года народ Республики Корея широко отмечает 15 августа как День независимости. В этой связи в очередном номере журнала уделено особое место южнокорейским мастерам пера. В рубрике «Поэтические меридианы» вы сможете ознакомиться с образцами творчества представителя классической корейской поэзии Чона Чхоля, а также стихотворениями таких поэтов, как Хан Ёнун, Ли Санхва, Ким Совол. Статьи, посвященные многогранной литературе и искусству Республики Корея читайте в рубрике «Глобус».

●● Повесть одного из именитых представителей современной южнокорейской литературы Ли Мунёла «Златокрылая птица» представлена в рубрике «Проза». Данное произведение о сути творчества, которую каждый понимает по-своему. Истина не всегда находится на поверхности, видимые представления порой бывают обманчивы. Основная идея повести отражается в следующей фразе одного из героев – наставнике художника и каллиграфа Ко Жука: «Сесть в позу Будды еще не значит стать Буддой, голыми руками не поймает дракона. Лишь после многих попыток будет прок».

●● Стихотворения таких известных татарских поэтов, как Дардманд, Наджиб Думавий, Зариф Баширий, Шейхзаде Бабич украсили рубрику «Поэтические меридианы».

●● Народный писатель Узбекистана Уткур Хашимов, известный как автор бесценных произведений, внес весомый вклад также в область перевода. Благодаря ему обрели звучание на узбекском языке повести О. Берггольц «Дневные звезды», М. Карима «Долгое-долгое детство», рассказы В.Шукшина (сборник «Солнце, старик и девушка», подготовленный совместно с Х. Султановым). Помимо того, Уткур Хашимов мастерски перевел на узбекский язык произведения ряда других представителей мировой литературы, в том числе С.Цвейга, Э.Хемингуэй, К.Симонова, К.Паустовского, Дж.Лондона. В рубрике «Из сокровищницы мастеров перевода» вы сможете ознакомиться с переводческой деятельностью У. Хашимова и прочитаете отрывок из повести Стефана Цвейга «Закат одного сердца».



●●● The people of Republic of Korea widely celebrate the Independence day of their motherland since 1945. So we focus our attention on works of Korean writers and poets in this issue of the magazine. You can read some poems by Korean classic author Jeong Cheol and also works by Hang Yong-un, Lee Sang-hwa, Kim Sowol in “Meridians of Poetry” rubric. Articles about many-sided literature and art of Republic of Korea are presented in “Globe” rubric.

●●● “The Golden Phoenix”, a narrative by well-known modern South Korean writer Yi Mun-yol is published in “Prose” rubric. This work is about essence of creation which is different to each of us. The truth doesn’t always comes to the surface, visible notions are deceptive sometimes. The main idea of the narrative is represented in these words told by one of characters – a painter and calligrapher Ko Juke’s preceptor: “Assuming Buddha’s pose doesn’t mean becoming Buddha, you can’t catch a dragon with bare hands. Only after a lot of attempts you can find a result”.

●●● Poems by such famous Tartar poets as Dardmand, Nadjib Dumaviy, Zarif Bashiriy, Sheyhzade Babic are published in “Meridians of Poetry” rubric.

●●● Uzbek People’s writer Utkir Hashimov, an author of invaluable works, also was a master of literary translation. He translated into Uzbek narratives “Daytime Stars” by O. Berggolts and “Long, Long Childhood” by M. Karim, stories by V. Shukshin (a collection of stories “The Sun, Old Man And A Girl” prepared with Kh. Sultanov). Utkir Hoshimov also translated works of such authors as S. Sveig, E. Hemingway, K. Simonov, K. Paustovski, J. London. In “Treasures of World Literature” rubric you can get acquainted with translation activity of Utkir Hashimov and read a part from ”A Fold of One Heart” narrative by Stevan Sveig.

Жаҳон АДАБИЁТИ

2016 йил август сони

Навбатчи муҳаррир: С.АЛИЖОНОВА
Мусахҳих: Д.АЛИЕВА
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.
Ўзбекистон Мағбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.
“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда
ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: (0371) 244-41-60, 244-41-61, 244-41-62.
Сайт: www.jahonadabiyoti.uz
E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 15.09.2016 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.
Адади 2160 нусха. 4409 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.
“Жаҳон адабиёти” журнали компьютерида териблиб, “Sharq” НМАКда чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© Жаҳон адабиёти, 2016 й.